

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

АСАДУЛЛА МАМАТҚУЛОВ

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Координацион Кенгашнинг 1996 йил 20 декабрь қарори билан университетларнинг юридик факультетлари, юридик институт ва ҳуқуқ асослари ўқитиладиган бошқа олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилади

Тошкент
Адолат
1997

Жаҳондаги жиддий ўзгаришлар республикамиз ҳаётига шиддат билан кириб келмоқда. Давлатлар ўртасидаги халқаро алоқалар, ўзаро манфаатдорлик, тинчлик, инсон ҳуқуқи, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва бутун инсониятни қизиқтирувчи шу каби масалаларни ҳал қилиш учун қулай халқаро ҳуқуқий шароит яратиш мақсадида ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга кiritиши билан халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди. У жаҳон ҳамжамиятида фаол қатнашмоқда, хорижий давлатлар билан халқаро ҳамкорлигимиз мустаҳкамланмоқда. Республикамизнинг шартномавий ва дипломатия тажрибаси кенгаймоқда. Бу масалаларни тўғри тартибга солишда «Халқаро ҳуқуқ» дарслиги муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу қўлланма юридик олий ўқув юртлари учун мўлжалланган халқаро ҳуқуқ бўйича ўқув дастурига мувофиқ ёзилган ўзбек тилидаги биринчи дарслиқдир. Унда халқаро ҳуқуқнинг асосий тушунчалари, ғоялари ва тараққиёти ҳамда ҳозирги замон халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари моҳиятини очиб беришга алоҳида эътибор берилган.

Қўлланма юридик ўқув юртларининг талабалари учун мўлжалланган бўлиб, халқаро аҳвол билан қизиқувчи кенг китобхон оммаси ҳам фойдаланиши мумкин.

Масъул муҳаррир: **Ҳ. Б. БОБОЕВ**, юридик фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар: **А. Т. ТУЛАГАНОВ**, юридик фанлари доктори, профессор.

А. С. ТУРСУНОВ, юридик фанлари номзоди, доцент.

Р. К. ҚАЮМОВ, юридик фанлари номзоди, доцент.

М $\frac{1207000000-018}{(04) - 97}$

ЭЪЛОНСИЗ 97

© «Адолат», 1997.

К И Р И Ш

Ҳар бир давлатнинг ўз ҳуқуқий тизими мавжуд бўлиб, миллий ҳуқуқ нормалари давлатларнинг органлари томонидан яратилади ва ўз аҳолиси учун мажбурий характерга эга бўлади. Миллий ҳуқуқ тизими давлатлар каби жуда кўп ва хилма-хилдир. Уларнинг ўзгача характери энг аввало давлатларнинг тарихий, иқтисодий, миллий, маданий ривожланиши, жўғрофий ҳолатлари ва хусусиятлари билан белгиланади. Аммо, барча миллий ҳуқуқий тизим учун умумийлик шундан иборатки, улар томонидан бошқариладиган ижтимоий муносабатлар бир давлат чегарасидан бошқариладиган ижтимоий муносабатлар бир давлат чегарасидан ташқарига чиқмайди. Бу эса, давлатларнинг ички ҳуқуқи ёки давлат ички ҳуқуқи дейилади. Унинг ҳуқуқий нормалари томонидан қайси ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинишига қараб конституциявий (давлат), маъмурий, фуқаролик, жиноий ва бошқа турли ҳуқуқий тармоқларга бўлинади. Бу тармоқларнинг ҳуқуқий нормалари давлатларнинг Конституциялари (Асосий қонунлари)да, кодексларида, бошқа қонунчилик актларида мужассамланган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов айтганидек: «Дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан мамлакатда мутелик ҳолатида яшаган халқлар қарамлик кишанларидан халос бўлдилар. Уларнинг ҳар бири ўз имконияти, ўз ақл заковати даражасида миллий давлатларни барпо этишга киришди»¹. Ҳозирги пайтда дунёдаги барча давлатлар қаерда жойлашишидан қатъи назар бир-бири билан бир қанча шартномалар, битимлар, мажбуриятлар, дипломатик, савдо, консуллик ва бошқа халқаро муносабатларга киришганлар.

Реакцион давлатлар мустамлака сиёсатининг инқирози натижасида ва халқаро ҳаётга янги давлатларнинг ва халқларнинг кириши сабабли халқаро муносабатлар том маънода бутун дунё муносабатига айланиб кетди.

Эндиликда халқаро муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида турига айланди. Бу дунё арена-сида ҳаракат қилаётган асосий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий кучлар ўртасидаги, шунингдек, давлатлар ёки

¹ И. А. Қаримов, Биздан озод ва обод Ватан қолсин, (2-жилд). Т., «Ўзбекистон», 1996, 294-бет.

бир қанча давлатлар уюшмаси ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ҳуқуқий, дипломатик, ҳарбий алоқалар тизимидан иборатдир. Халқаро муносабатларнинг ядроси давлатлар ўртасидаги муносабатлар бўлиб ҳисобланади. Бу муносабатлар тартибсиз, режасиз бўлмай, балки давлат ички муносабатлари каби ҳуқуқий нормалар асосида тартибга солинади.

Фақат бу нормалар ўзига хос хусусиятларга эга. Бу нормалар бир давлат томонидан эмас, кўпчилик давлатлар томонидан тузилади ва қонда бўйича бир давлат ичида эмас, давлатлараро муносабатда ҳаракат қилади. Шундай қилиб, давлатлар ўртасидаги муносабатни тартибга соладиган ҳуқуқ нормалари халқаро ҳуқуқни ташкил қилади.

Халқаро ҳуқуқ бирон-бир давлатнинг миллий ҳуқуқий тармоғи эмас. У мустақил ҳуқуқий нормалар тизимидан ташкил топиб, иқтисодий ва ижтимоий тузилиш турлича бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Барча давлатлар, уларнинг катта-кичиклигидан, жўғрофий жойлашишидан, иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъи назар, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчилари, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи нуқтаи назаридан барча давлатлар тенг ҳуқуқлидир.

Халқаро ҳуқуқ — мураккаб ижтимоий воқеадир. У ўзига халқаро муносабатларнинг турли томонларини тартибга соладиган жуда кўп ҳуқуқий нормаларни киритган ва улар халқаро ҳуқуқнинг алоҳида тармоқлари бўйича гуруҳларга бўлинади. Масалан: дипломатик ва консуллик ҳуқуқи халқаро денгиз, ҳаво, космик ҳуқуқлари ва ҳоказолар.

Алоҳида давлатларнинг миллий ҳуқуқи тизимида мавжуд бўлган ҳуқуқ нормалари кодекси халқаро ҳуқуқда йўқ. Бу эса халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш ва ўрганишни янада мушкуллаштиради. Илгари халқаро ҳуқуқ кодексини тузишга ҳаракат қилинган эди, лекин бу иш муваффақиятли тугалланмади.

Шунга қарамай халқаро ҳуқуқ нормаларини кодификациялаш жараёни амалга оширилмоқда. Бу борада, энг аввало, БМТ халқаро ҳуқуқ Комиссияси ва бошқа халқаро ташкилотлар шуғулланмоқда. Ривожланган давлатлар халқаро ҳуқуқни кодификациялаш ва унинг прогрессив тараққиётига улкан ҳисса қўшяпти. Қа-

рийиб эллик йил мобайнида халқаро ҳуқуқ Комиссияси ҳозирги замон халқаро ҳуқуқнинг дипломатик, консуллик, шартнома, денгиз ҳуқуқи, шунингдек, мерос ҳуқуқи, давлатларнинг жавобгарлиги сингари тармоқларини кодификациялади. Шу мақсадда Комиссия томонидан ишлаб чиқилган ва давлатлар томонидан қабул қилинган дипломатия ҳуқуқи бўйича 1961 йилги Вена Конвенцияси, 1963 йилги Консуллик ҳуқуқи бўйича Вена Конвенцияси, 1969 йилги халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция, 1978 йилги давлатларнинг мерос ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция, 1982 йилги денгиз ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция ва бошқалар мавжуддир.

Халқаро ҳуқуқни қўллаш доираси йилдан-йилга кенгаймоқда. Атом энергиясининг кашф этилиши, ўта кучли музёран кемаларнинг, товушдан тез учадиган ҳаво кемаларининг пайдо бўлиши, ер сунъий йўлдошининг, космик кемалар ва орбитал станцияларнинг парвози ва бошқа фан-техника тараққиёти натижасида халқаро ҳуқуқ олдида янгидан-янги муаммоли масалалар пайдо бўлди. Бу улкан ютуқлар беҳисоб бойликлар яшириниб ётган денгиз туби ва унинг бағри, қутбдаги жойлари, шунингдек Дунё океанини ўзлаштириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳуқуқий режим ўрнатиш заруратини белгилайди. Инсоннинг космик фазога парвози мутлақо янги муаммо, яъни халқаро космик ҳуқуқнинг пайдо бўлишига асос бўлди.

Халқаро ташкилотлар ҳозирги халқаро муносабатларда муҳим роль ўйнамоқда. Бундай ташкилотлар орасида дунёдаги деярли барча давлатлар аъзо бўлган, бутун дунё универсал ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муҳим ўринни эгаллайди. Унга 185 давлат аъзо. Ташкилотнинг юридик негизи — БМТ Устави ҳозирги замон халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос кодекси деб асосли равишда эътироф қилинган.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг ичида агрессия, апартеид, геноцид ва халқаро жиноятчиликка қарши кураш, қуролсизланиш, оммавий қирғин қуролларни ва бошқа ядровий қуролларни тақиқлаш давлатлар ҳамкорлигини тартибга соладиган нормалар алоҳида ўрин тутади.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ тараққиётига ва унинг нормаларини ишлаб чиқилишига ўзбек ҳуқуқшунос олимларидан А. А. Аъзамхўжаев, Қ. Ҳақназаров, Ш. З. Ўрозаев, М. Ҳ. Ҳакимов, О. Э. Эшонов, Ҳ. Б. Бобоев, А. Х. Саидов, Р. А. Тузмухамедов, А. Қосимов,

А. С. Турсунов, К. Рашидов, Р. Ҳакимов, ва бошқалар муҳим ҳисса қўшдилар ва қўшмоқдалар.

Ушбу дарслик биринчи маротаба ўзбек тилида чоп этилаётганлиги сабабли муаллиф камчилик ва нуқсонларга оид фикр-мулоҳаза билдирган барча ўқувчиларга ўз миннатдорчилигини изҳор қилади. Билдирилган фикр-мулоҳазалар келажакда дарсликнинг янада мукамал чиқишига ёрдам беради.

УМУМИЙ ҚИСМ

I БОБ

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

1. Халқаро ҳуқуқ — мустақил ҳуқуқлар тизими

Халқаро ҳуқуқ ғоят кенг ва турли тармоқларни ўз ичига олувчи алоҳида ҳуқуқлар тизимидир. Шу билан бирга фақат нормалар йиғиндиси бўлибгина қолмай, уларнинг тизими ҳамдир. Зеро, бу нормалар бир-бири билан ўзаро узвий алоқададир. Халқаро ҳуқуқнинг ҳар бир нормаси, мазмуни унинг бутун тизими сифатида қараб чиқилмоғи керак. Барча миллий ҳуқуқий тизимларга хос бўлган ҳуқуқнинг асосий, хусусиятлари халқаро ҳуқуққа ҳам хосдир. У давлат идора характериға эга бўлиб, муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар тизимидан иборат. Бу нормаларға риоя қилиш зарур ҳолатларда давлат мажбурияти орқали таъминланади.

Шу билан бирга халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуққа нисбатан ўзига хос хусусиятларға ҳам эга. Улар халқаро ҳуқуқ ҳаракатида бўлган халқаро системанинг ўзига хос чегаралари билан белгиланади. Бу чегаралар айни пайтда турли ижтимоий системаларға мансуб суверен давлатларнинг мавжудлиги, ўз субъекти учун мажбур бўлган ҳуқуқ нормаларини қабул қилишға қадар қонун чиқарувчи органларнинг йўқлиги, давлатларда мавжуд ижро ва судлов органларининг мавжуд эмаслиги билан белгиланади.

Демак, халқаро ҳуқуқ ички давлат ҳуқуқларидан субъектиға, бошқариш предметига, нормаларни шакллантириш ва бу нормаларға риоя қилинишни таъминловчи давлат мажбурий органларининг фаолиятини зарур шароитларда амалға ошириш воситаларига кўра фарк қилади.

Ички давлат ҳуқуқи субъектлари жисмоний, юридик шахслар ва давлат органларидан иборат. Халқаро ҳуқуқ субъектлари эса асосан устидан ҳеч қандай ҳукмронлик бўлмаган суверен давлатдан, ўз давлатлари (давлатларнинг шаклланиш босқичини барпо этиш учун курашаётган миллатлар ва халқаро, давлатлараро ташкилотлар, айрим давлатсифат уюшмалар (эркин шаҳарлар, ватика ва бошқалар)дан иборат.

Халқаро ҳуқуқ ички давлат ҳуқуқининг бошқариш предметидан фарқли ўлароқ, ўз ҳаракат предметига эга. Бу кенг маънодаги давлатлараро муносабатлар, яъни халқаро ҳуқуқ тизимининг барча субъектлари ўртасидаги муносабатлардир.

Халқаро ҳуқуқ аксарият ҳолатларда давлат ичида юзага келувчи муносабатларга бу давлатнинг миллий ҳуқуқлари орқали муайян таъсир кўрсатса-да, бу муносабатларни бошқармайди. Ҳозирги пайтда ички давлат ҳуқуқининг ҳар бир тармоғида шу давлатнинг халқаро шартномалари нормаларини ифодаловчи меъёрлар мавжуд. Бироқ давлатда ички муносабатлар унинг ички ҳуқуқи билан бошқарилади. Агар халқаро ҳуқуқ нормалари давлатнинг ички дахлига таъсир ўтказадиган бўлса, бу шу давлатнинг ҳуқуқи мана шундай таъсирини кўзда тутишдан келиб чиқади.

Миллий ҳуқуқ нормалари давлатларнинг органлари томонидан яратилади. Халқаро тизим ҳокимиятнинг йўқлиги, суверен давлатлар устидан турувчи ҳокимиятнинг йўқлиги туфайли халқаро ҳуқуқ нормалари унинг ўз субъектлари, энг аввало, барча давлатлар ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан биргаликдаги иродасининг ҳосиласи бўлган битимлар орқали яратилади. Ички давлат ҳуқуқи сингари халқаро ҳуқуқ ҳам халқаро ҳуқуқий нормаларга рноя қилишни, таъминлаш учун давлат томонидан мажбур қилиш усулининг қўлланишини кўзда тутати. Бироқ бундай мажбурлов ҳуқуқ субъектларининг ўзлари давлатлар томонидан яқка тартибда ёки биргаликда, давлатлар ўртасидаги битимлар асосида ҳаракат қилувчи халқаро ташкилотлар, шунингдек, ўз мустақиллиги учун курашаётган халқлар томонидан амалга оширилади. Умумий халқаро ҳуқуқ нормалари, яъни барча давлатлар учун ҳаммиша ўзига хос характердаги нормалар эса кўпгина ҳолатларда турли давлатларнинг миллий ҳуқуқ нормаларининг синфий характеридан фарқ қилади.

2. Халқаро ҳуқуқнинг тарихий турлари

Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формацияда халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос тарихий турлари ишлаб чиқилади. Шунинг учун ибтидоий жамият халқаро ҳуқуқи ўрта аср жамияти халқаро ҳуқуқида, бу эса ҳозирги замон халқаро ҳуқуқидан фарқ қилади. Халқаро ҳуқуқнинг

ривожланиши умуман жамият ривожига мос равишда кўтарилиш йўлидан борди. Бироқ бу ерда ҳам орқага қўйилган қадамлар бўлади. Халқаро ҳуқуқ энг аввало, ўз тарихий турларнинг инқилобий йўл билан алмаши-ниши орқали ривожланади. Зеро, ҳар бир кейинги бос-қич ўз ўтмишдошидан прогрессивроқ эди. Бу ривожла-ниш, шунингдек, ҳар бир ижтимоий-сиёсий формация доирасида ҳам давом этади.

Типиклаштириш нуқтаи назаридан қараганда ҳозир-ги замон халқаро ҳуқуқ тўғрисидаги масала энг мурак-каб масаладир. Ривожланган давлатлар ва БМТнинг ти-нимсиз ҳаракати ва янги мустақил давлатлар, бутун прогрессив кучларнинг халқаро ҳуқуқни демократлаш-тириш учун кураши натижасида унда туб ўзгаришлар юз беради. Шунинг учун уни халқаро ҳуқуқнинг янги тарихий тури деб ҳисоблашга ҳамма асослар бор.

3. Халқаро ҳуқуқ соҳалари. Халқаро оммавий ва халқаро хусусий ҳуқуқ

Ўзбек тилида ва қатор бошқа тилларда «Халқаро ҳуқуқ» тушунчаси халқаро оммавий ҳуқуқни билдира-дики, ундан халқаро хусусий ҳуқуқни фарқлаб олмоқ лозим. Халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳу-қуқнинг узвий алоқаси ҳеч ким томонидан рад этил-майди.

Бир қатор таниқли муаллифларнинг таъкидлашича, халқаро хусусий ҳуқуқлар халқаро ҳуқуқнинг бир қис-ми бўлиб, халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқлардан таркиб топади (мисол учун С. Б. Крилов—РФ, М. Геновски — Болгария, Моренс Кинтана — Арген-тина).

Ниҳоят, айрим муаллифларнинг таъкидлашича, хал-қаро хусусий ҳуқуқ қисман халқаро оммавий ҳуқуқ ва қисман миллий ҳуқуқий тизимлар нормаларини ўз ичи-га олади (Хосе де Йангуас Мессия — Испания ва бош-қалар).

Шу нарса маълумки, ҳақиқатдан ҳам халқаро хусу-сий ҳуқуқ қисман турли давлатларнинг миллий ҳуқуқ тизимларига, қисман халқаро оммавий ҳуқуқ халқаро шартномаларга тааллуқли ҳуқуқий нормалар йиғинди-сидан иборат. Халқаро хусусий ҳуқуқ бир давлат ҳуқу-қий тизими доирасидан чиқувчи хилма-хил миллий ҳу-қуқий тизимлар субъектлари ўртасидаги муносабатлар-

ни бошқариш предметига эга бўлса ҳам, унинг ўзи алоҳида ҳуқуқ тармоғи эмас.

Бу деган сўз халқаро хусусий ҳуқуқ фанининг халқаро оммавий ҳуқуқ фани билан алоқаси бундан буён ҳам чуқурлашиб боради. Бинобарин, халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича мутахассис халқаро оммавий ҳуқуқ асослари билан ва аксинча, халқаро оммавий ҳуқуқ бўйича мутахассис халқаро хусусий ҳуқуқ асослари билан табиқ бўлмоғи гоят муҳимдир.

II БОБ

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ТАРИХИ ВА УНИНГ ФАНИ

Халқаро ҳуқуқ тарихи давлат ва ҳуқуқ умумий тарихининг ажралмас қисми бўлиб, давлатнинг дастлаб вужудга келиши билан бошланган. Кўпгина тарихий ёдгорликлар энг қадим замонларда ҳам халқаро ҳуқуқ мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Давлат ва ҳуқуқ умумий тарихини халқаро ҳуқуқ тарихига қарама-қарши қўйиш ва уни қандайдир даврийлаштириш тўғрисида гапириш методологик жиҳатдан нотўғри бўлур эди. Халқаро ҳуқуқнинг собиқ марксча-ленинча фани халқаро ҳуқуқни даврийлаштириш асосига ижтимоий-иқтисодий боғиқчиларни қўйиб, бунда: қулдорлик даврининг халқаро ҳуқуқи, феодал жамиятнинг халқаро ҳуқуқи, буржуа даврининг халқаро ҳуқуқи ва капиталистик ижтимоий-иқтисодий формациядан коммунистик формацияга ўтиш даврининг халқаро ҳуқуқи тарихий турларини фарқлайди.

Бундай даврийлаштиришни ривожланган давлатлар халқаро ҳуқуқшунослари тан олмайдилар. Улар давлат ва ҳуқуқнинг синфий хусусиятини рад этиб, аста-секин юз берадиган эволюциянинггина тан олади.

Умуман халқаро ҳуқуқ тарихини ёритаётиб, шунинг қайд этиш керакки, халқаро ҳуқуқнинг бир тури иккинчи тур билан алмашиб туриши, айниқса, эски халқаро ҳуқуқнинг янги, замонавий ҳуқуқ билан алмашиши прогрессив характерга эгадир.

Қадимги тарих, энг қадимги давр тарихи — ибтидоий ва қадимги жамият ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукм сурган даврдир. У пайтларда ҳали ягона халқаро ҳуқуқ тизими шаклланмаган эди.

Умумий, универсал тус олмасидан илгарин халқаро ҳуқуқ жаҳоннинг турли минтақаларида ривожланди.

Минтақалашуви қадимги жамиятда вужудга келиб, у то Рим империяси яксон бўлгунча (эрамизнинг V асри охирлари) халқаро ҳуқуқ учун алоҳида хусусиятга эга эди. Халқаро ҳуқуқ ривожланган асосий минтақалар икки дарё оралиғи ва Миср, Ҳиндистон, Хитой, қадимги Юнонистон ҳамда қадимги Рим бўлган. Уларнинг ҳар бирида ўзига хос хусусиятдаги халқаро ҳуқуқий муассасалар ривожланганди. Албатта, халқаро ҳуқуқнинг умумий хусусиятлари, биринчи навбатда, уларнинг оддийлик характериға эга эканлиги ҳуқуқий нормаларға хос хусусият эди. Буни миср фиравни Рамзес II хеттлар шоҳи Хаттушил III билан эрамиздан олдинги 1278 йилда тузилган халқаро шартнома мисолида яққол кўриш мумкин. Бу шартнома исёнларни бостириш, қочқинларни тутиб эгаларига қайтариш ва шунга ўхшаш қойдаларни кўзда тутган эди.

Қадимги жамият халқаро марказларининг бир-бирларидан анча олисда бўлганлигига қарамай, элчилик ҳуқуқи, уруш қонунлари ва одатлари ҳамда халқаро шартномалар сингари халқаро ҳуқуқ институтларидаги қизиқ ўхшашликларға эътибор бермаслик мумкин эмас.

Ҳозирги халқаро ҳуқуқ тармоқларининг бир қисми, энг аввало, халқаро шартномалар жуда қадим замонларда вужудга келган. Эрамиздан аввалги XXIII асрда Аккад шоҳи Нарамсин билан Эламнинг майда ҳукмдорлари ўртасида тузилган шартнома бизнинг кунларимизгача етиб келган энг қадимги шартнома эди.

Аслини олганда, ҳар бир минтақада халқаро ҳуқуқнинг у ёки бу институтлари шаклланди, улар давр синовларидан ўтиб, такомиллашди, кейинчалик эса ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ таркибига яқинлашди. Чунончи, ҳинд тарихи манбаи — Ману қонунларида (эрамиздан олдинги IV—II асрлар) сўз юритилган уруш қонунлари ва одатларнинг айрим инсонпарварлик жиҳатлари кейинчалик уруш қонунлари ва одатлари тўғрисидаги ва уруш қурбонларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги кўпдан-кўп Конвенцияларда ўз аксини топди. Энг қадим замонларда маълум бўлган «Саёҳатчи элчилар»нинг дахлсизлиги дипломатия ҳуқуқининг тегишли тармоқларини ривожлантирди. Қадимги Юнонистонда амалда бўлган хорижий кишиларға хомийлик қилиш институти (проксения) ҳозирги консулликни ўзига хос кўриниши эди. Рим ва чет эл давлатлари ўртасидаги бахсларни қараб чиқиш учун тузилган келиштирувчи комиссиялар

кўп жиҳатдан давлатлар ўртасидаги бахсларни ҳал этишнинг айрим замонавий тинч воситаларини эслатади. Ману қонунларида брахманлар бурчларидан бири сифатида чет элликларга меҳмондўстлик кўрсатиш эътироф этилган эди. Қадимги Греция ва Римда чет эллик кишиларга ҳомийлик кўрсатиш, айниқса, кенг тарқалганди. У ерларда бундай ҳомийликнинг махсус тармоқлари таркиб топган бўлиб, улар проксени ва патронатлар деб аталарди.

Рим «халқаро ҳуқуқи» халқаро ҳуқуқнинг кейинги ривожига анча таъсир кўрсатди. Рим ҳуқуқшуноси Ульпианининг фикрича, «халқаро ҳуқуқ» деб номланувчи Рим ҳуқуқининг бир қисми уруш, асирлик, қуллик, тинч шартномалар, ярашув, элчиларни ҳақорат қилишни тақиқлашдан иборат муқаддас бурч, шунингдек, чет элликлар билан никоҳдан ўтишни тақиқлашга тааллуқли нормалардан иборат эди. «Халқларнинг ҳуқуқи шундан иборатки, — деб давом эттиради Ульпиан, ундан барча халқлар фойдаланади». Рим ҳуқуқшуноси Помпонийнинг таъкидлашича, «агар кимдир душман томонининг элчисига зиён етказса, бу халқлар ҳуқуқининг бузилиши сифатида қаралиши керак. зеро, элчилар муқаддас ҳисобланади». Аслини олганда, қадимги Рим ривожланган жамият даврида «халқаро ҳуқуқи» ёзиб қўйилган қонунлар жаҳондаги кўпчилик халқларнинг одатларида қарор топган табиий ҳуқуқни кўзда тутарди. Шунингдек, Рим ҳуқуқшуносларининг «Хатто душманга берилган сўз ҳам бажарилиши керак», «Шартномаларга риоя қилиш зарур» сингари қоидалари ҳам маълум. Сўнгги қонда қадимги дунё давлатлари томонидан халқаро шартномалар тузиш одатдаги ҳуқуқий характерга ва диний тусга эга эди.

Урта асрда халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши қадимги дунё халқаро ҳуқуқининг нормаларига қараганда ўзига хос хусусиятларга эга бўлди.

Биринчидан, ўрта аср давлатлари характери аниқ ифодаланган янги халқаро ҳуқуқ тармоқлари («Қирғоқ ҳуқуқи», «Муҳожирларга нисбатан репрессалия» ва бошқалар) вужудга келди.

Иккинчидан, минтақаларнинг ўзи ҳам бошқача бўлиб қолди — айримлари йўқ бўлиб кетди, янгилари вужудга келди, баъзиларининг кўриниши ўзгарди. Уша даврда халқаро ҳаётнинг энг асосий марказлари сифатида Ғарбий Европа, Византия, Киев, кейинчалик эса

Мовороуннаҳр, жануби-ғарбий Ўрта ер денгизи ҳавзаси, Ҳиндистон, Хитой ва Америка қитъасидаги давлатларнинг шаклланишларига кўчди.

Учинчидан, халқаро ҳуқуқнинг олдинги институтлари такомиллашди.

Тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ ўрта аср давлатлари ўз тараққиёти жараёнида босиб ўтган асосий босқичлар: ўрта аср давлатларининг пайдо бўлиши даври (V—XI асрлар), бўлинишлар даври (X—XII асрлар), монархия сулоласи бўлган йирик ўрта аср жамиятининг ташкил топиш даври (XIII—XV асрлар) ва ниҳоят, абсолютизм даври (XVI—XVII асрлар)га муте ҳолатда ривожланди.

Халқаро ҳуқуқнинг белгиялик тарихчиси Ф. Лораннинг «Агар инсоният тарихида илк ўрта аср даври тун бўлса, халқаро ҳуқуқ тарихида бу давр «юлдузли тун» даври бўлган эди», деган таърифига қўшилиш қийин. Аслида эса, кўриб чиқилаётган давр «мушт ҳуқуқи» ҳукм сурганлиги билан характерланади. Халқаро ҳуқуқ энг раҳмсиз ва даҳшатли, тинч аҳоли, ярадорлар, бетоблар ва асирларга нисбатан диний махдудлик билан тўлган ёвуз одатларни қўллашни ёқларди. Уша даврда черков, айниқса, Рим католик черковининг халқаро ҳуқуққа таъсири жуда катта эди. Проваслав ва мусулмон дини ҳам унга ўз таъсирини кўрсатар эди. Тез-тез бўлиб турадиган урушлар черков манфаатларига, айниқса, Ғарбий Европада энг йирик Ўрта аср ер эгаси бўлган Рим католик черкови манфаатларига катта зиён етказарди. Шу муносабат билан черков мулкдорлар ўртасидаги бахсларнинг арбитраж воситаси билан ҳал этилишига ёрдам кўрсатишга нитиларди. Халқаро ҳаётнинг айрим масалалари XII—XV асрларда жаҳон черков намоёндаларининг кенгашларида қараб чиқиларди. Таниқли рус халқаро ҳуқуқшуноси В. Э. Грабарь бу кенгашларни халқаро мулоқот органлари, ҳозирги халқаро конференцияларнинг дастлабки кўриниши деб ҳисоблайди. Улардан бирида 1386 йилги Карфаген соборида илгарироқ таркиб топган «шартномаларга риоя қилиш керак» принципи маъқулланди.

Ўрта аср жамияти қатламларида халқаро иқтисодий муносабатлар аста-секин ривож топа бошлади. Бу халқаро денгиз ҳуқуқи, чет элликларнинг ҳуқуқий аҳволи ва консуллик ҳуқуқига доир норма ва институтларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Чунончи, денгиз ҳуқуқи нормалари Орлеан мулоқатида (XII аср), «Консолате

дель Маре» («Денгиздаги яхши одатлар кодекси» (XIII аср охири) тўпламида қонуний кучга кирди. Консулликларга суд ва маъмурий юрисдикция соҳасида кенг ҳуқуқлар берилган, ўз мамлакагининг шу мамлакатга кўчиб келган фуқароларига ёрдам кўрсатиш ва ҳомийлик қилиш бўйича муайян имкониятлар берилганди.

Албатта, турли минтақаларда ва ўрта асрнинг турли босқичларида халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Хусусан, Қадимги Турон давлатларидаги халқаро ҳуқуқий муносабатлар бундан далолат беради. Жумладан бу муносабатлар муҳожирлар учун инсонийроқ муносабатни кўзда тутар, инсоний қоидалар фақат шартномалардагина эмас, ҳатто солномаларда ҳам ўз ифодасини топган эди. Уларда, чунончи, бегоналар юртини ҳурматлаш таъкидланган: «Ўзаро муҳаббатда ва тинчликда яшанг... бошқаларнинг мулкига дахл қилманг, бошқаларнинг сарҳадларига кўз олайтирманг, ўзингизда бори билан кифояланинг», деган сатрлар учрайди. Турон давлатида ҳатто, душман давлатларининг элчилари дахлсизлиги принциpigа риоя қилиш одат тусига кирган ва Осиё ҳамда Ғарбий Европадагига нисбатан уруш қонунлари ва одатларига риоя қилишга муносабат ҳам анча инсоний эди.

Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуқлари» асари ҳарбий ҳаракатларни тартибга солиш зарурлиги ва уруш қонунлари ҳамда одатларини инсонпарварликка йўналтиришга қаратилган халқаро ҳуқуқ доктринасининг ривожланишига прогрессив таъсир кўрсатди.

Халқаро ҳуқуқ институтлари ва нормалари Турон давлати халқаро муносабатларини тартибга солишда муҳим роль ўйнайди. Чунончи, XV аср бошларида Амир Темур Испания ва бошқа давлатлар элчиларини қабул қилаётиб, ўрта аср дипломатиясида расмий қабул ва тантанали маросимларда элчилар учун белгиланган махсус имтиёзлар давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланишига асос эканлигини кўрсатиб берди.

Ўрта асрлардан то абсолютизм давригача халқаро муносабатларнинг ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишнинг илмий асосланган муҳим тизими ҳали таркиб топмаган эди. Шу билан бирга натурал хўжалик ҳукм сурган даврда ҳам давлатлараро алоқаларнинг ривожланиш эҳтиёжлари турли муаллифларнинг (диншунослар, Рим ҳуқуқи назариётчилари, файласуфлар, та-

рихчилар) дунёқарашини муайян тарзда кенгайтирди. Улар ўз асарларида халқаро ҳуқуқ масалалари бўйича алоҳида қоидаларни баён қилдилар. Айниқса, диншуносларнинг асарлари, илк ўрта аср даврида, бошидан оёқ католик черков манфаатларини ифодалаш ғояси билан суғорилган бўлиб, черков доираларининг жаҳон миқёсидаги ҳукмронлиги доирасини назарий жиҳатдан асослаш ҳамда амалий жиҳатдан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Бундай қарашлар илк дафъа Еписков Августин Блаженныйнинг (354—430 йиллар) «О граде боже» трактатида «ҳуқуқий» шакл ифодаланганди. Бу қарашлар, аввало, унинг барча кишилар ва барча давлатлар учун умумий бўлган ҳуқуқни қарор топтириш зарурлиги тўғрисидаги ғояда ўз аксини топганди.

«Черков оталари»нинг асарларидан анча кейинроқ шаклланган «салбий» ҳуқуқ доктриналарини кузатиш мумкин. Католик черковининг жаҳонга ҳукмронлиги назарияси Фома Аквинскийнинг (1224—1274 йиллар) қарашларида ўз ифодасини топади. У идеаллаштирилган «Илоҳий ғоя»ни амалга ошириш йўлида давлатларнинг суверен ҳуқуқларини рад этишнинг қатъий тарафдори бўлиб майдонга чиққан эди.

Бундай қарашлар ҳозирги замонда ҳам фақат черковгагина эмас, балки айрим давлатларда олий табақа манфаатларига ҳам хизмат қилмоқда. Айни пайтда ўрта аср давридаёқ зарурлиги ғоят билиниб келаётган ижтимоий ҳаётнинг баъзи соҳаларида давлатлар ҳамкорлигининг муайян ташкилий шакллари ўз ичига олган «Умумий тинчлик» ўрнатиш лойиҳалари ишлана бошланди. Чех қироли Юрий Подебрадининг турк агрессиясига қарши кураш учун Европа християн давлатлари иттифоқини тузиш кўзда тутилган лойиҳаси уларнинг ичида энг машҳури бўлганди. Бундан ташқари мазкур лойиҳа папа таъсирини чеклашга ва Европада «абადий тинчлик» ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган эди.

Абсолютизмга ўтиш билан халқаро ҳуқуқ янги институтларининг шаклланиш жараёни давом этди ва эски нормалар маълум даражада ўзгарди, ўрта аср қатламларида ривожланган муносабатлар эҳтиёжини ифодаловчи халқаро ҳуқуқий принциплар ва нормаларнинг асоси вужудга кела бошлади.

Бу, айниқса, ўттиз йиллик уруш (1618—1648 йиллар-

ни) яқунлаган машҳур Вестфаль Конгрессида яққол кўзга ташланади. Айрим ғарб халқаро ҳуқуқшунослари халқаро ҳуқуқнинг вужудга кела бошлашнини шу Конгресс ва унинг қарорлари билан боғлашлари тасодифий эмас.

Конгресс охирида имзоланган Мюнестер ва Оснабрюк трактатлари аввало, ўттиз йиллик уруш натижасида вужудга келган Европадаги ҳудудий ўзгаришларга таъсирини ўтказди, мана шу трактатларда чегараларнинг дахлсизлигини белгилаб қўйди. Чегаралар дахлсизлиги билан алоқадор тенгликнинг сиёсий принципи, қатор асрлар мобайнида халқаро муносабатларнинг асосий принципларидан бири бўлиб келди.

Ҳукмдор дини унинг авом халқи учун мажбурий эканлигини белгилаган 1555 йилдаги Ауссбург қарорини маъқуллаб, Вестфаль Конгресси диний урушларни, хусусан католиклар билан протестантлар ўртасидаги урушларни чеклашга интилди.

Давлатлар ўртасида муҳим дипломатия муносабатлари ўрнатиш, давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларни халқаро Конгрессларда ҳал этишга интилиш, олий табақа ҳокимиятининг руҳонийлар ҳокимиятидан тобелигини бекор қилиш ва давлатлар тенглигини («Тенглар тенглар устидан ҳукмдор эмас») таъминлаш — буларнинг ҳаммаси Вестфаль Конгрессини халқаро ҳуқуқни ривожлантиришда муҳим босқич сифатида таърифлаш учун асос бўла олади.

Халқаро ҳуқуқнинг ҳозирги доктринасининг вужудга келиши ва ривожланиши XVI асрга тааллуқли бўлиб, аввало атоқли Голланд олими ўз даврининг прогрессив юриспруденцияси асосчиси Гуго Гроцийнинг (1583—1645 йиллар) иши билан боғлиқдир.¹

Бироқ Гроцийнинг ворислари бўлган Испан диншунослари Франциско де Витория (1492—1546 йиллар), Франциско Суарис (1548—1617 йиллар) ва бошқалар ўзларининг диний асарларида халқаро ҳуқуқ, аввало, уруш ва мустамлакаларни босиб олиш ҳуқуқи масалаларига катта эътибор бердилар. Улар Августин Блаженный ва Фома Аквинский руҳида «табиий» ҳуқуқининг католик концепциясини ривожлантирдилар. Рим фуқа-

¹ Қаранг: Политический учения: История и современность. М., 1976, 184-бет.

ролиги бўйича мутахассис, аслида келиб чиқиши италиялик бўлган инглиз Альберико Жентили (1552—1608 йиллар) ҳам халқаро ҳуқуқ масалаларига муайян ҳисса қўшди. Жентили «Табий» ҳуқуқ концепциясининг давомчиси бўлгани ҳолда халқаро ҳуқуққа, аввало, амалиёт нуқтаи назаридан ёндашди. Шунга қарамай, фақат Гуго Гроций халқаро ҳуқуқни мустақил юридик фан сифатида ривожлантирди. У халқаро ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш принциплари масаласидаги қарашларни энг тўла ва эркин ифодалай олган шахс эди.

Гроцийнинг улкан адабий мероси ичида (90 дан зиёд иш) «Озод денгизи ёки Ҳиндистон билан савдо соҳасида голландларга тааллуқли ҳуқуқлар тўғрисида» ва 1625 йилда чоп этилган «Уруш ва тинчлик ҳуқуқи тўғрисида»ги трактатлари, айниқса машҳурдир. Гроцийнинг тинчлик ҳуқуқи тўғрисидаги китобида ҳокимият тепасига чиқиб келаётган кучларнинг манфаатлари ифодаланиб, Нидерландия революцияси ғоялари билан суғорилган халқаро ҳуқуқ соҳасидаги асосий қоидаларига таъриф берилганди ва у эркин антиклерикал характерга эга эди. Шу боисдан бу китоб 1627 йили тақиқланган китоблар қаторида XX аср бошларигача таъқиб қилинган.

Гроций қарашларига биноан халқаро ҳуқуқ қисман «Соғлом идрок кўрсатмаси бўлган» «Табий» ҳуқуқдан ва қисман давлатларнинг ялпи розилигига биноан яратилган позитив (конвенцион ва одатдаги) ҳуқуқдан иборатдир.

Гроций урушларни «хусусий» ва «аралаш», шунингдек, одил ва босқинчилик урушларига бўлиб, ҳуқуқ бузилишларига нисбатан жавоб тариқасидаги аҷолатли урушни тан олар, уруш даҳшатларини юмшатиш учун курашлар, ўзаро муносабатларда виждонан иш юритишга даъват этар, уруш давомида болаларни, хотин-қизларни, кексаларни, дин пешволарини, фан заҳматкашлари, деҳқонлар, савдогарлар манфаатларини ёқлар эди. У уруш вақтида хусусий мулкни йўқ қилиш ва босиб олинганлар устидан чеклашлар ўрнатиш зарурлигини исботлашга уринарди.

XVII—XVIII асрларда шаклланган халқаро ҳуқуқ фанидаги уч, яъни табиий, ҳуқуқий, позитивлик гроциянлик ишлари асосий йўналиш ичида энг таъсирлиги Гроциянлик йўналиши бўлган эди. Гроций ғояларини

ривожлантиришга шу йўналиш вакили Швецариялик Веттел жиддий ҳисса қўшди. Унинг «халқаро ҳуқуқ» китоби (1758 йил) ҳозирги пайтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

XVII—XVIII асрларда Россияда халқаро ҳуқуқий қарашлар уч йўналишда ривожланди. Улар ҳарбий низомларни ишлаб чиқишда, Максим Грег васиятлари ва Юрий Крижаничнинг сиёсий трактатларида, элчилик прикази фаолиятида ўз ифодасини топди.

Максим Грег ўз асарларида (XVI аср) подшога муҳожирларга ҳомийлик кўрсатишни маслаҳат берарди. Юрий Крижанич Максим Грегдан фарқли ўлароқ, ўзининг «Сиёсий ўйлар» трактатида муҳожирларни четлаштириш, уларни ўзига яқинлаштиришга йўл қўймаслик, ахлоқий қарашларини қабул қилмаслик ғоясини илгари сурган. У чет эл муносабатларини ниҳоятда камайтиришни таклиф қилганди: ҳеч қандай элчиларни қабул қилмаслик, муҳим зарурат туғилмаганда уларни яқин йўлатмаслик ва тезда жўнатиб юбориш; ўз элчиларини ҳам зарур эҳтиёж бўлмаганда ҳеч қаерга юбормаслик ғоялари тарафдори эди.

XIV асрнинг 50—60-йилларида қадимги Турон давлатида эса дипломатик муносабатлар ривож топди. Буюк Амир Темур давлати Франция қироли Карл VI (1380—1422), Англия қироли Генрих IV (1399—1413) ҳамда Кастилия ва Леон қироли Генрих III де Трастамара (1390—1407) лар билан дипломатик алоқалар ўрнатиб, ёзишмалар олиб борди. Бу ёзишмаларда ўша давр элчилик ҳуқуқининг асосий қоидалари ифодаланган.

Испания элчиси Рун Гонсалес де Клавихонинг 1406 йили Амир Темур давлати дипломатияси тўғрисида ёзган кундалиги элчилик институтига оид оригинал асардир.

1793 йили Конвентга аббат Грегуар томонидан тақдим қилинган ва 21 моддадан иборат халқлар ҳуқуқлари Декларацияси, жумладан, «Халқлар тинчлик вақтида бир-бирларига кўпроқ яхшилик қилишлари ва уруш вақтида камроқ ёвузлик кўрсатишлари»: «Денгиз каби туганмас ва зарарсиз фойдаланишда бўлган ҳамма нарсалар барчага тегишли ва қандайдир бирон бир халқнинг мулкига айланиши мумкин эмас», «Халқлар ўртасидаги шартномалар муқаддасдир» деб таъкидланган эди. Бу принциплар халқларнинг суверенитети, бир-би-

рининг ишларига аралашмаслик принциплари ва фуқаролик, плебисцит, комбатантлар сингари институтлар билан биргаликда ҳокимият тепасига келган кучлар халқаро ҳуқуқнинг асосларини ташкил этарди.

Ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг шаклланиши ва янада ривожланишига Вена (1814—1815 йиллар), Париж (1856 йил), Берлин (1878 йил) Конгресслари катта таъсир кўрсатди.

Вена Конгресси халқаро ҳуқуқда ўша давр учун прогрессив аҳамиятга эга бўлган бир қатор институтларнинг ташкил топишида муҳим роль ўйнади. Чунончи, у дипломатик агентларни «Синфларга» ягона тартибда бўлишни белгиловчи регламентни, ва негрлар билан савдо қилишни тўхтатиш тўғрисида давлатлар Декларациясини қабул қилди, халқаро дарёларда кемачилик қоидаларини белгилади, муҳим бетарафлик институтини жорий этди. Айни пайтда Вена Конгресси Наполеон устидан ғалаба қозонган ғолиблар ўртасида Европа ва мустамлакаларни бўлиб олиш натижаларини мустаҳкамлади. Муқаддас иттифоқ таъсис этилди. Унинг фаолияти асоси сифатида легитизм — Европада ва бошқа қитъаларда ҳам революцион ҳамда озодлик ҳаракатларига қарши қаратилган принцип қабул қилинди. Вена Конгресси қарорларидаги бу қарама-қаршиликлар инсоният тарихи солномаларида қачонлардир маълум бўлган халқаро ҳуқуқ функцияларини энг ёвузларча сохталаштиришдан иборат деб таъкидлашга асос бўлди.

XIX асрнинг биринчи ярми мобайнида халқаро ҳуқуққа оид муносабатларда ўрта аср ва ҳозирги замон қарашларнинг кураши давом этди. Фақат XIX асрнинг охирларига келиб, ҳозирги замон қарашлари узил-кесил ғалаба қозонди. Бу 1858 йилги Париж Конгрессида, аynиқса, унинг денгиз ҳуқуқи ва денгиз урушларига оид каперликнинг таъкидлашича, «Байроқ юкларни сақлайди» принципининг мустаҳкамланишида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Сўнги принцип уруш вақтида бетараф мамлакатлар ҳуқуқини таъминлайди. Дунай бўйлаб юк ташишни халқаро ҳуқуқий йўлга қўйишда аллақачон халқаро ҳуқуққа тобора қатъий суқилиб кираётган тенденциялар кириб кела бошлади. Бир томондан Дунай бўйлаб кемалар ҳаракатининг тўла эркинлиги эълон қилинар, иккинчи томондан Дунай бассейнининг тўла ҳуқуқли хўжайини аслини олганда «нодунай» ҳо-

кимиятлари кирган Европа Дунай комиссияси бўлиб қолган эди. Конгресс ораларида жиддий келишмовчиликлар вужудга келаётган давлатларга қуролли тўқнашувларга йўл қўймаслик учун «дўстона давлат»нинг востачилигига мурожаат қилишга даъват этди. Конгресснинг қарорлари Қора денгиз бугозлари режимига ҳам дахлдор эди.

1878 йил Берлин Конгрессида бир қатор қарорлар яна бир бор маъқулланади. Конгресс булардан ташқари Черногория, Сербия ва Руминияни биргаликда тан олиш ҳақида қарор қабул қилди, Болгариянинг мустақиллигини тан олди. Бошқа қарорлар орасида Батумини эркин Гаван (порто-франко) деб эълон қилиш тўғрисидаги қарорнинг алоҳида эслатиб ўтиш жоиздир.

Жумладан, Берлин конференцияси (1884—1885 йиллар) «бетараф», яъни «ривожланмаган» халқлар яшаётган ерларни босиб олишнинг тўғрилигини эътироф этди.

Айрим давлатлар ёлғондан иборат иккиюзламачилик сиёсатини ўтказарди. Улар шундан иборат эдики, улар янги урушга тайёрланаётиб, урушнинг қондалари ва одатларини ишлаб чиқишга тобора катта эътибор бераётган 1899 йилги Гаага халқаро конференциясини тинчлик конференцияси деб атаганликларидир. Бу конференция ҳам, 1907 йилги иккинчи Гаага конференцияси ҳам кун тартибда турган қуролсизланиш ҳақидаги масалани ҳал этмади. Фақат ўша пайтда бутун жаҳонга оғир юк бўлиб тушаётган урушга тайёргарлик ишига сарф-харажатларни камайтириш тўғрисидаги яхши ниятлар баён қилинди, холос. Халқаро келишмовчиликларни тинчлик йўли билан ҳал этиш тўғрисидаги ҳужжатдан ташқари бошқа конвенцияларнинг ҳаммаси уруш қонунлари ва одатларига бағишланганди. Шунингдек, учинчи Гаага тинчлик конференцияси чақириш ҳам кўзда тутилган эди. Бироқ бунга биринчи жаҳон уруши халақит берди.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ

1. Субъект тушунчаси

Халқаро ҳуқуқ субъекти тушунчасини белгилаш чоғида халқаро ҳуқуқий барқарорлаштириш принципи қатнашчилари ички давлат муносабатининг қатнашчиларидан фарқли улароқ бирон-бир юрисдикция таъсирида бўлмайдилар, ўзларидан юқори турувчи сиёсий ҳокимиятга эга бўлмайдилар, ўзаро мустақил ўрин эгаллайдилар, деган қондадан келиб чиқувчи муносабатларни барқарорлаштирувчи ҳуқуқий нормаларда келиб чиқади.

Халқаро ҳуқуқ субъекти энг аввало муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмунига эгадир. Бироқ, унинг таъсифи шу билангина чекланмайди, халқаро ҳаракатларга, ҳуқуқий нормалар билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишда мустақилликка юридик қобиллик, ҳозирги замон халқаро муносабатлар табиатига тааллуқли халқаро ҳуқуқ субъектининг хусусиятидир. У биринчи навбатда суверен давлатларга, шунингдек, мустамлака зулмига қарши, мустақил давлат тузиш учун курашаётган миллат ва халқларга ҳам тааллуқлидир. Бундан ташқари давлатлар томонидан ташкил этилган халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ҳам мустақил халқаро ҳаракатларда юридик қобилиятларга эга. Бироқ бу ҳаракатлар турли даражада намоён бўлади.

Шахслар тегишли давлатларнинг юрисдикцияси остида бўладилар ва ички давлат ҳуқуқий муносабатларида субъектлар сифатида ҳаракат қиладилар. Улар мустақил халқаро мақомга халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни мустақил равишда амалга оширишга юридик қобилликка эга эмас, натижада халқаро ҳуқуқ субъектлари бўлмай қоладилар.

Халқаро ҳуқуқ субъектини бир-биридан мустақил халқаро муносабатлар соҳасида бирон-бир сиёсий ҳокимиятга бўйсундирилмаган, халқаро қондада белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни мустақил равишда амалга ошириш учун юридик қобилликка эга бўлган уюшмалар сифатида таърифлаш мумкин.

2. Халқаро ҳуқуқий субъектлик мазмуни

«Халқаро ҳуқуқий субъектлик» тушунчаси субъектлар мақомида ҳуқуқ ва ишга бўлган қобилиятнинг узвий уйғунлашуви сифатида тушунилади. Халқаро ҳуқуқий субъектлик ҳуқуқ томонидан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар уйғунлигидир. Умумий ҳуқуқ ва мажбуриятлар ёки умумсубъектлик, яъни барча субъектларга хос ёки специфик, яъни муайян субъект турларига хос бўлади.

Асосий умумсубъект ҳуқуқига бошқа субъектлар билан муносабатларни йўлга қўйиш, халқаро ҳуқуқий нормаларни яратишда қатнашиш ўз халқаро мақомини ҳимоя қилиш киради. Асосий умумсубъект мажбуриятлар, аввало, халқаро ҳуқуқнинг принциплари ва нормаларини виждонан бажаришдан иборатдир.

Асосий ўзига хос ҳуқуқ ва мажбуриятлар шу тоифадаги субъектларнинг алоҳида мақомини ифодалайди.

Субъектлар ўзларининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошира бориб, ўзаро муносабатга киришадилар ва халқаро шартномалар тузадилар. Бу шартномларда ҳар бир аниқ субъектнинг хусусий ҳуқуқи ва мажбурияти тўла ҳажмда тегишли мазмунда белгилаб қўйилади.

3. Субъектларнинг турлари

— Давлатлар: — ўз мустақил давлатларини барпо этиш учун курашаётган миллатлар ва халқлар; — халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар; — давлат кўринишидаги ўзига хос уюшмалар халқаро ҳуқуқий-субъектлик нуфузига эга.

Халқаро ҳуқуқ субъектларини икки тоифага, яъни суверен (бошланғич) ва суверен бўлмаган (иккиламчи) турга бўлиш мумкин.

Суверен (бошланғич) субъектлар давлатлар ва мустақиллик учун курашаётган миллатлар ва халқлардан иборат, давлат ёки миллий даражадаги сиёсий-ҳуқуқий хусусияти бўлган суверенитет ана шуларга хосдир. Шунга биноан давлатлар ҳамда ўз мустақиллиги учун курашаётган миллатлар ва халқларнинг ҳуқуқий-субъективлиги бирон-бир ташқи ирода натижасида ёки бирон-бир халқаро кўрсатма ёки эътироф билан белгиланмайди. Бинобарин, уларнинг ҳуқуқий субъективлигини

амалга ошириш мазмуни, ҳажми ва шакллари ўзининг кўп қирралилиги, ҳар жиҳатдан тўла-тўқислиги билан характерланади.

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар, шунингдек, ўзига хос давлат кўринишидаги уюшмалар (ўтмишда эркин шаҳарлар ёки озод ҳудудлар деб аталувчи ерлар), суверен бўлмаган (шакллантирилган) субъектлар ана шу тоифага киради. Улар махсус юридик кучга, халқаро ҳуқуқий мақомдаги мустақиллик суверенитетига эга бўлмайди, балки суверен давлатларнинг битимига асосланади. Улар ҳуқуқий субъектлик асоси ва базаси бўлиб, халқаро ҳуқуқий субъективлик шакллантирилган ва санкцияланган бўлади. У ўзининг мазмуни ва функциясига (яъни халқаро ташкилотларнинг тегишли функциясига) ва ихтисослашганлигига кўра амалга ошириш йўлига эга.

4. Давлатларнинг ҳуқуқий субъективлиги

Давлатлар халқаро ҳуқуқнинг суверен субъектидир. Давлат суверенитети ўз ҳудудида мазкур давлат ҳокимиятининг барқарорлиги ва халқаро муносабатлар доирасидаги мустақиллиги билан боғланади. Халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим принципи давлат суверенитетини ҳурматлашдан иборат.

Барча давлатларга халқаро ҳуқуқий субъектлик хусусияти бирдек хосдир. Улар халқаро муносабатларда иштирок этиш билан боғлиқ барча ҳуқуқларга эга бўлиш ва бу ҳуқуқларни амалга оширишнинг юридик қобилиятига эгадир. ЕМТ Низомига биноан давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка тааллуқли халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияда: «Ҳар бир давлат тўла суверенитетга хос ҳуқуқлардан фойдаланади», деб таъкидланган.

Давлатларнинг қуйидаги асосий ҳуқуқлари алоҳида рол ўйнайди:

1) бошқа давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан алоқага киришиши;

2) бошқа давлатлар билан дипломатик ва консуллик муносабатларни амалга ошириш ва ўзи аъзо бўлган халқаро ташкилотлар ҳузурда ваколатхоналар сақлаши;

3) халқаро шартномалар тузиш ёки халқаро ҳуқуқий нормаларни яратишда бошқа бирон-бир тарзда иштирок этиш;

4) халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга аъзо бўлиш ва халқаро конференцияларда қатнашиш;

5) ўз ҳуқуқий субъектлигини ҳимоя қилиши, шунингдек, халқаро ҳуқуқий нормаларни бузувчиларга нисбатан санкциялар қўллаши.

Давлатларнинг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари билан белгиланади.

Барча давлатлар иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа характердаги тафовутларга қарамай бир хил асосий ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эгадир. Шу билан бирга давлатларнинг суверен тенглиги принципи улар томонидан тузилган халқаро шартномаларга биноан эгалланган ёки зиммасига олган хусусий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳажми ва мазмунида фарқ бўлиши мумкинлигини инкор этмайди.

Ҳозирги давр халқаро ҳуқуқ субъектларига давлат ташкил этишнинг қуйидаги воситалари маълум:

1) социал революция натижасида янги тарихий давлатнинг ташкил этилиши;

2) миллий-озодлик кураши ва мустамлака зулмининг тугатилиши натижасида давлатнинг ташкил этилиши (Иккинчи жаҳон урушидан кейин 90 га яқин мамлакат мустақилликка эришди ва мустақил давлатлар юзага келди);

3) бир қанча давлатларнинг унитар ёки федератив тарзда бир давлатга бириштириш йўли билан янги давлатнинг ташкил топиши (жумладан, 1960 йили икки давлат — Танганьика ва Занжибарнинг қўшилиши натижасида Танзания Биришган Республикаси ташкил топди);

4) mavjud давлат ҳудудидан бир қисмининг ажралиб чиқиши туфайли янги давлатнинг ташкил топиши (масалан, 1965 йилда Сингапур Малайзия федерациясидан чиқди ва мустақиллик статусига эга бўлди; 1971 йилда Шарқий Бенгалия халқининг озодлик учун кураши жараёнида Шарқий Покистондан мустақил давлат сифатида Бангладеш ажралиб чиқди);

5) давлатнинг тугаши, бўлиниб кетиши оқибатида бир неча янги давлатларнинг ташкил топиши (хусусан, 1960 йилда Ғарбий Америкада Мали федерацияси барҳам топиб, ўрнида икки давлат — Мали ва Сенегал Республикалари ташкил этилди).

Халқаро ҳуқуқ субъектида янги давлатнинг пайдо

бўлиши халқаро ҳуқуқнинг барча принципларига, миллатлар ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

1965 йили ирқчилар ҳукумати томонидан Жанубий Родезиянинг мустақил давлат сифатида эълон қилиниши халқаро ҳуқуқ принципларини қўпол равишда бузишдан иборат эди. БМТ Бош Ассамблеяси бу ақтни қоралаб, уни оқ танли ва қора танли халқларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш принципига зид равишда мамлакат устидан ҳукумронлигини абадийлаштиришга интилиш сифатида баҳолади. Бош Ассамблея тавсиясига биноан БМТ Хавфсизлик Кенгаши Жанубий Родезия мустақиллиги эълон қилинишини ҳеч қандай юридик кучга эга бўлмаган факт сифатида баҳолади ва барча давлатларни бу қонунсиз ҳукуматни тан олмасликка, у билан ҳеч қандай дипломатик ёки бошқа муносабатларни йўлга қўймасликка чақирди. 1960 йили Зимбабве (Жанубий Родезия шундай деб аталади) ватанпарварларининг кураши суверен, мустақил давлат барпо этиш учун зарур шароитлар яратди.

Жанубий Африка Республикаси ирқчи ҳукумати қўп йиллар давомида номигагина мустақиллик берилган бир нечта бандустанга мустақиллик берилганлиги тўғрисида баёнот билан чиқиб, сиёсий майнабозчилик қилиб келди. Халқаро ҳамжамият номидан БМТ апартеид сиёсатини ниқоблашнинг мана шу ақтларини қоралади ва уларни юридик жиҳатдан ҳеч қандай кучга эга эмас деб тонди.

5. Ўз мустақиллиги учун курашаётган миллатлар ва халқларнинг халқаро ҳуқуқий субъектлиги

Мустамлакачиларга қарши озодлик кураши жараёнда миллатлар ва халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга кирита бориб, халқаро муносабатларнинг мустақил иштирокчилари сифатида майдонга чиқмоқда. Уларнинг халқаро ҳуқуқий субъектлиги ўз юридик табиатига кўра давлатларнинг ҳуқуқий субъектлигига яқин туради. Чунки, уларнинг ҳуқуқий субъектлиги бошқа субъектлар продаси ҳамда майлига боғлиқ эмас. Миллатларнинг халқаро ҳуқуқий субъектлигини сиёсий юридик асоси бўлиб хизмат қилувчи суверенитет негизда ўзларининг мустақил давлатларини тузмаган ва суверен давлат барпо этиш шаклида ёки бирон-бир дав-

лат таркибига кўнгилли равишда кириш шаклида ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширмаган миллатлар ва халқларгина мустақил халқаро мақомга эга бўлади. Миллатлар ва халқларнинг мустақил халқаро мақоми объектив шарт-шароити уларнинг колониал режаларига қарши кураши мустақиллик учун курашдан иборатдир. Бундай курашаётган миллатлар ва халқлар фақат ҳуқуқ ҳимоясида бўлмай, балки ўзлари ўз хатти-ҳаракатлари билан халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширадилар. БМТ Бош Ассамблеяси 1960 йил 14 декабрда қабул қилган мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларацияда таъкидланишича, халқлар ўз мустақиллигига эришишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Улар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи асосида эркин ифодаланган иродаларига биноан ўз сиёсий мақомларини ўрнатадилар.

Ҳали давлат тузилмаган экан, курашаётган миллат (халқ) кураш жараёнида шаклланган сиёсий орган воситаси орқали халқаро ҳуқуқ субъекти бўла олади. Бу сиёсий ташкилот миллат ёки халқнинг суверен иродасини ўзида ифодалаб, давлат тузилиши арафасидаги ишларни амалга оширади. Ягона миллий фронт (миллий озодлик фронти, сиёсий партиялар, антиреакцион кайфиятларни ифодаловчи шундай сиёсий давлат ташкилоти) воситачи бўла олади. Озодлик урушлари ёки қуролли қўзғолонлар шароитида миллий армия ва бошқа қуролли қўшилмалар, муваққат революцион ҳукумат ва қаршилиқ кўрсатиш органлари—сиёсий ташкилотларни ташкил этади. Озодлик курашини асосан тинч методлари қўлланилган шароитларда муваққат вакиллик муассасалари тузилиб, ўз-ўзини бошқарувчи ички ижро органлари ташкил этилади.

Мустақиллик учун кураш жараёнида миллат ёки халқ хилма-хил субъектлар метрополния давлати, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар билан ҳуқуқий муносабатларга киришади. Бу муносабатлар объектив, асосан суверен давлатни ташкил этиш масаласидир. Шунга мувофиқ, курашаётган миллат, халқнинг асосий ҳуқуқлари ўз тақдирини ўзи белгилаш принциpidан келиб чиқади. Улар ичиди: 1) давлатлар ва ташкилотлар билан алоқага киришиш; 2) давлатлар билан музокара олиб бориш ва халқаро ташкилотлар ҳамда халқаро конференциялар ишида қатнашиши учун расмий вакил-

лар юбориш; 3) халқаро ҳуқуқий нормаларни яратишда иштирок этиш ва амалдаги нормаларни мустақил бажариш; 4) метрополияга қарши мажбур қилишнинг исталган шаклини қўллаш жараёнида халқаро ҳуқуқий муҳофазадан фойдаланиш ва давлатлар, халқаро ташкилотлар, шунингдек, бошқа ўз озодлиги учун курашаётган миллатлар ва халқлардан зарур ёрдам олиш ҳуқуқлари бор.

Араб ҳудудларини босиб олиб халқаро жиноятга йўл қўйган Исроил агрессорларига қарши курашда фаластин халқи ўз қонуний миллий ҳуқуқлари қондирилишига ҳамда мустақил фаластин давлатини барпо этишга интилоқда. Мазкур халқнинг халқаро субъектлигини амалга ошираётган фаластин озодлиқ ташкилоти БМТ ҳузурида доимий кузатувчи мақомини олди, Араб Давлатлари Лигасига аъзо бўлди.

6. Давлатларни тан олиш

Давлатлар ва ҳукуматларни тан олиш институти — халқаро майдонга халқаро ҳуқуқнинг янги субъектлари чиқиш ёки эътироф этишга муҳтож янги давлатларнинг тан олиниши билан муносабатларини мўътадиллаштирувчи халқаро ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. Янги давлатлар ва ҳукуматларни тан олиш билан бирга ҳозирда халқаро ташкилотлар ва миллий озодлиқ кураши органларини тан олиш ҳам тобора кенг қулланилмоқда.

Илгари халқаро ҳуқуқнинг реакцион доктринасида давлат тан олиш актига халқаро ҳуқуқ янги субъектининг ташкил топишида ҳал қилувчи қоида конститутив назария ҳукм суриб келди. У миллий озодлиқ курашлари ғалаба қозониши натижасида таркиб топаётган давлатлар суверенитетига қарши қаратилган эди. Ҳаётнинг асосизлигини кўрсатди.

Деклоратив назария тан олишнинг конститутив назариясига қарама-қарши ўлароқ юзага келди. Бу назарияга биноан халқаро ҳуқуқнинг янги субъектининг пайдо бўлиш фактинигина тан олиш таъкидланади. Урта аср даври режимларига қарши курашда ташкил этилган ривожланган миллий давлатлар ташкил топган даврда деклоратив назария, шубҳасиз, прогрессив характерга эга эди. Тан олмаслик халқаро ҳуқуқнинг янги субъектини пайдо қилади, деган мантиқий хулосага қарамай деклоратив назария ғоят чекланган.

Тан олиш фақат ахборот акти билан кифояланиб

қолмай, балки муҳим сиёсий аҳамиятга ва жиддий юридик оқибатларга эгадир. Тан олиш акти янги давлат ҳукумати пайдо бўлиши фактинигина таъкидлаб қолмай, балки унинг халқаро аҳволини барқарорлаштиришга ва тан олишдан қатъи назар, уларга тааллуқли асосий ҳуқуқларни амалга оширишда ёрдам беради.

Янги давлат ва халқаро ҳуқуқ янги объектининг пайдо бўлиши айни бир пайтда келадиган жараёндир. Ҳозирга замон халқаро ҳуқуқига биноан мавжуд давлатлар айрим ҳолда ҳам, халқаро ташкилотларга бирлашган ҳолда ҳам янги давлатларни халқлар томонидан ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақил давлатлар тузиш **ҳуқуқини амалга ошириш** натижасида юзага келган янги давлатларни халқаро ҳуқуқий субъектлик сифати билан таъминлайди.

Тан олиш тан олувчининг тан олинаётган томон билан муҳим халқаро муносабатларга киришиш истагини ифодалайдиган ва шу билан тан олувчи ва тан олинувчи томонлар ўртасида нормал иқтисодий, сиёсий ва бошқа муносабатлар учун умумий фойдали юридик шартшароитлар яратиш билан халқаро ҳуқуқий муносабатларда муҳим алоқалар ўрнатиш истаги ифодаланган актни билдиради.

Ҳукуматни тан олиш тўғрисидага масала ҳокимият тепасига янги ҳукумат неконституциявий йўл билан келгандагина туғилади.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи давлат ичидаги ички курашни бошқармайди. Мана шу кураш натижасида давлат тўнтариши рўй бериб, янги ҳукумат юзага келишига сабаб бўлади. Шунинг учун халқаро ҳуқуқ мазкур давлат ҳудудида мустақил амалга ошираётган ҳукуматни халқаро муносабатларда мана шу давлат вакили деб ҳисоблайди. Янги ҳукуматни тан олиш тан олувчи давлат уни халқаро муносабатларда мана шу давлатнинг ягона вакили сифатида эътироф этишни билдиради.

Урушаётган ва қўзғолон кўтарган томонларни тан олиш XIX асрда ва қисман XX асрнинг биринчи ярмида, айниқса Америка қитъасида фуқаролар урушлари ва кўпгина давлат тўнтаришлари вақтида қўлланилди. Бундай тан олишнинг юридик оқибати, аввало, урушаётган ва қўзғолон кўтарган томонларга уруш қонуллари ва одатларининг тарқалишидан иборат. Агар тан олиш урушаётган томон сифатида содир бўлса, унинг оқибатлари, ҳажмини тан олиш қўзғолон кўтарган сифатида

тан олинганидан кенгроқ бўлади. Тан олишнинг ўзига хос кўринишларидан бири Франция билан Мексиканинг Сальвадордаги қўзғолонларни «Ваколатли сиёсий куч сифатида тан олишдан иборат бўлди» (1981 йил).

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида миллатлар ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи қарор топган бир пайтда курашаётган миллатларни тан олиш кенг тарқалди. Ўз мустақил давлатини барпо этиш учун курашда миллат ва халқ мазкур курашнинг бошланишидаёқ ва миллий озодлик органларини ташкил этиш давридаёқ халқаро ҳуқуқ субъектига айланади. Мазкур органларни тан олиш ўз мустақиллиги учун курашаётган миллатлар (халқлар, мустамлакалар) халқаро ҳуқуқий субъектликлигини тан олишдан бошқа нарса эмас. Жазир миллий озодлик fronti, Ангола озодлик учун халқ ҳаракати, Мозамбик озодлик fronti ва бошқа кўпгина ташкилотларнинг тан олиниш тажрибаси бу ҳаракатлар халқаро мақомини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги пайтда Фаластин Озодлик Ташкилоти (ФОТ) нинг тегишли мамлакатлар аҳолиси қонуний вакиллари сифатида тан олиниши катта аҳамиятга эга бўлди. 1996 йилга келиб, ФОТ ни 100 дан ортиқ давлат тан олди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Фаластин Озодлик Ташкилотини ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошираётган фаластин халқининг қонуний вакили сифатида тан олинди.

Қаршилик кўрсатиш ташкилотларини тан олиш Иккинчи жаҳон уруши вақтида юзага келди. У пайтда Гитлер Германиясига қарши курашаётган мамлакатларнинг коалицияси бир қатор Европа мамлакатларининг гитлерчи босқинчиларга қарши курашда ташкил этилган қаршилик кўрсатиш органлари тан олинди. Айрим ҳолларда бундай органларни тан олиш ҳокимиятни тан олиш сифатида баҳоланади. Амалда бу ҳукумат сифатида тан олишга ўтиш босқичи бўлди ва айрим Европа давлатларининг (Польша, Югославия, Франция ва бошқалар) ҳукуматлари халқаро аҳолини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади.

Эмигрант ҳукуматлар (қувғундаги ҳукуматлар) ни тан олиш тажрибаси Иккинчи жаҳон уруши вақтида кенг тарқалган эди. Эмигрант ҳукуматларни тан олиш ҳоллари тинчлик даврида ҳам содир бўлиши мумкин. Эмигрант ҳукуматларнинг мавжудлиги халқаро ҳаётда

фавқулодда ва қисқа муддатли ҳолдир. Эмигрант ҳукумат ўз ҳудуди, шу ҳудудда яшовчи аҳоли билан алоқасини йўқотса, бундай ҳукуматни тан олиш халқаро ҳуқуққа зид бўлиб қолади.

Халқаро ҳуқуқда тан олишнинг икки асосий шакли де-юре ва де-фактони фарқлайдилар. Де-юре тўла ҳажмдаги расмий тан олишдир. Де-факто ҳам расмий, лекин тўла бўлмаган тан олишдир. Улар ўртасидаги фарқ юридик оқибатлар ҳажмида ифодаланadi. Де-юре тан олишдан кейин юридик оқибатларнинг бутун комплекси кучга киради. Чунки бундай тан олиш асосий, пировард характерга эга бўлади. Айни пайтда де-факто тан олиш чоғида у муваққат, бамисоли ўтмиш хусусиятига эга бўлади. Бундай тан олишнинг юридик оқибатлари ҳам анча кам бўлади. Де-юре тан олиниш дипломатик муносабатлар ўрнатишга, икки томонлама шартномалар тузишга, шу жумладан, сиёсий характердаги шартномалар тузишга йўл очади. Де-факто тан олиниши эса қисман консуллик муносабатлар ўрнатишга олиб келади. Қўпинча бундай тан олиш тан олувчи ва тан олинувчи ўртасида савдо алоқаларини ўрнатишга, иқтисодий ва маъмурий характердаги шартномалар тузишга олиб келади. Де-факто тан олиш де-юре тан олишдан фарқли ўларoқ, бекор қилиниши ёки де-юре тан олишнинг босқичига айланиши мумкин. Ҳозирги пайтда де-факто тан олиш камдан-кам учрайди. Де-юре тан олишнинг анъанавий шакли ҳисобланади.

Янги давлат билан бир даражадаги «Бир галги алоқага» киришиш расмий тан олиш содир бўлмаган ҳолда ҳам фактик тан олиш ҳисобланади. Ёки бу **АДҲОК** тан олиниши бўлади. Бу асосий ҳолларда алоҳида масалалар бўйича (сиёсий масалалар ҳам қўшилганда) алоқаларга таллуқли бўлади. Албатта, бундай тан олиш ўзига хосдир. У кўпинча давлат янги давлат билан у ёки бу кўринишдаги муносабатларга киришаётиб, барибир янги давлатни тан олмаслиги тўғрисидаги баёнотлар бериш билан қўшиб олиб борилади.

Янги давлатнинг халқаро ташкилотларда иштирок этиш ҳуқуқи унинг тан олинишига алоқадор эмас. Янги давлатга халқаро ҳуқуқнинг умумий принципларидан келиб чиқадиган ҳуқуқларни тобора амалга оширишга ёрдам бера бориб, тан олиш бундай ҳуқуқий, шунингдек, халқаро ташкилотларда иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишда ёрдам бериши мумкин. Аммо бу шун-

дай ҳуқуқларни келтириб чиқармайди. Халқаро ташкилотларнинг низомлари унинг ташкилотлари томонидан давлатнинг тан олинишини давлатнинг шу ташкилот аъзолигига қабул қилиниши учун зарур шарт қилиб қўймайди. Янги ҳукуматлар ва уларнинг вакилликни халқаро ташкилотларда тан олиш ва алоқалари тўғрисидаги масалалар ҳам шу тариқа ҳал этилади. Халқаро ташкилотда вакиллик тўғрисидаги масалани шу ташкилотнинг ўзи кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади, бироқ бундай давлатнинг тан олинишини шарт қилиб қўймайди. Ҳокимиятни самарали амалга ошираётган, аҳолисини тўла қўллаб-қувватлаётган ҳукуматгина бу давлатнинг халқаро ташкилотларда вакил бўла олиши мумкин. Шу билан бирга давлатнинг халқаро ташкилотга қабул қилиниши шу ташкилотга аъзо бўлган, бироқ ҳали давлатни тан олмаган давлатлар томонидан унинг тан олинишини асло билдирмайди.

7. Давлатларнинг мерос ҳуқуқи

Давлатларнинг мерос ҳуқуқи бирор бир ҳудуддаги халқаро муносабатларда жавобгарликни амалга оширишда бир давлатнинг бошқа давлат билан алмашилишини билдиради. Бундай таъриф 1978 йили қабул қилинган шартномаларга нисбатан мерос ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенциясига ва мазкур институтни кодификацияловчи шартномалардан ташқари соҳаларда қонуний мерослик тўғрисида тайёрланаётган Конвенцияда ўз ифодасини топди.

Халқаро майдонда янги давлатларнинг ташкил топиши, мерос ҳуқуқининг туғилишига асос бўлади.

Шунингдек, бир давлатдан бир бўлак ҳудуд бошқа давлатга ўтиши мерос ҳуқуқининг юзага келишига асос бўлади. Халқаро шартномалар, давлат мулки, халқаро қарзлар, давлат архиви, халқаро ташкилотларга аъзолик ва бошқалар мерос ҳуқуқи нормаларининг ҳаракат объекти бўлиши мумкин.

Халқаро ҳамкорликни мустақкамлаш учун шартномаларга нисбатан ҳуқуқий мерослик алоҳида аҳамият касб этади. Ҳали кучга кирмаган шартномаларга нисбатан ҳуқуқий мерослик тўғрисидаги Вена Конвенцияси шу масалаларга бағишланган.

БМТ халқаро ҳуқуқ Комиссияси шартномалардан ташқари бошқа соҳалардаги ҳуқуқий мерослик тўғрисидаги

Конвенцияни қабул қилди. Бу Конвенция қарзлар, мулк ва бошқаларга нисбатан ҳуқуқий мерослик масалаларини барқарорлаштиради.

Лойиҳага биноан олдинги давлатнинг барча мулк ҳокимият тепасига чиққан давлатга ўтади, олдинги давлатнинг қарзи эса, агар бу улар ўртасидаги аҳдномада кўзда тутилмаган бўлса, янги мустақил давлатга ўтмайди. Мулк ва қарзларга оид ҳуқуқий мерослик муаммосининг шу тариқа ҳал этилиши ривожланаётган мамлакатларнинг собиқ метрополия, иқтисодий тутқунлигидан тезроқ озод бўлишига хизмат қилади.

Мустамлака тузулмаларнинг емирилиши жараёнида ташкил топган давлатларнинг ҳуқуқий мерослиги шу давлатлар халқаро шартнома алоқалари ривожининг тарихий шарт-шароитлари билан боғлиқ ўз хусусиятларига эга бўлади. Метрополия мамлакатлари ўз иқтисодий ва сиёсий манфаатларидан келиб чиқиб, ўз хоҳишига кўра мустамлака ҳудудлари номидан халқаро битимлар тузар эди. Мустақилликка эга бўлиш чоғида янги давлатларнинг ҳудудларида улар шартнома тузишда қатнашмаган ва бу шартномаларда иштирок этишга ўз розилиklarини бермаган кўпгина халқаро шартномалар ҳаракат қилар эди. Чунончи, фақат Танганика ҳудудидагина 68 та кўп томонлама ва 140 та икки томонлама шартномалар амал қиларди.

Янги мустақил давлатларга ўз ўтмишдош давлатларнинг шартномалари тегишли бўлмайди. Чунки, улар бу шартномаларга розилик бермаган. 1978 йилги Вена Конвенциясининг 16- моддасида янги мустақил давлат бирон-бир шартномани кучда сақлашга мажбур эмас, ёки давлатлар алмашинуви чоғида бу шартнома давлатларнинг ҳуқуқий ўриндошлик объекти бўлган ҳудудга нисбатан кучда бўлганлиги учунгина унинг иштирокчисига айланиши мумкинлиги кўрсатилган. Бу доктрина янги давлатларнинг ўз ўтмишдоши ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан тамомла озодлигини кўзда тутди. У мустамлакани барҳам топтириш жараёнида таркиб топган сиёсий вазиятни, янги мустақил давлатларнинг ҳуқуқий мерослик масалаларини миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципига амал қилиб, мустақил равишда ҳал этишга бўлган интилишини ифодалайди.

Икки томонлама шартномалар ва оз сонли қатнашчилари бўлган шартномаларга нисбатан ҳуқуқий меросликка келганда янги давлатнинг бу шартномани сақлаб

қолиш истаги тўғрисидаги баёноти кифоя қилмайди: шартномада қатнашган бошқа давлат ёки давлатлар гуруҳининг розилиги талаб қилинади.

Худуд—бир қисмининг бирлашиши, бўлиниши ёки ажралиб чиқиши натижасида пайдо бўлган давлатларнинг ҳуқуқий мерослиги. Бу ҳолатда янги давлатлар мавжуд бўлган давлатлар доирасида барпо этилади. Янги субъектлар ташкил топишдаги бу воситани 1978 йилги Вена Конвенциясида мазкур давлатларнинг ўз ҳудудларида давлат—ҳудудий ўзгаришлар доирасида ҳаракатда бўлган халқаро шартномалар узлуксизлигини сақлаб қолишга мажбур этувчи меъёрларнинг мавжудлигини белгилаб (31, 34-моддалар) беради. Конвенция янги ташкил топган давлат ва бу шартномада қатнашган бошқа давлатлар, бўлак меъёрлар тўғрисида келишиб олган ёхуд шартномада бу ҳол кўриниб турган ёки мазкур шартномани кейин ташкил бўлган янги давлатга нисбатан қўллаш бу шартнома объекти ва мақсадларига номувофиқ келиши мумкин бўлган ёхуд унинг ҳаракатлари шартларини ўзгартриб юборган тақдирда юқоридики кўрсатилган қондадан истисноларни кўзда тутати.

Халқаро ҳамжамиятга аъзо бўлаётган мавжуд давлатлар доирасида ташкил топган янги давлатлар ҳам халқаро ҳуқуқнинг амалдаги императив меъёрларига риоя қилишга, таркиб топган халқаро чегараларни ҳурматлашга мажбурдир.

8. Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий субъективлиги

Халқаро ҳуқуматлараро ташкилотлар иккиламчи ўз-ўзидан шаклланган халқаро ҳуқуқ субъектлари тоифасига тааллуқли. Уларнинг субъективлиги таъсис этувчи давлатларнинг хоҳиш-иродаси билан амалга оширилади ва одатда Низом деб номланувчи таъсис ҳужжатларда қайд этилади.

Халқаро ташкилотлар иккиламчи ўз-ўзидан ташкил топган халқаро ҳуқуқ субъектларидир.

Халқаро ташкилотларнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатидаги ўзига хослиги, аввало уларда суверен ҳуқуқнинг йўқлигига асосланади. Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий ва олий органлари ваколатлари ўз юридик табиатига кўра давлатлар ва уларнинг олий органлари ҳуқуқларидан фарқ қилади. Халқаро ташкилотларнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатидаги ўзига хослиги шун-

дан иборатки, халқаро ташкилотлар учун ҳудудлар ва аҳолига эга бўлиш зарурияти талаб қилинмайди ва улар ҳудуд бўйича бошқарувини амалга оширмайдилар. Суверен давлат учун эса бу энг зарур элемент бўлиб, усиз давлат яшай олмайди.

Халқаро ташкилотларнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатидаги ўзига хослиги халқаро ҳуқуқнинг ўзига хослигида кўзга яққол ташланади. Масалан, халқаро ташкилотлар БМТ халқаро судида кўрилаётган иш бўйича бир томон бўла олмайди. Халқаро ташкилотлар ҳузуридаги вакиллик бир томонлама характерга эга бўлади.

Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида ўз иродаларига эга. Бу ирода шу ташкилотга аъзо давлатлар иродаларида келишув натижасидир, у шу давлатлар иродаси билан тенг (асло бу иродалар устида эмас) яшайди ва иродасини амалга оширувчи тегишли органлари фаолияти орқали халқаро ташкилот ҳаракатларида у ёки бу шаклда намоён бўлади. Халқаро ташкилот иродасининг йўналиши, асосий мазмуни ҳамisha бу ташкилотга аъзо давлатлар иродасининг мазмуни билан белгиланади.

Халқаро ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари функционал характердаги имтиёзлар ва иммунитетларга эгадир. Ҳозирги вақтда айрим халқаро ташкилотлар ҳузурида шу ташкилотларга аъзо давлатларнинг доимий ваколатхоналари (БМТ, ЮНЕСКО ҳузурида) ёки доимий вакиллари мавжуд. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошида Ўзбекистон Республикасининг доимий ваколатхонаси ишлаб турибди). Доимий ваколатхоналардан ташқари айрим ташкилотлар ҳузурида унга аъзо бўлмаган давлатларнинг доимий кузатувчилари миссияси мавжуддир. Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида эга бўлган асосий ҳуқуқлардан бири халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқидир. Халқаро ташкилотлар иштирок этган халқаро шартномалар миқдори муттасил кўпайиб бормоқда. БМТ халқаро ҳуқуқ Комиссияси томонидан давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасида ёки икки ёхуд ундан кўпроқ халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар тўғрисида Конвенция лойиҳаси тайёрланди. У халқаро ташкилотлар иштирокида шартнома тузиш тартиби ва бу шартноманинг кучга кириш тартибини кўзда тутди.

Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқий жавобгарлик субъекти бўлишлари мумкин. Бироқ халқаро таш-

килотлар иккиламчи халқаро ҳуқуқ субъектлари эканлиги, улар суверенитет ва аҳолига эга бўлмаганлиги сабабли уларнинг жавобгарлиги бошланиши учун бўлган доирани торайтиради.

Халқаро ҳуқуқ муносабатларнинг мустақил қатнашчилари қаторида ўзига хос давлатга ўхшаш уюшма ҳам бўлиши мумкин. Бундай давлат кўринишидаги уюшма давлатдан фарқли ўлароқ суверенитетга эга бўлмайди. Бироқ алоҳида, гарчи чекланган бўлса ҳам, халқаро мақомга эга бўлади.

Тарихдан эркин шаҳарлар ёки ҳудудлар бўлганлиги маълум. Уларнинг халқаро ҳуқуқий субъектлиги ўз-ўзидан келиб чиқувчи характерга эга бўлиб, давлатлар уюшмаси томонидан белгиланар ёки улар томонидан кафолатланар эди. Чунончи, 1915 йилги Вена трактатига биноан Краков шаҳри Россия, Австрия ва Пруссия ҳимояси остидаги эркин ва мустақил шаҳар деб эълон қилинган эди (унинг алоҳида мақоми 1946 йилгача сақланган). 1919 йилги Версаль тинчлик шартномаси Данцик (Гданьск) учун ҳам эркин шаҳар мақоми белгиланган эди. Бу шаҳар «эркин давлат» деб номланиб, Миллатлар Лигаси «ҳимоясига» (1920—1930 йиллар) киритилганди. 1947 йили Италия билан тузилган тинчлик шартномаси Триест шаҳрининг ажралиб чиқишини кўзда тутган эди. «Эркин ҳудуд» сифатида ажралган бу шаҳар тўғрисидаги шартнома амалда бажарилмади.

Ватиканнинг халқаро ҳуқуқий субъектлиги папа тахтининг католик черкови олий маркази сифатидаги роли билан белгиланади. Маълумки, Ватикан давлат-шаҳар деб расман тан олинган. Ватикан кўпгина давлатлар, асосан католицизм таъсири кучли бўлган давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатган: бундай давлатларнинг бир қисми билан Ватикан битимлар тузган. Икки томонлама бу битимларда католик черкови мавқеи масалаларини номлаштирувчи қоидалар — конкордатлар ифодаланган. Кейинги вақтда Ватикан умумбашарий характердаги халқаро масалаларни ҳал этишга қизиқиб қарамоқда. Шу муносабат билан у бир қатор кўп томонлама шартномаларнинг қатнашчиси бўлди. Ватикан айрим халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг аъзоси, БМТ ҳузурида доимий кузатувчи сақлайди.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**1. Асосий принциплар тушунчаси**

Юқорида айтилганидек, халқаро ҳуқуқ принциплари меъёрий актларга эга бўлиб, принциплар ва меъёрлар ўртасидаги фарқ шартлидир.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий принциплари халқаро муносабатларнинг асосий муаммоларини ҳал этиш учун энг кўп аҳамиятга эга бўлган кўпчилик тан олган меъёрлар сифатида белгилаш мумкин. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ реакцион ёки «классик» ҳуқуқдан, энг аввало, ўзининг асосий принципларидан фарқ қилади. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий принциплари, аввало, БМТ Низомида мустақкамланган. Лекин айримлари Низомда жуда қисқа баён этилади. Шунинг учун ривожланган давлатлар ташаббуси билан БМТ дан айрим принципларнинг мазмунини таърифлаш ишлари амалга оширилади. Бу ишлар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1970 йил БМТ Низомига биноан давлатлар ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари ва ҳамкорликка тааллуқли халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияни қабул қилиш билан яқунлайди. Декларацияда қуйидаги принциплар ифодаланган:

- 1) куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик принципи;
- 2) халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш принципи;
- 3) давлатларнинг ички компетенциясига кирувчи ишларга аралашмаслик принципи;
- 4) давлатларнинг бир-бирлари билан Низомга биноан ҳамкорлик қилиш мажбурияти;
- 5) халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи принципи;
- 6) давлатларнинг Низомга биноан ўзлари қабул қилган мажбуриятларини виждонан бажариш принципи;
- 7) давлатларнинг суверен тенглиги ҳуқуқи принципи;

Бу, албатта, халқаро ҳуқуқда фақат еттита асосий принцип мавжудлигини билдирмайди. Декларация ўз олдига халқаро ҳуқуқининг асосий принциплари тўла сонини бериш вазифасини ҳам қўймаган эди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1975 йили Хельсинкида ўтган Умумевропа Кенгаши Якунловчи актида 10 асосий принцип таърифлаб берилган. Юқорида эслатилган 7 принципга чегараларнинг дахлсизлиги, давлатларнинг ҳудудий бутунлиги, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурматлаш принциплари қўшилди. Лекин халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари булар билангина чекланмайдн. Ҳали ҳозирги замон халқаро ҳуқуқнинг барча асосий принципларини ўзида ифодалаган халқаро ҳужжат йўқ. Халқаро муносабатларнинг жамият ҳаётидаги мавқеи ошаётган ва янги, ҳаётий муҳим умумбашарий муаммолар юзага келаётганлиги халқаро ҳуқуқ асосий принциплари миқдорининг кўпайишига олиб келмоқда. Масалан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосининг халқаро аҳамияти ошиб бораётганлиги муносабати билан халқаро ҳуқуқда ғоят муҳим принцип — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш принципи пайдо бўлади.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари тушунчаси муносабати билан «Давлатларнинг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари» концепциясини эслатиб ўтиш зарур. БМТ халқаро ҳуқуқ Комиссияси Бош Ассамблея топшириғига биноан 1949 йили 14 моддадан иборат давлатларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Декларацияси лойиҳасини ишлаб чиқди ва тақдим этди. У Бош Ассамблеяда узил-кесил маъқулланмай давлатларга кўриб чиқиш учун жўнатилди. Уни озчилик давлатларига кўриб чиқди ва Бош Ассамблеяга ўз мулоҳазаларини тақдим этди. Шунинг учун Бош Ассамблеяда бу масала бошқа кўрилмади.

Халқаро ҳуқуқ субъекти бўлган давлатларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари билан белгиланади.

2. Асосий принципларни классификациялаш

Ижтимоий-иқтисодий тузумлар ўртасидаги қарама-қаршиликлардан иборат бўлган ҳозирги замон умумий халқаро ҳуқуқнинг маркази турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принциpidан иборат. Бошқа асосий принципларни шартли равишда икки тоифага бўлиш мумкин.

1. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга бево-сита тааллуқли принциплар:

- а) Куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик;
 - б) давлатларнинг ҳудудий бутунлиги;
 - в) чегараларнинг дахлсизлиги;
 - г) халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
 - д) қуролсизланиш;
2. Халқаро ҳамкорликнинг умумий принциплари:
- а) давлатларнинг суверен тенглиги;
 - б) ички ишларга аралашмаслик;
 - в) миллатлар ва халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи;
 - г) давлатларнинг ҳамкорлиги;
 - д) инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш;
 - е) халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш.

Асосий принциплар давлатлар ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ҳамда тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро кескинликни юмшатишнинг юридик базаси бўлиб хизмат қилади.

3. Тинч-тотув яшаш принципи

Тинч-тотув яшаш принципи икки хил таърифда қўлланилади:

а) турли иқтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципи:

б) давлатларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тузумлардаги фарқларига қарамай тинч-тотув яшаш принципи. Халқаро ҳужжатларда одатда иккинчи таъриф кенг ишлатилади.

«Тинч-тотув яшаш» атамаси халқаро ташкилотларнинг Низомида қўлланилмаса ҳам бутун Низом матнида қизил ип бўлиб ўтади. Давлатлар «бир-бирига чидам, сабр-матонат ва биргаликда яшашга интилишлари, жаҳонда бир-бирлари билан яхши қўшничилик қилишлари», «миллатлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш» кераклиги таъкидланади. «БМТ, — дейилади Низомда, — умумий мақсадларга эришишда миллатларнинг биргаликда ҳаракати учун марказ бўлиши керак».

70-йилларда «Тинч-тотув яшаш» принципи атамаси БМТ, минтақавий ва икки томонлама халқаро ҳужжатларда тобора тез-тез қўлланадиган бўлиб қолди. Бу халқаро ҳуқуқнинг бошқа икки муҳим принципи барқарорлигини кўзда тутди. Булар: куч ишлатмаслик ва

куч билан таҳдид қилмаслик, суверенитетни ҳурматлаш, ички ишларга аралашмаслик ва бошқалардир. У умумий шаклда юқорида санаб ўтилган принциплар мазмунини ифодалайди. Бу принцип турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасидаги қарама-қаршиликларга қаратилган сиёсат ўтказишни тақиқлайди. Тинч-отув яшаш принциплари тўғрисидаги тушунча кенг бўлиб, у турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг умумий тавсифига яқиндир.

4. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга бевосита тааллуқли принциплар

а) **Куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик принципи.** Агрессив урушларни тақиқлаш ва урушларнинг жинояткорона руҳи ғоялари Миллатлар Лигасининг бир қатор ҳужжатларида, хусусан 1923 йил Миллатлар Лигаси Ассамблеясида қабул қилинган ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома лойиҳасида (бу шартнома лойиҳаси лойиҳалигича қолиб кетди), 1927 йилги Миллатлар Лигаси Ассамблеяси қабул қилган агрессив урушлар тўғрисидаги Декларацияда ўз ифодасини топди. Бу ҳужжатларда агрессив урушлар халқаро жиноят сифатида классификация қилинган.

1928 йил 27 августда миллий сиёсат қуроли сифатида урушлардан воз кечиш тўғрисидаги Париж шартномаси (Бриан Келлог пакти) кўп томонлама биринчи халқаро шартнома бўлди. Қарорлардаги айрим чалкашликларга қарамай бу шартнома ўзида агрессив урушни тақиқлаш ғоясини мужассамлаштирган эди. Мазкур шартноманинг моддаси шундай фикрни ўзида ифодалаган: «Бообру шартлашувчи томонлар ўзлари мансуб бўлган халқлар номидан тантанали баёнот берадиларки, улар халқаро низоларни бартараф этиш учун урушга мурожаат қилишни қоралайдилар ва уларнинг ўзаро муносабатларида ундан миллий сиёсий қуроли сифатида воз кечадилар». 2-модда шартнома қатнашчиларининг ўз келишмовчиликларини тинч воситалар орқали қайд этиш мажбуриятини кўзда тутди.

Агрессив урушни тақиқлаш принципи Нюренберг ва Токио халқаро ҳарбий трибуналларида қабул қилинган Низомларда ўзининг янада такомилни топади. Бу трибуналларда агрессив урушнинг ўзигина эмас, балки уларни тайёрлаш ва халқаро ҳуқуқ билан тақиқланганлиги

таъкидланади. 1946 йил 11 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган резолюциясида Нюренберг халқаро трибунали Низоми ва ҳукмида баён этилган принциплар амалдаги халқаро ҳуқуқ принципларига айланганлиги қайд этилди.

Низом куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик принципини ривожлантиришда янги муҳим босқич бўлади. Низом агрессив урушни тақиқлаш билан кифояланмайди. Шунингдек, куч билан таҳдид қилиш ва халқаро муносабатларда куч ишлатишни ҳам тақиқлади. Низомнинг 2-модда 4-бандида шундай дейилади: БМТ нинг барча аъзолари ўзининг халқаро муносабатларида куч ишлатиш ёки бирон-бир давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши, шунингдек, мақсадларига мос бўлмаган бирон-бир тарзда куч ишлатишдан тийилади.

Давлатларнинг дўстона муносабатлари ва ҳамкорлигига тааллуқли халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларация, -1970—1974-йилларда тегишли равишда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган агрессивияни аниқлаш, шунингдек, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган 1975 йилги Умумевропа кенгашининг Яқинловчи акти ҳозирги пайтда куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик принципини энг нуфузли тарзда баён этиб берди.

Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик принципининг асосий мазмуни — агрессив урушни тақиқлаш, яъни давлатлар ўртасидаги муносабатларда урушни тақиқлашдан иборатдир. «Агрессив уруш, — дейилади Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияда, — тегиликка қарши жиноятдир. У шундай урушни танлаган давлат учун жиддий жавобгарлик туғдиради.

Юқорида келтирилган ҳужжатлардан шу нарса келиб чиқадики, унда хусусан, қуйидагилар тақиқланади:

- 1) куч билан таҳдид қилиш ёки бошқа давлатга нисбатан тўғридан-тўғри ёхуд нисбатан куч ишлатиш;
- 2) мавжуд чегараларни бузиш ёки халқаро низомларни ҳал қилиш учун куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш;
- 3) куч ишлатиш билан репрессия ўтказиш (бундай тақиқланган ҳаракатга, чунончи «тинч қамал» деб номланувчи, яъни тинчлик вақтида қуролли кучлар томони-

дан бошқа давлатларнинг портларини қамал қилиш киради);

4) қуроли тўдалар билан бирга ёлланганлар ташкилотини тузиш ёки шундай ташкилотни тузишни рағбатлантириш (Ангола ва Афғонистонга қуроли тўдаларни жўнатиш);

5) бошқа давлатда фуқаролик уруши ёки террористик ақтларни ташкил этиш, унга ёрдам кўрсатиш ёки шундай ақтларда иштирок этиш ёхуд ўз ҳудудидида шундай ақтларни амалга оширишга қаратилган ташкилотчилик фаолиятини ҳаспўшлаш (агар бундай ақтлар куч билан амалга оширилса ва уни қўллаш билан боғлиқ бўлса);

6) БМТ Низомини бузган ҳолда куч ишлатиш натижасида давлат ҳудудидида ҳарбий оккупация қилиш;

7) куч билан таҳдид қилиш ёки уни қўллаш натижасида бошқа давлатнинг ҳудудини эгаллаш (бундай қондани бузишга Исроилнинг босиб олинган араб ҳудудларини оккупация қилиши мисол бўлади);

8) халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, эркинлик ва мустақиллик ҳуқуқларидан маҳрум қилишга қаратилган ҳаракатлар.

1970 йилда қуроли агрессияни аниқлаш даражаси халқаро ҳуқуқ томонидан кучдан қонунсиз фойдаланишнинг энг жиддий ва хавfli шакллари бўлган ҳолатларни белгилаб беради. Уларга, хусусан, юқорида, 2- ва 7- бандларида кўрсатилган куч ишлатиш ҳаракатлари киради.

Куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид қилиш принципи билан боғлиқ халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим меъёрларидан бири ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган ҳуқуқдир. Бу БМТ Низомининг 51-моддасида қуйидагича таърифланган: «Мазкур Низом ташкилот аъзосига қуроли ҳужум юз берган тақдирда якка тартибда ёки коллектив бўлиб ўз-ўзини мудофаа қилишга бўлган ажралмас ҳуқуққа бирон-бир даражада таъсир кўрсатмайди».

Ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи биринчи бўлиб куч ишлатишни тақиқлашни билдирувчи принципни амал қилишидан истисно деган гап эмас. Ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи бошқа давлат томонидан қуроли куч ишлатилган тақдирда жавоб ҳаракатларини амалга ошириш ҳуқуқини ўзида ифодалайди. БМТ Низомининг 51-моддасида бундай қуроли кучларни қўллаш ўз-ўзини мудофаа қилиш сифатида белгиланади.

БМТ Низомига кўра ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига биноан давлат ёки давлатлар бошқа бир давлатга нисбатан фақат қуйидаги ҳолатларда қуролли кучларни қўллашлари мумкин:

а) тинчликка таҳдидни бартараф этиш ёки унинг олдини олиш агрессия актини бузиш ёки тинчликнинг бошқа жиҳатдан бузилишига чек қўйиш учун Хавфсизлик Кенгаши қарори бўйича амалга оширилаётган тadbирларда иштирок этиш мумкин;

б) қуролли ҳужум юз берган тақдирда якка ҳолатда ёки жамоа бўлиб ўз-ўзини ҳимоя қилиш. Бу ҳолатда давлат агрессор давлатга қарши якка ўзи ёки бошқа давлатлар билан иттифоқда ҳаракат қилиши мумкин.

Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг тегишли мамлакат ёки ҳудуд халқларига ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошираётганда халақит бераётган метрополияга қарши қуролли куч ишлатишга мурожаат қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Қуролли кучни шу тариқа қўллаш ҳам қонуний, ҳам ўз-ўзини ҳимоядан иборат. Бу қоида умумий шакл БМТ Низомидан келиб чиқади ва кўпгина халқаро ҳужжатларда, хусусан Ҳинди-Хитой бўйича 1954 йилги Женева битими, БМТ Бош Ассамблеясининг кўплаб резолюциялари ва, айниқса, 1970 йилги халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияда ўзининг кўнкрет ифодасини топди.

Табиийки, куч ишлатмаслик принципи давлат ичида рўй бераётган воқеаларга тааллуқли эмас. Зеро, халқаро ҳуқуқ ички давлат муносабатларини тартибга солмайди.

Куч ишлатмаслик принципининг таркибий қисми урушни ташвиқот қилишни тақиқлашдан иборат. Буни мустақил меъёр сифатида қараб чиқиш мумкин. 1970 йилги Декларацияда: «БМТ мақсадлари ва принципларига мувофиқ давлатлар агрессив урушни ташвиқот қилишдан тийилишга мажбурдир», дейилади. Мазкур меъёр давлатлар ўз органлари томонидан урушни ташвиқот қилишга йўл қўймасликлари, бундан ташқари давлатлар уларнинг ҳудудларида айрим шахслар, ташкилотлар томонидан урушни ташвиқот қилмаслиги учун чора кўришга мажбур эканликларини билдиради.

б) Давлатларнинг ҳудудий бутунлиги принципи.

Давлатларнинг ҳудудий бутунлиги принципи БМТ Низоми 2-моддасининг 4-бандида қайд этилганидек, халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари қаторига киради. Мазкур принцип 1970 йилги халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияда аниқлаштирилган.

Декларация давлатларнинг ҳудудий бутунлиги принципи давлатларнинг суверен тенглиги принципининг бир қисми ва куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик принципининг муайян қисми сифатида баён этилади. Чиндан ҳам бу принцип юқорида тилга олинган икки принципга бевосита алоқадордир. Декларацияда: «Давлатларнинг ҳудудий бутунлиги ва сиёсий мустақиллиги дахлсиздир», дейилган. Бироқ, давлатларнинг ҳудудий бутунлиги принципи шунчалик муҳимки, Умумевропа кенгашининг Яқунловчи актида у халқаро ҳуқуқнинг мустақил принципи сифатида ажратиб баён этилган. «Иштирокчи давлатларнинг ҳар бири давлатларнинг ҳудудий бутунлигини ҳурматлайди».

в) Чегараларнинг бузилмаслиги принципи. Давлат чегараларининг бузилмаслиги принципи куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик принципи ва давлатларнинг суверен тенглиги принципи билан бевосита алоқадордир. 1970 йилги халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияда у куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик принципининг бир қисми сифатида талқин этилади: «Ҳар бир давлат бошқа бир давлатнинг мавжуд халқаро чегараларини бузиш мақсадида куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатишдан тийилиб туришга мажбурдир»...

Мазкур принципнинг муҳимлиги шундаки, Умумевропа кенгашининг Яқунловчи актида мустақил принцип сифатида ажратилган ва куч билан таҳдид қилиш принципидан ҳам илгарилаб кетган. Яқунловчи актга биноан чегараларнинг бузилмаслиги принципи фақат мавжуд чегараларни бузиш мақсадини кўзлаб, куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид қилишдангина эмас, балки давлат чегараларини қайта кўриб чиқишга тааллуқли ҳар қандай даъволар қилишдан ҳам воз кечишни билдиради. Иштирокчи давлатлар бир-бирларининг чегаралари бузилмаслигини ҳам, Европада барча давлатларнинг чегара-

лари бузилмаслигини ҳам қараб чиқадилар. Шунинг учун ҳозир ва келгусида бу чегараларга ҳар қандай даъводан тийиладилар. Улар тегиншли тарзда ҳар қандай иштирокчи давлатнинг бир қисм ҳудудини ёки бутун ҳудудини босиб олиш ва қўлга киритишга қараталган ҳар қандай талаблар ва ҳаракатлардан ҳам тийиладилар.

Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш принципи Миллатлар Лигаси Низоми бўйича «Урушни келтириб чиқариши мумкин бўлган низоларни ҳал қилишнинг тинч воситаларига мурожаат қилиши» мажбурий эди. Бироқ, бундай воситаларни қўллаш кучга мурожаат қилишни инкор этмасди. 1928 йили Париж Пакти урушга мурожаат қилишни тақиқлаб, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш принципини белгилади. Пактнинг 2-моддасида шундай дейилади: «Юксак аҳдлашувчи томонлар келиб чиқиши мумкин бўлган низолар ёки қарама-қаршиликларни, улар қандай характерда келиб чиққанлигига қарамай тинч йўл билан ҳал қилиш учун фақат тинч воситаларни ҳамisha излашлари керак».

Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш принципи БМТ Низомида қайд этилган. Низомнинг 2-моддаси 3-бандида бу принцип шундай таърифланади: «БМТ нинг барча аъзолари ўз халқаро низоларини тинч воситалар билан ҳал этадиларки, бунда халқаро тинчлик ва хавфсизликка ҳамда одилликка раҳна солинмайди». Бу принципнинг мазмуни энг юқори нуфуздаги халқаро ҳужжатлар: 1970 йилги халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларация ва Умумевропа Кенгашининг 1975 йилги Яқунловчи актида таърифлаб берилган. Бу ҳужжатларга биноан қараб чиқиладиган принцип қуйидагиларни билдиради:

а) давлатлар ўзларининг низоларини фақат тинч воситалар билан, БМТ Низомининг кўрсатилган қоидаларига биноан ҳал этишга мажбурдир;

б) давлатлар ўз низоларини ҳал этишда восита танлашда эркиндир;

в) агар тинч воситаларнинг бирини қўллаш келишмовчилликни ҳал этишга олиб бормаса, давлатлар бошқа тинч воситаларни излашга мажбурдир.

г) **Қуролсизланиш принципи.** Қуролсизланиш принципи муаммоси ҳозирги замоннинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб, инсоният тақдири кўп жиҳатдан унинг ҳал этилиши билан боғлиқдир.

Тинчлик сиёсати ва тараққиёт кучларининг ўсиб бо-

риши таъсирида Миллатлар Лигаси Низомидаёқ қуролсизланишга тааллуқли айрим қондалар ўрин олган эди.

БМТ Низоми гарчи умумий шаклда бўлса ҳам халқаро ҳуқуққа қуролсизланиш принципини киритди. II-моддага биноан қуролсизланиш ва қуролларни чеклаш принципи халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ишидаги ҳамкорликнинг умумий принципига киради. Халқаро аҳволни кескинлаштиришга олиб борувчи ва уруш хавфини кучайтирувчи қуролланиш пойгаси БМТ Низоми асосий ғояларига ва ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига — халқаро тинчлик ва хавфсизликни ҳамда давлатларнинг тинч-тотув яшашини таъминлаш ғоясига зиддир.

Қуролсизланиш принципи БМТ Бош Ассамблеяси резолюциялари ва бир қатор халқаро шартномаларда тобора аниқ ва қатъият билан таърифлана борди. Чунинчи, 1966 йил 5 декабрдаги Бош Ассамблея Резолюциясида «Қуролланиш пойгаси, айниқса, ядровий қуролланиш жаҳонга хавф туғдиради», дейилади. 1963 йилги Ядро қуролини ҳавода, космик фазода ва сув остида синашни тақиқлаш тўғрисидаги Москва шартномасида унинг қатнашчилари: «Ялпи ва тўла қуролсизланишга: қаттиқ халқаро назорат битишувга тезроқ эришишни ўзларининг асосий мақсадлари деб ҳисоблайдилар», деб эълон қилдилар. 1970 йилги халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияда барча давлатлар самарали халқаро назорат остида ялпи ва тўла қуролсизланиш тўғрисидаги ҳаммабоп битимга эришиш мақсадида музокараларни виждонан олиб боришлари таъкидланган.

Шундай қилиб, кенг эътироф этилган халқаро ҳуқуқ принципи сифатида қуролсизланиш принципининг мазмуни ҳозирда давлатларнинг халқаро битим тузиш йўли билан қуролсизланишга эришиш мажбуриятини билдиради. Бу ҳали қуролсизланиш мажбурияти эмас. Бироқ, қуролсизланишга эришишнинг ҳуқуқий мажбуриятига «қисман ёки тўла» халқаро битим тузиш йўли билан таъминланиш эски халқаро ҳуқуқда бўлмаган муҳим мажбуриятдир.

Қуролсизланиш принципининг мазмуни тўғрисида гапириб, гарчи ядро заҳираларини камайтириш ёки тўла тақиқлашга ёхуд бошқа қуролларни тақиқлашга бевожуб олиб бормаса ҳам келажакда қуролланиш пойгаси илгарилаб кетиши мумкин бўлган бир қатор хавфли

йўллари тўсиб қўйишни кўзда тутувчи халқаро шартномаларни эътибордан четда қолдирмаслик керак.

5. Халқаро ҳамкорликнинг умумий принциплари

а) Давлатларнинг суверен тенглиги принципи

Давлатларнинг суверен тенглиги принципи барча давлатларнинг суверенитетини ҳурматлаш ва уларнинг халқаро муносабатлардаги тенг ҳуқуқлилигини ўз ичига олади. Мазкур икки таркибий қисм халқаро ҳуқуқнинг мустақил принциплари сифатида ҳам қараб чиқиши мумкин.

Давлатнинг суверен тенглиги принципи БМТ Низомида ўз ифодасини топган. Унинг иккинчи моддаси биринчи бандида шундай дейилади: «Ташкилотларнинг барча аъзолари суверен тенглиги принципига асосланган». Бу принципни таърифлаш кўпгина нуфузли халқаро ҳужатларда, аввало, 1970 йилги халқаро ҳуқуқ принциплари Декларациясида ва Умумевропа Кенгашининг 1975 йилги Яқунловчи актида ўз ифодасини топган.

Давлатларнинг суверенитети ўз ҳудудида тўла ҳокимликни, халқаро муносабатларда эса мустақилликни билдиради. Бинобарин, қараб чиқилаётган принцип давлатга ҳар қандай бошқа давлатнинг ўз ҳудудида тўла ҳокимлигини, бошқа давлатларга тобе эмаслигини ўз ичига олиб, унга тенг бўлган ҳуқуқий суверен уюшмаларни ҳурматлаш мажбуриятини юклайди.

Давлатларнинг суверен тенглиги ҳуқуқи ўрта асрдан ҳозирги даврга ўтишдан шаклланди ва ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан бирига айланди. Бироқ, ўрта аср халқаро ҳуқуқида суверенитетни ҳурматлаш принципи билан бир қаторда мазкур суверенитетни бузишга асос бўлувчи принцип ва нормалар, аввало, давлатнинг уруш очишга бўлган ҳуқуқи устун турарди. Бундан ташқари суверен тенглик принципи халқаро ҳуқуқнинг бошқа принциплари қатори фақат «цивилизациялашган» давлатларгагина тааллуқли эди. У ҳар қандай шарқ давлатларига нисбатан қўлланилмасди. Бу ўринда «цивилизациялашган» давлатлар мазкур дав-

латлар (протекторатлар, ички ишларга аралашуш, тенг бўлмаган шартномалар ва бошқалар)нинг суверенитети билан ҳисоблашмасди.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида давлатларнинг суверен тенглик принципининг мазмуни кенгайди. У ўз ичига қуйидаги қоидаларни олади:

а) ҳар бир давлат бошқа давлатларнинг суверенитетини ҳурматлаши керак;

б) ҳар бир давлат бошқа давлатларнинг ҳудудий бутунлиги ва сиёсий мустақиллигини ҳурматлашга мажбур;

в) ҳар бир давлат ўз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тузумларини эркин танлаш ва ривожлантириш ҳуқуқига эга;

г) барча давлатлар ҳуқуқий тенг. Улар халқаро ҳамжамият аъзолари сифатида ўзларининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий системаларидаги фарққа қарамай бир хил ҳуқуққа эга;

д) ҳар бир давлат пайдо бўлган пайтдан бошлаб халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланади;

е) ҳар бир давлат у ёки бу даражада ўз манфаатларига тааллуқли халқаро масалаларни ҳал этишда қатнашишга ҳақли;

ж) халқаро конференция ва халқаро ташкилотларнинг ҳар бири битта овозга эга;

з) давлатлар тенглик асосида халқаро ҳуқуқ нормаларини битимлар орқали яратади. Давлатларнинг ҳеч қандай уюшмаси бошқа давлатларга ўзи яратган халқаро ҳуқуқий нормаларни мажбуран ўтказиши мумкин эмас.

Давлатларнинг мустақиллиги халқаро ҳуқуқий муносабатларда ҳар бир давлат, халқаро ҳуқуқни ҳурматлаш учун мажбур эканлигига қарама-қарши чиқмайди. Чунки унинг нормалари давлатларнинг биргаликдаги иродаси билан яратилади.

Табийки, халқаро ҳуқуқ субъектларининг юридик тенглиги уларнинг амалдаги тенглигини билдирмайди. Давлатларнинг суверен тенглиги билан уларнинг амалдаги тенглиги ўртасида муайян қарама-қаршилик мавжуд. Бу қарама-қаршилик демократизм принципи нуқтаи назаридан халқаро конференция ва халқаро ташкилотларда, айниқса, кескин намоён бўлади. Чунки уларда аҳолиси унча кўп бўлмаган давлат ҳам, ундан минглаб мартаба кўпроқ аҳолига эга бўлган давлат

ҳам биттадан овозга эга. Шунга қарамай давлатларнинг суверен тенглиги ҳуқуқи бутун халқаро тизим асосларидан бирини ташкил этади ва БМТ Низоми принциплари орасида биринчи ўринда туради.

Гап шундаки, мустақил давлатларнинг мавжудлиги ижтимоий тараққиётнинг қонуниятига бўлиб қолаётганлиги туфайли уларнинг суверен тенглик принципи мана шу қонуният намоён бўлишининг бир кўриниши сифатида юзага келади. У ҳар бир давлатнинг эркин ривожланишини таъминлаб, зўравонлик ва тобелик сиёсатига қарши қаратилган бўлиб, уни мана шу реакцион сиёсатга қарши қўллаётган кичик давлатлар учун қалқон бўлиб хизмат қилади. Кўриб чиқиляётган принцип халқаро ишларни ҳал этишда ҳар бир давлатнинг тенг иштирокини таъминлайди. Айни пайтда суверен тенглик принципи йирик давлатлар учун кафолат вазифасини ўтайди. У кичик давлатларни буюк давлатлар иродасидан ҳимоя қилади, ҳозирги замон умумий халқаро ташкилотларда уларнинг манфаатларини муҳофаза қилади.

Кўрсатилган принципга биноан халқаро конференциялар ва халқаро ташкилотларнинг қарорлари қоида тариқасида тавсия характерида бўлади, давлатлар учун юридик-мажбур нормалар эса, фақат уларнинг розилиги билангина пайдо бўлиши мумкин.

Бошқа давлатларнинг ҳудудларида ҳарбий базалар барпо этиш ўз нуқтаи назарини бошқа давлатларга ўтказиш учун «қўлларини боғлаш»дан иборат реакцион сиёсат давлатларнинг суверен тенглик принципининг ошкора бузилишидир.

б) Қўшилмаслик принципи

Бу принцип давлатларнинг суверен тенглик принципи билан ўзвий боғланган бўлиб, халқаро ҳуқуқда у билан ёнма-ён таркиб топди.

Ўрта аср халқаро ҳуқуқида қараб чиқиляётган принципнинг мазмуни чекланган эди. Чунки кўпгина ҳолатларда интервенция, ҳатто қуролли интервенция ва давлатларнинг ички ишларига аралашинишнинг бошқача кўринишлари содир бўлади. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқда кўрсатилган принципнинг мазмуни анча кенг.

Қўшилмаслик принципи БМТ Низомида қайд этилган (2- модда, 7- банд). Бу принципга давлатларнинг

ички ишларига аралашувга йўл қўймаслик тўғрисидаги Декларацияда, 1970 йилги халқаро ҳуқуқ принципи тўғрисидаги Декларацияда, 1975 йилги Умумевропа кенгаши Якунловчи актида нуфузли таъриф берилган.

БМТ Низомига биноан «Ҳар қандай давлатнинг ички ҳуқуқий доирасига кирувчи ишларга» аралашиб тақиқланади. «Давлатнинг ички ишлар тушунчаси» ёки «моҳияти жиҳатидан ҳар қандай давлатнинг ички компетенциясига кирувчи ишлар» ҳудудий тушунча эмас. Муайян давлат ҳудудида рўй бераётган ҳамма ишлар ҳам унинг ички ишлари саналмайди. Мисол учун, халқаро ҳуқуқ мақоми билан белгиланган чет элчихонасига ҳужум қиллиниши давлатнинг соф ички иши эмас. Айни пайтда давлат ҳудудидан четга чиқувчи кўпгина муносабатлар амалда унинг ички компетенциясини ташкил қилади. Чунончи, икки давлат ўртасида тузилган шартнома, агар у учинчи давлатнинг ҳуқуқи ва манфаатларига дахлдор бўлмаса, келишувчи томонларнинг ички ишларига тааллуқли бўлиб, унга учинчи давлатнинг аралашishi мумкин эмас.

1970 йилги Декларацияга биноан аралашмаслик принципи ҳар қандай сабабга кўра «Бирор бир давлатнинг ички ёки ташқи ишларига» тўғридан-тўғри ёки нисбатан аралашishни тақиқлашни билдиради. Шу Декларацияга кўра кўрсатилган принципнинг мазмунини ўзичига:

— давлатнинг ҳуқуқий субъектлигига ёки унинг сиёсий, иқтисодий ва маданий асосларига қарши қаратилган қуроли интервенция ва бошқа аралашish шакллариини ёхуд аралашish таҳдидини тақиқлаш;

— бошқа давлатнинг ўз суверен ҳуқуқларини амалга оширишга эришishини ўзига бўйсундириш ва ундан бирон-бир имтиёзни олишни кўзлаб иқтисодий-сиёсий ва бошқа чоралар қўллашни тақиқлаш;

— бошқа давлат тузумини куч ишлатиб ўзгартиришга қаратилган ҳаракат, уни рағбатлантириш, қуроли кўпорувчилик ёки унга йўл қўйishни тақиқлаш;

— бошқа давлатларнинг курашга аралашishини тақиқлаш;

— халқларни миллий турмуш тарзидан маҳрум қилиш учун куч ишлатishни тақиқлаш;

— давлатнинг ўз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий тузумини бошқа давлатнинг аралашувисиз танлаш ҳуқуқини ўзичига олади.

«Амалда исталган давлатнинг ички компетенциясига кирадиган ишларнинг халқаро ҳуқуқий тушунчаси юридик тушунча бўлиб, унинг мазмуни халқаро ҳуқуқ ривожини билан ўзгара боради. Ривожланиш жараёнида бу муайян даражада кўпроқ ишлар (ва қоида тариқасида бевосита эмас балки давлатларнинг ички ҳуқуқини орқали) халқаро ҳуқуқий нормалашувга тобе бўла боради ва фақат давлатнинг ички компетенциясига тааллуқли бўлмай қолади. Мисол учун яқингинада давлатнинг ички қонунчилиги орқали тўла тартибга солинаётган индивидларнинг аҳволи кейинги йилларда бу масала юзасидан бир қатор халқаро шартномалар тузилганлиги муносабати билан маълум даражада халқаро ҳуқуқий нормалаштирувига дучор бўлиб бормоқда. Гарчи бу ишлар давлатнинг ички компетенциясига киришда давом этса ҳам, бу ўзгариш эндиликда кенг эътироф этилмоқда.

У ёки бу масала юзасидан халқаро шартнома мавжуд бўлгани учун бундай шартноманинг ҳар бир иштирокчиси унинг бошқа иштирокчисига бу шартнома қарорларини бажаришга нисбатан эътирозларни фақат давлатга ва шартнома қарорлари ҳамда умуман халқаро ҳуқуққа билдириши мумкин.

Реакцион давлатлар томонидан зўравонлик сиёсатининг ўтказилиши аралашмаслик принципини қўпол равишда бузишнинг ёрқин кўринишидир.

в) Миллатлар ва халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи

Халқлар (миллатлар), унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи ўрта асрдаёқ пайдо бўлди. Ҳукмрон давлатлар XIX асрда ўз ҳамкорлигини ўрнатишга интилиб «миллийлик принципи» байроғини остида Европада мустақил миллий давлатлар тузиш учун курашди. Бироқ «миллийлик принципи», ҳатто Европа халқаро ҳуқуқини доирасида ҳам тан олинмади. Мустамлака тузумининг, шунингдек, Европада кўп миллатли империянинг мавжудлиги миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи билан асло қовушмасди.

Мустамлакачи давлатлар ўз мустамлакаларида мустақиллик учун кучайиб бораётган ҳаракатларни қурол кучи билан тўхтатиб қўйишга кўпинча кескин киришарди. БМТ да инсон ҳуқуқлари Пактини ишлаб чиқиш

чоғида мустамлака давлатлар миллатлар ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини кенгроқ ва муфассал баён этилган тарзда киритишга қатъият билан қарши чиқди. Улар бу таъриф БМТ Уставида ёзиб қўйилганлигидан кенгроқ баён этилишига қарши эди. Халқаро ҳуқуқ доктринасининг айрим намоёндалари мазкур принцип умуман халқаро ҳуқуқ принципи эмаслигини исботлашга уриндилар. Чунончи, Америкалик профессор Иглтон бу принципни гўё ахлоқий принцип сифатида тасвирлашга уринади. Франциялик профессор Сибер миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини «гипотетик ва ёлғон», деб атади.

Бироқ халқаро майдонда кучлар нисбатининг миллий озодлик ҳаракати, тинчлик ва ҳамкорлик фойдасига ўзгариши ва давом этаётганлиги натижасида миллатлар ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи муттасил ривожланиб боради ва бир қатор халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топди. 1960 йилда қабул қилинган мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларация, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Пактнинг I-моддаси ва 1970 йилги халқаро ҳуқуқ принципи тўғрисидаги халқаро Декларация ана шу ҳужжатларнинг энг муҳимларидир. 1970 йилда қабул қилинган халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияда миллатлар ва халқларнинг тенглиги ҳамда ўз тақдирини ўзи белгилаши муфассал баён этилган.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида қараб чиқиляётган принцип мазмуни асосан:

— ҳамма халқлар ташқаридан ўз сиёсий мақомларига бирор-бир тарздаги аралашувсиз ўзларининг сиёсий мақомларини эркин белгилаш ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётларини амалга ошириш ҳуқуқларига эга эканлигини;

— барча давлатлар бу ҳуқуқни ҳурматлашга мажбур эканлигини;

— барча давлатлар биргаликда ва мустақил ҳаракатлар йўли билан халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишига кўмаклашишга мажбур эканлигини;

— барча давлатлар халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга, озодлик ва мустақилликка бўлган ҳуқуқларидан маҳрум қилувчи куч ишлатиб қилинадиган ҳар

қандай ҳаракатларидан тийилиб туришга мажбур эканлигини;

— мустамлака халқлар мустақиллик учун ўзлари олиб бораётган курашда барча зарур воситалардан фойдаланишлари мумкинлигини;

— халқни чет эл ҳукмронлигига, эксплуатация қилишга бўйсундириш тақиқланишини ўз ичига олади.

Миллатлар ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи миллат (халқ) мустақил давлат ёки бутун миллатни бирлаштирувчи давлат тузишга интилишга мажбурлигини билдирмайди. Миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган ҳуқуқи унинг ҳуқуқидир, мажбурияти эмас.

Шундан келиб чиқадики, қараб чиқиладиган принцип у ёки бу миллат (халқ)нинг халқаро ҳуқуқий мақомини ҳал қилиб бермайди. Миллат (халқ) бошқа бир ёки бир неча миллат (халқ) билан эркин тарзда бирлашуви мумкин. Бу ҳолда бирлашув халқаро муносабатларда халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида майдонга чиқадими ёки чиқмайди? Буни бирлашган давлатлар ҳуқуқи орқали ҳал қилинади.

Шундай қилиб, давлатнинг ташкил этилиши — халқаро ҳуқуқ субъектининг майдонга чиқиши миллатнинг ўзи, халқнинг ўзи эркин тарзда қабул қилган қарорига боғлиқ. 1970 йилги халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияда кўрсатилганидек, суверен ва мустақил давлат тузиш, эркин иттифоқ ёки давлатга қўшилиш ёки халқ томонидан эркин белгилаб олинган бошқа сиёсий мақомни барпо этиш халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган ҳуқуқини оширишнинг хилма-хил шакллари.

г) Давлатларнинг ҳамкорлик принципи

Давлатларнинг ҳамкорлик принципи халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлашуви, халқаро иқтисодий ва бошқа алоқалар ҳозирги даврда ғоят кенг тараққий этганлигининг натижасини гавдалантиради. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ишлаб чиқариш кучлари, маданият ва бошқа соҳаларни янада ривожлантиришнинг зарурияти кўрсатилган принципнинг юзага келишини таъминлади.

Кўриб чиқиладиган принцип БМТ Низомининг бошидан охиригача қизил ип бўлиб ўтади. 2-модданинг

асосий мақсади халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустақамлашдан иборат бўлган бу ташкилотнинг мақсадларини санаб, БМТ «Миллатларнинг бу умумий мақсадларини рўёбга чиқариш учун биргаликда ҳаракат қилишларида марказ бўлиши» кераклигини белгилайди.

Низомнинг мана шу қондасини ривожлантира бориб, 1970 йилги халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларация давлатлар ҳамкорлиги принципининг мазмунини тахминан шундай белгилайди:

а) давлатлар халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустақамлаш халқаро ҳамкорлик ва тараққиётни ривожлантириш мақсадларини кўзлаб, халқаро муносабатларнинг хилма-хил соҳаларида бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишга мажбур;

б) давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тузумлардаги фарқларига қарамай кенг амалга оширилмоғи керак;

в) давлатлар бутун жаҳонда иқтисодий тараққиётга, айниқса, ривожланаётган мамлакатларнинг тараққий этишига кўмаклашиш ишида ҳамкорлик қилишлари лозим.

1975 йилги Умумевропа кенгашининг Якуловчи акти бу принцип мазмунини Европадаги вазиятга мувофиқ равишда аниқлаштирди.

д) **Инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш принципи**

Инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги масалада иккинчи жаҳон урушидан кейин жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш принципи гарчи умумий тарзда бўлса ҳам БМТ Низомида ўз ифодасини топди. Низом инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсининг нафсонияти ва қадр-қимматига, эркалар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқларига, катта ва кичик миллатлар ҳуқуқларининг тенглигига ишончини янада қарор топтиришга чақиради. БМТ мақсадларидан бири «Инсон ҳуқуқларига ҳурматни рағбатлантириш ва ривожлантиришда ва ирқ, жинс, тил ва диндан қатъий назар ҳамма учун асосий эркинликларида» (1-модда) халқаро ҳамкорликни амалга оширишдан иборат.

Бу ҳолат муайян даражада 1948 йили БМТ Бош Ассамблеяси томонидан инсон ҳуқуқлари умумжаҳон

Декларацияси қабул қилинишга олиб келди. Унда гарчи тўла бўлмаса ҳам бундай ҳуқуқларнинг кенг доираси санаб ўтилган. Ҳозирда инсоннинг асосий эркинликлари ва ҳуқуқлари иккита халқаро шартномада қайд этилган. 1966 йили Бош Ассамблеяда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Пакт ҳозир кучга кирган.

Инсон ҳуқуқини ҳурматлаш принципи, шунингдек, БМТ ёки унинг ихтисослаштирилган ташкилотлари доирасида қабул қилинган бир қатор махсус Конвенцияларда баён этилди ва ривожлантирилди.

1970 йилги халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияда инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш принципи ўз ифодасини топмаган. Яъни, юқорида кўрсатилганидек, унда санаб ўтилган принциплар доираси мукамал эмас. Ҳозирги пайтда халқаро ҳуқуқда мазкур принцип мавжудлигини амалда ҳеч ким рад эта олмайди. 1975 йили Умумевропа кенгаши Якунловчи актида у шундай таъкидланади: «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, фикрлар, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини ҳам қўшиб ҳурматлаш».

Умумий халқаро ҳуқуқ инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш принципининг мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) барча давлатлар ўз ҳудудида яшаётган барча шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурматлашга;

б) давлатлар жинс, ирқ, тил ва дин белгилари бўйича камситишга йўл қўймасликка мажбурдирлар. Давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни бутунлай ҳурматлашга ёрдам кўрсатишлари ва шу мақсадда бир қатор ҳамкорлик қилишлари керак.

Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишида давлатларнинг ҳамкорлигини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ принципи ҳисобланади.

е) Халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш принципи

Кўриб чиқиладиган принцип шуни билдирадики, давлатлар халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқувчи ўз мажбуриятларини виждонан бажаришлари керак. Халқаро ҳуқуқий нормалар очиқ-ойдин ифодаланган ёки сукут сақлаб билдирадиган битимлар йўли билан яра-

тилганлиги, халқаро ҳуқуқнинг ёки бу нормаси билан дахлдорликка розилик берган давлат ана шу розилик билан юридик жиҳатдан боғлиқ ҳисобланади ва уни қайтиб ололмайди.

Халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш принципи халқаро ҳуқуқнинг қадимий принциплари қаторида бўлиб, халқаро ҳуқуқ принципи билан баробар туғилди. Уни тан олмай туриб, халқаро ҳуқуқ ривож топиши мумкин эмас.

Бу принцип алоҳида аҳамиятга эга. Чунки халқаро муносабатда ҳуқуқ нормаларига риоя қилишга мажбур этувчи аппаратнинг йўқлиги, халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши, энг аввало давлатларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқлиги мазкур принципнинг аҳамиятини янада оширади. Ҳозирги пайтда у БМТ Низомида қайд этилган. Низомнинг кириш қисмида БМТ аъзоларининг «шартномалар ва бошқа халқаро ҳуқуқ муносабатларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни ҳурматлашга риоя қилишга мумкин бўлган шароитларни яратиш»га азму қарор қилганликлари таъкидланади. Низом бўйича халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш БМТ барча аъзоларининг вазифаси эканлиги кўзда тутилади (2- модда, 2- банд).

Кўриб чиқилаётган принципнинг мазмуни бир қатор халқаро ҳужжатларда, биринчи навбатда 1969 йилги халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенциясида, 1970 йилги халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияда, 1975 йилги Умумевропа кенгаши Яқунловчи актида аниқлаштирилган.

Кўрсатилган принципнинг мазмуни аввало, ҳар бир давлат ўз зиммасига олган мажбуриятларни виждонан бажаришини ифодалайди:

а) Бирлашган миллатлар Ташкилоти Низомига биноан улар томонидан қабул қилинган. Бу билан ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи учун БМТ Низомининг асосий мавқеи таъкидланади;

б) халқаро ҳуқуқнинг кенг эътироф этилган принцип ва нормаларидан келиб чиққан. Бу билан ҳозирги замон халқаро ҳуқуқнинг кенг эътироф этилган принцип ва нормаларининг аҳамияти таъкидланади;

в) халқаро ҳуқуқнинг кенг эътироф этилган принциплари ва нормаларига биноан амалда бўлган маҳаллий халқаро шартномалардан келиб чиққанлиги таъкидланади.

V БОБ
**ХАЛҚАРО ВА ИЧКИ ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ
НИСБАТИ**

1. Халқаро ва ички давлат ҳуқуқининг ўзаро таъсир қилиш асослари

Халқаро ҳаётда ҳамкорликнинг ривожланиши, давлатлар ички ва ташқи сиёсатининг ўзаро муносабатларига тобора чуқур таъсир кўрсатмоқда. Натижада ички давлат ва халқаро ҳуқуқининг ўзаро таъсири кучаймоқда.

Халқаро ҳуқуқ ҳамisha ўзига муайян таъсир кўрсатувчи ички ҳуқуқ билан узвий алоқада шаклланиб ва амал қилиб келди. Тарихий тараққиёт мобайнида давлатларнинг ички ҳаётига бўлган таъсир чуқурлашиб бораётган халқаро муносабатларнинг мавқеи ўсди. Демак, халқаро ҳуқуқининг ички ҳуқуққа таъсири кучаймоқда. Давлатнинг ички ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқининг икки мустақил тизими бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз доирасида ҳаракат қилишга даъват этилган. Шунинг учун улар ўртасида бирор-бир юридик тобелик йўқ. Айни пайтда амал қилиш механизми ва ҳаракат қилиш доирасида улар ўз қобилқларига бурканиб қолмай, балки бу икки ҳуқуқий тизимнинг ўзаро таъсирини зарурат қилиб қўйди.

Ўзаро таъсир халқаро ҳуқуқининг ҳам, ички давлат ҳуқуқи самарадорлигини таъминлашнинг ҳам муҳим шартидир. Ички ҳуқуқ халқаро ҳуқуқни амалга ошириш воситаси сифатида тобора муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўз навбатида халқаро ҳуқуқ ички ҳуқуқда қайд этилган, миллий ҳуқуқий тизимларнинг ўзаро таъсирини енгиллаштирадиган давлат сиёсати, мақсад ва принципларини халқаро майдонда амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Икки ҳуқуқий тизимнинг ўзаро таъсири маълум даражада уларнинг келишиб олишини кўзда тутати. Давлатлар бир-бирларининг суверен тенглигини, шунингдек, ўз ижтимоий-сиёсий тизимларини танлаб олиш ҳуқуқини ҳурмат қилишга мажбурдир. Ички ҳуқуқ халқаро ҳуқуқни ҳурматлашга мажбур этувчи нормаларни ўзида мужассамлаштирган.

Халқаро ҳамкорликнинг айниқса, иқтисодий соҳада чуқурлашуви шу ҳамкорлик билан боғлиқ ҳолда ички ҳуқуқ соҳаларини муайян даражада унификациялаш за-

руратини келтириб чиқармоқда. Халқаро шартномалар ёрдами билан амалга оширилаётган бундай унификациялашдан мақсад, аввало, шундан иборатки, у турли мамлакатларнинг халқаро хусусий соҳада бир хиллигини таъминлаши лозим.

2. Халқаро ва ички давлат ҳуқуқлари муносабатининг ҳозирги замон назарияси

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ доктринаси халқаро ва ички муносабатларнинг уч асосий назариясини яратди. Булар дуалистик, халқаро ҳуқуқ примати, ички ҳуқуқ приматидир. Энг кўп тарқалган назария дуалистик назария бўлиб, унга кўра халқаро ва ички ҳуқуқ ўз объект, ҳаракат доираси, субъект ва манбалар бўйича фарқланган. Бинобарин, у ҳуқуқнинг мустақил тизимлари сифатида ҳаракат қилади. Ҳозирги замон дуалистик назариясида муайян маантиқ йўқ эмас. У давлатларнинг суверенлигидан келиб чиқиб, халқаро ва ички ҳуқуқни мустақил ҳуқуқ тизимлари сифатида қараб чиқади. Бироқ бу назария синифий чекланганлиги ва расмийлик тўғрисида тўғри халқаро ва ички ҳуқуқ ўзаро ҳамкорлиги муаммосини тўла ҳал қила олмайди. Бу назария тарафдорлари бўлган тадқиқотчилар халқаро ҳуқуқни ҳам, ички ҳуқуқни ҳам ижтимоий муносабатлар ҳуқуқининг тартибга солувчи ролдан ажратилган ҳолда ўрғанадилар.

Халқаро ҳуқуқ примати назарияси реакцион давлатлар ташқи сиёсатининг принципларини ифода қилади. Бу назарияга кўра халқаро ҳуқуқ ички давлат ҳуқуқига қараганда юксакроқ даражада бўлиб, ички давлат ҳуқуқига нисбатан муайян приматга эга. Кўриб чиқилаётган назария вакилларининг энг муҳим далилларидан бири гўё суверен ҳокимият ва ички ҳуқуқ ҳаракатлари доираси халқаро ҳуқуққа тобе эканлигидан келиб чиқади. Бироқ, аслини олганда давлат ўз суверенитетидан келиб чиқиб, битим тузиш асосида халқаро ҳуқуқнинг ҳаракати доирасида унинг ички ҳуқуқ билан ўзаро ҳамкорлик характерини белгилайди. Суверен давлатларга ўз иродасини тикиштиришга қодир бўлган давлатлар устидан турадиган ҳокимият йўқ. Бусиз эса халқаро ҳуқуқ примати концепцияси асоссиздир.

Халқаро ҳуқуқ примати назарияси Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўз таъсирининг юксак чўққисига кўта-

рилди. Бир қатор Ғарбий Европа мамлакатлари конституциявий ҳуқуқида халқаро ташкилотлар фойдасига суверен ҳуқуқларини чеклаш имкониятини кўзда тутувчи нормалар пайдо бўлди. Бироқ бу назария реакция давлатлар қонучилиги ва амалиётига бирон-бир жиддий таъсир кўрсатмади.

Ниҳоят, ҳозирги замон ҳуқуқшунослиги томонидан яратилган учинчи назария — ички ҳуқуқ примати назариясидир. Ички ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуқ устидан абсолют устунлигини эълон қилиб, бу назария халқаро ҳуқуқнинг юридик кучини инкор этишга, яъни халқаро ҳуқуқий нигилизм туғилишига олиб келади. Унинг айрим тарафдорлари халқаро ҳуқуқни бор-йўғи ҳар бир давлат ўз хоҳишига кўра шакллантирадиган ва бекор қиладиган «Ташқи давлат ҳуқуқи» сифатида қараб чиқадилар. Бу назария Германияда ўтган асрнинг иккинчи ярмида герман империализмининг дунёни қайтадан бўлиб олишга тайёргарлик кўраётган чоғида амалда бўлди. Лекин у бирор-бир даражада кенг тарқалмади.

3. Халқаро ҳуқуқ, унинг нормаларининг ички давлат ҳуқуқи нормалари билан муносабати тўғрисида

Ҳуқуқий нормалаштиришларнинг хилма-хил соҳаси мавжудлигига биноан турли тузумнинг нисбий тенглик муаммоси халқаро майдонда халқаро ҳуқуқ, ички ҳаётда ички ҳуқуқ билан нормалаштирилади.

Халқаро ҳуқуқда ички ҳуқуқ билан ўзаро муносабатлар асослари халқаро ҳуқуқий принциплар билан белгиланади. Чунончи, мажбуриятларни виждонан бажариш принципи, давлат қонунларини чиқариш ҳуқуқини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, ўз суверен ҳуқуқларини амалга ошириш чоғида халқаро ҳуқуқ бўйича ўз юридик мажбуриятларини мувофиқлаштириб олиши лозимлигини белгилайди. Халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларга зид қонун ёки маъмурий қонда қабул қилинган тақдирда, давлатнинг халқаро жавобгарлиги масаласи келиб чиқиши мумкин. Кўпинча шундай қонуннинг ўзигина эмас, балки амалга оширилиши халқаро ҳуқуқнинг бузилиши сифатида қараб чиқилади ва давлатларнинг жавобгарлигини келтириб чиқаради. Давлат халқаро ҳуқуқ нормаларининг ўзи томонидан бажарилмаганлигини оқлаш мақсадида ўз ички ҳуқуқ қондаларига асос-

лана олмайди (1969 йилги халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенциясининг 27-моддасига қаралсин).

Халқаро ва ички мувофиқликнинг конкрет масалаларини қараб чиқиш халқаро ҳуқуқий нормалар характерига боғлиқдир. Уларнинг кўпчилиги ички давлат имплементацияси (халқаро ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилиши, бажарилиши)га мутлақо эҳтиёж сезмайди. Зеро, улар халқаро муносабатлардагина ҳаракат қилиш учун мўлжалланган. Шулар қаторига, жумладан, халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ва сиёсий тусдаги шартномалар, хусусан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар киради. Бошқа халқаро нормалар уларни ички ҳуқуққа қўшиш йўли билан амалга ошириш учун мўлжаллаган. Ўз-ўзидан бажарилувчи нормалар учун улар давлатлар томонидан қабул қилинганидан кейин ички муносабатларни, агар миллий ҳуқуқ бунга йўл қўйган тақдирда, бевосита нормалаштириш даражасида ифодаланади. Ўз-ўзидан бажарилиши мумкин бўлмаган нормалар ўз мазмунига кўра ички давлат ҳуқуқий актида нашр этиш зарур бўлган нормалардир.

Халқаро ҳуқуқнинг ҳар бир давлатга ички давлат методлари ва воситаларини, шу жумладан, ҳақиқий метод ва воситаларни ўзи белгилаб олиш ҳуқуқини берувчи, халқаро мажбуриятларни амалга ошириш методлари ва воситаларини белгилаб олувчи ҳуқуқни берувчи халқаро ҳуқуқнинг принципиал қоидаларини белгилашини алоҳида таъкидлаши лозим.

Халқаро ҳуқуқ давлатларга фақат мажбурият юклайди. Давлатнинг ўзи эса ўз ички соҳасида халқаро ҳуқуқий йўлланмаларни амалга ошириш воситаларини белгилайди. Буларнинг ҳаммаси, албатта, давлатлар шартномада унинг бажарилиши учун қонун ёки бошқа акт чиқариш зарурлигини кўзда тутувчи имкониятларни эътибордан четда қолдирмайди.

4. Ички давлат ҳуқуқи нормаларининг халқаро ҳуқуқ нормалари билан муносабати тўғрисида

Давлатларнинг қонунчилиги халқаро ва ички ҳуқуқларнинг ўзаро таъсирини мувофиқлаштиришга тобора катта аҳамият бермоқда. Бунда халқаро ҳуқуқ ҳам, ички ҳуқуқ ҳам халқаро мажбуриятларни давлат ичкарисида амалга оширишнинг метод ва воситаларини белги-

лашни унинг ички компетенциясида эканлигидан келиб чиқади. Албатта, халқаро шартномада бошқача махсус қоида белгиланмаган бўлсагина, шундай қилинади.

Давлатлар қонунчилиги ва бу қонунчиликни амалга ошириш тажрибасини таҳлил қилиш ўз ҳаракат механизмига кўра ички ҳуқуқ халқаро (давлатлараро) муносабатларни, халқаро ҳуқуқ эса ички давлат муносабатларини нормалаштира олмайди, деган хулосанинг тўғрилигини исботлайди. Бироқ, бевосита ҳуқуқий нормалаштиришнинг мумкин эмаслиги таъсир кўрсатишнинг бошқа кўринишларини умуман инкор этмайди.

Халқаро ҳуқуқда ифодаланган ички муносабатларга таъсир кўрсатиш учун қоидалар ички ҳуқуқда ўз ифодасини топмоғи лозим. Бу жараён кўпчилик ҳолатларда трансформация деб номланиб, халқаро ҳуқуқий нормаларнинг ички давлат нормаларига айланишини билдиради. Аслини олганда гап бир нормани ички нормага айлантириш тўғрисида эмас, балки бўлак ижтимоий ва ҳуқуқий муҳитда амал қилишга даъват этилган янги нормаларни яратиш тўғрисида бормоқда.

Трансформация ўзида имплементациянинг муҳим воситасини гавдалантиради. Трансформация, айниқса, бизнинг давримизда муҳим ва мураккабдир. Унинг ёрдами билан халқаро ҳуқуқ йўл-йўриқлари принципиал жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи ижтимоий-сиёсий тузумлар шароитида амалга оширилади.

Ички ҳуқуқ нормаларининг халқаро шартномалар қоидалари билан тез-тез содир бўлиб турадиган коллизияси жиддий амалий аҳамиятга эга. Трансформация мавжуд тузумдан бирига амал қилувчи давлатлар қонунчилиги ва амалиёти бу масалага катта эътибор беради.

Тўғридан-тўғри трансформация шуни билдирадики, давлат томонидан тузилган ва кучга кирган шартнома қонун кучини касб этади. Бу тузумга амал қилувчи давлатлар кўпинча ҳуқуқнинг махсус нашрида эълон қилинган, ички қонуннинг уларга зид бўлмаган қоидалардан кучли эканлигини белгиловчи тартибни жорий этади. АҚШ Конституциясининг VI моддасида айтилганидек, АҚШ нинг барча шартномалари мамлакатнинг олий ҳуқуқи бўлиб, ҳар бир штатнинг судьялари, ҳатто, агар Конституцияда ёки айрим штатларнинг қонунларида унга қарама-қарши қарорлар учраган тақдирда ҳам маъна шу ҳуқуққа бўйсунмоғи лозим. Алоҳида штатлар

эмас, балки федерация қонунларига келганда Америка судлов тажрибаси уларни шартномалар билан тенг кучга эга бўлган нормалар сифатида қараб чиқади. Натижада кейинги қонун олдинги шартномани инкор этиши, бинобарин, халқаро мажбуриятларни йўққа чиқариши мумкин. Баъзи ҳолларда тўғридан-тўғри трансформацияни инкорпорация деб ҳам аташади. Ёки шартномада қайд этилган мамлакатнинг ички ҳуқуқига бевосита қўшиб қўйилади. Воситалашган трансформация шартнома-қондалар фақат қонун чиқарувчи орган томонидан махсус актни нашр этиш натижасидагина ички ҳуқуқ нормаси кучига эга бўлади (Буюк Британия, Канада, Нигерия). 1979 йили қабул қилинган Нигерия Конституциясининг 12-моддасида таъкидланадиги, федерация билан ҳар қандай бошқа мамлакатлар ўртасидаги шартнома қонун кучига эга бўлмайди. Бундан миллий Ассамблея ҳуқуқи мужассамлашган шартнома тузиш тажрибаси истиснодир, албатта.

Тўғридан-тўғри трансформация чоғида шартноманинг тўхтатиб қўйилиши ёки ўзгартирилиши ички ҳуқуқда тегишли ўзгартиришлар қилинишни дарҳол тақозо этади. Воситалашган трансформацияга кўра бундай ўзгартиришлар қонунчиликда ҳам ифодаланган бўлиши лозим.

Аралаш трансформация том маънода дастлабки икки тузум элементларини ўзида мужассамлаштириб, энг кўп тарқалгандир. Шунини таъкидлаш керакки, кўпгина мамлакатларда трансформациянинг аниқ тизими тўла шакланган эмас.

Трансформация тизимларидаги хилма-хилликка қарамай, давлатлар, умуман халқаро ҳуқуқнинг ички ҳуқуққа таъсири жараёнини тўла назорат қилишга интиладилар. Бу ўринда реакция давлатлар ўз Конституцияларига зид равишда кўпинча трансформациялашган шартнома нормаларини иккинчи ўринга, ички қонундан кейин қўядилар.

Халқаро ҳуқуқни амалга ошириш учун тузилган ички нормалар шу давлат ҳуқуқи тизимига кириб, унинг синфий моҳиятини белгилайди. Тегишли процессуал шаклларда амалга оширилади. Шунга қарамай бу тоифадаги нормаларда ўзига хос хусусиятлар йўқ эмас. Улар алоҳида тартибда яратилади. Агар қонун белгиланган бўлса, ички ҳуқуқнинг бошқа нормалари олдида афзаликка эга бўлади. Бу нормалар ўзи ҳаракатда бўл-

ган бутун давр мобайнида халқаро шартномалар билан алоқадорлигича қолади. Уларни мана шу шартномаларнинг қондалари ҳисобга олинган ҳолда қўллаш ва тунтириб бериш зарур.

Буларнинг ҳаммаси кўриб чиқиладиган нормаларни ички давлат ҳуқуқи нормаларининг асосида тури сифатида ажратиш ва трансформацион норма сифатида белгилаш учун асос бўлади.

5. Халқаро ташкилотларнинг қарорлари ва давлатларнинг ички ҳуқуқи

Халқаро ташкилотларнинг давлатлар ҳамкорлигини йўлга қўйишдаги ролининг кучайиши, улар қабул қилган қарорлар билан бу ташкилотларда қатнашувчи мамлакатларнинг ички ҳуқуқи ўртасида ўзаро таъсирнинг чуқурлашувига олиб келади. Ташкилотларнинг қарорлари ички ҳуқуқни ривожлантиришга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ўз навбатида ички ҳуқуқ халқаро ташкилотлар қарорларини амалга оширишнинг тобора муҳим воситасига айланмоқда.

БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинадиган резолюциялар юридик жиҳатдан давлатлар учун мажбурий эмас, бироқ уларнинг айримлари ички давлат ҳуқуқига, ҳатто конституциявий ҳуқуққа ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Бунинг яққол намунаси сифатида 1948 йили қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини тилга олиш kifоя. Кўпгина мамлакатларнинг конституцияларида мана шу Декларацияга тўғридан-тўғри асосланиш кўзга ташланади. Кўпинча конституцияларнинг инсон ҳуқуқига бағишланган бўлимлари Декларациянинг асосий қондаларини ифодалайди. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг асосий қондалари асосида қабул қилинган.

Бош Ассамблеянинг кўпгина резолюциялари ички давлат ҳуқуқига тааллуқли қондаларни ифодалайди. Чунончи, 1960 йили қабул қилинган диний камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги Декларация давлатлардан диний камситишни келтириб чиқарадиган ва қонун кучи билан мустаҳкамлайдиган қонун ҳамда қондаларни бекор қилишни талаб этади.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўз ваколати доирасида

давлатлар учун юридик мажбурият юклайдиган қарорлар қабул қилади. Агар бу қарорларни амалга ошириш учун ички давлат нормалари чиқариш зарурати туғилса, бундай норма чиқарилиши ҳамда бундай давлатлар ўз ҳокимияти остида бўлган барча кишилар ва ташкилотлар бу нормаларни бажаришларини таъминлашга мажбур. Мазкур нормаларни асоссиз равишда бекор қилиш Хавфсизлик Кенгаши қарорларини бузиш ҳисобланади.

Хавфсизлик Кенгаши халқаро ҳуқуққа ва Кенгаш қарорларига зид давлат актларини қоралаб, қонунсиз эканлигини эълон қилиб, бир қатор қарорлар қабул қилди. Жумладан, 1968 йилда Хавфсизлик Кенгаши қабул қилинган резолюция Исроилнинг Иерусалимнинг юридик мақомини ўзгартиришга қаратилган ҳамма қонун чораларини бекор деб эълон қилди ва бу чоралар ана шу мақомни ўзгартира олмаслигини таъкидлади. Хавфсизлик Кенгаши Жанубий Африка қонунларини Намибия ҳудудида тарқатиш қонунга зид эканлигини кўрсатувчи ўз қарорларини бир неча бор таъкидлаган эди.

Европа Иқтисодий ҳамжамияти органларининг қарорлари унга аъзо бўлган мамлакатлар ички ҳуқуқига сезиларли таъсир кўрсатади. 1957 йили Европа Иқтисодий ҳамжамиятининг тузиш тўғрисидаги Шартнома ҳамкорликнинг олий органлари Кенгаш ва Комиссия қарорлар, кўрсатмалар қабул қилишини белгилайди. Қарорлар кенгашга аъзо давлатларнинг ҳар бирида ички ҳуқуқ нормалари устидан устунликка эга. Кўрсатмалар давлатларга муайян натижаларга эришишни юклайди. Бунда шундай натижаларга эришишнинг шакл ва воситаларини белгилашни ана шу давлат органлари ихтиёрига қолдиради. Бошқача қилиб айтганда, кўрсатмалар тўғридан-тўғри ички давлат таъсирига эга эмас. Қарорлар уларга қаратилган давлатларга ички ҳуқуқ субъектларини қўшиб ҳисоблаганда ҳам мажбурий бўлади, тўғридан-тўғри ички давлат таъсирига эга бўлади.

II МАХСУС ҚИСМ

VI БОБ

ХАЛҚАРО ШАРТНОМА ҲУҚУҚИ

1. Халқаро шартнома ҳуқуқи ва уни кодификациялаш

Халқаро шартнома ҳуқуқи халқаро шартномаларини тузиш, амалга ошириш ва тўхтатиш шартини белгилаб берувчи халқаро ҳуқуқ тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқнинг аҳамияти халқаро ҳамкорликда шартномаларнинг роли кучайиши билан белгиланади. Халқаро ҳуқуқ барча тармоқларининг шаклланиши ва амалда бўлиши у ёки бу даражада шартнома билан боғлиқ. Шартнома ҳуқуқи аҳамиятининг ўсиши уни кодификациялашни шарт қилиб қўйди. Бутун тарихий тараққиёт мобайнида у одат тариқасида амал қилиб келинди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин кодификациялашга уриниб кўриш муваффақият келтирмади, фақат ҳозирги шароитда БМТ доирасида 1969 йили халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенциясида ишлаб чиқилди ва қабул қилинди (1980 йилда кучга кирди).

Вена Конвенцияси халқаро шартномалар ҳуқуқи асосий нормаларини кодификациялади ва фақат давлатлар ўртасидаги шартномаларга тааллуқли бўлди. БМТ шартнома ҳуқуқини кодификациялашни давом эттирмоқда. Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ёки халқаро ташкилотлар билан давлатлар ўртасидаги шартномалар тўғрисидаги масала бўйича Конвенция тайёрланмоқда.

Шартнома ҳуқуқининг ўсиши шунга олиб келадикки, давлатлар ўз қонунчилигида, ҳатто Конституцияларида унга тобора катта эътибор бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро шартномаларни тузиш, тасдиқлаш, ратификациялаш ва денонсация қилиш тўғрисида алоҳида моддалар бор. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонун ҳам 1995 йилнинг 22 декабрида қабул қилинди.

2. Томонлар ва шартномаларда қатнашиш ҳуқуқи

Халқаро шартномаларда халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўлган ҳар бир томон шартномалар томонни бўлиши мумкин. Шартномада қатнашишни расмийлаштириш

босқичларига қараб улар шундай фарқланади: музокараларнинг қатнашчилари — халқаро ҳуқуқ субъектлари шартнома матнини тузиш ва қабул қилишда қатнашадилар. Битишувчи томонлар халқаро ҳуқуқ субъектлари шартнома кучга кирдими-йўқми, бундан қатъи назар шартномани узил-кесил қабул қиладилар; шартнома қатнашчилари — халқаро ҳуқуқ субъектлари шартномани узил-кесил қабул қилиб, улар учун у кучга ки-ради.

Шартномаларда давлатлар асосий томонлар ҳисобланади. Давлатлараро шартномалар халқаро муносабатларни тартибга солишда асосий ўрин тутати ва шу тариқа халқаро ҳуқуқ нормаларини яратати. Ҳар бир давлат шартномада қатнашиш учун тенг ҳуқуққа эга. Федерацияга аъзо бўлган давлат, агар Федерация Конституциясида кўзда тутилган бўлса, шу Конституцияда белгиланган шартлар билан шартномаларда қатнашиши мумкин.

Шартномаларнинг анчагина қисми халқаро (ҳукуматлараро) ташкилотлар иштироки билан тузилади. Давлатга қараганда ташкилот ўзига хос ва махсус ҳуқуқий субъектликка эга бўлгани учун унинг шартномаларда қатнашиш имкониятлари ғоят чекланган. Ташкилотларнинг халқаро шартномаларда қатнашиш учун махсус ҳуқуқий қобиллиги уларнинг функцияларига боғлиқ ва ҳар бир ташкилотнинг тегишли қоидалари билан тартибга солинади. Давлатнинг суверенитети туйғайли бошқа давлатларнинг шартномалари унинг учун ўзининг розилигидан ташқари ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирмайди. Агар давлат бошқа давлатларнинг шартномаларидан келиб чиқадиган ҳуқуқлардан фойдаланса, у фақат мана шу ҳуқуқлар билан боғлиқ мажбуриятларга ҳам риоя қилиши керак. Шартнома қатнашчилари ундан келиб чиқадиган ҳуқуқлардан фойдаланаётган учинчи давлатнинг розилигини олмай турибоқ, бу шартномаларни ўзгартириши мумкин.

Агрессор давлатга нисбатан унинг иштирокисиз тузилган шартномалар бу қоидадан истиснодир. Иккинчи жаҳон уруши мобайнида собиқ СССР, АҚШ ва Англия ўртасида Германия тўғрисида мана шу характердаги шартномалар тузилди. Бундай шартномаларнинг қарорлари агрессор давлат учун мажбурийдир. Чунки у агрессия учун жавобгарлик ва бошқа халқаро жиноятлар

тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ нормалари қўлланишини ифодалайди.

Иштирокчиларнинг сонига қараб шартномалар икки томонлама ва кўп томонлама бўлиши мумкин. Ўз навбатида улар умумий ёки универсал ва маҳаллий шартномаларга классификацияланади.

Шартномаларнинг асосий қисмини икки томонлама шартномалар ташкил этади. Уларнинг ёрдамига кўра шартнома иштирокчилари билан давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятлари ҳисобга олинувчи нормаларнинг кўпгина қисми яратилади. Шу билан бирга кўп томонлама шартномаларнинг ҳам роли ошиб бормоқда. Улар ёрдамида кенгроқ ёки умумий аҳамиятга эга бўлган муҳим муаммолар ҳал этилмоқда. Кўп томонлама конвенциялар халқаро ҳуқуқни кодификациялаш ва тобора ривожлантириш воситалари бўлиб хизмат қилади.

Халқаро ҳуқуқни кодификациялаш ва тобора ривожлантиришнинг воситаси ҳисобланган шартномалар ёки барча давлатлар учун объекти ва мақсади қизиқиш уйғотаётган шартномалар умумий ёки универсал, кўп томонлама шартномалардир. Бундай шартномалар очиқ бўлиши, яъни уларда истаган давлат иштирок этиши мумкин. Чекланган миқдордаги давлатлар иштирокида тузилган шартномалар маҳаллий, кўп томонлама ёки регионал минтақавий шартномалар, дейилади. Улар тушунчаси муайян жўғрофий ҳудудда жойлашган давлатларнинг шартномасини билдиради. Агар бу шартномалар фақат шартлашувчи томонларнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, улар бошқа давлатларнинг иштирок этиш учун очиқ ёки ёпиқ бўлиши ёхуд ярим ёпиқ, яъни бошқа давлатлар унга қўшилишлари, бироқ шартномада даставвал қатнашган ҳар бир давлатнинг мана шу қўшилувига берган махсус розилигини ҳар бир ҳолатларда олишлари керак.

Ўтмишнинг ҳақлари ҳуқуқи «Шартномалар эркинлиги» принципига амал қиларди. Унга биноан амалда йирик давлатлар истаган масала бўйича шартнома тузишлари ва унинг иштирокчилари даврасини ўз хоҳишларича белгилашлари, бунда кучсизроқ давлатнинг суверен ҳуқуқларини назар-писанд қилмасликлари мумкин. Натижада «Шартномалар эркинлиги» фақат кучли давлатлар учунгина амал қилар эди. 1969 йилдаги халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенцияси кўпгина ривожланаётган давлатларнинг шартномалар-

да қатнашишга бўлган ҳуқуқини тан олиши учун кураш байроғи остида ўтди. Бу мамлакатлар Конвенция лойиҳасига «Барча давлатлар суверен тенглик принципига биноан кўп томонлама шартномаларда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар» деган тузатиш киритилишини тақлиф қилдилар. У қабул қилинмади, бироқ Африка ҳамда Осиёдаги бир қатор мамлакатларнинг талаби билан Вена Конвенцияси махсус Декларация қабул қилди. Унда умумий кўп томонлама шартномалар бўйича давлатлар иштирок этиш учун очиқ бўлиши кераклиги кўзда тутилган.

Шартномада қатнашишга бўлган ҳуқуқ фақат универсал шартномаларга нисбатан эмас, балки бошқа шартномаларга нисбатан ҳам мазжуддир. Энг манфаатдор давлат иштирок этиш учун абсолют ҳуқуққа эга бўлади, яъни бу давлатнинг қонуний манфаатлари шартнома нормаларининг асосий предмети бўлади.

Бевосита манфаатдор давлатлар ҳам шартномага қатнашиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Бундай давлатларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари бевосита шартнома предметига тааллуқли бўлади.

Шартномаларда қатнашишга бўлган ҳуқуқ институтининг шаклланиши фақат давлатларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш учунгина аҳамиятли бўлмай, балки халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро ҳуқуқни демократлаштириш ва халқаро ҳуқуқ тартиботини таъминлаш учун ҳам аҳамиятлидир.

Шартномада қатнашишга бўлган ҳуқуқ давлат ёки унинг ҳурматини шартноманинг бошқа иштирокчилари томонидан тан олинишига боғлиқ бўлмаган ҳолда амал қилинади.

Давлатлар ўртасидаги дипломатик ёки консуллик муносабатларнинг мавжудлиги шартнома тузиш учун зарур асос бўла олмайди. Бу муносабатларнинг узилиши ҳам шартнома ҳаракати тугагини билдирмайди.

3. Шартномаларни тузиш

Халқаро шартномаларни тузиш икки босқичдан иборат:

а) биринчи босқич давлатлар ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари хатти-ҳаракат қойдаларига нисбатан, яъни шартнома матнига нисбатан иродани келиштириб олиш. Икки томонлама шартномалар тузиш чоғи-

да бу томонлар ўртасидаги музокараларни ва шартноманинг ишлаб чиқилган матни билан томонларнинг розилигини ўз ичига олади. Кўп томонлама шартнома тузиш чоғида бу босқич шартнома матнининг халқаро конференция томонидан ишлаб чиқилиши ва қабул этилишини ўз ичига олади. Кўп томонлама конференцияларда шартнома матни, агар унинг қатнашчилари бошқа бирон нарса хусусида келишиб олмаган бўлсалар, музокара қатнашчиларининг учдан икки қисми даражасидаги кўпчилик томонидан қабул қилинади;

б) иккинчи босқич — шартнома нормаларининг мажбурийлигини тан олишга нисбатан иродаларни келишиб олиш — давлатларнинг якка тартибдаги ҳаракатларидан иборат бўлади. Давлатлар ҳар бир шартноманинг шартларидан келиб чиқиб, бу ҳаракатда у ёки бу тарзда қатнашадилар (имзолайдилар, ратификация қиладилар, тасдиқлайдилар ва ҳоказо).

Икки томонлама шартнома қабул қилиш бўйича ўтадиган музокараларда қатнашиш учун ёки халқаро конференцияда кўп томонлама шартномани ишлаб чиқишда қатнашиш учун шартномани имзолашга давлат вакили одатда ваколатга эга бўлиши керак. Шартнома матнини халқаро ташкилотнинг органида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган тақдирда бунда қатнашиш учун махсус ваколат талаб қилинмайди. Халқаро ташкилотнинг мазкур органи сессиясида қатнашишга эга бўлган делегациянинг ваколоти етарли.

Икки томонлама шартнома тузиш чоғида ваколатлар алмаштирилади. Кўп томонлама шартномалар тузиш чоғида конференциянинг органларига (одатда ваколатлар қўмитасига) ваколатлик ҳужжати тақдим этилади.

Умумий қонда гарикасида ваколатлар шартнома номидан тузилаётган ёки шундай шартномани тузишга ҳақли орган томонидан берилади.

Халқаро ҳуқуқда белгиланганки, муайян лавозимдаги шахслар ўз давлатлари номидан ўзларининг лавозим бўйича махсус ваколатларсиз вакиллик қилиш ҳуқуқига эга. Шартномаларни тузишнинг ҳар қандай босқичида давлат бошлиқлари, ҳукумат раҳбарлари ва ташқи ишлар вазири ана шундай шахслар қаторига киради.

Дипломатик ваколатхона бошлиғи махсус ваколатсиз ўзи аккредитация қилинган давлат билан шартнома

матнини қабул қилишда қатнашиши мумкин. Лекин мазкур шартномани имзолаш учун унга махсус ваколат олиш лозим бўлади. Идораларнинг раҳбарлари махсус ваколатларсиз компетенцияси доирасида идоралараро ҳарактердаги шартномаларни тузиш учун музокаралар олиб боришлари ва бундай шартномаларни имзолашлари мумкин.

Шартномаларни имзолаш шартнома шартларига боғлиқ ҳолда уни тузишнинг яқунловчи босқичи бўлиши (агар шартнома уни имзолаш вақтидан бошлаб кучга кирса) мумкин. Ёки уни тузишнинг босқичларидан бири (агар шартнома ратификациялаш ёки тасдиқлашни талаб этса) бўлиши мумкин. Розилик билдириш мазкур шартнома актида вакил қилинган шахсларнинг исм-шарифларини қўйишдан иборат. Бу матн келишиб олинганлигини билдиради. Розилик билдиришдан кейин қоида тариқасида имзолаш бошланади.

Ратификация шартноманинг давлат олий органларидан бири томонидан тасдиқланиш акти бўлиб, бу шартноманинг мажбурийлигига розиликни билдиради. Ратификациялаш ҳуқуқига эга бўлган орган (органлар) давлатнинг конституциявий қонунлари билан белгиланади. Ратификациялаш тўғрисидаги қарор фармон сифатида қабул қилинади. Бу фармон асосида ратификациялаш ёрлиғи имзоланади. Икки томонлама шартномани ратификациялаш ёрлиқлари шартнома имзолаган давлатларнинг пойтахтида алмаштирилади. Агар шартнома кўп томонлама бўлса, ёрлиқлар сақлаш учун депозитарий давлатга топширилади.

Томонлар тасдиқлаш, қабул қилишни кўзда тутган шартномалар ратификация қилинмайди. Тасдиқлаш ратификациялашдан фарқли ўлароқ давлат органларининг анча кенг доираси томонидан амалга оширилади.

Қўшилиш — бошқа давлатлар тузган шартнома мажбурийлигига розилик актидир. Қўшилиш имконияти шартномада кўзда тутилган ёки унинг иштирокчилари билан келишилган бўлиши мумкин.

Кўп томонлама шартномалар қизиқишлари ва манфаатлари хилма-хил бўлган кўп давлатлар ўртасидаги муносабатни белгилайди. Шунинг учун давлат умуман шартномани қўллаб-қувватлаб, айти пайтда унинг айрим-иккинчи даражали характердаги қоидалари билан келишмай юрган ҳолатлар оз эмас. Кўп томонлама шартномалар кенг иштирокчилари доираси бўлишини таъ-

минлаш мақсадида, уларнинг халқаро шартномаларда суверен ҳуқуқларини амалга ошириш учун халқаро ҳуқуқ кўп томонлама шартномаларга илова қилиш ҳуқуқини белгилайди.

Илова бир томонлама баёнот бўлиб, унинг воситасида давлат шартноманинг муайян қоидалари ҳаракатини ўзига нисбатан бекор қилиш ёки ўзгартиришни кўзда тутати. Илова шартноманинг мақсадлари ва принципларига зид бўлмаслиги, унинг асосий мазмунини ўзгартирмаслиги керак. Агар шартнома уни имзолаш, ратификациялаш, тасдиқлаш ёки қўшилиш жараёнида илова киритишни тақиқламасагина илова киритилиши мумкин.

Агар шартнома ратификацияланиши керак бўлса, имзолаш чоғида киритилган илова ратификация ёрлиғида ўз ифодасини топиши лозим.

Агар шартнома тор доирадаги иштирокчилар ўртасида тузилган бўлса, ёки агар шартнома объекти ва мақсадларидан у фақат умуман барча қатнашчилар ўртасидагина қўлланилиши лозимлиги келиб чиқса, у ҳолда иловани шартноманинг ҳамма иштирокчилари қабул қилишлари керак бўлади: Бошқа ҳолатларда айрим қатнашчиларнинг иловага қарши эътироз билдириш ҳолатларида бу шу иловани киритган давлатларнинг шартномадаги иштирокига монелик қилмайди. Илова, агар давлат у тўғрида маълум қилгандан кейин бир йил мобайнида бошқа давлатлар мазкур иловага эътироз билдирмаса, қабул қилинган ҳисобланади.

Агар шартнома халқаро ташкилотнинг таъсис этувчиси бўлса, илова ана шу ташкилотнинг тегишли органи томонидан қабул қилиниши керак.

Илова уни киритган, қабул қилган давлатларнинг ўзаро муносабатига тааллуқли шартноманинг қисмигагина ўзгартиш киритади. У бошқа иштирокчиларнинг ўзаро муносабатида шартнома қоидаларини ўзгартирмайди. Илова ва унга эътирозлар уларни киритган давлат томонидан исталган пайтда қайтариб олиниши мумкин.

Шартноманинг депозитарийи (ҳужжат сақловчиси) иштирокчиларнинг битими орқали белгиланади. Ҳукумат шахсида — давлат, бош лавозимни эгаллаган шахсида — халқаро ташкилот ҳужжат сақловчи бўлиши мумкин. Кейинги йилларда катта аҳамиятга эга бўлган айрим универсал шартномаларда кўпчилик қатнашиши

ни енгиллаштириш учун бир эмас, бир неча ҳужжат сақловчи кўзда тутилади. Чунончи, 1968 йилги Ядро қурилини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома ҳужжат сақловчи сифатида собиқ СССР, Буюк Британия ва АҚШ тайин қилинди. Бундай ҳолатда шартномага тааллуқли ҳужжатни фақат биргина ҳужжат сақловчига топширишнинг ўзи кифоя. Ҳужжат сақловчининг функцияси халқаро характерга эга бўлиб, у ҳеч қандай бузилишларсиз амалга оширилиши лозим. Ҳужжат сақловчи ва бирон-бир давлат ўртасида ҳужжат сақловчининг ўз функциясини бажаришига тааллуқли келишмовчиликлар туғилган тақдирда ҳужжат сақловчи бу масалани шартноманинг бошқа қатнашчилари эътиборига ҳавола қилади.

Ҳужжат сақловчининг асосий вазифаси шартноманинг асосий нухасини ва сақлашга топширилган ваколатларни сақлаш, шартнома нухаларини тайёрлаш ва тасдиқланган тарзда жўнатиш, шартномага тааллуқли ҳужжатларни олиш ва сақлашда ҳамда улар тўғрисида шартнома иштирокчиларини хабардор қилиш, шартномани рўйхатдан ўтказишдан иборат.

Шартноманинг кучга кириш вақти шартнома юридик ҳужжат сифатида амалда бўлишининг бошланиш пайтидир. Бунгача шартнома қатнашчиси уни бажариши мажбурий эмас. Лекин шартнома кучга киргунча давлат халқаро ҳуқуқининг махсус нормаларига биноан шартномани унинг объектдан маҳрум қилиш, мақсадларини амалга оширилмасликка хизмат қилувчи ҳаракатлардан тийилиб туриш мажбуриятини олди. Бу мажбурият шартномани имзолаш вақтида, агар шартнома ратификация ёки қабул қилиниши керак бўлса, давлат иштирокчиси бўлиш ниятидан воз кечганлигини билдирмагунча давом этади. Бу мажбурият, шунингдек, давлат шартномада ўзининг иштирокини узил-кесил расмийлаштирган вақтдан бошлаб, у кучга киргунча амалда бўлади. Бундай мажбурият, агар шартноманинг кучга кириши ғоят кечикиб кетсагина бекор бўлади.

Шартнома, агар унда кўзда тутилган ёки иштирокчилар бошқа бирон-бир тарзда келишиб олган бўлса, у кучга киргунча вақтинча қўлланилаверади.

Шартнома унда кўрсатилган шартлар асосида ва унда кўрсатилган вақтдан бошлаб кучга киради. Агар шартномада тегишли қоида кўрсатилмаган бўлса, у музокараларда қатнашган барча давлатлар учун шарт-

номанинг ўзларига мажбурлиги тўғрисида розилик билдирган заҳоти кучга киради.

Қоида тариқасида кўп томонлама шартномаларда бу шартномалар кучга кириши учун зарур бўлган иштирокчиларнинг сони белгиланади. Бироқ кучга кирган вақтдан кейин иштирокчилар сони камайгани билан унинг амалда бўлиши тўхтамайди.

БМТ Низомининг 102-моддасида шартномани рўйхатдан ўтказиш ва шартномани эълон қилишнинг мажбурийлигини белгилаб беради, рўйхатдан ўтказилмаган шартноманинг томонлари БМТ нинг бирон-бир органида бу шартномага таянмоғи мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, рўйхатдан ўтказилмаган шартнома БМТ учун юридик жиҳатдан кучга эга бўлмаган нарсадир. БМТ котибияти рўйхатдан ўтказилган шартномалар матнларининг тўпламларини муттасил чиқариб туради.

4. Шартномаларнинг шакли ва тузилиши

Халқаро ҳуқуқ шартноманинг ҳамма учун мажбурий шаклини белгилаб бермайди. Давлатлар уни ўз хоҳишларича танлаб олиш ҳуқуқига эга. Шакл шартноманинг мажбурийлик кучига таъсир кўрсатмайди. Икки асосий шакл мавжуд. Бу — ёзма ва оғзаки шакллардир. Ёзма шаклларнинг афзаллиги халқаро тажрибада етакчи ўрин эгаллаганлиги билан белгиланади. Кўпдан-кўп қарорларни ўз ичига олган кўпгина шартномалар фақат ёзма равишда тузилади.

Бироқ ҳозирги кунда ҳам гоҳи оғзаки шаклдаги битимлар тузиш тамойилидан фойдаланилади. Агар битим бирон-бир ҳужжатда қайд этилмаган бўлса, уни «жентельменлик битим» деб аташ қабул қилинган.

Умумий қоида тариқасида икки томонлама шартнома матни икки нусхада ҳар бири икки томоннинг тилида тайёрланади. Уларнинг матнлари бир-бирига ўхшаш, тенг аҳамиятли бўлиб, бирдай кучга эга.

Универсал сифатидаги кўп томонлама шартномалар кўпчилик ҳолларда БМТ нинг расмий тиллари (инглиз, испан, хитой, рус ва француз) ёки уларнинг айримларида битта нусхада тузилиб, ҳужжат сақловчига топширилади. Сақловчи эса шартнома қатнашчиларига уларнинг ўз муҳри билан тасдиқланган нусхаларини жўнатади.

Шартнома ўзаро боғлиқ нормаларнинг ягона тизими

мужассамидир. Шу сабабли унинг барча қарорлари қатнашчилар учун мажбурий бўлиб, улар томонидан бажарилмоғи керак. Шартнома қоидага кўра асосий қисмдан иборат. Биринчи—муқаддимда шартномани тузиш сабаблари, унинг мақсадлари кўрсатилади. Иккинчи—марказий қисмда шартноманинг мазмуни баён этилади. Учинчи — якунловчи қисмда шартноманинг кучга кириш тартиби, муддатлари ва тугатилиши тўғрисидаги қарорлар ўрин олади. Давлатлар тажрибасида тўртинчи — қўшимча қисм, яъни шартноманинг иловасидан фойдаланиш анча кенг тарқалган. Иловалар қоидага кўра қисман қарорлар кучига эга бўлади.

Халқаро шартнома барча битимларни қамраб олувчи кенг тушунчадир. Амалда шартномаларни хилма-хил номлаш тажрибаси кенг учрайди (шартнома, Конвенция, битим, Пакт ва бошқалар). Титулда бўлганидек, икки томонлама шартноманинг барча шартнома матнида навбатлаш (альтернат) қондаси қўлланилади: тегишли томонда қоладиган матнда ҳамма ерда шу томоннинг номи биринчи бўлиб келтирилади. Масалан, Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномада Ўзбекистон томони титуль матнида «Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома», деб келтирилган.

Шартномаларнинг номларини аниқ туркумлаш амалда йўқ. Бир зумдаги актлар бир ҳолатда шартнома, бошқа ҳолатда эса битим деб номланади.

Ноталар айрибошлашда фақат битим номи бўлмай, балки уни тузишнинг ўзига хос шакли бор. Битим ўз давлатларининг ваколатини олган мансабдор шахслар ўртасида ўхшаш мазмундаги ноталар алмаштириш йўли билан тузилади. Бундай битимларни тузиш учун махсус ваколатномалар талаб қилинмайди. Ноталар айрибошлаш битим тузишнинг энг содда йўли бўлиб, давлатлар ундан фаол фойдаланадилар. Гоҳида бундай битимлар, ҳатто катта аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича ҳам тузилади. Биргаликдаги баёнотлар, декларациялар, коммюникелар умумий қоида тариқасида шартнома бўла олмайди. Уларнинг вазифаси иштирокчиларнинг мавқеини баён қилиш, ҳамкорликнинг мақсад ва принципларини талқин этиб, музокаралар жараёнида эришилган натижаларни баён этишдан иборат.

Бироқ кўпинча биргаликдаги декларациялар халқаро шартнома сифатида бўлади. Ўзбекистонда бундай Декларация Ўзбекистоннинг амалдаги шартномалар рўйхатида эълон қилинади. Масалан, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасида 1994 йил дўстона ҳамкорлик ва ўзаро муносабатлар асосидаги Декларацияни келтириш мумкин.

Агар қўшимча коммюникега бошқа шаклга эга бўлган битим киритилмаган бўлса, у вақтда у шартноманинг расмий шакли сифатида қаралади. Чунончи, биргаликдаги коммюникелар асосий ҳолларда дипломатик муносабатларни ўрнатиш тўғрисидаги битимларни мужассамлаштирган шакл бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, бир томонлама декларациялар ҳам учрайди. Уларда давлатлар ўз хатти-ҳаракатларининг ҳуқуқий нормаларини баён қиладилар. Бу асосан уларни бошқа давлатлар томонидан тан олиншининг мақсадларини баён этишга бағишланади. Бунга Швецариянинг доимий бераафлик тўғрисидаги Декларациясини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бошқа давлатлар томонидан тан олинган ҳолда бундай Декларация уни эълон қилган давлатга ҳам, бошқа давлатларга ҳам уни бажариш учун юридик мажбурият юклайди.

5. Шартномаларнинг амал қилиши

Шартномаларга риоя қилиш керак деган принцип шартномалар ҳуқуқи учун асосий принцип ҳисобланади. Шартномалар тўғрисидаги Вена Конвенцияси бу принципни шундай таърифлайди: «Амалдаги ҳар бир шартнома унинг иштирочилари учун мажбурийдир ва улар томонидан виждонан бажарилиши керак». Бунда тўла ҳуқуқли кучга кирган ҳар бир шартнома унинг қатнашувчилари учун юридик мажбурият юклашини билдиради. У виждонан бажарилиши керак. Бундай шартнома расмий учунгина эмас, балки амалда тўла бажарилиши кўзда тутилади. Давлат шартномалар қарорини унинг мақсадлари ва принципалрига биноан амалга ошириш учун барча зарур чораларни кўриши мумкин. Виждонанлик принципи шартнома ҳуқуқларидан ноўрин фойдаланишни тақиқлайди. Бу тақиқ бошқа давлатларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларига зиён етказмасликни кўзда тутди. Виждонанлик, шунингдек, халқаро мажбуриятларни бажаришда кенг тан

олинган ахлоқ нормаларини ҳурматлашни ҳам талаб қилади. Ниҳоят Шартномалар бажарилиши керак деган принцип мазмунининг муҳим элементи у шартномаларни бажаришдан воз кечиш ёки бажарилишини чеклашга фақат халқаро ҳуқуқ асосидагина йўл қўйилиши мумкинлигининг кўзда тутилишидир. Иштирокчи давлатлар шартномалар бажарилмаслигини оқлаш учун ўзининг ички ҳуқуқига таянишга ҳаққи йўқ.

Умумий қоида тариқасида шартнома қарорлари унинг қатнашчиси учун фақат вазиятга нисбатан, яъни бу шартнома амалда бўлган даврда жойга нисбатан мажбурийдир. Бошқача қилиб айтганда, шартнома мазкур иштирокчи учун кучга кирган вақтидан бошлаб унинг амал қилиши тугатиладиган вақтгача мажбурийдир. Шартнома, агар унинг иштирокчилари ўзаро келишиб-олмаган бўлса, қайтариб олиниш кучига эга бўлмайди.

Шартнома унда кўрсатилган муддат тугагунча ёки муайян воқеа содир бўлгунча амал қилади. Шунингдек амалда муддатсиз шартнома ҳам учрайди. Умумий халқаро ҳуқуқ нормаларини ратификациялашга бағишланган Конвенциялар ана шундай шартномалардир. Муддатсиз шартнома унинг иштирокчилари ўзаро келишган ҳолда тугатилиши мумкин.

Шартномаларнинг амал қилиш муддати унда кўзда тутилган шартномаларда ёки томонларнинг ўзаро битишуви асосида узайтирилиши мумкин. Шартномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш «пролонгация», деб аталади. У шартнома амал қилиш муддати тугагунча амалга оширилиши лозим. Шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан кейин янгидан тикланиши «реновация» дейилади.

Пролонгация шартнома қарорлари асосида чўзилган деб ҳисобланса ўз-ўзидан чўзилади. Бу томонлардан бири белгиланган муддатда шартноманинг тўхтатилиши тўғрисида маълум қилмасагина юз беради.

Агар турли вақтларда бир масала юзасидан бир неча шартнома тузилган бўлса, унда олдинги шартнома кейинги шартнома билан қанчалик мувофиқлигига қараб унга амал қилинади.

Шартноманинг амал қилиш доираси ё унда тўғридан-тўғри кўрсатилади ёки мана шу шартноманинг қарорларидан келиб чиқади. У давлат ҳудуди билан чекланиши (инсон ҳуқуқи тўғрисида Пактлар) ёки халқа-

ро миқёсга тарқалиши (1958 йилги Очиқ денгиз тўғрисидаги Конвенция, 1967 йилги Космик фазо тўғрисидаги шартнома), ёки умуман аниқ чегара доирасига эга бўлмаслиги мумкин (шартномаларнинг дўстона муносабатлар тўғрисидаги моддалари).

Давлат шартномаларни амалга ошириш тартибини агар мазкур шартнома мана шу ҳусусда аниқ қарорларга эга бўлмаса, бу тартибни унинг ўзи белгилайди (мисол учун бир қатор шартномалар давлатни мана шу шартномаларни амалга ошириш учун зарур бўлган қонунлар чиқаришга мажбур қилади).

Давлат органлари халқаро шартномаларни амалга оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу жараёнда, шунингдек, халқаро органлар ва ташкилотлар фаол қатнашиши мумкин. Ҳозирги кунда шартномаларнинг тобора кўп қисми уларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида халқаро органлар асосан қўшма комиссиялар тарикасила кўзда тутилмоқда.

Ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар шартноманинг мазмунига қандайдир бир янгилик киритади. Шунинг учун улар фақат шартнома иштирокчиларининг битими бўйича киритилиши мумкин. Агар иштирокчилар бошқача ҳусусда шартлашиб олмаган бўлса, шартномаларнинг ўзгартириш жараёнига шартномани тузиш вақтидагидек қондалар киради.

Шартномани ўзгартириш тўғрисидаги ҳар қандай таклиф унинг барча иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинмоғи керак. Фақат барча иштирокчиларгина шартнома тақдири тўғрисидаги масалани ҳал этиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган давлатлар мазкур ҳуқуқдан шартнома матни ўзгартирилгандан кейин ҳам маҳрум этилмайди.

Тузатишлар тўғрисидаги битим уни қабул қилмаган шартнома иштирокчилари учун мажбурий эмас. Улар учун шартнома амалда тузатишларсиз кучини сақлайди. Агар давлат шартномага тузатиш киритиш тўғрисидаги битим кучга киргандан кейин мана шу шартноманинг иштирокчисига айланса, унда битимни қабул қилган давлатлар билан муносабатини тузатилган шартнома бўйича, бошқа иштирокчилари билан эса шартноманинг олдинги матни бўйича ҳужжатлаштирилади.

Кўп томонлама шартномада икки ёки бир неча иштирокчи битишуви асосида уларнинг бир-бирлари би-

лан муносабатлари тақозо этган шартлар ўзгартирилиши мумкин. Бироқ бундай имконият шартномада кўзда тутилган ёки унда ман этилмаган бўлиши керак. Аммо кейинги ҳолатда қўшимча шартларга риоя қилинмоғи керак. Бу шартлар шартномани ўзгартириш бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига таъсир кўрсатмаслиги, шартнома мақсадларини амалга ошириш самарадорлиги билан номувофиқ чиқмаслигини кўзда тутати.

Шартномани тушунтириш халқаро ҳуқуқ нормаларининг чинакам мазмунини аниқлаш жараёни ҳисобланади. Тушунтириш объекти шартнома бўлиб, унинг воситаси эса кенг маънодаги шартнома матнининг бутун қисмидир. Шартнома матнининг бутун қисмига преамбула (муқаддима), илова, шунингдек, барча иштирокчиларнинг шартнома тузилиши билан боғлиқ ҳар қандай битимлари ва бошқа шартномага тааллуқли ҳар қандай ҳужжатни ҳам қўшиб матнининг бутун қисмини ташкил этади.

Тушунтириш чоғида шартномани тушунтириш ёки қўллашга тааллуқли илгариги битимлар, шартномани амалга ошириш тажрибаси, иштирокчилар ўртасида қўлланилаётган халқаро ҳуқуқнинг бошқа нормалари ҳисобга олинади.

Ҳужжатларни тайёрлаш (конференция протоколлари, томонларнинг баёнотлари ва бошқалар), шунингдек, шартнома тузишнинг шарт-шароитларини 1969 йилги Вена Конвенциясида тушунтиришни қўшимча воситалар категориясига киритди. Улардан фақат тушунтиришнинг асосий воситаларини қўллаш, қониқарли натижа бермаган ҳолатдагина фойдаланилади.

6. Шартномалар амал қилишининг ҳуқуқий эмаслигининг тугатилиши ва тўхтатиб қўйилиши

Тўла ҳуқуқли мазмунга, унда қатнашиш ҳуқуқига эга томонлар ўртасида тузилган, қонуний тартибда кучга кирган ва халқаро ҳуқуққа биноан тўхтатилмаган (тугатилмаган) шартнома ҳуқуқий ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқда шартнома ҳуқуқийлигининг презюмпцияси мавжуд бўлиб, ҳар бир амалдаги шартнома унинг иштирокчилари учун бошқа тартиб ўрнатилмагунча мажбурийдир. Шартномаларнинг ҳуқуқийлиги халқаро ҳуқуқ асосидагина қараб чиқилиши мумкин. Ҳуқуқий

эмаслиги нисбий ёки қатъий бўлиши мумкин. Нисбий ҳақиқий эмаслик шартномани ҳимоя қилишга мойиллик туғдиради. Унга шартнома тузиш чоғида ички ҳуқуқ нормаларининг бузилиши шартнома тузиш тартибига тааллуқли бузилишлар хатоликлар, вакилликни сотиб олиш асос бўлади. Бутунлай ҳуқуқий эмаслик аввалдан бошлаб шартноманинг арзимаслигини билдиради. Вакилликни мажбур қилиш, умумий халқро ҳуқуқ нормаларининг императив зиддиятлари унга асос бўлиб хизмат қилади. Давлатни мажбур қилиш, агар у куч билан таҳдид қилиш ёки БМТ Уставида мужассамланган халқро ҳуқуқ принципларини бузиб, куч ишлатиш билан ифодаланса, шартнома ҳақиқийлик кучини йўқотади.

Шартноманинг ҳақиқий эмаслиги аниқлангандан кейин юридик кучдан маҳрум қилинади. Ҳар бир иштирокчи шартномани амалга ошириш натижасида ўзгартирилган вазиятни тиклаш учун мумкин бўлган даража-ларда талаб қўйишга ҳақли. Агар шартнома мавжуд императив норма қарама-қаршиликлари натижасида ҳақиқий бўлмаса, иштирокчилар мумкин бўлган даражада бундай нормага зид қарорлари асосида амалга оширилган ҳар қандай ҳаракатларнинг оқибатларини бартараф этишга мажбур. Агар шартнома янги императив нормалар юзага келганлиги натижасида ҳақиқий эмас, деб эълон қилинса, ушбу шартнома тугатилгунга қадар унинг асосида юзага келган иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳам императив нормага зид бўлмаслиги керак.

Шартнома фақат халқро нормалари асосида тўхтатилади. Шартноманинг тўхтатилиши ёки ундан иштирокчининг чиқиши шартнома қарорларига биноан ёки унинг иштирокчилари розилигига биноан содир бўлиши мумкин. Муддатни ўтиш ва ижро шартнома тугатилишининг энг кўп тарқалган асосларидир. Кўпгина шартномалар уларни денонсациялаш имкониятларини кўзда тутади.

Денонсация шартномада кўзда тутилган шартлар асосида унинг бир томонлама тўхтатилиши ҳуқуқий жиҳатдан тўғрилигини билдиради. Узида ана шундай шартларни ифодаламаган шартномани денонсациялаш мумкин эмас. Бу ҳол фақат иштирокчилар денонсациялаш имкониятини кўзда тутишга жазм қилганликлари аниқланган ёки шартноманинг характери денонсация-

лаш ҳуқуқини келтириб чиқарган тақдирдагина мумкин. Кейинги ҳолатда денонсациялаш мўлжали тўғрисидаги билдириш 12 ойдан кам бўлмаган муддат билан маълум қилинади.

Шартноманинг унда кўзда тутилган шартлари асосида бир томонлама тўхталлишни шартноманинг ҳақиқийлигини бекор қилиш деб аташ қабул қилинган. Шундай ҳаракат қилиш учун шартноманинг бошқа иштирокчилари томонидан бузилиши, бажаришнинг имконияти йўқлиги, вазиятнинг тубдан ўзгариши, янги императив нормаларнинг яратилиши асос бўлади. Шартномани бекор қилиш учун уни ҳар қандай тарзда бузиш эмас, балки жиддий бузиш асос бўлиши мумкин. Бажаришнинг имконияти йўқлиги тушунчаси шартномани бажариш учун лозим бўлган объектнинг мутлақо йўқолишини билдиради.

Шартноманинг тугатилиши иштирокчиларни унинг қарорларини бажариш мажбуриятидан халос қилади. Бироқ бунда шартномани бажариш натижасида юзага келган иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатмайди.

Шартнома амал қилишини тўхтатиб қўйиш, унинг амал қилишини вақтинча тўхтатишни билдиради. Бу шартнома қарорларига биноан, унинг иштирокчилари розилиги билан халқаро ҳуқуқ нормалари асосидагина тўхтатилади. Шартнома халқаро ҳуқуқнинг жиддий бузилиши ва уни вақтинча бажариш мумкин эмаслиги асосий сабаб бўлади. Бундан ташқари қўп томонлама шартноманинг икки ёки бир нечта иштирокчилари ўзаро шартноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида битим тузишлари мумкин. Агар бундай тўхтатиб қўйиш шартномадан келиб чиқадиган ҳуқуқлардан бошқа иштирокчилар фойдаланишига таъсир кўрсатмаса, шартноманинг мақсадлари ва принципларига зид бормасагина йўл қўйиш мумкин.

Шартномага амал қилишни тўхтатиб қўйиш, иштирокчиларни вақтинча уни бажариш мажбуриятидан озод қилади, шартнома асосида қўлга киритилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга таъсир қилмайди. Иштирокчилар шартномани янгилаш мумкин бўлмайдиган ҳолатга олиб борувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан тийиб туришлари керак.

VII БОБ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ҲУДУД

Ернинг кенгликлари — қуруқлик, сув, ер ости ва ҳаво инсон яшаши учун моддий базалардир. Ҳудудий муаммолар ҳаммавақт энг кескин халқаро муносабатларга олиб келган. У кўпинча қуролли тўқнашувларга сабаб бўларди. Ҳозирги халқаро ҳуқуқ ҳар қандай ҳудудий тортишувлар ва ҳал этилмаган ҳудудий муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишни кўзда тутишига қарамай, у ҳамон кескинлигича қолмоқда.

Ўз ҳуқуқий режимга кўра ҳудудий кенгликлар уч асосий гуруҳга бўлиниши мумкин. Улар: 1) давлат; 2) халқаро; 3) аралаш режимдаги кенгликлардир. Бундан ташқари ўзига хос режимдаги ҳудудлар (Арктика, Антарктида) ҳам мавжуд.

1. Давлат ҳудудлари

Давлат ҳудуди қонуний равишда муайян давлат суверенитети остида бўлган ер куррасининг бир қисмидир.

Давлат ҳудудининг таркибий қисмлари давлат чегараси доирасида жойлашган қуруқлик (материк ёки орол), сув, ер ости ва ҳаво кенгликларидан иборат.

Давлатнинг қуруқликдаги ерлари — унинг чегараси доирасида давлатга тегишли бўлган ерлар (қуруқликлар) дир.

Давлатнинг сувли ҳудуди (акваторияси) давлат чегараси доирасида жойлашган дарёлар, кўллар, сув омборлари, каналлар, шунингдек, ички денгиз сувлари (ички денгиз, қўлтиқлар, бўғозлар, бандаргоҳлар, ҳамда ҳудудий сув, давлат чегараси қирғоқларини ювиб турган ёки унинг ички сувларидан бевосита ташқарида, бошқача қилиб айтганда улар ортида жойлашган муайян кенгликдаги денгиз сувлари) ҳавзасидир.

Давлат замини — давлат чегаралари доирасида унинг қуруқликдаги ва сувдаги ҳудудлари юзасидан пастда жойлашган кенгликдир.

Ер ости кенглиги Ернинг марказига борган сари то-раяди.

Ҳаво кенглиги давлатнинг қуруқликдаги ва сувдаги ҳудудлари устидаги, ҳаводаги кенгликдир.

Денгиз, ҳаво, космик кемалар мазкур давлат бел-

гиси ёки байроғи остида сузган ёки учган чоғида ҳам да халқаро ҳудудлар доирасида бораётганда бу жойлар шартли равишда давлат ҳудудига тенглаштирилади. Шунингек, давлатга тенгишли бўлган ва халқаро ҳудуд доирасида жойлашган қувур ва бошқа ҳар қандай иншоот ва ускуналар ҳам шартли равишда давлат ҳудудига тегишли ҳисобланади.

Давлатнинг ўз ҳудуди устидан тўла ва истисносиз суверенитети давлатнинг ҳудудий ҳукмронлигини ташкил этади. Ҳудуд ҳар қандай суверен давлат бўлмиш халқаро ҳуқуқ субъектининг энг муҳим элементларидан биридир.

Халқаро ҳуқуққа биноан ҳудуд унда яшаб турган аҳолига боғлиқ. У моддий база бўлиб, юқорида айтилганидек, халқларнинг яшаши учун асосдир. Давлат ҳудуди аҳоли билан биргаликда давлатнинг яшаши учун зарур асос ҳисобланади. Бинобарин, ҳудудий ҳамкорлик суверенитетининг кўриниши ва узвий элементи сифатида давлатнинг ундан ажралмас хусусияти суверенитетининг ўзини ҳам ифодалайди.

Ҳудудий ҳамкорлик ўз ҳудуди доирасидаги барча кишилар устидан суверен ҳокимиятни амалга оширишни ва айна пайтда бу ҳудуд устидан ҳуқуқий олий ҳукмронликни билдиради. Ҳудудий ҳукмронликнинг аниқ мазмуни ва кўрсатилган элементларининг мутаносиблиги мазкур давлатнинг синфий характери билан белгиланади. Бу ўринда ҳудуд давлат ҳокимияти таъсирининг кенглик чегараси сифатида қаралади.

Ҳозирги халқаро ҳуқуқ давлат ҳудудини дахлсиз деб қарайди. У БМТ Низоми талабларига зид равишда куч ишлатиш йўли билан ҳудудий ўзгартишларни тақиқлайди. Бироқ айрим ҳолларда у ҳудудий ўзгартиришлар зарурлигига ҳам йўл қўяди.

Миллат ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи. Ҳозирги кунда ҳудудий муаммолар ҳал этишининг ҳуқуқий асосини халқ (миллат)нинг ўз сиёсий тақдирини ўзи белгилаш ва мустақил давлат ташкил этиш ҳуқуқи сифатида миллатлар ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи ташкил этади. Ўз тақдирини ўзи белгилаш амалга оширилаётган чоғда хилма-хил ҳудудий ўзгаришлар содир бўлиши, баъзан янги давлатлар юзага келиши ҳам мумкин.

Мустамлакачилик тузумининг инқирозга юз тутиши

Осиё, Африка ва Лотин Америкасида кўплаб суверен давлатлар ташкил топишига олиб келди.

Ўз тақдирини ўзи белгилаш асосида бир неча давлатлар Федерацияга бирлашиши ёки ягона унитар давлатга қўшилиши, у ёки бу давлат Федерацияси аъзолигидан чиқиши, давлат ҳудудининг бир қисми ажралиб чиқиб, мустақил давлат тузиши мумкин. 1958 йилда Миср билан Сурия Федерация (БАР)га бирлашдилар, бу Федерация 1961 йилда барҳам топди. 1965 йилда Сингапур Малайзия Федерациясидан чиқиб, мустақил давлат тузди.

Ҳудудий масалаларни ҳал этиш чоғида миллатлар ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган ҳуқуқий принципларини амалга ошириш вазиятга кўра хилма-хил шаклда намоён бўлиши мумкин. Бу ҳудуд аҳолисининг ҳудудий ўзгаришлар масаласи бўйича овоз бериши (плебисцит) йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Чунончи, плебисцит асосида Испания билан Буюк Британия ўртасида Гибралтар тўғрисидаги ҳудудий келишмовчиликлар ҳал қилинди (1967).

Цессия. Айирбошлаш. Ҳудудий ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосини манфаатдор давлатларнинг халқаро ҳуқуқ асосий принципларига биноан бир томонлама цессия ёки ўзаро манфаатдорлик асосида айирбошлаш битимларига биноан ҳудудларни бир-бирига ўтказишни ҳам ташкил этиш мумкин. Бунда аҳолининг хоҳиши (агар ҳудудда одамлар яшаб турган бўлса) унинг манфаатлари, шу жумладан, мулкӣ манфаатлари ҳурмат қилиниши керак. Бунга мисол қилиб 1951 йилда собиқ СССР билан Польша ўртасида тузилган шартномага биноан (Польша илтимосига кўра) ПХРнинг Люблин войеводалиги ҳудудида ва Украинанинг Дрогобич (ҳозирги Львов) вилояти туманида ана шу участкаларнинг иқтисодий жиҳатдан собиқ СССР ва Польшанинг тегишли туманларига яқинлиги ҳисобга олиниб, ер участкалари алмаштирилганлигини, 1947 йилда Финляндия муайян ҳақ ҳисобига собиқ СССРга Янискос гидроэлектростанцияси районида унчалик катта бўлмаган ҳудудни сотганлигини, 1946 йилда собиқ СССР Афғонистонга Амударёдан бир қисм сув ҳудудини ажратиб берганлигини айтиш мумкин.

Ҳудудларни санкция асосида ажратиб олиш. Агрессор давлатни агрессия учун санкция сифатида, шунингдек агрессиянинг қайтарилишига қарши чора си-

фатида (фавқулодда чора сифатида) ҳудуднинг бир қисмидан маҳрум қилиш натижасида амалга оширилган ҳудудий ўзгартиришлар ҳуқуқий чора ҳисобланади. Бу ҳудудлар, одатда, агрессор ундан ҳужум қилиш учун қулай плацдарм сифатида фойдаланган ҳолатларда тортиб олинади. Шунга асосан Иккинчи жаҳон урушидан кейин асосан Германия ва Японияга дахлдор бўлган муайян ҳудудий ўзгартиришлар амалга оширилди.

2. Давлат чегаралари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати

Давлат чегараси — давлатнинг сув ёки қуруқлик ҳудуди чеккаларини белгиловчи чизиқдир.

Ҳаво чегараси давлатнинг ер ёки ҳудудий сув чегара чизигидан тик кўтарилган синиқ чизиқли тасаввурдаги чегараси ҳисобланади. Ҳаво чегарасининг юқори чеккаси (ҳаво ҳудудини космосдан ажратувчи қисм) халқаро ҳуқуқ томонидан белгилаб қўйилган.

Давлат ер ости чегараси асосига қуруқлик ва сувдаги чегаралар олинган. Улардан пастга қараб тортилган қобиқли еиниқ чизиқ юза сифатида тушуниладиган чегарадир.

Давлат чегараси мазкур давлат ҳудудини бошқа давлатларнинг ҳудудларидан ёки халқаро ҳудудлардан (очиқ денгиз, унинг ҳаво бўшлиғи) ажратиб туради.

Давлат ҳудуди, бинобарин, давлат чегараси дахлсиздир. Давлат уларнинг бузилишига йўл қўймаслик учун чоралар қўллашга ҳақли. Агар чегара чет эл ҳарбий кемаси, бошқа давлатнинг чегара отряди ва шунга ўхшаш бўлинмалари томонидан бузилган тақдирда, мазкур давлат бузилишларни тўхтатиш учун то чегара бузувчиларга қарши қуроли кучларни ишлатишгача бўлган чорани кўришга ҳақли. Давлат чегарасини ва чегара ҳолатини бузишда айбдор шахслар чегараси бузилган давлатнинг ички қонунларига биноан жиноий ҳуқуқий ёки маъмурий ҳуқуқий тартибда жазоланишлари мумкин.

Қўшни давлатлар ўртасида чегаралар қоида тариқасида шартнома тартибида белгиланади. Ҳудудий сувнинг ташқи чегара чизигининг ўзида ифодаланган денгиз чегараси халқаро ҳуқуқ нормаларига биноан белгиланади. Ҳудудий сувларнинг кенглиги, тажриба кўрсатишича, 3 милдан 12 денгиз мили ўртасида бўлади. Агар давлатларни ажратиб турувчи сувлар оралиғи яқин бўлса, бу давлатлар ўзлари ўртасидаги давлат

чегараси ўтадиган чизиқ тўғрисида битим тузадилар. Чегарани белгилаш жараёни одатда икки босқичда: делимитация ва демаркацияда ўтади.

Делимитация — чегара ўтадиган чизиқнинг умумий йўналишини шартномада белгилашдир. Унда чегараларнинг муайян жойдан ўтиш чизиғи сўзма-сўз тасвирланиб, қайд этилади (қайси дарё ёки ариқ орқали чегара ўтиши, қайси қишлоқдан қанча масофада қайси йўналишда давом этиши ва бошқалар). Чегара чизиғи одатда шартномага илова қилинадиган харитада белгиланади.

Демаркация — чегара белгилари, сувда эса чоҳида сузгичлар, буйлар ёрдами билан чегара чизиғининг муайян жойларидан ўтиш йўналиши белгиланишидир. Демаркация чегарадош давлатлар вакилларидан иборат аралаш комиссия томонидан амалга оширилади. Ҳаво ва ер ости чегараларини жойга нисбатан белгилаш имконияти йўқ. Бир қатор ҳолларда чегара чизиғини текшириш, аниқлаш, яроқсиз ҳолга келиб қолган чегара белгиларини таъмирлаш, қўшимча белгилар ўрнатиш, эски намунадаги чегара белгиларини янги намунадагилари билан алмаштириш зарурати туғилади. Бу чегарани **редемаркациялаш** деб аталади.

Чегараларда, одатда, чегара ҳолати жорий этилади. У давлатларнинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш ва чегара туманларида хўжаликни оқилона юритиш манфатларига кўра амалга оширилади. Бундай ҳолат давлатларнинг ички қонунчилигида ҳам, халқаро шартномаларда ҳам кўзда тутилган. Ҳар бир давлат ўз чегара туманида давлат чегарасини муҳофаза қилиш, савдосотиқ, санитария ва бошқа ҳолатларни, кириш, чиқиш, яшаш тартибларини, шунингдек, хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятни тартибга солади. Давлат чегара зонаси ва минтақаси деб аталувчи майдонларни белгилаш мумкин. Чегара зонасига чегара туманлари ва аҳоли яшаш жойлари киради. Чегара минтақаси чегара чизиғига ёки чегара бўйлаб ўтган дарё, кўлнинг қирғоғига бевосита туташ борувчи ернинг муайян кенгликдаги майдонини билдиради. Минтақанинг кенлиги айрим жойларда кўп деганда бир неча километр бўлиши мумкин. Чегара минтақасида чегара зонасидиги қараганда қўшимча чеклашлар жорий этилади. Бу минтақа чегара қўшинлари қўмондонлиги қарамоғида бўлади.

Давлатлараро ҳамкорлик, тақозо этувчи чегара масалалари халқаро шартномалар билан тартибга солинади. Бу, аввало, чегарани етарли даражада тартибли сақлашга, уни демаркациялаш, чегара белгиларини зарур кўринишда тутиб туриш, чегара сувларидан, темир йўл ва тош йўллардан фойдаланишга тааллуқли масаладир. Аини пайтда бу шартномалар билан чегарани кесиб ўтиш қондалари, чегарада турли ишларни бажариш тартиблари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини чегара зоналари минтақаларида муҳофаза қилиш бўйича фаолиятини амалга ошириш, чегара можароларини бартараф этишга тегишли масалалар ҳам ҳал этилади.

Чегара дарёси (икки давлат ўртасида чегара вазифасини ўтовчи дарё) ёки чегара кўли (сув омбори) ҳолати қўшни (чегарадош) давлатларнинг ўзаро битимлари йўли билан белгиланади. Бундай битимлар билан чегара ҳолати, сувларда хўжалик ва саноатда фойдаланиш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва бошқа масалалар тартибга солинади.

3. Халқаро дарёларнинг ҳуқуқий ҳолати

Дарёларнинг кўпчилиги фақат бир давлат чегараси бўйлаб ўтади. Бундай дарёлар миллий дарёлар дейилади. Улар қайси давлат ҳудудидан ўтса ўша давлатнинг тўла суверенитети остида бўлади. Чет эл кемалари ана шу дарё бўйлаб фақат қирғоқбўйи давлатнинг рухсати билан сузиши мумкин.

Икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг ҳудудларидан ўтувчи дарё кўп миллатли дарёлар деб аталади. Улар сиёсий жўгрофий жойлашиши ва шунга мувофиқ ҳуқуқий ҳолатларга боғлиқ ҳолда қуйидагиларга бўлинади:

- 1) қисман ёки умуман икки ёки бир неча давлатларнинг ҳудудларини бўлиб турувчи кўп миллатли дарёлар;
- 2) чекланган миқдордаги давлатлар ҳудудидан ўтиб, тўғридан-тўғри дарёга, денгизга қуйилмайдиган дарёлар.

Уларнинг режими мана шу қирғоқбўйи давлатлар тузган битимга мувофиқ жорий этилади; маҳаллий аҳамиятга эга бўлганлиги учун бу дарёлардан фақат қирғоқбўйи давлатлар фойдаланади. Бундай дарёларни минтақавий дарёлар деб аташ мумкин. Денгизда бевоқифа кемалар қатнови йўлга қўйилган, бир неча давлат ҳудудларидан ўтаётган ва ҳолати ҳам қирғоқбўйи, ҳам

ноқирғоқбўйи барча давлатларнинг савдо кемалари сузиш учун эркинлигини кўзда тутувчи дарёлар.

Албатта халқаро муносабатларда халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан халқаро дарёлар катта роль ўйнайди.

Европада 170 дан ортиқ миллий дарёлар мавжуд. Уларнинг режими қирғоқбўйи давлатларнинг тегишли битимлари (асосан икки томонлама ёки чекланган миқдордаги иштирокчилар) билан тартибга солинади. Фақат ғоят чекланган миқдордаги кўп миллатли дарёлар Европанинг халқаро дарёлари ҳисобланиб, улар барча давлатларнинг савдо кемалари эркин сузиши учун очиқдир. Дунай ана шундай дарёлардан биридир. Рейин дарёси ҳам шу сингари очиқ дарё ҳисобланади. Уларнинг мақоми 1948 йилги Белград Конвенцияси ва 1968 йилги Маннгейм Конвенцияси билан тартибга солинган.

Африкадаги Конга, Нигер ва Сенегал, Жанубий Америкадаги Ла-Плата дарёлари тизими (Парана, Уругвай ва бошқа дарёлар) ва ирмоқлари (Риу-Негру, Мадейра, Тапажос, Токантин ва бошқалар) билан Амазонка халқаро дарёлар ҳисобланади.

Темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортининг ривожланиши муносабати билан дарёларни қитъаларнинг ичкарасига олиб борувчи транспорт йўли сифатидаги роли нисбатан камайди. Бироқ бу ана шу дарёлар бўйлаб юк ва йўловчи ташишнинг абсолют камайишига олиб келмайди, балки бундай қатновлар оқими ошди. Ҳозирги пайтда дарёлардан кемалар қатнови сифатида эмас, балки электр қуввати ишлаб чиқариш, сунъий сув омборлари барпа этиш, маиший ва саноат эҳтиёжлари учун фойдаланиш тобора катта аҳамият касб этмоқда. Халқаро дарёларнинг инфлосланишига қарши кураш тобора кескин муаммога айланиб бормоқда. Бу фақат халқаро ҳамкорлик жараёнида ҳал этилиши мумкин.

Халқаро дарёлардан фойдаланишнинг хилма-хил жиҳатларини тартибга солувчи халқаро шартномаларни таҳлил этиб, қуйидаги умумий қоидаларни чиқариш мумкин:

1) қирғоқбўйи давлат унинг ўз чегараси доирасидаги дарё қисми устидан ўз суверенитетини амалга оширади;

2) бундай дарёдан фойдаланиш билан боғлиқ барча масалалар қирғоқбўйи давлатлар томонидан халқаро шартнома йўли билан ҳал қилинади;

3) қирғоқбўйи давлат дарёдан фойдаланар экан, бошқа қирғоқбўйи давлатларга зиён етказмаслиги лозим. Бундай дарёлар халқаро дарё сифатида алоҳида аҳамиятга эга. 1948 йилда Дунайда кемалар қатнови ҳолати тўғрисидаги қабул қилинган Конвенция чинакам демократик принципларга асосланган эди.

Конвенция Дунайбўйи мамлакатларнинг манфаатлари ва суверен ҳуқуқларига биноан мамлакатларнинг ўртасидаги ва бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ҳамда маданий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Дунайда эркин кема қатнови кўзда тутилади. Биринчи модда фуқаролар, барча давлатларнинг савдо кемалари ва товарлар учун тенглик асосида кемалар қатнови эълон қилинди. Бошқа мамлакатлар ҳарбий кемаларининг Дунай бўйлаб сузишлари тақиқланади. Ҳар бир Дунайбўйи давлат Дунайнинг ўз қармоғидаги майдоннинг кема қатнови учун мос аҳволда сақлаши лозим. Конвенцияга риоя қилинишини назорат қилиш учун Дунай комиссияси тузилган. У кемалар қатновини таъминлаш ва шароитларни яхшилаш каби ишларни амалга оширади. Комиссияга барча Дунайбўйи мамлакатларнинг вакиллари киради. У ягона кемалар қатнови тузилишини таъсис этади, дарё назорати қондаларини бир хиллаштириш, метеорология хизматини мувофиқлаштириш каби ишларни бажаради. Австрия 1960 йилдан ана шу Конвенция аъзоси, ГФР эса комиссияда қузатувчилик ваколатига эга.

4. Халқаро ер кенглиги

Халқаро ер кенглигига очиқ денгиз ва унинг устидаги ҳаво кенглиги, денгиз туби ҳамда денгиз ости жойлари киради. Бу кенгликлар бирон бир давлатга қарашли бўлмайди. Уларни миллий давлатлар ўзлаштириб олишлари мумкин эмас. Улар барча давлатларнинг тенг ҳуқуқли асосдаги умумий фойдаланиши остида бўлади.

а) **Континенталь шельф.** Континенталь шельф деганда қирғоққа туташувчи (оролларнинг қирғоқлари ҳам қўшилади) денгиз юзаси ва денгиз тубининг замини тушунилади. Бу зона ҳудудий денгиз зонасидан ташқарида 200 метр чуқурликда ёки шу яқин атрофда бўлиб, мазкур ҳудудларнинг табиий бойликларидан фойдаланиш имкониятини беради (1958 йилги континенталь шельф тўғрисидаги 1-Конвенциянинг 1-моддаси). Континенталь шельф табиий бойликларини разведка қилиш

ва ишлаб чиқиш мақсадларида қирғоқбўйи давлат суверен ҳуқуқини амалга оширадиган, лекин давлат ҳудуди бўлмаган жойларда бўлади (2-модда). Лекин бу давлатларнинг шу каби ҳуқуқлари шельфни қоплаб турувчи очиқ денгизнинг сувига нисбатан ҳуқуқий ҳолатга ҳам, мана шу сувлар остидаги ҳаво кенглигига нисбатан ҳуқуқий ҳолатларга ҳам дахл қилмайди (3-модда).

б) **Икки юз миллик иқтисодий зона муаммоси.** Халқаро ҳуқуқнинг янги институти — икки юз миллик иқтисодий зона институти таркиб топмоқда. Унинг узил-кесил ҳуқуқий ҳолати БМТнинг денгиз ҳуқуқи бўйича III конференциясида ишлаб чиқилган. Мазкур конференция 1982 йилда халқаро денгиз ҳуқуқи бўйича янги Конвенцияни қабул қилди.

5. Антарктиданинг ҳуқуқий мақоми

Жанубий кенгликнинг 60- параллелидан жанубда жойлашган минтақа — Антарктида (Антарктида жанубий қитъадан фарқли равишда) деб номланади. Арктикага нисбатан Антарктида аҳоли яшайдиган ҳудудлардан олисда (унга аҳоли яшайдиган энг яқин материк — Жанубий Америкадан 1600 км.) дир, бунинг устига аҳоли яшайдиган ҳудудлар билан иқтисодий боғлиқ бўлмаган ҳолдадир.

Антарктиданинг ҳуқуқий ҳолати 19 давлат иштирокида 1959 йил 1 декабрда қабул қилинган Вашингтон шартномасида белгилаб қўйилган. Антарктида қитъасида жойлашган ороллар ва денгиз кенгликлари ҳуқуқий ҳолатининг асосий хусусияти шундан иборатки, мана шу ғоят улкан кенгликларда фақат тинчлик мақсадларида фойдаланиш мумкин. Антарктида ҳудудида ҳарбий базалар ва истеҳкомлар барпо этиш, ҳарбий машқлар, шунингдек, қурулнинг ҳар қандай турини синаб кўришни ўтказиш сингари ҳарбий ҳаракатлардаги ҳар қандай тадбирларни амалга ошириш тақиқланади (1-модда). Вашингтон шартномасида ҳам бу ўз аксини топган. Бинобарин, Антарктида бетараф ва демилитарлаштирилган ҳудуд, яроқсиз зонадир. Антарктида барча давлатлар учун тинчлик мақсадида илмий-тадқиқотлар ўтказиш объектидир.

У кузатувчилар назоратини амалга ошириш учун очиқ. Бундай назоратлар шартнома иштирокчилари

бўлган давлатлар томонидан тайинланиши мумкин. Ҳар қандай илмий текширув марказлари, ускуналар, асбоблар, транспорт воситалари ва бошқалар назоратдан ўтказилиши учун оситдир.

Шартнома иштирокчи давлатларнинг ўз вақтида бир қатор давлатлар томонидан илгари сурилган Арктикага ҳудудий даъволардан воз кечишни кўзда тутати. Бундай воз кечиш иштирокчи давлатларнинг розилиги билан қайд этилган. Ўз вақтида бир қатор давлатлар томонидан бу талаблар баён қилинган эди. Аслида мазкур шартнома кучда бўлар экан, ана шу муддатда ҳеч қандай ҳаракат ёки фаолиятлар Антарктиданинг ҳудудий суверенитетига ҳар қандай дахлларни қўллаб-қувватлаш ёки рад этиш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди ва у ерда шундай суверенитетга бирон-бир ҳуқуқни вужудга келтирмайди. Бинобарин, шартнома бу даъволарни бамисоли «музлатиб» қўяди. Шубҳасиз шартноманинг амалда бўлиши Антарктидада халқаро ҳолатни мустақкамлашга хизмат қилади. Шартномага мувофиқ унинг иштирокчилари ўртасида икки йилда бир марта маслаҳат-ахборот кенгаши ўтказилади. Уларда муҳим тавсиялар, жумладан, Антарктида ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар қабул қилинган эди.

Бир қатор давлатлар, Антарктида илмий марказлар барпо этган.

6. Арктиканинг ҳуқуқий мақоми

Арктиканинг ҳуқуқий мақоми аста-секин, Арктика минтақаларининг ўзлаштира борилиши, бир қатор экспедициялар ўтказилиши, табиий бойликларнинг ишга солиниши жараёнида амалга ошди. Вақт ўтиши билан Арктиканинг амалда шимолий қутб қирғоқларига эга бўлган давлатларнинг манфаатлари доирасига бўлинди. Энг кўп қутболди қирғоқларига эга бўлган Канада билан собиқ СССРнинг ташаббусига кўра Шимолий қутб секторлари тизими жорий этилди. Россия Федерацияси ва Канададан ташқари АҚШ, Дания, Норвегия ҳам ана шундай секторларга эга. Ҳар бир қутб сектори уч бурчакдан иборат бўлиб, унинг асоси муайян давлатнинг денгиз шимолий қирғоқларидаги сувларга туташади. Чўққиси эса Шимолий қутбга туташади. Муайян давлат Қутб сектори доирасида жойлашган барча ерлар ма-

на шу давлатнинг ҳудуди ҳисобланади. Денгиз кенгликларида эса (ҳудудий сувлар, қўлтиқлар, бўғозлар ва қўлтиқ типдаги денгизлардан ташқари) очиқ денгиз ҳолати амал қилади. Бироқ давлатнинг сектор яқинидаги хавфсизлиги манфаатларида бу ҳолат давлат томонидан чекланиши мумкин.

Юқорида қайд этилган давлатларнинг денгиз флоти вазирлиги ҳузурида Шимолий денгиз йўли маъмурияти ташкил этилди. У кема­ларнинг қатновини тартибга солади, муз операцияларини марказлаштиришни амалга оширади, сузиш қондаларини белгилайди ва лоцманларнинг мажбурий кузатуви ҳудудларини белгилайди ва шу кузатувни ташкил этади. Маъмуриятнинг йўл-йўриқлари унинг ҳуқуқ доирасида кемалар, шимолий денгиз йўли бўйича қатновни амалга оширувчи ташкилот ва шахслар учун мажбурийдир.

7. Космик фазо ва самовий массалар

Фазо ва унда ҳаракатланувчи табиий самовий (ой, сайёралар, юлдузлар, сайёралар йўлдошлари ва бошқалар) — барча давлатлар умумий фойдаланишдаги объектлар, бошқача қилиб айтганда, булар халқаро самовий бўшлиқдир. Фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш, умуман, самовий массаларни тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш бутун инсоният фаровонлиги ва унинг манфаатлари йўлида амалга оширилади. Ҳеч бир давлат фазо устидан, шу жумладан, Ой ва бошқа самовий массалар устидан ўз суверенитетини ўрната олмайди. Ҳеч бир давлат уларни босиб ола олмайди, у ёки бу тарзда ҳеч қандай бошқа воситалар билан ўзлаштира олмайди. Фазо ва самовий массаларнинг ҳуқуқий ҳолати 1967 йилги фазовий ҳуқуқ тўғрисидаги шартнома ва бошқа халқаро битимларда белгилаб қўйилган.

VIII БОБ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА АҲОЛИ

1. Аҳолининг ҳуқуқий масалаларини халқаро тартибга солиш

Аҳолининг ҳуқуқий масалалари ва шахс мақоми бў-

Йица халқаро ҳуқуқнинг асосий қондалари. асосан ички қонунлар орқали ҳал этилади.

Муайян давлат доирасида яшаб, унинг юридик судлов қонунларига бўйсунувчи ҳамма шахс давлат аҳолиси ҳисобланади.

Давлатда яшовчиларнинг ҳуқуқий даражасига боғлиқ равишда аҳоли таркибини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

а) мазкур давлат фуқаролари (аҳолининг асосий таркиби);

б) чет эл фуқаролари;

в) икки томонлама фуқароликка эга бўлган шахслар (бипатритлар);

г) фуқароликка эга бўлмаган шахслар (апатритлар).

Турли давлатлар аҳолисининг ҳуқуқий даражаси бир хил эмас. Пировард натижада бу мазкур давлат ижтимоий-иқтисодий тузумининг моҳияти билан белгиланади. Чунончи, қадимги, ўрта аср ва ҳозирги давр халқаро ҳуқуқи тарихи ва унга мувофиқ бўлган давлатларнинг тарихи ва ҳуқуқида шу нарса характерлики, аҳолининг муайян аниқ тарихий ҳуқуқий ҳолати ҳар бир босқичда ўзига хос аниқ тарихий характерда бўлади. Бироқ бир хил ижтимоий тузум давлатлари ўртасида ҳам аҳолининг ҳуқуқий ҳолати, умуман ва айрим гуруҳларнинг ҳуқуқий ҳолати, хилма-хил бўлиши кузатилади. Бу шу билан изоҳланадики, ҳар бир мамлакатда ўзининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланиш хусусияти мавжуд бўлиб, бошқа омиллар билан бирга (тарихий анъаналар, дин ва бошқалар) бундай ўзига хослик ана шу мамлакатда яшовчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг характери ҳамда ҳажмига муайян таъсир кўрсатади.

Аҳолининг ҳуқуқий ҳолати соҳасидаги халқаро ҳамкорлик қадим замонларда юзага келган бўлиб, у муттасил мустақамланиб, кенгайиб, аҳолининг ҳуқуқий ҳолатига умуман тааллуқли ва фуқаронинг аниқ ҳуқуқлари эркинликлари ва мажбуриятларига доир бевосита масалаларнинг тобора кенг доирасини қамраб олмоқда. Шу муносабат билан тегишли халқаро ҳуқуқ нормалари миқдори кўпаймоқда, мазмуни бойимоқда ва, бинобарин, халқаро ҳуқуқнинг давлатларнинг қараб чиқилаётган соҳасига ўзаро муносабатларида нормалаштирувчи роли ўсиб бормоқда.

Чет элликларнинг фуқаролиги ва ҳуқуқий аҳоли-

нинг халқаро ҳуқуқий масалалари давлатлар ҳамкорлигида бирламчи асосий ўринни эгаллаган. Бу масалалар давлатларнинг чет элдаги ўз фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан умумий манфаатдорлиги оқиба-тида келиб чиққан. Мазкур соҳадаги халқаро одатлар ва битимлар чет давлатларга савдо, иш ва бошқа алоқаларни амалга ошириш учун жўнатган фуқароларнинг муайян ҳуқуқлари минимумини таъминлашга қаратилгандир. Хўжалик ҳаётининг уюшуви аҳолининг кўчиб юриши кенгайганлиги, халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, маданий ва бошқа алоқаларнинг ҳар томонлама ривожланиши, чет элликлар мақоми, фуқаросизлик ҳолатининг олдини олиш ёхуд тугатиш, бош-пана ҳуқуқи, қочоқлар ҳуқуқи ва бошқа ҳолатларга тааллуқли халқаро ҳуқуқий нормаларнинг анча кўпайишига олиб келади.

2. Фуқаролик халқаро ҳуқуқий масалалари

Фуқаролик деганда, давлатга нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлган, уларнинг муқимлиги билан характерланган шахснинг давлат билан сиёсий-ҳуқуқий алоқаси тушунилади. Бу алоқанинг муқимлиги: қоида тариқасида инсон туғилганидан бошлаб бутун ҳаёти мобайнида сақланади: давлатларнинг майдон доираси билан чекланмайди, яъни инсон қаерда — ўз мамлакатларида ёки чет элдами бўлганлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда сақланади.

Фуқаролик учун у фақат ўз давлатига нисбатан мажбуриятларга эга бўлиши эмас, балки у муайян ҳуқуқлар ва эркинликларга эга эканлиги ҳам муҳимдир. Фуқаролик институти ўрта аср даврида мавжуд бўлган ва асосан шахснинг монарх ёки якка ҳокимиятига бўйсундиришни билдирган фуқаролик институти ўрнини эгаллади.

Фуқаролик, аввало, ички давлат институтидир. Шунинг учун ҳар бир давлат тарихий тараққиётида фуқароликнинг ўзига хос тарихи бўлади.

Фуқаролик институти халқаро ҳуқуқий аҳамиятга ҳам эга. У бир давлатнинг фуқароларини бошқа давлат фуқароларидан ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар (апатридлар)дан фарқлайди. Ўз фуқаролиги жиҳатидан инсон бошқа давлат ҳудудида бўлган чоғида чет элликлар учун кўзда тутилган муайян ҳуқуқлардан фойдаланади. Бундан ташқари чет элда бўлган фуқа-

ролар ўз давлатлари томонидан дипломатик муҳофаза ҳуқуқига ҳам эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди», — деб кўрсатилган. Халқаро ҳуқуқда ҳамма учун бирон-бир камситилишсиз инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ялпи ҳурматлашни кўзда тутувчи шахснинг ҳуқуқий мақомига тааллуқли мутлақо янги нормалар пайдо бўлди.

Ҳозирги халқаро ҳуқуқда фуқаролик масалаларига тааллуқли принцип ва нормалар асосан БМТ Низомида, БМТ томонидан қабул қилинган 1957 йилги турмушга чиққан аёлнинг фуқаролиги тўғрисидаги Конвенцияда, 1965 йилги ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги Конвенцияларда, 1966 йилги инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Пактда, 1973 йилги апартеид жиноятларнинг олдини олиш ва шундай жиноят қилганлиги учун жазолаш тўғрисидаги Конвенцияда, шунингдек, кўплаб минтақавий ва давлатлар ўртасидаги шартномаларда ифодаланган.

Ҳар бир давлат ўз қонунларига кўра ким унинг фуқароси бўлиши мумкинлигини белгилаб қўяди.

Туғилиш. Фуқаролик асосан туғилиш бўйича қўлга киритилади. Шунинг учун ҳар қандай давлатнинг қонунида болаларнинг фуқаролиги тўғрисидаги масала ҳамisha алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келди. Уни ҳал қилишда давлатлар икки принципга амал қилади. Булар «қон принципи» («миллий принципи») ва «замин принципи» (ҳудудий принцип) дир.

«**Қон принципи**»га биноан янги туғилган болаларнинг фуқаролиги уларнинг ота-оналари эга бўлган фуқаролик билан белгиланиб, туғилиш жойига боғлиқ бўлмайди. Кўплаб давлатлар Оврупо, Осиё ва бошқа қитъаларнинг мамлакатлари мана шу принципга амал қилмоқда.

«**Замин принципи**» га биноан боланинг фуқаролиги унинг туғилиш жойи билан белгиланиб, ота-оналарининг фуқаролиги билан боғлиқ бўлмайди. Лотин Америкасидаги кўпгина мамлакатларнинг давлатлари мана шу принципга амал қилади (масалан, Бразилия фуқароларидан мамлакатдан ташқарида туғилган бола Бразилиянинг фуқароси ҳисобланмайди).

Амалда барча давлатларнинг қонунида ҳар иккала

принцип ҳам у ёки бу даражада ҳисобга олинади ва бунда, одатда, мазкур давлат фуқаролигини бериш фойдасига имтиёзлар кўзда тутилади.

Боланинг ота-онаси бир хил фуқароликка эга бўлмаган тақдирда, кўплаб мураккаб масалалар келиб чиқади. Бир қатор ривожланган давлатлар (Англия, Италия, ГФР ва бошқалар)нинг қонунлари бундай ҳолатларда мана шу давлатлардаги мавжуд эркак ва аёллар ўртасидаги нотенглиликни ифодалаб, отанинг фуқаролигига биринчи галда имтиёз беради. Бу шуни билдирадики, мазкур давлат фуқаролигига эга бўлган отадан туғилган бола фақат отасигина шу давлатнинг фуқароси бўлса, ўшанда мазкур давлат фуқаролигини олади.

Натураллашиш. Бу туғилгандан кейин (шахснинг илтимосига кўра, никоҳ ёки болани асраб олиш ҳолатларида) бирон-бир давлатнинг фуқаролиги қабул қилинишни билдиради.

Шахснинг илтимосига кўра натураллашиш (фуқаролиги бўлган ёки чет эл фуқароси бўлган ҳолатлар) энг кўп тарқалган. Аризаларни қараб чиқиш тартиби ва фуқароликка қабул қилиш шароитлари давлат қонунлари билан белгиланади. Кўпчилик мамлакатлар тажрибасига кўра мазкур давлатда муайян вақт мобайнида (Англияда 7 йил, АҚШ ва Францияда 5 йил, Ўзбекистонда 5 йил ва бошқалар) яшаб туриш зарурияти; мазкур мамлакат тилини билиш, «яхши ҳулқ ва яхши ахлоқ», муайян ёшга етиш, мазкур давлатда муқим яшаш учун жойлашиш истаги ва бошқа шартлар хосдир. Бу талабларда ривожланган мамлакатларнинг фуқаролигини қабул қилишга синфий ёндашув, сиёсий, ижтимоий, миллий ва бошқа сабабларга кўра кераксиз топилган шахсларнинг натураллашувига рад жавоби бериш учун асос ва сабаблар вужудга келтиришга интилиш ўз ифодасини топган.

Никоҳ ҳолатида натураллашиш ҳам асосан давлатларнинг ички қонунчилиги билан тартибга солинади. Натижада кўпчилик ҳолатларда турмушга чиққан аёл фуқароликдан маҳрум бўлган шахс ёки фуқароликка эга бўлган шахс ҳолатига тушиб қолиши мумкин. Хотин-қизларнинг ҳолатини енгиллаштириш мақсадида 1957

йилги БМТ доирасида турмушга чиққан аёлнинг фуқаролиги тўғрисидаги Конвенция ишлаб чиқилган эди. Бу Конвенция никоҳнинг тузилиши ёки бекор қилиниши, никоҳ ҳолати амалда бўлган вақтда эрининг фуқароликни ўзгартириши ҳам ўз-ўзидан хотиннинг фуқаролигига таъсир этмаслиги кўзда тутилади. Чет эл аёли ўз илтимосига кўра эрининг фуқаролигини махсус соддалаштирилган натураллашиш тартибида қўлга кириштиши мумкин.

Асраб олиш чоғида бола асраб олувчилар фуқаролигига ўтади.

Фуқароликка эга бўлишнинг хусусий ҳолатлари реинтеграция (дастлабки фуқароликни тиклаш)дан иборатдир.

Шунингдек, халқаро ҳуқуқий тажрибада оптация ва репатриация натижасида фуқароликни ўзгартиришнинг алоҳида ҳодисалари маълум. Оптация (фуқароликни танлаш) бир давлатдан иккинчи давлат ҳудудига ўтиш чоғида содир бўлади. Шу ҳудудда яшовчи аҳоли ўз хоҳиши билан ва яқка тартибла фуқароликни танлаши, ўзининг олдинги фуқаролигини сақлаши ёки ҳудуди топширилган давлат фуқаролигини қабул қилиши мумкин. Айни чоғда танлаб олувчи ўзи танлаган фуқароликка тааллуқли давлат ҳудудида яшаши кўзда тутилади. Масалан, 1947 йили Иккинчи жаҳон уруши оқибатлари билан боғлиқ ҳолда ҳудудий ўзгаришлар чоғида тинчлик шартномаларида оптация кўзда тутилган эди. 1957 йил 25 мартдаги репатриация тўғрисидаги собиқ Совет — Польша битими бўйича собиқ СССР ҳудудида яшовчи 1939 йил 17 сентябргача Польша фуқаролигига эга бўлган шахслар Польшага репатриация қилинишлари ва у ерда бу шахсларга ўз-ўзидан Польша фуқаролиги берилиши мумкин эди.

Фуқароликка тикланиш ва фуқаролик инъом этиш ҳозирда камдан-кам содир бўлади. Тиклаш чоғида бирламчи фуқароликни олишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилади.

Фуқароликни йўқотиш: фуқароликдан чиқиш; уни ўз-ўзидан йўқотиш; фуқароликдан маҳрум қилиш туфайли содир бўлади.

Фуқароликдан чиқиш учун, аввало, белгиланган тартибда мазкур давлат қонунларида белгиланган тартибда, шу тўғрида илтимос билан мурожаат қилувчи шахннинг ташаббуси билан бўлади. Бунда давлат фуқаролик-

дан чиқиш тўғрисидаги илтимосга рад жавобини бериш ҳуқуқига эга. Фуқароликдан чиқишда рад жавоби берилиши бўйича асослар одатда давлатнинг қонун ҳужжатларида кўрсатилади.

Мазкур давлат фуқаролигига номувофиқлик ва шу давлатнинг фуқароси томонидан содир қилинган хатти-ҳаракатлар мазкур давлат қонунларига асосан кўриб чиқилади ва унинг натижасига кўра фуқаролик автоматик равишда йўқотилиши ёки фуқароликдан маҳрум қилиниши мумкин (масалан, Англия, АҚШ, Италия, Франция). Бунда, одатда, туғилиши бўйича фуқаролар ва натураллаш тартибда фуқароликни олувчи шахслар ўртасидаги фарқлар ҳисобга олинади. Ўз-ўзидан фуқароликни йўқотишга сабаб бўлувчи хатти-ҳаракатларга: бошқа давлат фуқаролигини қабул қилиш, бошқа давлат ҳарбий хизматига кириш, уруш вақтида қочоқлик, уруш ва фавқулоддаги ҳолатларда ҳарбий хизматдан бўйин товлаш ва бошқалар киради. Натураллаш йўли билан фуқароликка эга бўлган шахсларнинг ҳолис эмаслиги намоён бўлган тақдирда (Англия) натурализация бўйича фуқароликка эга бўлган номувофиқ деб ҳисобланувчи ташкилотлар билан алоқада бўлиш ва конституция тамойилларига содиқлик тўғрисида шаҳодатлик бермаслик (АҚШ) ва бошқа ҳолатларда фуқаролик йўқотилади.

Икки фуқаролик чоғида шахс айти бир пайтда икки давлат фуқаролиги, яъни икки фуқароликка (бипатризм) эга бўлади. Бу ҳуқуқий мақом одатда шахснинг хоҳиши билан юзага келмайди, балки у ёки бу давлатнинг қонунларига биноан фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш масалаларининг ҳар хил тарзда ҳал этилиши натижасида келиб чиқади. Бипатризм, агар аж-набийга турмушга чиққан аёлга эрининг давлати фуқаролиги бериладиган бўлса (масалан, Бразилия) ва аёл ўз мамлакатининг фуқаролигини йўқотмаса (масалан, АҚШ, Франция, Швеция), аёлнинг чет элликка турмушга чиқиши туфайли икки фуқаролик юз бериши мумкин. Агар дастлабки фуқаролик давлати бу фуқароликдан чиқишни тан олишни рад этса, натураллашиш туфайли ҳам икки фуқаролик юзага келиши мумкин.

Икки фуқаролик ҳолатида ҳар бир давлат халқаро ҳуқуққа биноан ўз фуқаросининг бошқа фуқаролигини тан олмаслиги ва унга фақат ўз фуқароси сифатида қараши мумкин. Бу тан олинган қоида, хусусан, 1930

йилги фуқаролик тўғрисидаги қонунларнинг коллизиясига тааллуқли айрим масалалар тўғрисидаги Конвенцияда акс эттирилган. Унга кўра, «бир ёки икки фуқароликка эга бўлган шахс ҳар бир давлат томонидан ўзи эга бўлган фуқароликка тааллуқли фуқаро сифатида қаралиши мумкин.

Икки фуқаролик ҳолати бирон-бир имтиёз яратибгина қолмай, балки бир қатор ҳолатларда икки фуқароликка эга бўлган шахслар учун жиддий қийинчиликлар ҳам туғдиради. Бу мажбурий ҳарбий хизматни ўташ чоғида, айниқса, давлатлар ўртасида уруш юз берган ҳолатларда, дипломатик ҳимоя чоғида ёки бошқаларда кўзга ташланади. Шунинг учун халқаро тажрибада икки фуқароликни камайтириш ва икки фуқароликка эга бўлган шахсларга нисбатан давлатлар ўртасида юзага келувчи масалаларни ҳал этишни мақсад қилиб қўйган кўплаб қарорлар мавжуд. Икки фуқаролик ҳолати келиб чиқилишининг олдини олиш тўғрисида Конвенциялар тузилиши керак. Уларнинг асосий тамойилидан бири шартлашувчи томонлардан бирининг фуқароси бўлган, иккинчиси бошқа томоннинг фуқароси бўлган ота-оналар ўзаро маслаҳат асосида болалари учун томонлардан истаганларининг фуқаролигини танлаб оладилар.

Фуқаросизлик (апатризм), яъни шахснинг бирон-бир давлат фуқаролиги ҳолатида бўлмаслиги, шахс фуқароликни йўқотган, бироқ янги фуқароликка эга бўлмаган пайтда, чет элликка турмушга чиққан чоғида аёл ўз фуқаролигини ўз-ўзидан йўқотган, лекин эрининг давлати қонунлари бўйича унинг фуқаролигини олмаган пайтда; шахс фуқаролиги бўлмаган шахслардан шу туфайли унга фуқаролик бермайдиган давлатда туғилган тақдирда ва бошқа ҳолатларда юзага келиши мумкин.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар туб фуқаролардан ёмонроқ ҳолатда бўладилар. Улар давлат ўз фуқаролигига берадиган барча ҳуқуқлардан фойдаланмайдилар, шунингдек, бирон-бир давлат томонидан дипломатик ҳимоя ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Одатда фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз ҳуқуқларида чет эл фуқаролигига тенглаштирилади.

Бир қатор ривожланган давлатларда апатридлар ўз ҳуқуқлари бўйича ғоятда чекланган. Хусусан, иш олиш ҳуқуқи, ўз меҳнатига тенг ҳақ тўлаш ҳуқуқи, нафақалар олиш ҳуқуқида тенг эмас.

3. Чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати

Чет элликлар — мазкур давлат ҳудудида яшаб, унинг фуқаролари бўлмаган ва бошқа давлат фуқаролигида турган шахслардир. Чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳар бир давлатнинг қонунлари томонидан шу давлатнинг халқаро мажбуриятлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Ҳозирги вақтда давлатлар чет элликларнинг келиши учун паспорт — руҳсат тизимига амал қилади. Давлатлар ўртасидаги битимга мувофиқ, одатда, ўзаро келишилган асосда чет элликларнинг визасиз келиши кўзда тутилиши мумкин.

Чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолатига келганда, энг кўп тарқалганлари мувофиқлик ва миллийлик ҳолати, одатда, халқаро савдо шартномаларида кўзда тутилган мувофиқлик ҳолати чоғида давлат бошқа давлатнинг фуқаролигига ҳар қандай учинчи давлат фуқароси фойдаланадиган ёки фойдаланаётган ҳуқуқларга ўхшаш ҳуқуқларни беради. Бу ҳолат чет элликлар турли давлатлар фуқаролигига бир хил муносабатларни кафолатлайди. Миллий ҳолат чет элликларни ҳам ҳуқуқларда мазкур давлат фуқаролари билан тенглаштиришни билдиради.

Ҳозирги вақтда ҳозирги замон халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан бири — инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш принципига биноан давлатлар ҳамма учун, шу жумладан, чет элликлар учун ҳам мана шу ҳуқуқлар ва эркинликлар ҳурматланиши ҳамда уларга риоя қилинишига кўмаклашмоқлари лозим.

Чет элликларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўша давлат Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланади. Давлатларнинг чет элликларга нисбатан халқаро мажбуриятлари икки томонлама шартномалар (масалан, савдо шартномалари, консуллик конвенциялари), ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномалар ва инсоннинг асосий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тааллуқли кўп томонлама битимларда (масалан, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Пактлар) ўз ифодасини топади.

Ҳозирги давлатларнинг кўпчилигидаги чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати шундан далолат берадики, уларнинг, одатда, давлат ишлари билан боғлиқ фаолиятига бевосита тааллуқли бўлган ҳуқуқлар (сайлаш ва сайланиш, давлат лавозимларини эгаллаш ва бошқа

ҳужжатлар)дан фойдаланмайдилар. Шунингдек, улар ҳарбий мажбуриятни бажармайдилар, фуқаролик ҳуқуқи соҳасида чет элликлар ҳаракатсиз мулкка эга бўлиш ҳуқуқидан чекланадилар, бир қатор касбларни эгаллашларига йўл қўймайдилар. Чет элликлар солиқ тўлашга, фуқаролик мажбуриятларини бажариш ва улар жойлашган давлат қонунларини ҳурмат қилишга мажбур. Жиноят содир қилган чет эллик ҳибсга олиниб, судланиш ва жойлашган давлатда жазога тортилиши мумкин. Жойлашган давлатнинг юридик судловига бўйсуниб, чет эллик ўз фуқаролиги бўлган давлат билан ҳуқуқий алоқани йўқотади. Шу муносабат билан ҳар бир давлат чет элда бўлган ўз фуқароларининг дипломатик ҳимояси ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Бундай ҳимоя давлатларнинг дипломатик ва консуллик ваколатхоналари орқали амалга оширилади.

4. Қочоқлар

Қочоқлар муаммоси бугунги кунда халқаро ҳамжамият олдида турган энг мураккаб масалалардан биридир. У БМТ томонидан доимий муҳокама қилинадиган қочоқларни ўз вақтида ҳимоя қилиш йўл-йўриқларини қидириб топишга ҳаракат қилинадиган долзарб масаладир.

БМТ ташкил топганидан буён жаҳоннинг турли минтақаларида қочоқларни ҳимоя қилиш ишини кучайтирмоқда. 1951 йилда БМТнинг қочоқлар иши бўйича Олий Бошқарув комиссари ташкил топганида унинг ваколати тахминан бир миллион қочоққа қаратилган эди. Ҳозирги кунда уларнинг сони 17,5 миллиондан ошди. Яқин шарқдаги 2,5 миллион фаластин қочоқлари бу ҳисобга кирмайди. Бундан ташқари 25 миллион киши мамлакатлар ичида туб жойидан бошқа жойларга кўчиб юради. Давлат ичидаги кўчманчи кишилар деганимизда ўз давлати ҳудудини тарк этмайдиган, ўз яшаш жойларини мажбуран ташлаб чиқиб кетадиган шахслар тушунилади.

Турли зўравонликлар натижасида ўз ватанини ташлаб кетиши ҳолатлари содир бўлмоқда. Иккинчи жаҳон уруши ва 1945 йилдан буён бўлиб ўтган тахминан 130 қуроли тўқнашувлар натижасида бутун дунёда миллионлаб кишиларнинг оммавий равишда ўз юртидан чиқиб кетишига сабаб бўлди.

1946 йилнинг иккинчи ярмида БМТ Бош Ассамблеясининг иккинчи сессиясида қочоқлар иши бўйича Халқаро ташкилот вужудга келди. Қочоқлар бўйича халқаро ташкилот фаолияти урушдан кейинги даврда сиёсий танглик ва молиявий етишмовчиликлар натижасида бахсли масалалардан бирига айланди. 54 аъзо давлатдан фақат 18 таси ташкилот бюджетига бадал тўлаб турар эди. Бундан ташқари ташкилот фаолиятини молиялаштириш учун харажатлар янада ўсиб, 1951 йилда 400 миллион АҚШ долларига етди.

Кейинчалик шу нарса маълум бўлдики, БМТ доирасида қочоқларга ёрдам бериш учун халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш талаб қилина бошлади. Шунинг учун КИБХТнинг мандат муддати тугагунча бу ташкилотнинг функциясини ўз зиммасига оладиган янги ташкилот тузиш тўғрисидаги масала муҳокама қилина бошлади.

1949 йил 3 декабрда Бош Ассамблея ўзининг 319 А (IV) қарорида қочоқлар иши бўйича БМТнинг Олий Бошқарув комиссарини ташкил қилди. Мазкур Бошқарув 1951 йил 1 январда Бош Ассамблеянинг ёрдамчи органи сифатида 3 йил муддатга ташкил топган эди. Шундан буён ҚИБОБК мандати доимо навбатдаги 5 йилга узайтирилиб туради. Бошқарманинг қароргоҳи Женевада—Швейцарияда ва 100 дан ортиқ мамлакатларда ўз ваколатхоналарини очган. Ўзбекистон Республикасида жойлашган БМТнинг ваколатхонаси қошида қочоқлар масаласи бўйича бошқарма ташкил қилинган.

1991 йил бу халқаро ташкилотда 2300 ходим бор эди ва умумий ва махсус дастурларга сарф қилинаётган харажатлар ҳажми тахминан 862,5 млн. АҚШ долларини ташкил этарди.

5. Бошпана ҳуқуқи

Халқаро ҳуқуқий тажрибага мувофиқ бошпана ҳуқуқи аввало бошқа мамлакатда ўзининг сиёсий фаолияти учун таъқиб қилинаётган шахсга ўз ҳудудига кириш ва шу ҳудудда яшаб туришга рухсат беришдан иборат давлат ҳуқуқини билдиради. Бошпана ҳуқуқи бу шахсни таъқиб қилаётган ўз давлатига топширишни кўзда тутаяди. Шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш принципига биноан бошпана ҳуқуқи яна бир инсоннинг сиёсий фаолияти учун таъқиб қилишдан бош-

қа давлатда бошпана излаш ва шу бошпанадан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам билдиради.

Халқаро тажрибада бошпананинг икки тури учрайди. Булар ҳудудий ва дипломатик бошпана туридир. Ҳудудий бошпана кенг эътироф этилган бўлиб, у шахсга бошқа давлат ҳудудида бошпана берилишини билдиради. Жуда қадим замонларда пайдо бўлган бошпана беришнинг бу тури бизнинг замонамизда ҳам кенг эътироф этилган ва кўп қўлланилади. Дипломатик бошпана хорижий давлатнинг дипломатик ёки консуллик ваколатхонасида шахсга (одатда, мазкур давлат фуқаросига) бошпана берилишини кўзда тутади. Бошпананинг бу тури фақат Лотин Америкасида қўлланилади ва тан олинади.

БМТ доирасида 1948 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон Декларацияси ва 1967 йили қабул қилинган ҳудудий бошпана тўғрисидаги Декларацияда халқаро ҳуқуқнинг бошпана ҳуқуқи тўғрисидаги кенг эътироф этилган қоидалари ўз ифодасини топди.

Бошпана бериш давлат томонидан ўз суверенитетини амалга ошириш демакдир. Ҳар бир давлат бирон-бир шахсга бошпана беришга бўлган асосларни ўзи мустақил равишда белгилайди. Лекин бунда давлат халқаро ҳуқуқнинг тинчликка қарши, жиноят, ҳарбий жиноят ёки инсонийликка қарши жиноят қилинган деб топилган шахсларга бошпана ҳуқуқи жорий этмаслиги тўғрисида кенг эътироф этилган нормаларга риоя қилоқлари шарт.

Ривожланган мамлакатлар томонидан бошпана бериш тажрибасида халқаро ҳуқуқнинг кенг эътироф этилган бу қоидаларини хилма-хил тарзда бузишлар тез-тез содир бўлиб турибди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Оврўподаги кўпчилик давлатлар миллатчилар, ҳарбий жиноятчилар учун ўз чегараларини тамомила очиб қўйди ва уларни яширибгина қолмай, балки бу уларнинг умумий тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари БМТ мақсадлари ва принципларига зид фаолиятларини рағбатлантирдилар.

6. Ҳозирги халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги нормалари давлатлар ўртаси-

даги инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар ҳамма учун ялпи ҳурматлаш ва уларни риоя қилишга кўмаклашиш бора-сидаги муносабатларни тартибга солади.

- Иккинчи жаҳон уруши барча халқлар ва давлатларга агрессив урушларни тайёрлаш, аҳолининг кенг қатламлари ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қилиш билан бевосита боғлиқ бўлиши, бундай урушларни бошлаш эса инсоннинг оддий ҳуқуқлари ва эркинликларини йўққа чиқариши, миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритишига олиб келишлигини яққол намоён қилди. Со-биқ Совет Иттифоқи гитлерчи милитаристлар устидан ғалабада ўзининг ҳал қилувчи роли билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишига улкан ҳисса қўшди.

БМТ вазифалиридан бири шундан иборатки, «у шахснинг асосий эркинликларига, унинг нуфузи ва қадр-қимматига, эркаклар ва аёлларнинг ҳамда катта ва кичик миллатларнинг тенглигига ишончни яна қарор топ-тирмоғи керак» (БМТ Низомининг Преамбуласи). БМТ Низомининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қарорлари барча тинчликсевар давлатлар ташаббуси билан ва уларнинг фаол иштирокида ишлаб чиқилган эди. У халқаро ҳуқуққа инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш тамойилини киритди. Бу принцип ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолди. У кўпгина халқаро ҳужжатларда, шу жумладан 1975 йилги Европадаги хавфсизлик ва ҳам-корлик бўйича Кенгашнинг Яқунловчи актида ҳам ўз ифодасини топди ва мустаҳкамлаб қўйилди.

Инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш тамойилининг юзага келиши ва инсон ҳуқуқига тааллуқли бошқа халқаро ҳуқуқ нормаларининг пайдо бўлиши бу ҳуқуқлар ҳозирги ҳуқуқ томонидан бевосита тартибга солиниши ва улар давлатларнинг ички ишлари бўлмайд қолганлигини асло билдирмайди. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш асосан давлатларнинг ички иши бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Шунинг учун бундай ҳуқуқларни амалга ошириш йўлидаги курашнинг бошқа доираси давлатнинг ички тизими, айниқса, унинг ижтимоий-иқтисодий тизими бўлиб келди. Аввало, халқаро ҳуқуқий воситалар орқали амалга оширилаётган инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш ўз хусусияти билан муҳим бўлса ҳам, ҳар қалай бу ҳу-

қуқларни таъминлашнинг ёрдамчи чораси бўлиб қолаверади.

Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги, БМТнинг бу соҳадаги кўп йиллик фаолияти шуни кўрсатмоқдаки, инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилишга қаратилган чоралар бизнинг давримизда асосан қуйидагилардан иборат:

а) ҳамма учун инсоннинг қайси ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳеч қандай камситилмай, универсал тарзда ҳурмат қилиниши ва риоя этилиши лозимлиги тўғрисидаги ялпи тавсиялар ишлаб чиқиш (масалан, 1948 йилги инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, БМТнинг 1963 йилги ирқий камситишларнинг барча тамоийилларини тугатиш тўғрисидаги Декларацияси);

б) инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларни ишлаб чиқиш ва тузиш (Пактлар, Конвенциялар ва бошқалар. Бу шартномаларда давлатларнинг ўз қонунларида, халқаро актларда санаб ўтилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳаммасини бериш ва кафолатлаш мажбуриятини ифодалайди. 1966 йилги иқтисодий ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактлар ва 1966 йилги фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт);

в) давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ўзларининг халқаро мажбуриятларини бажариш тўғрисидаги ҳисоботлари алоҳида халқаро тизимини яратиш (масалан, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Пактлар, 1963 йилги ирқий камситишнинг барча тамойилларини тугатиш тўғрисидаги Конвенция, БМТ Низоми қоидаларига биноан давлатлар томонидан тақдим этиладиган даврий маърузалар тизими).

БМТ қарори бўйича инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилишнинг биринчи универсал ҳужжати умумий Декларация (тавсиялар) ва Пакт (кўп томонлама шартнома)дан иборат инсон ҳуқуқлари Хартияси бўлмоғи лозим.

Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон Декларацияси 1948 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан маъқулланди ва бу кун БМТ Бош Ассамблеяси томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш куни деб эълон қилинди. Бу Декларация фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар (яшаш, шахсий дахлсизлик, фикр ва виждон эркинлиги, тинч йиғилишлар эркинлиги ва бошқалар)ни эълон қилибгина қолмай, балки иқтисодий, ижтимоий ва ма-

даний ҳуқуқлар (меҳнат қилиш, ижтимоий таъминот, билим олиш, маданий ҳаётда иштирок этиш ва бошқа ҳуқуқлар)ни ҳам илгари сураб эди. Декларация томонидан ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар инсоннинг асосий ҳуқуқлари сифатида тан олиниши жаҳон мамлакатларининг катта ғалабаси бўлди. Декларация халқаро майдонда кенг эътироф этилди, унга катта халқаро нуфузга эга бўлган ҳужжат сифатида тез-тез мурожаат қилиб турилади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси тавсия тариқасида бўлганлиги учун инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро шартномалар тайёрлашни кўзда тутди. 60-йилларда БМТда кучларнинг нисбатан тинчлик ва тараққиёт фойдасига ўзгарганлиги натижасида 1966 йилда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ва инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олишдан келиб чиқувчи иккита Пакт ишлаб чиқилди.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Пактлар инсоннинг асосий ҳуқуқларини халқаро комплекс тартибга солишда дастлабки тажриба бўлди. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактлар инсон учун меҳнат қилиш, меҳнатнинг адолатли ва қулай шароитлари, касаба уюшмалари тузиш, ижтимоий таъминот, муайян яшаш даражаси ва медицина ёрдами, билим олиш ва маданий ҳаётда иштирок этиш сингари ҳуқуқларни тартибга солади.

Пакт қатнашчилари бўлган давлатларнинг кўрсатилган ҳуқуқларга риоя қилиш соҳасида улар эришган тараққиёт тўғрисида БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашга вақти-вақти билан маърузалар тақдим этиб туридилар.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар Пакти, жумладан, мажбурий меҳнатни тақиқлаш, яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, айбсиз ҳибсга олишдан, озодлик, суд олдида тенглик, виждон ва дин эркинлиги, урушни ташвиқот қилишни тақиқлаш, тинч йиғилишлар ҳуқуқлари, ассоциациялар эркинлиги, сайлаш ва сайланиш, қонун олдида тенглик ҳуқуқлари кўзда тутилади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт қатнашчилари бўлган давлатларнинг ана шу ҳуқуқларнинг ҳаммасини ҳаётга татбиқ этишга оид маърузалари шахсий тарзда ва Пакт қатнашчилари бўлган давлатларнинг яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

ган 18 аъзоэкспертдан иборат инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитада қараб чиқилади.

Ирқий камситишни мустамлакачиликка асосланган жамият келтириб чиқарган, уни таъқиқлаш эса инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. БМТ 1963 йилда давлатларнинг ирқий камситилишини, ирқий сегрегация ва апартеидни йўқ қилишдан иборат мажбуриятни кўзда тутувчи ирқий камситишнинг барча турларини тугатиш тўғрисидаги Декларация, 1965 йили эса Конвенция қабул қилди.

Шу асосда давлатларнинг вақти-вақти билан маърузаларини қараб чиқувчи қўмита ҳам ташкил этилди. Мазкур маърузаларда давлатлар Конвенция қондаларининг ҳаётга татбиқ этилишига ёрдам берадиган қонунлар, судлов, маъмурий ва бошқа чоралар тўғрисида ахборотлар берадилар.

Конвенция 1969 йилнинг 4 январида кучга кирди. Ривожланган давлатларнинг кўпчилиги унинг иштирокчиларидир.

БМТ доирасида 1948 йилги геноцид жиноятчилигининг олдини олиш ва шундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги Конвенция ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Мазкур Конвенция геноцидни у ёки бу миллий, этник, ирқий ёхуд диний гуруҳни тўла ёки қисман қириб ташлаш ниятида амалга оширилаётган ҳаракатлар сифатида таърифлайди ва бундай ҳаракатларнинг таркибинини санаб ўтади. Давлатлар Конвенциянинг қондаларини амалга ошириш учун зарур қонун актларини қабул қилиш, хусусан геноцидни амалга ошириш, унга даъват этиш, суиқасда ёки геноцидда ҳамкорлик мақсадларида тил бириктириш ёки шундай жиноятларни амалга оширишда айбдор бўлган шахсларни жазолашнинг самарали чораларини кўзда тутиш мажбуриятини оладилар. Айниқса, Жанубий Африкада кенг жорий этилган апартеид БМТ Бош Ассамблеяси сессияларида, турли халқаро конференцияларда кўп марта муҳокама қилинди. 1973 йили БМТда апартеиднинг олдини олиш ва шундай жиноят учун жазолаш тўғрисида Конвенция қабул қилинди. Мазкур Конвенцияда апартеидни инсониятга қарши жиноят апартеид эиёсати ва амалиётининг воситаси бўлган аксинсоний актларни халқаро ҳуқуқ принципларини бузувчи ва тинчлик ҳамда хавфсизликка хавф туғдирувчи жиноятлар сифатида таърифлана-

ди. Апартеид деганда кишиларнинг бир ирқий гуруҳи томонидан иккинчи гуруҳ устидан ўрнатиладиган ва сақлаб туриладиган ҳокимлик учун тобе ирқий гуруҳни мунтазам эзиш учун амалга ошириладиган аксилинсоний актлар тушунилади.

БМТ доирасида инсон ҳуқуқлари тўғрисида бир қатор халқаро Конвенциялар, хусусан, 1953 йилги хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, 1957 йили турмушга чиққан аёлларнинг фуқаролиги тўғрисидаги Конвенция ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Давлатларнинг инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш бўйича мавқеи мана шу халқаро ҳужжатларга муносабатида яққол намоён бўлди.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти Конвенциялари ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун муайян аҳамиятга эга. Бу Конвенциялар, жумладан, мажбурий меҳнатни бекор қилиш, меҳнат асосидаги камситишларни тақиқлаш, иш ва дам олиш вақтларини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш гигиенасини ўз ичига олади.

ЮНЕСКО инсон ҳуқуқларига тааллуқли бир қатор Конвенцияларни, шу жумладан, 1960 йилги билим олиш соҳасида камситишларга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилди. Инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш тамойиллари ва нормаларини янада ривожлантириш ҳозир ҳам давом эттирилмоқда.

IX БОБ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

1. Халқаро конференциялар

Халқаро конференция ҳукуматлараро ва ноҳукумат тусида ўтказилади. Ноҳукумат ташкилотлар вакиллари ёки турли мамлакатларнинг алоҳида шахслари томонидан уюштирилган кенгашлар ноҳукумат конференциялар ҳисобланади. Икки ёки ундан ортиқ давлатлар расмий вакилларининг ана шу давлатлар манфаатларига тааллуқли у ёки бу масалаларини муҳокама қилиш учун ўтказган йиғилишлари ҳукуматлараро конференциялар ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқнинг ҳаракати фақат ана шу конференциягагина бевосита тааллуқли бўлгани учун мазкур қисмда фақат ҳукуматлараро конференциялар устида тўхталиб ўтамиз.

Конференциялар музокаралардан ривожлана бориб, халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқнинг алоҳида институтига айланади. Халқаро ташкилотлардан фарқли ўлароқ халқаро конференциялар давлатларнинг муваққат коллектив органидир.

Халқаро конференциялардан халқаро ташкилотларнинг органларини ажратиш лозим. Ҳолбуки, бу ташкилотларнинг бош органлари кўпинча конференциялар деб юритилади (чунончи, ЮНЕСКО Бош Конференцияси, Халқаро меҳнат ташкилоти Бош Конференцияси).

Аксарият давлатлар учун қизиқиш туғдираётган турли масалалар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Шунинг учун бундай масалалар халқаро ташкилотлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Масалаларнинг муҳимлигига қараб халқаро конференциялар турли даражаларда ўтказилади: давлатлар ёки ҳукуматлар бошлиқлари кенгашлари, ташқи ишлар вазирлари кенгашлари, давлатлар делегация бошлиғи сифатида бирон кишини тайин қиладиган одатдаги халқаро конференциялар, экспертларнинг кенгашлари ва бошқалар.

Халқаро конференциялар у ёки бу халқаро шартномани тайёрлаш ва қабул қилиш ёки тегишли халқаро муаммоларни муҳокама қилиб, биргаликдаги баёнотларни ишлаб чиқиш ёки бу муаммолар бўйича фикрлар алмашиш мақсадида қақрилади.

Халқаро конференцияларни икки турга ажратмоқ жоиз. Булар халқаро ташкилотлар доирасидан ташқари давлатлар томонидан қақриладиган конференциялардан иборат. Ҳозирги вақтда халқаро конференцияларнинг кўпи халқаро ташкилотлар ташаббуси ва нишони остида ўтапти. Бу ҳолатда ҳам, бошқа ҳолатда ҳам мазкур конференцияга тааллуқли масалаларни ўзи ҳал қила оладиган суверен давлатлар вакиллариининг кенгашлари кўзда тутилмоқда. Бироқ конференцияларнинг юқорида кўрсатилган икки тури ўртасидаги фарқни рад этиш мумкин эмас.

Конференция қатнашчилари доираси тўғрисидаги масала муҳим роль ўйнайди. Суверен тенглик принципига биноан барча давлатлар ўзлари манфаатдор халқаро масалаларни ҳал этишда тенг ҳуқуқда иштирок этишлари мумкин. Шунинг учун конференцияга унинг кун тартибида турган масалаларга манфаатдор бўлган барча давлатлар таклиф қилиниши керак. Умумий халқа-

ро шартномалар ишлаб чиқиш, бу шартномалар халқаро ҳуқуқни жадал ривожлантиришга хизмат қилиш учун чақириладиган конференцияларга барча давлатлар таклиф қилинмоғи лозим.

Ҳозирги пайтда БМТ томонидан чақириладиган конференцияларга, шунингдек, бир қатор бошқа ҳолатларда манфаатдор халқаро ташкилотларнинг вакиллари, миллий озодлик ҳаракатлари вакиллари (мисол учун Фаластин озодлик ташкилоти) кузатувчи сифатида таклиф қилинади.

Халқаро ташкилотлар томонидан чақириладиган халқаро конференциялар одатда тегишли халқаро ташкилот вакили (мисол учун БМТ чақириладиган конференцияларни БМТ Бош Котиби ёки унинг вакили) томонидан очилади. Бирон-бир давлатда бўлиб ўтадиган конференцияни одатда шу давлатнинг вакили очади.

Конференцияда, одатда, номзоди иштирочилар ўртасида олдиндан келишиб олинмаган раис, шунингдек, ўринбосари сайланади. Кўпинча раислик делегациялар томонидан навбатма-навбат амалга оширилади. Конференция уни ўтказиш тартибини қабул қилади. Унинг лойиҳаси тегишли халқаро ташкилот ёки таклиф қилинган давлат томонидан тайёрланади. Иш тартиби қонда си ғоят муҳим ҳужжат бўлиб, конференция ишининг тартибини: тузиладиган қўмиталарнинг миқдори, таклифлар киритиш тартиби, қарорларнинг қабул қилиниши ва бошқаларни белгилаб беради.

Ҳозирги замон халқаро конференцияларида қонда тариқасида қуйидаги қўмиталар тузилади:

1) конференция ишини ташкил этишнинг умумий масалалари билан шуғулланувчи бош қўмита;

2) делегациялар ваколатларининг ҳақиқийлигини текширувчи ва бу масала юзасидан конференциянинг ялпи мажлисига тегишли маъруза тақдим этувчи ваколатлар бўйича қўмита;

3) конвенцияларни муҳокама қилиш учун ишчи қўмиталари;

4) моддалар матни ва умуман конвенция матнини конференцияларда муҳокама қилингандан кейин тайёрловчи таҳририй қўмита.

Таҳририй қўмитадан ташқари ҳар бир ишчи қўмита ўзининг таҳририят гуруҳи ёки комиссиясини тузади. Ишчи қўмиталарга конференцияда қатнашаётган барча давлатларнинг вакиллари киради. Бош қўмита, вако-

латлар бўйича қўмита ва таҳририй қўмита конференция томонидан давлатларнинг чекланган миқдордаги вакил-лари таркибида сайланади.

Айрим ўта муҳим ёки ўта мураккаб халқаро конференцияларнинг иш тартиби гоҳо юқорида кўрсатилганидан кўра анча фарқ қилади. Чунончи, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгаш уч босқичда ўтказилди. Улар турли даражада олиб борилди. Дастлабки икки босқич натижасида Яқунловчи акт матни тўла келишиб олинди. Учинчи босқич — давлат ва ҳукумат бошлиқлар даражасида ўтган босқичда ана шу акт 1975 йил 1 августда имзоланди.

БМТнинг халқаро денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенцияси 1973 йили бошланиб, 1983 йилда тугаган учинчи конференциясида ишчи қўмиталар билан бирга конференция жараёнида муҳокама қилинаётган айрим масалалар бўйича «Музокаралар учун гуруҳлар» ташкил этилди. Улар таркибига турли гуруҳдаги давлатлардан вакиллар киритилди.

Иш тартиби қондаси, шунингдек, конференцияда қандай тиллардан фойдаланиш ҳам белгилаб олинади. БМТ томонидан чақирилган конференцияларда БМТнинг расмий тиллари, хусусан, рус, инглиз, француз, испан ва хитой тили шундай тиллар ҳисобланади.

Яқин вақтгача халқаро конференцияларнинг барча қарорлари консенсус (бир овозлик) йўли билан қабул қилинарди. Ҳозирги вақтда ҳам унчалик кўп иштирокчилари бўлмаган айрим конференцияларда (мисол учун 1959 йилги Антарктида бўйича ўтказилган конференцияда) шу қоида қўлланиши давом этмоқда. Кўп иштирокчиларга эга бўлган конференцияларда бу қоида бир ёки бир неча давлатлар гуруҳи шартнома матни қабул қилинишига тўғаноқ бўлишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун кейинги ўн йилликда шундай тартиб қарор топдики, унга биноан шартномаларнинг матнлари кенг қўламли конференцияларда унда қатнашган ва овоз беришда иштирок этган давлатлар вакилларининг учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган деб ҳисобланади. Мажлисида қатнашмаган ва овоз бериш чоғида бетараф қолган вакилларнинг овози ҳисобга олинмайди. Бироқ, бундай тартиб ўз нуқсонларига эга. У ишлаб чиқадиган айрим қоидалар жуда кам давлатлар иштирокида қабул қилинишига олиб келиши мумкин (гоҳи чиндан ҳам олиб келади). Мисол учун

140 давлат иштирокида ўтаётган конференцияда шартноманинг бирон-бир матнига овоз бериш чоғида 70 делегация бетараф қолса, у чоғда мана шу матни қабул қилиш учун 47 овоз, яъни конференция барча иштирокчиларининг 38 фоизи берган овоз етарли бўлади. Агар шу тариқадаги кўпчилик овоз билан умуман шартнома қабул қилинса, унда конференциялар кўзланган мақсадларга эришганлиги хусусида гап бўлиши мумкин эмас. Зеро, шартнома учун овоз берган ва кейинчалик уни ратификация қилган оз давлатлар шу шартномага биноан ҳаракат қилган, айни пайтда эса давлатларнинг кўпчилиги халқаро ҳуқуқнинг ундан олдин амалда бўлган нормаларига риоя қилаверган бўлур эди.

Шу муносабат билан конценсус қондаси юзага келди. Бу қонда конференцияда қатнашаётган давлатларни барча иштирокчилар учун маъқул қондалар ишлаб чиқишга, барча мумкин бўлган шартлардан фойдаланишга мажбур қилишни кўзда тутди. Конценсус якдилликка тенг маънони билдирмайди. Якдиллик чоғида конференциянинг барча иштирокчилари қарор қабул қилиниши учун овоз берадилар. Бу билан улар матни маъқуллайдилар. Конценсус қондаси амал қилинган чоғда овозга қўйиб бўлмайди ва иштирокчилардан ҳеч ким «матннинг қабул қилинишига эътироз билдирмайди» маъносини билдиради. Бунда айрим вакиллар матннинг мазмуни бўйича ўз эътирозларини билдиришлари мумкин. Бироқ, катта конференцияда конценсусга эришиш осон эмас. Шунинг учун ғоят муҳим бўлган денгиз ҳуқуқи бўйича БМТ III конференциясида ўзаро мувофиқ йўл топилди: аввалги конценсус қондаси қўлланилди. Бироқ, бунга эришиб бўлмагач, конференция овозга қўйишга ўтиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундай қарор конференциянинг муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан бошқа қарорлари каби иштирок этаётган ва овоз беришга қатнашаётган вакилларнинг учдан икки қисм овозига эга бўлиши керак. Учдан икки овоз конференцияда қатнашаётган давлатларнинг кўпчилигини ўз ичига олади. Бу ғоят муҳимдир, чунки у унча кўп бўлмаган миқдордаги овоз билан қарорларнинг қабул қилиниш имкониятини йўққа чиқаради. Аслида халқаро денгиз ҳуқуқи бўйича янги халқаро Конвенция 1982 йил мобайнида овозга қўйиш йўли билан қабул қилинди.

Бошқа конференцияларда аввалгидек иштирок эта-

ётган ва овоз беришда қатнашган вакилларнинг учдан икки овози қарор қабул қилиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қелмоқда.

Халқаро конференциянинг қарорлари ғоят ранг-баранг бўлиб, юридик аҳамияти ҳам хилма-хилдир. Олий даражадаги конференцияларда кўпинча халқаро шартнома характеридаги актлар унда қатнашаётган давлатлар ёки ҳуқуматлар бошлиқлари иштирокида қабул қилинади ва имзоланади. Натижада бу шартномалар дарҳол кучга киради. Мисол учун Буюк давлатлар ҳуқуматлари бошлиқларининг Техрон, Ялта ва Потсдам конференциялари қарорлари мана шундай актлар эди.

Шу даражадаги конференцияларда «мўлжаллар тўғрисида Декларация» характеридаги актлар қабул қилиниши мумкин. Одатда улар халқаро шартнома ролини бажармайди.

1975 йил 1 августда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик тўғрисида ўтган олий даражадаги Кенгашда қабул қилинган ва имзоланган Акт халқаро шартнома бўйича ҳам муайян юридик мажбурийликка эга.

Халқаро шартномани ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун чақириладиган халқаро конференциялар одатда: шартнома (шартномалар) матни; айрим масалалар бўйича қарорлар; конференциянинг яқунловчи ҳужжатларини қабул қилади.

Конференция томонидан шартнома матнининг қабул қилиниши давлатлар розилигини келиштириш жараёнининг биринчи босқичи яқунланганлигини билдиради. Делегациянинг шартнома матни учун овоз бериш тегишли давлатга мазкур шартномани имзолаш ёки ратификациялаш мажбуриятини юкламайди.

Конференция томонидан қабул қилинган қарорлар давлатлар ёки халқаро ташкилотларга бериладиган тавсия характерида эга.

Кўрсатилган конференциялар одатда яқунловчи ҳужжат қабул қилиниши билан поёнига етади. Бу ҳужжатда уни характерловчи асосий далиллар: делегацияларнинг таркиби, конференция қўмиталарининг миқдори ва номи, қабул қилинган шартнома, қарор ва бошқалар қайд этилади. Яқунловчи ҳужжат конференцияда қатнашаётган давлатларнинг делегациялари бошлиқлари томонидан имзоланади.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ўтказилган кенгашнинг яқунловчи ҳужжати «Яқунловчи акт»

деб номланса ҳам, у халқаро конференциянинг одатдаги яқунловчи ҳужжатидан бошқача характерга эга. Бу норматив ҳужжатдир.

2. Халқаро ташкилотлар

Халқаро ташкилотлар тушунчаси. Халқаро (давлатлараро) ташкилотлар — муайян мақсадларни амалга ошириш учун халқаро шартнома асосида тузилган, тегишли органлар тартибига эга бўлган, давлатларнинг — аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган ҳамда халқаро ҳуқуққа биноан таъсис этилган давлатларнинг уюшмасидир.

Бунда халқаро ташкилот тушунчасини ташкил этувчи қуйидаги беш белги:

шартномага асосланганлик;

муайян мақсадларнинг мавжудлиги;

ташкилий тузум;

мустақил ҳуқуқлар ва мажбуриятлар;

халқаро ҳуқуққа биноан таъсис этилганлик тўғрисида гап юритиш мумкин.

Шартномага асосланганлик шуни билдирадики, халқаро шартноманинг одатда кўп томонлама таъсис акти, халқаро ташкилотнинг низоми ҳисобланади.

Лекин халқаро амалиётда халқаро ташкилот халқаро шартнома асосида эмас, балки халқаро ташкилот органининг қарори асосида ташкил этилган ҳоллар ҳам юз берган. Бу БМТ доирасида содир бўлган ва БМТнинг савдо ва ривожланиш (ЮНКТАД), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг саноатни ривожлантириш бўйича, (ЮНИДО) ўтказилган конференциялари ташкил этилиши билан боғлиқ. Мазкур ташкилотлар Бош Ассамблеянинг ҳуқуқига биноан БМТ Низомининг 22-моддасидаги ёрдамчи органлар тузиш ҳақидаги қоидага асосан ташкил этилган эди. Шунга қарамай, ЮНКТАД ва ЮНИДОни оддий ёрдамчи органга киритиш мумкин эмас. Бу органлар БМТ таркибида оддий вазифани бажармайди, балки халқаро ташкилотлар тизимига эга бўлган органлардир. Бош Ассамблеянинг 2152-қарори (1966 йил 17 ноябрь) тўғридан-тўғри саноатни ривожлантириш бўйича ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси органи сифатида тузилди ва БМТ доирасида мухтор ташкилот сифатида иш олиб боради.

Аниқ бир йўналишдаги мақсадларнинг мавжудлиги

халқаро ташкилот тушунчасини белгилашда муҳим белги ҳисобланади. Ташкилотнинг мақсадлари халқаро ташкилотнинг тўла ҳуқуқлилиқ характерини, унинг ташкилий тизимини, унга бериладиган ҳуқуқларни белгилашда муҳимдир.

Ташкилотнинг мустақил ҳуқуқ ва мажбуриятлари унга аъзо бўлган давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фарқ қилади. Халқаро ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари унинг низомларида белгиланган бўлиб, баъзи моддалар бевосита аъзо бўлган давлатларга, бошқа моддалари эса, халқаро ташкилотнинг ўзига тегишлидир. Мисол учун БМТ Низомининг 19-моддасида шундай қайд этилган: «Ташкилотга пул бадалларини тўлаш бўйича қарзи бўлмаган ташкилот аъзоси, агар қарзининг жами ўтган икки йил учун тўланиши керак бўлган бадал миқдорига тенг бўлса ёки ошиб кетса, Бош Ассамблеяда овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилинади». БМТ Низомининг 21-моддаси эса аксинча, бевосита ташкилотнинг ўзига тегишли: «Бош Ассамблея ўзининг ички қондалари ва иш тартибининг ўзи белгилайди. У ҳар бир сессияга раисни ўзи сайлайди».

Халқаро ташкилотнинг унга аъзо бўлган давлатлар ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан фарқ қилувчи мустақил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш имконияти, биринчидан, ўз ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс сифатида шаклланади, иккинчидан, агар ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъектлари билан бевосита алоқадор бўлса, халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўлиб қолади. Уларга асосан, битимлар тузиш ҳуқуқи, имтиёз ва иммунитетларга бўлган ҳуқуқ, ваколатликка бўлган ҳуқуқ, халқаро ҳуқуққа биноан халқаро ташкилотнинг тўла ҳуқуқлилиқ хусусиятини билдиради. Бу ташкилотнинг Низоми ва фаолиятида халқаро ҳуқуқнинг кенг эътироф этилган принциплари ва нормаларга, аввало принцинга мос келиш заруратини билдиради.

Халқаро ташкилотларни туркумларга ажратиш. Халқаро ташкилотларни туркумлаш: ташкилотларнинг ҳуқуқий табиати; ташкилот фаолиятининг кўлами; ташкилот фаолиятининг мавзуи; халқаро ташкилот аъзолари бўлган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти сингари белгилари бўйича ўтказилади.

Халқаро давлатлараро универсал ташкилотларнинг мақсадлари ва фаолият мавзулари барча давлатлар учун манфаатли бўлади. Чунончи, БМТнинг мақсади ва

фаолият мавзуи жаҳондаги барча давлатлар учун муайян манфаатга дахлдор ва шу туфайли бу ташкилот унинг Низомини тан олган барча давлатлар учун очиқ бўлиши керак.

Минтақавий ташкилотлар орасида халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустақамлаш ва БМТ Низомининг 8-бобида тузилиши кўзда тутилган ташкилотлар киради. Улар алоҳида аҳамиятга эга. 52-моддада минтақавий ташкилотлар тўла ҳуқуқли бўлишлари учун улар эга бўладиган белгилар санаб ўтилади. Африка Бирлиги Ташкилоти, Араб Давлатлари Лигаси мана шундай ташкилотларга киради.

Халқаро ташкилотлар барча ижтимоий-иқтисодий тузумда бўлган давлатлар кирувчи ташкилотлар ҳисобланади. БМТ ва ихтисослашган ташкилотлар шундай ташкилотлардан саналади.

Ҳозирги вақтда БМТнинг халқаро ташкилотлари тушунчаси кенг тарқалган. Улар қаторига БМТ, 16та ихтисослашган ташкилот, атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЕ) БМТнинг халқаро ташкилотлар тизимига эга бўлган ёрдамчи ташкилотлар, ЮНКТАД, ЮНИДО, БМТ тараққиёт режаси ПРООН, шунингдек, БМТнинг атроф муҳитни ҳимоя қилиш бўйича конференцияси ЮНЕП киради.

Халқаро ташкилотлар халқаро тизимнинг таркибий қисмидир. Ва, табиийки, халқаро тизимнинг ривожланиши ҳал қилувчи таъсир кўрсатаётган ижтимоий тараққиёт қонунлари умумий тарзда халқаро ташкилотлар тараққиётини, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий табиати ҳам белгилаб беради.

Турли ижтимоий тузумдаги давлатлар иштирокидаги ташкилотлар жамият тараққиётининг умумий қонунлари, шунингдек турли ижтимоий тузумлардаги ривожланиш қонунларнинг тўқнашуви таъсири остида иш олиб боради. Бир ижтимоий тузумдаги давлатлар иштирокидаги ташкилотлар эса, аксинча, шу ижтимоий тузум тараққиёти қонунлари таъсири асосида ҳаракат қилади.

Турли ижтимоий тузумдаги давлатлар иштирокидаги ташкилотлар умумий ҳам, маҳаллий ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек бир ижтимоий тузумдаги давлатлар иштирокидаги ташкилотлар шу маънода маҳаллий характерга эга бўлиши мумкинки, улар барча давлатларни аъзо қилиб олмайди. У ёки бу ташкилотнинг ижтимоий табиати унда қатнашаётган давлатларнинг синфий

табиати, иқтисодий тузуми характери ва улар ўртасида муайян тузум асосидаги муносабатлар билан белгиланади. Албатта бу ривожланган давлатларнинг барча ташкилотлари халқаро ҳуқуққа мувофиқ келавермайди, деган сўз эмас. Турли ижтимоий тузумдаги давлатлар иштирокида тузилган халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқ умумий нормалари ва маҳаллий нормалари каби турли ижтимоий тузум давлатлари ўртасида амал қилувчи нормалар сингари умумдемократик характерга эга. Лекин халқаро ташкилотлар фаолияти асосан унда қатнашаётган давлатларнинг сиёсаги билан белгиланиши туфайли у ёки бу халқаро ташкилотнинг аниқ хатти-ҳаракати умумдемократик характердаги халқаро шартнома ҳисобланган мана шу ташкилот низоми талабларига зид ҳолатда учрайди. Бу БМТ фаолиятида у ташкилот топган йиллари, айниқса, ёрқин намоён бўлди. Чунки бу ерда айрим реакция давлатлар сиқуви остида гоҳ БМТ Низомига, бинобарин, халқаро ҳуқуққа зид бўлган қарорлар қабул қилинди.

Ҳозирги замон халқаро ташкилотларнинг юридик табиати, яъни асосий юридик тавсифи халқаро ҳуқуқни ривожлантиришга ҳал қилувчи таъсир кўрсатаётган ўша жамият тараққиёти қонунларига кўра белгиланади. Хусусан унинг илмий техника тараққиёти, иқтисодий ҳаёти ва бошқа жиҳатларининг байналмиллашуви, суверен давлатларнинг мавжудлиги мустамлака тузумининг йўқ қилиниши натижасида халқаро майдонда кўпдан-кўп янги давлатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Бу қонунларнинг халқаро ташкилотга, шунингдек, халқаро ҳуқуққа таъсири ҳамиша бир хил йўналишда бормайди. Фан-техника тараққиёти ва байналмиллашуви халқаро ташкилотларнинг жамият ҳаётига таъсирининг кўпайиши бу ташкилот ҳуқуқий доирасининг кенгайишига олиб боради. Фан-техника тараққиёти халқаро тинчликни сақлаш, инсониятнинг бундан буён ҳам яшаб қолиш муаммоси ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш, энергетика, жаҳоннинг уммон бойликларидан фойдаланиш муаммоларини биринчи ўринга қўймоқда. Фан-техника тараққиёти билан боғлиқ ҳолда байналмиллашув жараёни давлатлар ўртасида иқтисодий, фан-техника, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик муаммоларини кун тартибига қўймоқда. Уларнинг ҳал эти-

лиши мана шу ҳамкорликнинг доимий органи ўзларига юклатилган умумжаҳон ёки маҳаллий характердаги вазифаларни самарали амалга оширишга қодир халқаро ташкилотларни ташкил этишни тақозо қилади. Мана шу вазиятдан келиб чиқиб, халқаро ташкилотлар ҳуқуқий доирасининг ўсиб бориши ғояси шубҳасиз ва қонунийдир.

Шу билан бирга ҳозирги жамиятнинг мана шундай қонуниятлари суверен давлатлар мавжудлиги каби халқаро ташкилотлар ҳуқуқий доирасининг ўсиш ғоясига акс таъсир ҳам кўрсатиши мумкин. Мана шу қонуниятлар халқаро ташкилотларнинг ҳаммасида кўзга ташланади. Улар халқаро ташкилотларнинг хилма-хиллигига қарамай ҳуқуқ доирасининг сезиларли ўсиш жараёнидан ҳам уларнинг ҳаммаси — бир ижтимоий тузум давлатлари иштирокида тузилганлари ҳам — давлатлараро ташкилотлар бўлишига олиб келади. Ҳатто, Оврўпо Иқтисодий ҳамжамияти ҳам ўзининг муайян давлат устидан турувчи ташкилот сифатидаги хусусиятларига қарамай, ўзининг туб асосида давлатлараро ташкилотдир.

Юқорида кўрсатилган қонуниятлардан келиб чиқиб, ҳозирги замон халқаро ташкилотларини давлатлараро уюшма сифатида қуйидаги асосий юридик белгилар билан фарқлаш мумкин:

1) улар қонда тариқасида давлатлар томонидан халқаро шартнома тузиш йўли билан ташкил этилади ва мана шу шартномалар асосида иш олиб боради (Низомлар);

2) аъзо давлатлар ўзларининг ташкилотдан чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолади;

3) халқаро ташкилотларнинг энг муҳим тамойилларидан бири аъзо давлатларнинг суверен тенглик тамойилидир. Бу тамойил халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ доираси, унинг низоми, яъни суверен давлатлар томонидан тузилган эркин шартнома билан белгиланади; ташкилотнинг аъзоси бўлган ҳар бир давлат муҳокама қилиш учун таклифларни киритишда, муҳокамада иштирок этишда тенг ҳуқуққа эга, ташкилотнинг органига тенг ҳуқуқ асосида вакил қилинади; ҳар бир давлат битта овозга эга бўлади. Ривожланган давлатларнинг бир қатор ташкилотлари айниқса, Оврўпо иқтисодий ҳамжамиятлари, шунингдек, асосий таъсир кўрсатиш қудрати ривожланган давлатлар қўлида бўлган хал-

қаро молия ташкилотлари (халқаро валюта фонди, халқаро қайта қуриш ва тараққиёт банки) мавжуддир;

4) турли ижтимоий тузумга мансуб давлатлар иштирокида тузилган халқаро ташкилотларда турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш тамойили ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу тамойил умумий халқаро ташкилотларга тааллуқли даражада бу ташкилотларга янги аъзолар каби қабул қилиш чоғида тузумнинг хилма-хиллиги асосида камситишни тақиқлашни билдиради бу тамойилни бузиб, ғарб мамлакатлари узоқ муддат ГДР ва ВСР умумий халқаро ташкилотларга қабул қилинишига монелик қилиб келди. Тинч-тотув яшаш тамойили яна турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасидаги ўзига хос тенгликни талаб қилади. Чунки мана шу тенглик бузилган тақдирда бу ташкилот бир ижтимоий тузумдаги давлатларнинг бошқа ижтимоий тузумдаги давлатларга қарши қуролга айланиб қолади. Бу энг муҳим халқаро ташкилот — БМТ учун алоҳида аҳамиятга эга. БМТнинг энг масъулиятли органи — Хавфсизлик Кенгашида шундай тенгликни таъминлаш учун барча муҳим қарорларни қабул қилиш чоғида Кенгашга доимий аъзо бўлган давлатларнинг яқдиллик тамойили белгилаб қўйилди. Доимий аъзолар таркибига турли ижтимоий тузумдаги давлатлар кирганлиги учун бу меъёр, кенгашнинг қарори фақат аъзолар ўртасидаги келишув асосидагина қабул қилиниши мумкинлигини билдиради. Бошқа умумий халқаро ташкилотларда бундай институт йўқ. Бироқ уларнинг ҳуқуқий доираси торроқ таъсири эса БМТ ҳуқуқ доираси ва таъсиридан анча кам;

5) халқаро ташкилотларнинг қарорлари тавсия характерида бўлади. Фақат шу ташкилотлар фаолиятининг ички масалалари бўйича қабул қилинган қарорлар уларнинг низомига биноан мажбурийлик характерига эга;

6) халқаро ташкилотлар уларнинг низоми асосида халқаро ҳуқуқий субъектликнинг муайян ҳажмига эга бўлади.

Халқаро ташкилотлар одатда: олий орган; ижрочи орган; маъмурий орган; махсус масалалар бўйича қўмита ва комиссияларни ўз ичига олади. Бир қатор ташкилотларда юридик органлар тузилиши ҳам кўзда тутилади. БМТ тизими ўз хусусиятига эга. У асосий ва ёрдамчи органларга бўлинади.

Олий (ялпи) органлар таркибига аъзо бўлган давлатларнинг ҳаммаси киради. Умумий халқаро ташкилотларда ҳар бир давлат қоида тариқасида аҳолисининг миқдори ва иқтисодий қудратидан қатъи назар биттадан овозга эга бўлади. Олий органнинг ҳуқуқий доирасига ташкилот доирасининг муҳим масалаларини, шу жумладан, ижрочи органларни, бош котибни сайлаш, ташкилот бюджетини тасдиқлаш масалаларини кўриб чиқиш киради.

Ижрочи органлар. Ижрочи орган умумий ташкилотларда тор таркибдаги орган ҳисобланади. Давлатлар фавқулодда ҳолатларда, шунингдек, миллий савдо ташкилотлари, мисол учун ИНМАРСАТ кенгашида уларнинг аъзолари бўлади. Бу органларга сайловлар асосан икки мезонга биноан амалга оширилади. Булар: одил жўғрофий тақсимот мезони ва ўзига хос манфаатлар мезонидир.

Одил жўғрофий тақсимот мезони белгиланиши муносабати билан бутун ер курраси бир неча жўғрофий минтақаларга бўлинади. У ёки бу ташкилотга аъзо бўлган давлатлар жўғрофий ўрнашишига қараб, минтақаларга тақсимланади. Ҳар бир минтақадан ижрочи органга муайян миқдордаги аъзолар сайланади. Аъзоларнинг оз-кўплиги мана шу минтақага кирувчи давлатлар миқдори билан тартибга солинади. Ҳар бир жўғрофий минтақа доирасида навбатма-навбат ижрочи органга сайланадиган давлатлар ажратилади. Шундай қилиб, олдин ёки кейин ташкилот аъзолари бўлган ҳамма давлатлар муайян жўғрофий минтақага мансублиги орқали ижрочи орган таркибига сайланади. Ташкилот олдида турган мақсадлар ва вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ижрочи органларга ташкилот ҳуқуқ доирасида ўзига хос манфаатли давлатлар биринчи навбатда киритилиши зарур. Шу манфаатлар ҳисобга олинган ҳолда бундай ташкилотларнинг ижрочи органларига сайловлар ўтказилади.

Турли ташкилотларда ўзига хос манфаатлар мезони хилма-хил белгиланади. Мисол учун халқаро денгиз кенгаши ташкилоти (ИМКО)да денгиз савдосида ўз манфаатлари биринчи ўринда туради ёки халқаро кемачилик соҳасида хизмат кўрсатишга ижозат катта ўрин тутаети.

Фаолияти савдо характерида бўлган баъзи халқаро ташкилотларда ижрочи органларга сайловлар ташки-

лотга энг кўл молия ёрдами кўрсатиш тамойили асосида ўтказилади.

Маъмурий органлар — котибиятлардир. Котибият бош котиб (директор) томонидан бошқарилади. Котибият ходимлари уч туркумга: олий маъмурий мансабдор шахслар; мутахассислар синфи; хизмат кўрсатувчи ходимларга бўлинади.

Бош котиб олий орган томонидан 3—6 йилга қайта сайланиш имконияти билан сайланади. Котибиятнинг бошқа ходимлари Бош котиб томонидан тайинланади. Улар ўз вазифаларини тегишли ҳақ ҳисобига бажарадилар. Ходимларни танлаш кенг жўғрофий асосда уларнинг малакаси ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Халқаро ташкилотлар фаолиятида худди мана шу қоида муттасил бузиб келинади. Котибият ходимлари асосий ҳолларда гарб мамлакатлари фуқаролари орасидан танланиб келинган.

Махсус масалалар бўйича қўмиталар ва комиссиялар. Улардан бири Низомда кўзда тутилган, бошқалари ёрдамчи орган сифатида муваққат ёки доимий қилиб тузилади. Иштирокчилар таркиби миқдори жиҳатидан ҳам хилма-хил бўлади. Баъзиларининг аъзолари қилиб давлатлар белгиланади. Бошқаларининг аъзолари алоҳида шахслар тариқасида белгиланади (халқаро электр алоқаси иттифоқида тебраниш тезликларини рўйхатга олиш халқаро қўмитасининг аъзолари). Баъзилари — чекланган таркибдаги органлар, бошқаларида эса ташкилот аъзолари бўлган барча давлатлар аъзо ҳисобланади (МСЭ телеграф ва телефон бўйича халқаро қўмита).

Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ доираси. Халқаро ташкилотлар давлатлар томонидан аниқ мақсадлар ва вазифаларни бажариш учун тузилади. Бунинг учун муайян ҳуқуқ доирасига эга бўлади, бу ҳуқуқ доиралари Низомда қайд этилади.

Ташкилотларнинг фаолияти мазкур ташкилот ҳуқуқ доирасига биноан амалга оширилсагина, тўла ҳуқуқли бўлади. Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ доираси унинг органлари ҳуқуқ доирасида намоён бўлади. Халқаро ташкилот билан унинг органлари ҳуқуқ доирасидаги икки жиҳатни фарқлаб олмоқ лозим: ташкилот қарамоғида бўлган масалалар доирасида белгиловчи мавзу бўйича ҳуқуқ доираси ва ташкилотнинг унинг мавзу бўйича ҳуқуқ доирасига кирувчи масалалар бўйича ҳуж-

жатларини белгиловчи ҳуқуқ доирасидир.

Хизмат қиладиган таъсис ҳужжати халқаро шартнома халқаро ташкилот ҳуқуқ доирасининг асоси ҳисобланади. Чунки ташкилот ҳуқуқ доирасидаги ҳар қандай ўзгариш ёки уни органлар ўртасида қайта тақсимлаш таъсис ҳужжатида бу масала бўйича шартнома тартибида амалга оширилади.

Халқаро ташкилотларнинг қарорлари. Ташкилот органларининг қарорлари одатда ўзининг мажбурийлик кучига қараб иккига бўлинади. Булар: мажбурий кучга эга бўлган қарор ва тавсиялардир.

Қарорлар ташкилотнинг ички ҳаёти билан алоқадор масалалар бўйича қабул қилинади. Бу масалалар бажариладиган иш қоидаларини қараб чиқиш; бюджетни тасдиқлаш ва аъзолар ўртасида харажатларни тақсимлаш; ташкилотга аъзолар қабул қилиш; аъзоликдан ўчириш, ташкилот органларига сайловлар ва бошқалардир. Ҳамма халқаро ташкилотларда ташкилий масалалар бўйича қарорлар аъзо бўлган давлатлар учун мажбурийдир. Ташкилот фаолиятининг ўзагига тааллуқли масалалар бўйича қарорларга келганда улар қоида тариқасида тавсиялар характериға эга бўлади. Мисол, БМТ Низомининг 10-моддасига биноан Бош Ассамблеянинг қарорлари тавсия характериға эга. Бу, албатта, Бош Ассамблея қарорларининг сиёсий ва ахлоқий кучини инкор этмайди.

Халқаро ташкилотларнинг мақсад ва вазифалари тушунчаларини фарқлаб олиш лозим.

Халқаро ташкилотларнинг мақсадлари хилма-хилдир. БМТ халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун тузилган. ИКАО халқаро авиацияси муаммоларини ўрганиш, фуқаро авиацияси учун халқаро нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда халқаро ҳаво йўлларида учининг хавфсизлигини таъминлаш; жаҳон интеллектуал мулки ташкилоти (ВОИС) авторлик ҳуқуқини халқаро майдонда ҳимоя қилиш мақсадларида таъсис этилган ва бошқалар. Мақсадлардан келиб чиқувчи аниқ вазифалар халқаро ташкилотлар томонидан муайян ҳаракатлар орқали амалга оширилади. Мазкур ҳаракатларнинг йиғиндиси халқаро ташкилотларнинг вазифасини ташкил этади. Булар ахборот, норматив, назорат ва амалий вазифалардир.

Ахборот вазифаси халқаро ташкилотларнинг энг

эски вазифаларидан биридир. У ўз вазифасини икки жиҳатдан амалга оширади: биринчидан, ҳар бир ташкилот бевосита ўзининг тузуми ва фаолиятининг асосий йўналишига тааллуқли ҳужжатлар туркумини эълон қилади; иккинчидан, ташкилот махсус ҳужжатлар, маърузалар, маълумотлар, ўзи шуғулланадиган масалалар бўйича қисқача баёнлар эълон қилади.

Норматив вазифани икки маънода: халқаро ташкилотнинг халқаро ҳуқуқ нормаларини яратишда бевосита иштироки; халқаро ташкилотнинг давлатларнинг норматив жараёнида иштироки сифатида тушуниш мумкин. Ҳозирги вақтда халқаро ташкилотларнинг давлатларнинг норматив жараёнида иштирок этиши кенг тарқалган. БМТ таркибидаги кўпгина ҳукуматлараро ташкилотлар мана шундай нормативлик билан шуғулланади.

Назорат вазифаси кейинги даврда айниқса кенг ривожланди. Кўпдан-кўп халқаро ҳужжатлар, низомлар кўп томонлама Конвенциялар, Пактлар мавжуд бўлиб, улар мана шу ҳужжатларда ифодаланган нормаларни бажаришни турли шаклда назорат қилишни, шунингдек, назоратни амалга ошириш учун махсус органлар тузишни кўзда тутади.

Амалий иш вазифаси халқаро ташкилотлар вазифаси орасида янгидир. У, аввало, БМТ ва унинг махсус муассасаларига тааллуқли. Унга: БМТнинг амалий иш бўйича вазифалари; БМТнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш бўйича операциялари; БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари томонидан ёш ривожланаётган давлатларга техника ёрдами кўрсатиш ва бошқа айрим масалалар киради. Амалий иш вазифасининг халқаро ташкилотларнинг вазифасига қиёслангандаги ўзига хослиги шундан иборатки, бошқа вазифаларни амалга ошириш чоғида халқаро ташкилот давлатларга муайян сиссий таъсир ўтказиб, унинг вазифаларини бажаришга рағбатлантиришга интилади, амалий вазифаларини амалга оширишда ташкилотнинг ўзи ўз вазифаларини асосан ўз қарамоғидаги одамлар ва моддий воситалар ёрдами билан амалга оширади. Муайян савдосотиқ вазифалари белгиланган халқаро ташкилотлар (ИНМАРСАТ, ИНТЕЛСАТ)нинг пайдо бўлиши халқаро ташкилотлар амалий вазифаларининг ривожланишини билдиради. Халқаро ташкилотларнинг барча вазифалари

унинг низомига риюя қилинган ҳолда амалга оширилмоғи керак.

Халқаро ташкилотларнинг бюджети аъзо бўлган давлатлар бадаллари ҳисобига тўлдириб борилади. Ҳар бир ташкилот бадаллари бюджетга ажратиш тартибини ўзи белгилайди.

БМТ бадаллари бўйича қўмита учта мезонни: 1) аҳоли жон бошига тушадиган маблағ; 2) иккинчи жаҳон уруши туфайли мамлакат иқтисодиётининг аҳволи; 3) у ёки бу мамлакат томонида: чет эл валютасини сотиб олиш имкониятини белгилаб беради. Уларга биноан ҳар бир давлат ташкилот бюджетига бадалнинг маълум фондзини тўлаши керак. (Китоб охиридаги Иловага қаралсин).

БМТ қоидаларига ўхшаш қоидалар бошқа халқаро ташкилотларда ҳам жорий этилган.

Аъзо бўлган давлатлар ўз бадалларини доимий бюджетга ҳам ташкилот фаолиятининг айрим турларини маблағ билан таъминлашни амалга ошириш мақсадида мавжуд бўлган кўнгилли фондларга ҳам қўшадилар. Доимий бюджетга бадал тушумлари ҳисобига ташкилот маъмурий фаолияти маблағ билан таъминланади. Мисол учун, БМТ халқаро ташкилотлари томонидан ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ва техник ёрдам аъзо бўлган давлатлар кўнгилли бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

Аъзо бўлган давлатларнинг бадалларидан ташқари ташкилот маблағлари заёмлар ҳисобига тўлиб бориши мумкин. БМТ бир неча бор, жумладан, 1948 йили БМТнинг Нью-Йоркдаги биноларини қуриш, 1957 йили Женевадаги Миллатлар Саройини қайта таъмирлаш, ва бошқалар учун заёмлар ёрдамига мурожаат қилди.

Бир қатор ташкилотлар, чунончи, БМТнинг савдо фаолияти асосан почта маркалари сотишдан қўшимча маблағ жамғаради. Мисол учун, 1975 йили маркалар сотишдан БМТ жамғарган маблағ 8 миллион долларга етган.

Ҳозирги вақтда халқаро ташкилотлар фаолиятининг характерли хусусиятларидан бири уларнинг бюджети фоят ўсиб бораётганлигидадир. Мисол учун, 1946 йили БМТ бюджети 19 миллион долларни ташкил этган эди. 1988—1989 йилларда 986 миллион доллар миқдорига тасдиқланди.

БМТ ўзининг байроғи, эмблемаси, шунингдек, денгиз,

ҳаво кемаларига эга. Ихтисослаштирилган ташкилотларнинг ҳам ўз эмблемалари бор.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин иттифоқдош давлатлар биргаликдаги куч-қудратини мустаҳкамлаш ва узоқ муддатли тинчликни таъминлашга қаратиб, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш гоёси биринчи марта (умумий тарзда) собиқ Совет Иттифоқи ҳукумати билан Польша ҳукумати ўртасида дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1941 йил 4 декабрда қабул қилинган Декларацияда илгари сурилган эди. 1943 йил 30 октябрда Москвада ўтган собиқ СССР, АҚШ ва Буюк Британия ташқи ишлар вазирларининг конференцияси умумий хавфсизлик масаласи бўйича Декларация (кейинчалик бу Декларацияни Хитой ҳам имзолаган) қабул қилинди. Унда янги халқаро ташкилот тузиш тўғрисидаги қарор ўз ифодасини топган эди. Бу қарор 1943 йил 1 декабрда уч иттифоқдош давлат — собиқ СССР, АҚШ ва Буюк Британия давлат раҳбарларининг Техрон конференциясида ҳам таъкидланди.

1944 йил 21 августдан 28 сентябргача АҚШнинг Думбартон Окс шаҳрида ўтган экспертлар конференциясида собиқ СССР, АҚШ ва Буюк Британия вакиллари томонидан бўлғуси ташкилот Низомининг лойиҳаси асосан ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа «Тинчлик ва хавфсизликни сақлаш бўйича умумий халқаро ташкилотни тузишга доир дастлабки таклифлар» деб номланган эди. Кейинроқ бу лойиҳани Хитой ҳам маъқуллади. Шунга қарамай конференцияда бу масала ҳал қилинмай қолди. Улар Хавфсизлик Кенгашида овоз бериш тартиби, қарамоқдаги ҳудудлар тақдир, халқаро суд мақоми мазмунига тааллуқли эди. Бу масалалар уч иттифоқдош давлатнинг 1945 йил феввалида ўтган Қрим (Ялта) конференциясида ҳал қилинди.

Сан-Францискода ўтган конференцияда (1945 йил апрель—июнь) БМТ Низоми узил-кесил ишлаб чиқилди ва 26 июнда имзоланди. Низомни ташкилотнинг дастлабки аъзолари — 50 та давлат имзолади. Конференция ишида қатнашмаган Польшага (алфавит тартибида) дастлабки аъзолар орасида жой қолдирилди. Ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номини олди. 1945 йил 24 октябрдан БМТ Низоми кучга кирди. Шундан

бошлаб ҳар йили 24 октябрь Бирлашган Миллатлар кунини сифатида нишонланади. «Бирлашган Миллатлар» атамаси Гитлерга қарши уюшмалар шаклланган даврда пайдо бўлиб, Бирлашган Миллатлар Декларациясида (26 давлат) ўзининг муфассал ифодасини топди. Бу Декларация 1942 йил 1 январда Вашингтонда имзоланди. Натижада у халқаро ҳуқуқни ривожлантиришда муҳим босқичга айланди.

БМТ мақсадлари:

1) халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва бунинг учун тинчликни бузувчиларга қарши биргаликда чоралар кўриш;

2) халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили асосида барча миллатлар ўртасида дўстона муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш;

3) иқтисодий, ижтимоий, маданий ва инсоний характердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

4) бу умумий мақсадларга эришишда миллатларнинг биргаликда ҳаракат қилиш маркази бўлиш (1-модда)дан иборат.

Кўрсатилган мақсадларга эришиш учун БМТ:

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоларининг суверен тенглиги;

— БМТ Низомидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг улар томонидан виждонан бажарилиши;

— халқаро низоларни тинч воситалар билан ҳал қилиш;

— БМТ Низомига мувофиқ ҳар қандай ҳолатда куч билан таҳдид қилиш ёки уни қўлланишдан воз кечиш;

— БМТ давлатларининг ички ишларига аралашмаслиги;

— БМТ томонидан БМТ Низомига биноан унинг аъзолари олиб бораётган ҳаракатларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

— БМТ мажбурий чоралар қўллаган давлатларга ёрдам кўрсатишдан тийилиб туриш;

— ташкилот томонидан ҳар бир давлат унинг аъзоси бўлмаган тақдирда ҳам зарур пайтда унинг Низомига биноан ҳаракат қилиш зарурлигини таъминлаш (2-модда) тамойиллари асосида иш олиб боради.

Низомда ифодаланган мажбуриятларни ўзига қабул қилган ва ташкилот фикрича бу мажбуриятларни бажар

риш мумкин бўлган ҳамда бажаришни истайдиган тинчликсевар давлатлар БМТ аъзолари бўлиши мумкин (4- модда).

БМТга янги аъзоларни қабул қилиш Бош Ассамблея томонидан Хавфсизлик Кенгаши ўз доимий аъзолари яқинлиги тамойилига риоя қилган ҳолда қабул қилинган тавсия бўйича учдан икки овоз билан амалга оширилади.

БМТ универсаллик тамойилига асосланганлиги, унинг фаолияти, мақсадлари ва мавзуи ялпи манфаатли бўлганлиги туфайли ҳар қандай тинчликсевар давлат ўзининг ижтимоий-иқтисодий тузумидан қатъи назар БМТ аъзоси бўлиши мумкин. Бироқ, БМТ тажрибасида шу нарса ҳам маълумки, ривожланган давлатлар — Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари «вето ҳуқуқи»дан фойдаланиб, бир қатор давлатларнинг БМТга қабул қилинишига халақит берадилар. Шунинг натижасида Мўғулистон фақат 1961, Олмония 1973, Венгрия 1977 йилдагина БМТга қабул қилинди.

6-моддада Низомни мунтазам бузувчи давлатларни БМТдан чиқариш имконияти кўзда тутилади. 5-модда Хавфсизлик Кенгаши томонидан эҳтиёт чоралари ёки мажбур қилувчи характердаги қарши чоралар қўлланилган давлатларга нисбатан БМТ аъзосининг ҳуқуқлари ва имтиёзларини амалга оширишни тўхтатиб қўйиш кўзда тутилган. Миллий озодлик ҳаракатлари муваффақиятлари ва халқаро майдонда кўпгина суверен давлатлар пайдо бўлганлиги муносабати билан БМТ аъзоларининг миқдори кескин ошди. 1945 йилдаги 51 аъзо эндиликда 185 тага етди.

БМТ ташкилий тизими ўзига хос хусусиятга эга. Бу ўзига хослик унинг органлари икки турга — асосий ва ёрдамчи органларга бўлинишдан иборат. Низом 6 та асосий органни назарда тутди. 300 га яқин ёрдамчи органлар БМТ бутун тарихи мобайнида асосий органлар томонидан ташкил қилинган. Асосий органлар: Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, Васийлик бўйича кенгаш, Халқаро Суд, Котибиятдан иборат. Бу ҳамма органларга тааллуқли бўлса ҳам улар ўз аҳамияти ва ҳуқуқий ҳолатига кўра фарқ қилади. Уларнинг энг муҳимлари Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгашидир. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ҳамда Васийлик Кенгаши ўз фаолияти натижа-

ларини узил-кесил тасдиқлаш учун Бош Ассамблеяга тақдим этиб, унинг раҳбарлиги остида иш юритади.

Бош Ассамблеяда аъзо бўлган барча давлатлар иштирок этувчи ягона органдир. Унда ҳар бир давлат ўзининг катта-кичиклиги, қудрати ва аҳамиятидан қатъи назар тенг ҳуқуқлидир. Ассамблеянинг кенг ваколатлари мавжуд. БМТ Низомининг 10-моддасига кўра у Хавфсизлик Кенгаши қараб чиқадиган масалалардан бўлак ҳар қандай масалани муҳокама қилиши мумкин. Бош Ассамблея давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва инсоний соҳаларда халқаро ҳамкорликни таъминловчи олий органлардир. У халқаро ҳуқуқ ва уни кодификациялашни ривожлантиришни рағбатлантиради. Бош Ассамблея БМТ ички хаёти билан боғлиқ бир қатор жиддий ваколатларга эга. У Хавфсизлик Кенгаши доимий бўлмаган аъзоларини, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш аъзоларини сайлайди, Бош Котибни тайинлайди (Хавфсизлик Кенгаши тавсиясига кўра), Хавфсизлик Кенгаши билан бирга Халқаро Суд аъзоларини сайлайди. БМТ бюджетини тасдиқлаб, ташкилот молиявий фаолиятини назорат қилади ва бошқаради.

Бош Ассамблеянинг халқаро тинчлик ва хавфсизлик масалалари бўйича ваколатларига келганда шуни айтиш мумкинки, Бош Ассамблея, аввало, тинчлик ва хавфсизликни мустақамлаш ишида ҳамкорликнинг умумий тамойилларини, шу жумладан, қуролсизланишни белгилаш ва қуролларни тартибга солиш тамойилни қараб чиқади. Ҳарбий ёки ноҳарбий характердаги хатти-ҳаракатлар амалга оширилиши зарур бўлган барча масалалар Бош Ассамблея томонидан Хавфсизлик Кенгашига топширилади (11-модда).

Бош Ассамблея ўзининг навбатдаги йиллик мажлисига тўпланади. Бу мажлислар сентябрнинг 3 сешанбасида очилади. Бундан ташқари Хавфсизлик Кенгаши ёки ташкилот аъзоларининг кўпчилик талаби билан махсус ёки фавқулодда махсус сессиялар чақирилиши мумкин. 1997 йилга келганда 52 навбатдаги, 11 та махсус ва 6 та фавқулодда мажлис ўтказилган эди.

БМТнинг ҳар бир аъзоси мажлисга беш кишидан кўп бўлмаган делегат ва 5 ўринбосар, зарур миқдорда маслаҳатчи, эксперт ва бошқалардан иборат ўз делегацияларини юборишлари мумкин. Ҳар бир давлат бир овозга эга. Инглиз, араб, испан, хитой, рус, француз тиллари Бош Ассамблеянинг расмий ва иш юритиш ти-

ли ҳисобланади. Бош Ассамблея ҳар бир мажлисининг иши ялпи мажлислар ва қўмиталарнинг мажлислари шаклида ўтади. Бош Ассамблеяда 7 асосий қўмита мавжуд. Булар: сиёсий масалалар ва хавфсизлик масалалари; (биринчи қўмита) махсус сиёсий, иқтисодий ва молия масалалари; ижтимоий гуманитар, маданий, вассийлик ва ўз-ўзини бошқаролмайдиган ҳудудлар масалалари; маъмурий ва бюджет масалалари; ҳуқуқий масалалар бўйича қўмиталардир. Бошқа қўмиталарда БМТнинг ҳамма аъзолари вакилликка эга.

Бош Ассамблеянинг энг муҳим масалалар бўйича қарорлари Ассамблея мажлисига қатнашаётган ва овоз беришда иштирок этаётган аъзоларнинг учдан икки овози билан қабул қилинади. Бу масалаларга: халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустақкамлашга нисбатан тавсиялар, бюджет масалалари, ташкилотга янги аъзолар қабул қилиш ва бошқа масалалар киради.

Бош Ассамблея қарорлари тавсиянома характерига эга. Ташкилий, маъмурий ва бюджет масалаларига тааллуқий қарорлар мажбурий ҳисобланади.

Бош Ассамблея бир қатор ёрдамчи органлар: халқаро ҳуқуқ Комиссияси, қуролсизланиш бўйича Комиссия, космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича Комиссия, мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларацияни амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги масала бўйича махсус Қўмита ва бошқаларга эга.

Хавфсизлик Кенгаши БМТнинг энг муҳим органи ҳисобланади. У 15 аъзодан иборат. Беш аъзо доимий вакилликка эга. Россия Федерацияси, АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Хитой Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидир. Бош Ассамблея икки йил муддат билан (ҳар йили 5 тадан аъзо) 10 та доимий бўлмаган аъзоларни сайлайди. Бунда ташкилот аъзоларининг халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ташкилотнинг бошқа мақсадларга эришишга қўшаётган ҳиссаларининг даражаси, шунингдек, одил жўғрофий тамойилга биноан доимий бўлмаган аъзолари сайланади. Доимий бўлмаган аъзолик 10 та ўринни жаҳоннинг жўғрофий минтақалари ўртасида тақсимлашнинг қуйидаги режаси белгилаб қўйилган: Африка ва Осиё давлатларидан 5 та, Лотин Америкаси ва Қариб денгизи минтақаларидан 2 та, Ғарбий Оврўпо ва бошқа давлатлардан (бун-

да Канада, Австралия, Янги Зеландия кўзда тутилади) 2 та, Шарқий Оврўпо мамлакатларидан 1 та.

Хавфсизлик Кенгаши зиммасига халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун асосий масъулият юкланган (24-модда). У аъзо бўлган давлатлар учун мажбурий хусусиятга эга бўлган қарорлар қабул қилиши мумкин (25-модда).

Хавфсизлик Кенгаши тинчликка қарши ҳар қандай даражадаги хавфни тинчликни бузиш деб қарайди ва шундан келиб чиқиб, тавсиялар ёки қарорлар чиқаради. Уларда халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ёки тиклаш учун қандай чоралар кўрилиши мумкинлиги белгилаб берилади (39-модда).

Хавфсизлик Кенгаши тинчликни бузган ёки қуроли кучлардан фойдаланиш билан боғлиқ (иқтисодий муносабатларни, темир йўл, денгиз, ҳаво, почта, телеграф, радио ёки алоқанинг бошқа воситалари шунингдек, дипломатик алоқаларни узиш 41-модда) бўлмаган агрессия актлари содир қилган, шунингдек, қуроли кучлардан фойдаланиш билан боғлиқ, яъни ҳаво, денгиз ёки қуруқликдаги қўшинлар билан агрессия актига йўл қўйган давлатларга нисбатан мажбур қилувчи чоралар тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бу қарорлардан керак бўлган тақдирда босқинчи давлатга халқаро қуроли кучларни қўллаш вазифаси ҳам келиб чиқади (42-модда).

Мажбур қилиш чораларини қўллаш Хавфсизлик Кенгашининг фақат ўзигагина тегишли ҳуқуқ доирасидир. Қуроли кучлардан фойдаланиш билан боғлиқ мажбур қилиш чораларини қўллаш ва аъзо бўлган давлатлар Хавфсизлик Кенгашига қуроли кучлар ажратиб бериш мажбуриятини оладилар (43-модда). БМТ Низомида қуроли кучларга моҳир раҳбарликни амалга ошириш учун махсус ёрдамчи орган — ҳарбий штаб қўмитаси тузиш кўзда тутилган. Бу қўмита Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари штаблари бошлиқлари таркибиде тузилади (штаб 1946 йил ташкил этилган бўлиб, 1948 йил ўз фаолиятини тўхтатди).

Қуроли кучларни тузиш ва улардан фойдаланишга тааллуқли низом қондалари амалда ғарб давлатларининг мавқеи туфайли бажарилмай қолди. БМТ Низомининг қўпол равишда бузилишига 1950 йил Курияда, 1956 йилда Яқин Шарқда, 1960 йили Конгода БМТ қуроли кучларидан фойдаланиш чоғида йўл қўйилди.

Ҳозирги пайтда БМТ қуролли кучлари Кипрда, Яқин Шарқда, Ливанда, Камбоджада жойлашган.

Мажбур қилиш чораларидан ташқари Хавфсизлик Кенгаши зиммасига давлатлараро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш ҳам киради. БМТ Низомининг 6-бобига биноан низоларда қатнашаётган томонлар мазкур низоларнинг давом этиши, халқро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлса, аввало ўзлари бу мунозарани тинч воситалар ёрдамида ҳал этишга уриниб кўришлари, битимга келинмаган ҳолдагина уни Хавфсизлик Кенгашига топширишлари керак.

БМТ Низомининг 27-моддасига биноан Хавфсизлик Кенгашининг иш тартиби масалалари бўйича қарорлари Хавфсизлик Кенгашининг 9 аъзоси овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Иш тартибига тааллуқли бўлмаган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун 9 та доимий бўлмаган аъзоларнинг овози ва Кенгашнинг 5 та доимий аъзолари овозларини ҳам қўшганда (Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг яқдиллик принципи) асосий кўпчилик бўлиши зарур. Шунинг учун агар доимий аъзолардан биттаси, у ёки бу таклифни қувватламай, иш тартибига тааллуқли бўлмаган характердаги масала бўйича таклифга қарши овоз берса, таклиф қабул қилинмаслиги мумкин. Бу «Вето ҳуқуқи»дир. Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларидан биттаси ёки бир нечтаси овоз беришда бетараф қолиши қарор қабул қилинишига монелик қилмайди.

Мунозарали масалаларни тинч йўл билан бартараф қилиш бўйича Хавфсизлик Кенгаши қарорларини қабул қилиш чоғида БМТ Низоми 6-боби бўйича 9 овоз талаб этилади. Бунга Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг овози ҳам қўшилади. Бироқ, келишмовчиликда қатнашаётган давлат бу пайтда, агар у Кенгаш таркибига кирган давлатлардан бири бўлса, овоз беришдан тийилиб турмоғи лозим.

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС) халқаро иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик соҳаларида аниқ вазибаларни амалга оширади ва Бош Ассамблея раҳбарлиги остида иш олиб боради. ЭКОСОС иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик масалалари бўйича тадқиқотлар ўтказди. Уларнинг натижалари тўғрисида маърузалар тайёрлайди ва кўрсатилган масалалар бўйича Бош Ассамблеяга ихтисослашган ташкилотлар учун тавсияномалар тайёрлайди. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш

халқаро Конвенцияларни Бош Ассамблея тасдиғига тақдим этиш учун лойиҳа тариқасида тайёрлаш, ўз ҳуқуқ доирасига кирган масалалар бўйича халқаро конференциялар чақириш, ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиб, улар фаолиятини марказлаштиришга ваколат берилган.

ЭКОСОС 54 аъзодан иборат. Бу аъзолар асосан Бош Ассамблея томонидан ҳар йили учдан бири янгиланиб турадиган, уч йиллик муддат билан сайланадиган давлатлардан иборат. Кенгашдан чиқиб кетган давлат кейинчалик янги муддатга қайта сайланиши мумкин. Анъанага кўра Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари ЭКОСОСга ҳар бир навбатдаги муддатда сайланади. Кенгашга сайлов одил жўрофий тақсимот тамойили асосида ўтказилади. Африкадан 14 давлат, Осиёдан 11 давлат, Лотин Америкасидан 10 давлат, Ғарбий Оврўпо ва бошқа давлатлардан 13 давлат ва Шарқий Оврўподан 6 давлат навбатдаги муддатга сайланади.

Кенгашнинг навбатдаги мажлислари йилига икки марта ўтказилади. Бундан ташқари махсус мажлислар ҳам чақирилиши мумкин. Кенгашнинг қарорлари иштирок этувчилар ва овоз беришда қатнашувчи аъзоларнинг оддий кўпчилиги билан қабул қилинади.

Кенгашда ўз фаолияти мобайнида анчагина ёрдамчи органлар ташкил этилган. Булар: мажлис олиб боровчи (иқтисодий, ижтимоий ва мувофиқлаштирувчи) қўмита, доимий қўмита, табиий бойликлар қўмитаси, ривожланиш ва ривожлантириш қўмитаси, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш қўмитаси, ноҳукумат ташкилотлар қўмитаси ва бошқалар; ишчи комиссиялар ва ёрдамчи (маълумот, аҳолининг жойлашиши бўйича, наркотик воситалар, хотин-қизлар аҳволи ва бошқалар) бўйича комиссиялардир. Кенгаш таркибида минтақавий-иқтисодий комиссиялар алоҳида ўрин тутлади.

Васийлик Кенгаши Бош Ассамблея раҳбарлигида васийлик остидаги ҳудудлар бўйича мажбуриятлар қандай бажараётганлигини назорат қилиши лозим эди. БМТ Низомига кўра Васийлик Кенгашига васийлик остидаги ҳудудларни бошқараётган давлатлар; васийлик остидаги ҳудудга эга бўлмаган Хавфсизлик Кенгашнинг доимий аъзолари; Бош Ассамблея томонидан қўл остида васийлик остидаги ҳудудлари бўлмаган давлатларнинг миқдори бир хил бўлиши учун уч йил муддат-

га сайланадиган БМТ аъзолари бўлган давлатлар кирди. Васийлик Кенгашини шакллантиришнинг бу тартибига ҳозир риоя қилиш мумкин эмас. Чунки васийликдаги барча 11 та ҳудуддан фақат биттаси — Тинч уммон ороллари (Микронезия) қолди. У — АҚШ васийлигидадир.

Халқаро суд БМТнинг асосий судлов органи ҳисобланади. У икки вазифани: давлатлар ўртасидаги низоларни қараб чиқиш ва БМТ органлари ва ихтисослаштирилган ташкилотларга юридик масалалар бўйича консультатив хулосалар бериш вазифасини бажаради.

Котибият Бош котиб ва зарур миқдордаги ходимлардан иборат. У Бош Ассамблея томонидан Хавфсизлик Кенгаши тавсияси бўйича қайта сайланиш имконияти билан 5 йиллик муддатга сайланади, Бош котиб котибият барча ходимларининг БМТ Бош органларига хизмат кўрсатиш бўйича олиб борадиган ишларига раҳбарликни амалга оширувчи ташкилотнинг энг асосий маъмурий мансабдор шахси ҳисобланади. Бош котибнинг вазифаси маъмурий ижрочилик характериغا эга. Бош котиб, шунингдек, сиёсий характердаги ваколатларга ҳам эга. Лекин бу ваколатлар фақат шу билан белгиланадики, у халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хавф туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай масалани Хавфсизлик Кенгаши эътиборига ҳавола қилиш ҳуқуқига эга (БМТ Низоми 99- модда).

Бош котиб ҳар йили Бош Ассамблеяга ташкилотнинг иши тўғрисидаги маърузаномани тақдим этади. У БМТ вакили сифатида БМТ шиори остида чақиряладиган халқаро конференциялар ишида қатнашади.

Котибият барча органлар мажлиси ишини техник жиҳатдан таъминлаш, ҳисоботларни эълон қилиш ва тарқатиш, архивларни сақлаш, ташкилотнинг расмий ҳужжатлари ва ахборот ҳужжатлари чиқаришни амалга оширади. У БМТ аъзолари томонидан тузиладиган халқаро шартномаларни рўйхатдан ўтказди ва чоп этади.

Котибият ходимлари уч туркум: олий маъмурий мансабдор шахслар; Бош котиб ва унинг ўринбосарлари; мутахассислар синфининг халқаро мансабдор шахслари; техник ходимлар (котиблар, курьерлар) га бўлинади. БМТда ҳозирги вақтда турли даражадаги 16 минг кишидан кўпроқ ходим бор. Хизматга олиш доимий ва муддатли шартнома тартибида амалга оширилади. Хо-

димларни Бош котиб Бош Ассамблея белгилайдиган қондалар асосида танлайди. Танлаш чоғида котибият ходимларининг ишчанлик, билимдонлик ва софдиллик даражаси таъминланмоғи керак. Танлаш имкони бори-ча кенгроқ жўғрофий асосда амалга оширилмоғи лозим. Котибият ва унинг ходимлари вазифалари халқаро характерга эга. Бу шуни билдирадики, Бош котиб ҳам, котибиятнинг бошқа ходимлари ҳам қандайдир бирон-бир мамлакатдан ёки ҳокимиятдан (ташкилотдан) четда турган ҳукумат ва ҳокимиятдан кўрсатмалар сўрашга ёки олишга ҳақли эмас. Котибият ходимлари имтиёз ва иммунитетларга эга. БМТнинг қароргоҳи — Нью-Йоркда. Женевада эса БМТ котибиятининг Оврўпо бўлими жойлашган.

БМТ фаолиятининг тўрт асосий йўналишини алоҳида қараб чиқиш мумкин. Булар: — халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш;

— ижтимоий-иқтисодий ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳаларида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

— мустамлакачилик, ирқчиллик ва апартеидга қарши курашиш;

— халқаро ҳуқуқни кодификациялаш ва тобора ривожлантиришдан иборат.

БМТ фаолияти унинг бутун тарихи мобайнида, аynиқса, собиқ СССР тарқаб кетгунга қадар икки қарама-қарши ижтимоий-иқтисодий тузум давлатларининг кескин сиёсий кураши остида ўтди.

Халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида БМТ бир қатор халқаро низоларни бартараф этиш, агрессияларнинг олдини олиш, ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга ёрдам беради. 1970 йили халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш тўғрисида Декларация, 1974 йилда эса Бош Ассамблея томонидан агрессия тушунчасини аниқлаш тўғрисида ҳужжат қабул қилди. Кейинчалик Бош Ассамблея ўзининг барча мажлисларида бу Декларация амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, Декларация қондалари мустаҳкамланган ва ривожлантирилган қарорлар қабул қилинди. 1976 йили ривожланган давлатлар БМТга муносабатларда куч ишлатмаслик тўғрисида жаҳон шартномаси лойиҳасини киритди. 1978 йили ноядро давлатлар хавфсизлигини кафолатлашни мустаҳкамлаш тўғрисида халқаро Конвенция тузиш таклифи киритилди ва ҳозирги пайтда ядро қуроли бўлмаган давлатлар-

нинг ҳудудларида бундай қуроолларни жойлаштирмаслик тўғрисида қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қуросизланиш халқаро тинчлик ва мустақилликни таъминлашнинг энг муҳим воситаси эканлигидан келиб чиқиб, БМТ ривожланган давлатлар ташаббуси билан бу масалаларга катта эътибор берди. Чунончи, 1990—1996-йилларда қуросизланиш масаласи бўйича Бош Ассамблеянинг махсус мажлиси ўтказилди. 1977 йили Бош Ассамблеянинг XXXI мажлиси қарорига биноан атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи воситалардан ҳарбий ёки бирон-бир бошқа кўринишдаги душманлик мақсадларида фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги Конвенция имзолаш учун очик деб эълон қилинди.

Ўзининг 50 йилдан кўпроқ тарихи мобайнида БМТ халқаро иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликнинг бир қатор масалаларини ҳал этишда муайян ижобий роль ўйнади. Бу соҳада кўпгина янги органлар пайдо бўлди ва уларнинг ҳуқуқ доираси кенгайди. Бош Ассамблеянинг халқаро ташкилотлар тизимига эга бўлган ЮНКТАД, ЮНИДО, ПРООН сингари ёрдамчи органлари ташкил этилди. Улар ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий эҳтиёжлари ва манфаатлари билан бевосита алоқадордир. 1974 йили БМТ Бош Ассамблеясининг VI махсус мажлиси халқаро иқтисодий муносабатларни қайта қуриш масалаларини кўриб чиқди. Мажлисида иккита муҳим ҳужжат: халқаро иқтисодий янги тартибни ўрнатиш тўғрисидаги Декларация ва янги халқаро иқтисодий тартибни ўрнатиш бўйича ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

Ривожланган давлатлар ташаббуси билан 1960 йил 14 декабрда қабул қилинган мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларация БМТнинг мустамлакаларни тугатиш соҳасидаги фаолиятини рағбатлантирди. Ҳақиқат пайтда янги орган — 1960 йил Декларациясини амалга оширишнинг боришини назорат қилувчи махсус қўмита таъсис этилди, мустамлакани тугатиш билан боғлиқ масалаларнинг салмоғи кескин ошди, бу масалалар атрофида сиёсий кураш кучайди. Хавфсизлик Кенгаши томонидан Африка жанубидаги мустамлака ва ирқчи режимга нисбатан санкциялар қўлланиши тўғрисида қарорлар қабул қилинди. 1990 йили мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларация қабул қилинган куннинг 30 йиллиги муносабати билан шу нар-

са таъкидланади: ўтган муддатда 59 васийлик остидаги ва ўзини-ўзи бошқара олмайдиган 140 миллион киши яшаб турган ҳудудлар мустақилликка эришди.

БМТнинг халқаро ҳуқуқни кодификациялаш ва тора ривожлантиришдаги фаолияти Бош Ассамблея томонидан ёки унинг қарорлари бўйича чақириладиган конференцияларда бир қатор энг муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги билан бевосита боғлиқ. 1970 йилги халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларация, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Пактлар, денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенция ва бошқалар шулар жумласидандир.

БМТ олдида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини тугатиш ва қуролсизланиш, мустамлака тузуми қолдиқларини тўла бартараф этиш билан боғлиқ кўпгина ҳал қилинмаган масалаар турибди. БМТ халқаро форум бўлиб, давлатларнинг замонамизнинг энг муҳим масалалари бўйича музокаралар олиб бормоқда, қарорлар қабул қилмоқда ва давлатларнинг мавқелари мувофиқлаштириб олинмоқда.

4. БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилотлари

Халқаро маъмурий иттифоқлар ихтисослаштирилган ташкилотларнинг дастлабки кўриниши бўлган эди. Булар: жаҳон телеграф Иттифоқи, жаҳон почта Иттифоқи, саноат мулкчилигини муҳофаза қилиш учун халқаро Иттифоқ ва бошқалардир. Кейинчалик Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилганида бир қатор энг йirik маъмурий иттифоқлар ихтисослаштирилган ташкилотлар мақомини олди ва эндиликда шу асосда иш олиб бормоқда.

«Ихтисослаштирилган ташкилотлар» тушунчаси БМТ Низомининг 57-моддасида тўла таърифлаб берилган. Унда шундай дейлади:

«1. Ҳукуматлараро битимлар орқали ташкил этилган ва уларнинг таъсис ҳужжатларида белгилаб берилган халқаро масъулият билан — иқтисодий, ижтимоий, маданий, маориф, соғлиқни сақлаш ва шунга ўхшаш соҳаларда масъулият билан боғлиқ хилма-хил ихтисослашган ташкилотлар 63-модда қоидаларига мувофиқ равишда халқаро ташкилот билан алоқадор бўлади.

2. Халқаро ташкилот билан кўрсатилган тартибда

алоқада бўлган бундай ташкилотлар кейинги моддаларда «ихтисослаштирилган ташкилотлар» деб номланади.

Модданинг мазмунидан кўриниб турибдики, ихтисослаштирилган ташкилотларга тўрт асосий белги хосдир. Улардан:

1) таъсис ҳужжатларининг ҳукуматлараро характерда эканлиги;

2) бу ташкилотларнинг ҳуқуқ доирасидаги кенг халқаро масъулияти;

3) Низом қондалари кўзда тутилган соҳалар (иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалар) фаолиятини амалга ошириш;

4) БМТ билан алоқадир.

Охириги белги мазкур ташкилотларни бошқа халқаро уюшмалардан фарқлаб, уларни халқаро ташкилотларнинг мустақил гуруҳи сифатида ажратади. Ҳозирги пайтда БМТнинг 16 ихтисослашган ташкилоти бор. Улар қуйидагилардир:

1. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ);

2. Ҳукуматлараро денгиз кенгаши ташкилоти (ИМКО);

3. Электр алоқаси халқаро иттифоқи (ЭАХИ);

4. Жаҳон почта иттифоқи (ЖПИ);

5. Жаҳон метериологик ташкилоти (ЖМТ);

6. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ);

7. Маориф, маданият ва фан масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар ташкилоти (ЮНЕСКО);

8. Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО);

9. Интеллектуаль мулкчилик жаҳон ташкилоти (ВОИС);

10. Бирлашган Миллатлар озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО);

11. Халқаро валюта фонди (ХВФ);

12. Қайта тиклаш ва халқаро тараққиёт банки (ҚТХТБ);

13. Халқаро молия корпорацияси (ХМК);

14. Савдо ва тараққиёт бўйича БМТ Конференцияси (ЮНКТАД);

15. Саноат тараққиёти бўйича БМТнинг ташкилоти (ЮНИДО);

16. БМТнинг ривожланиш программаси (ПРООН).

БМТ ва ихтисослашган ташкилотлар БМТ Низомига биноан Бош Ассамблея ва иқтисодий ҳамда ижтимоий Кенгаш ихтисослаштирилган ташкилотларга нисбатан

бир қатор ҳуқуқларга эгадир. Бу ҳуқуқларнинг энг муҳимлари: 1) БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилотлар сиёсати ва фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича тавсиялар бериш ҳуқуқи (52- модда); 2) Бош Ассамблеянинг Ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ҳар қандай молиявий ва бюджет битимларини қараб чиқиш, тасдиқлаш, ва «Ихтисослаштирилган ташкилотларнинг маъмурий бюджетларини манфаатдор ташкилотларга тавсиялар бериш мақсадларини кўзлаб, текшириб чиқиш» ҳуқуқи (17- модда, 3- банди); 3) Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг «ихтисослаштирилган ташкилотлар фаолиятини улар билан маслаҳатлар ўтказиш йўли билан мувофиқлаштириш ва бундай — муассасаларга тавсиялар ҳамда Бош Ассамблея ва ташкилотлар аъзолари тавсиялари орқали мувофиқлаштириш» ҳуқуқи (63- модда, 2- банди), «ихтисослаштирилган ташкилотлардан мунтазам ҳисоботлар олиш учун зарур чоралар қўллаш» (64- модда, 1- банди) ва «Ихтисослаштирилган ташкилотларда масалаларни муҳокама қилиш» чоғида ўз вакилларига эга бўлиш (70- модда)дир.

БМТнинг бу ташкилотлари, айниқса, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш амалга ошираётган бевосита алоқаларга қарамасдан ихтисослаштирилган ташкилотлар ўзига хос мустақил халқаро ташкилотлардир. БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилотларига аъзо бўлиш учун БМТга аъзо бўлиш мажбурий эмас.

БМТ ихтисослаштирилган ташкилотларининг ташкилий тизими уларнинг ҳужжати билан белгиланади.

БМТ ихтисослаштирилган ташкилотлари фаолияти қуйидаги шаклларда ривожланади: 1) махсус соҳаларда давлатларнинг муносабатларини тартибга солиш учун бир хил нормалар ва қоидаларни яратиш мақсадида махсус масалалар бўйича халқаро Конвенция ва иш тартибларини (алоқа, соғлиқни сақлаш, маданият, метеорология ва шунга ўхшашлар ишлаб чиқиш; 2) бу соҳаларда давлатларнинг фаолиятини марказлаштириш; 3) ривожланаётган ёш мамлакатларга техник ёрдам кўрсатиш; 4) ахборотлар айирбошлаш ва бошқалар.

60-йиллардан бошлаб ихтисослаштирилган ташкилотлар фаолиятида янги ижобий ғоялар кўзга ташланади ва муайян ижобий ўзгаришлар содир бўлади. Бир қатор ташкилотлар (ХМТ, ЮНЕСКО, ЖССТ) да муҳим сиёсий масалалар, аввало давлатлар ўртасида тинч, дўстона муносабатларни ривожлантириш, мустамлакачилик

ва унинг оқибатларини тугатиш, ирқчилик ва апартеидга қарши кураш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқаларга тобора катта эътибор бериладиган бўлиб қолди.

ЖПС, ЭАХИ, ЖМТ сингари ихтисослашган ташкилотлар фаолиятида ижобий жиҳат шундан иборатки, улар давлатлар ўртасида алоҳида махсус соҳаларда муттасил алоқалар ўрнатишни ривожлантиришга имконият яратди. Мисол учун, ЖМТ жаҳон об-ҳаво хизмати-ни барпо этишга катта ёрдам кўрсатади.

БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилотлари билан бир қаторда универсал характердаги айрим бошқа халқаро ташкилотлар, аввало атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) билан мустаҳкам алоқада-дир. Бу агентлик 1956 йилда ташкил этилди. Низомга биноан унинг асосий мақсади атом энергиясидан тинч-ликни мустаҳкамлаш, соғлиқ ва жаҳонда фаровонлик учун тинч йўл билан тезроқ фойдаланишга эришишдан иборат. Агентлик атом энергиясини ривожлантириш ва унинг тинч мақсадларда амалда фойдаланилишига эришишга кўмаклашиш учун вакил қилинган. У ўзининг ҳуқуқий мавқеи бўйича БМТ ихтисослаштирилган ташкилотларига жуда яқин туради, лекин шу ташкилотнинг ўзи муайян иш фаолиятида БМТ билан алоқадор бўлиб, шундай ташкилотнинг ўзига ўхшамайди, балки Бош Ассамблея билан тузилган алоҳида битим асосида ва агентлик Низомидан келиб чиқадиган қоидаларга биноан ўзига хос ташкилот ҳисобланади.

МАГАТЭ аъзолари фақат давлатларнинг ўзигина бўлиши мумкин. Агентликнинг раҳбарий органлари: 1) агентликнинг аъзолари бўлган барча давлатларнинг вакиллари билан иборат Бош комиссия; 2) 34 аъзодан иборат бошқарувчилар кенгаши билан иборат. Уларнинг ўн иккитаси агентлик Низомида кўзда тутилган муайян мезонларга биноан кенгашнинг ўзи томонидан тайинланади (атом энергияси технологияси соҳасида ривожлантириш даражаси, материалларни ишлаб чиқариш даражаси, жўғрофий принцип ва бошқалар) қолган 22 аъзо бош конференция томонидан сайланади; 3) Бош директор раҳбарлигида агентлик котибияти.

МАГАТЭнинг манзилгоҳи — Вена шаҳридир. МАГАТЭ фаолиятининг асосий йўналишлари: 1) атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида илмий ва техник маълумотлар алмашиш; 2) ривож-

ланаётган мамлакатларга атом энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш, миллий режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда техник ёрдам кўрсатиш; 3) илмий тадқиқот ишлари; 4) хавфсизлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш; 5) ядро ёқилғисини етказиб бериш; 6) 1968 йилги ядро қурулларини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома бўйича ядровий давлатлар томонидан ҳам, ноядровий давлатлар томонидан ҳам мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилишдан иборат.

5. Тинчлик ва хавфсизлик масалалари бўйича минтақавий ташкилотлар

Давлатлар минтақавий битимлар ва шу асосда ҳар қандай масала бўйича минтақавий ташкилотлар тузмоқлари мумкин. Бироқ минтақавий битимлар ва ташкилотларнинг мана шу тури орасида БМТ Низоми, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган битимлар ва ташкилотларни алоҳида фарқлайди. БМТ Низоми бундай битимлар ва ташкилотларга нисбатан улар ҳуқуқий мақбуллиги шартлари ҳисобланган бир қатор талаблар қўяди. Улар: 1) минтақавий ташкилотлар битимлари ва фаолиятининг БМТ Низоми мақсадлари ва принципларига мослиги; 2) минтақавий ташкилотларнинг ҳаракатлари, унга кирган давлатлар жойлашган муайян жўғрофик райондагина тарқалиши мумкинлиги; 3) БМТ Низомининг 51-моддасига биноан жамоа мудофаа ходисаларидан ташқари, минтақавий битимлар кучидан келиб чиқиб, мажбурий чоралар қўлланиш мумкин. Улар: а) Хавфсизлик Кенгаши ваколати бўйича ва б) БМТ Низомининг 107, 53- (1-банд) моддаларига асосан собиқ душман давлатларига нисбатан мустаҳкамлаш учун асосий масъулият зиммасига юклатилган орган сифатида Хавфсизлик Кенгаши ҳамиша минтақавий битимлар кучи асосида амалга оширилаётган ёки белгиланаётган ҳаракатлар тўғрисида тўла ахборот бўлиб турмоғи лозим (54- модда).

а) Араб Давлатлари Лигаси (АДЛ)

АДЛ 1945 йили ташкил қилинган. Унинг таркибига 21 араб давлати ва Фаластин Озодлик Ташкилоти кирар-

ди. 1979 йил мартада Миср томонидан Исроил билан тинчлик шартномаси деб аталувчи шартнома имзолангач, Мисрнинг аъзолиги тўхтатиб қўйилган эди.

Лига асосида араб бирлиги ғояси ётади. Бу ғоя араб халқларининг ўз миллий озодлиги учун ўзоқ давом этган кураш натижасида туғилган. Унинг мақсади иқтисодий, молиявий, маданий, ижтимоий соҳаларда ва соғлиқни сақлаш соҳасида яқин ҳамкорликни ташкил этишдан иборат. Лига ўз аъзоларининг агрессиянинг олдини олиш ва агрессиядан бирликда мудофаани ташкил этиш бўйича жамоа хавфсизлигини таъминлаш вазифасини бажаради. У, шунингдек, ўз аъзолари ўртасида низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситаси сифатида майдонга чиқади.

АДЛ доирасида органларнинг бутун бошли бир таркиби иш олиб боради. Кенгаш унинг олий органи ҳисобланади. Унга Лиганинг ҳамма аъзоларининг вакиллари киради. Кенгаш ҳар йили икки марта чақирилади. Кўпгина масалаларни ҳал этиш учун кенгашда яқинлик талаб қилинади. Унда қабул қилинган қарорлар барча аъзолар учун мажбурийдир. Агрессиянинг олдини олишга тааллуқли масалалар бўйича қарорлар яқдиллик билан қабул қилинади ва мажбурий характерда бўлади.

Иқтисодий ҳамкорлик масалалари иқтисодий кенгашнинг ҳуқуқий доирасига киради. Иқтисодий кенгашда иқтисод масалалари билан шуғулланувчи вазирлар вакил қилинган.

1950 йилги биргаликдаги мудофаа ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида ташкил этилган ҳарбий ташкилот; ташқи ишлар ва мудофаа вазирларидан иборат ўзаро мудофаа кенгаши; бош штаб вакилларида иборат доимий ҳарбий кўмита; штаб бошлиқлари маслаҳат кенгаши; доимий ҳарбий котибият; қуролли кучларнинг бирлашган қўмондонлиги органларига эга.

Бош Котибият аъзо давлатларнинг беш йилда қайта сайланиш ҳуқуқи билан беш йиллик муддатга сайланадиган Бош котиб томонидан бошқарилади.

АДЛ қароргоҳи Қоҳира бўлиб, 1979 йили Тунисга, 1989 йили яна Қоҳирага кўчирилади. Араб давлатлари Лигаси фаолияти реакцияга, мустамлакага қарши характерда бўлиб, Яқин Шарқда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган. Унинг фаолияти Лига аъзоларининг айримлари ўртасида мавжуд низолар ва қарама-қар-

шилиқлар натижасида анча сустралса ҳам, лекин яқин Шарқдаги аҳволга таъсири сезиларлидир.

б) Африка Бирлиги Ташкилоти (АБТ)

Ташкилот 1963 йили Африка давлатларининг Аддес-Абебада ўтган халқаро конференциясида ташкил этилган. Конференция бу ташкилотнинг таъсис ҳужжати (низоми) ҳисобланган Африка Бирлиги Ташкилотининг Хартиясини қабул қилди. АБТнинг ташкил этилиши ҳамкорликда иш олиб боришга эҳтиёж сезаётган, миллий озодлик ҳаракати туфайли Африкада вужудга келган кўпгина янги суверен давлатларнинг муваффақиятлари тақозоси бўлди.

Ҳозирги вақтда АБТда 50 та давлат бирлашган. Унинг Низомига биноан ташкилотнинг мақсади қуйидагилардан иборат: Африка давлатлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва сиёсат, фан, техника, маориф ҳамда маданият, соғлиқни сақлаш, мудофаа, хавфсизлик соҳаларида ҳаракатларни мувофиқлаштириш; уларнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш; Африка қитъасида мустамлакачиликнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш.

Шу мақсадларга эришиш учун Низом хусусан қуйидаги принципларни илгари суради: 1) БМТ Низомининг принциплари; 2) сиёсий мақсадда қотилликни қоралаш; шунингдек қўшни ва бошқа ҳар қандай давлат томонидан олиб бориладиган қўпоровчилик ишларини сўзсиз қоралаш; 3) ҳар қандай ҳарбий уюшмаларга қўшилмаслик сиёсати.

АБТнинг асосий органлари: 1) Давлат ва ҳукумат бошлиқлари Ассамблеяси; 2) Вазирлар Кенгаши; 3) Бош котибият; 4) Воситачилик, тинчликни сақлаш ва ажрим бўйича комиссиядан иборат.

АБТ қароргоҳи — Аддес-Абеба.

АБТ тизимида анчагина автономия даражасига эга бўлган Озод қилиш қўмитаси алоҳида ўрин тутди. Унинг вазифаси Африкада миллий озодлик ҳаракатига ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштиришдан иборат. Қўмитанинг қароргоҳи — Доруссалом (Танзания)да жойлашган.

АБТ Африка халқларини мустамлакачилик ва ирқчиликдан тўла озод қилиш ишига катта ҳисса қўшмоқда ва кўп жиҳатдан Африка давлатларининг мустақиллигини мустаҳкамлашга, ялпи тинчлик ва хавфсизлик-

ни қарор топтиришга ёрдам бермоқда. Бироқ бу ташкилотнинг фаолиятида қийинчиликлар оз эмас. Айрим Африка давлатларида сиёсий ҳолатлар бир-биридан анча фарқ қилади. Бир қатор Африка давлатлари хануз собиқ метрополияга қарамдир. Буларнинг ҳаммаси АБТ фаолияти самарадорлигини сусайтиради.

в) Америка Давлатлари Ташкилоти (АДТ)

АДТ Америка иттифоқи доирасида ташкил этилди. 1947 йили Рио-де-Женейрода Америка давлатларининг биргаликдаги мудофаа тўғрисидаги шартномаси имзоланди. 1948 йили эса Боготода мазкур ташкилотнинг Низоми қабул қилинди. 1967 йили унга бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Ҳозирги пайтда АДТ таркибига 27 давлат — Латин Америкаси давлатлари ва АҚШ киради.

Америка давлатлари ташкилоти минтақавий ташкилот сифатида юзага келди. Низом аъзо бўлган давлатларнинг жамоа хавфсизлиги тўғрисидаги қондани ўзида ифодалайди. Бирон-бир давлатнинг АДТ аъзоларидан бирининг ҳудудий бутунлиги ва сиёсий мустақиллигига қарши агрессия акти қолган барча аъзоларга нисбатан агрессия акти сифатида қораланади ва қуроли кучларни қўллаш учун асос бўлади. Бироқ АДТ таъсис ҳужжатлари фақат ҳарбий ҳужум чоғидагина эмас, балки қуроли ҳужум тариқасида бўлмаган агрессия ҳолатида ҳам жамоа ҳаракатларини кўзда тутуди (1967 йил шартномасининг 8-моддаси). Бу БМТ Низомининг минтақавий ташкилотларга улар томонидан қуроли кучларни қўллаш масалаларида қўядиган шартларни бузишдан иборатдир.

АДТ қўйидаги ташкилий тизимга эга: Бош Ассамблея аъзо бўлган барча давлатлар вакил қилинган олий орган. У ҳар йили чақирилади; Бош Ассамблея ташкилот сиёсати, фаолияти ва бюджетни, унинг органлари тизими ва вазифасини белгилайди.

Ташқи ишлар вазирлиги маслаҳат кенгаши барча давлатларни қизиқтирувчи шөшинч характердаги масалаларни, масалан, АДТ аъзоси бўлган давлатга қуроли ҳужум актини қараб чиқиш учун ташкил этилган. Унинг ҳузурида мудофаа маслаҳат қўмитаси таъсис этилган.

Барча аъзо — давлатларнинг вакилларидан иборат доимий Кенгаш ижрочи орган ҳисобланади. Унинг ҳу-

зурида бир қатор ёрдамчи кенгашлар ва қўмиталар ташкил этилган.

АДТ Бош котибияти беш йиллик муддатга сайланадиган Бош котиб томонидан бошқарилади.

АДТ доирасида турли хилдаги бир қатор минтақавий характерда бўлган ихтисослашган ташкилотлар иш олиб боради.

АДТ қароргоҳи — Вашингтондир.

г) Жануби-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН)

1967 йилда беш давлат: Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин давлатлари ташқи ишлар вазирлари конференциясида ташкил топди. 1984 йили бу ташкилотга Бруней давлати ҳам аъзо бўлиб кирди. 1995 йилдан Вьетнам ҳам шу ташкилотнинг еттинчи аъзосидир. 1976 йили Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Бали оролида имзоланган шартнома асосида мазкур ташкилотнинг Низоми тасдиқланди.

Ассоциациянинг асосий мақсади Жануби-Шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда иқтисодий, социал ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорликни ташкил этишдан иборат.

АСЕАНнинг раҳбарий органлари — Давлат ва ҳукумат бошлиқлари Кенгаши, ташқи ишлар вазирликларининг Кенгашидан иборат.

Бу икки орган ҳар йили ўз йиғилишини ўтказиб туради. Шунингдек, Банкокда жойлашган Доимий қўмитаси ва Жакартадаги Котибияти ҳамда ўн битта тармоқлараро (савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, молия ва бошқалар бўйича) қўмиталари бор.

Х БОБ

ДИПЛОМАТИК ВА КОНСУЛЛИК ҲУҚУҚ

1. Ҳозирги замон дипломатик ва консуллик ҳуқуқининг умумий тавсияномаси

«Дипломатия» атамаси юнонча «диплома» сўзидан келиб чиққан (кенг тарқалган «диплом» сўзи ҳам шундан келиб чиққан) бўлиб, қадимги Юнонистонда тегишли ёзувлар бўлган қўш тахтачалар шундай деб аталар-

ди. Давлатнинг чет элга жўнатилаётган вакилларига шундай тахтачалар бериб юбориларди. Дипломатия одатда, давлатнинг ташқи сиёсати мақсади ва вазифаларини тинч воситалар билан амалга ошириш, шунингдек, давлат ва фуқароларининг хорихда ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича унинг ташқи муносабат органлари расмий фаолияти билан белгиланади.

Дипломатия ҳам давлатнинг ташқи сиёсати сингари синфий характерга эга. Бироқ бир давлатнинг делегацияси ҳамisha бошқа бир ёки бир қанча давлатларнинг дипломатияси билан муносабатда бўладик, бу давлатлар ўз синфий табиатига кўра бир давлатга ўхшаш ёки ундан бошқача бўлиши мумкин. Давлат ташқи сиёсати ва дипломатиянинг принцип ва методлари уларнинг синфий табиати ўзгармас бўлиб қолгани ҳолда турли синфий табиатли давлатлар билан муносабатда турлича бўлиши мумкин.

Давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа алоқаларнинг кенгайиши муносабати билан дипломатиянинг ҳаракат доираси кенгайди. Бу алоқалар ёлғиз дипломатик воситалар ёрдами билан кенгаймаган тақдирда ҳам мана шу масалалар билан муқаррар шуғулланишига тўғри келади.

Буларнинг ҳаммаси халқаро дипломатик тажриба олий даражадаги дипломатия (давлат ва ҳукуматлар бошлиқларининг учрашувлари ва кенгашлари), шунингдек, ташқи ишлар вазирлари учрашувларининг салмоғи кескин ошишига олиб келади.

Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги муносабатлар тартибига тааллуқли принцип ва нормаларни ўз ичига олувчи халқаро оммавий ҳуқуқнинг бир қисмидир. Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи асосан давлатларнинг ташқи алоқалар органлари ходимларининг ҳуқуқий аҳволи ва фаолиятини, шунингдек, ҳукуматлараро ташкилотлар ва уларнинг ходимлари имтиёзлари ва иммунитет масалаларини мувофиқлаштиради.

Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг энг қадимги тармоқларидан биридир. Баъзида бошқа давлатларга юборилиб туриладиган элчилар институти жуда қадим замонлардаёқ пайдо бўлган. Айни пайтда дипломатик ҳуқуқнинг дастлабки кўринишлари, аввало элчилар дахлсизлиги тўғрисидаги нормалар пайдо бўлди. Дипломатик ҳуқуқ аста-секин, айниқса, XVI—XVIII

асрларда Оврўпода доимий дипломатия ваколатхоналари пайдо бўлиши билан ривожланиб борди.

Қадимги Юнонистонда доимий консуллик институти, ўрта аср даврида, айниқса, тез ривож топган консуллик ҳуқуқи юзага келди.

Ҳар бир давлат ўзининг кағта ёки кичиклигидан қатъи назар, ўз хоҳишига кўра элчи ёки вакил тайинлаши мумкин. Шунинг учун 1961 йилги дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена Конвенциясида қайд этилган дипломатик вакилларнинг уч даражаси (элчилар, вакиллар, мухтор вакиллар) белгиланган.

Кейинги ўн йилликлар даврида кўпгина янги давлатларнинг юзага келиши, халқаро ҳуқуқда халқаро ташкилотлар, ўз мустақиллиги учун курашаётган халқлар иродасини ифодаловчи озодлик ташкилотлари сингари янги субъектларнинг пайдо бўлиши муносабати билан дипломатик ва консуллик ҳуқуқининг доираси анча кенгайди. Бу ва бошқа бир қатор жиҳатлар халқаро ҳуқуқнинг бу тармоғида янги тармоқчалар ташкил этилишига олиб келади.

Иккинчи жаҳон урушигача дипломатик ва консуллик ҳуқуқи деярли фақат одатдаги нормалардан иборат эди. Умумий характердаги ягона халқаро битим 1815 йилги Вена қарори (Вена иши) эди. Дипломатик вакиллар даражаси тўғрисидаги бу битимга 1818 йилги Аахен протоколида қўшимча киритилганди. Бу регламент нормалари вақт ўтиши билан кенг эътироф этилган нормаларга айланиб кетганди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин дипломатик ва консуллик ҳуқуқини кодификациялаш ва тобора ривожлантириш мақсадига хизмат қиладиган бир қатор халқаро Конвенциялар тузилди. Уларга: 1964 йили кучга кирган дипломатик муносабатлар тўғрисида 1961 йили қабул қилинган Вена Конвенцияси, 1963 йилги консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенцияси, 1969 йилги махсус миссиялар тўғрисидаги Конвенция, халқаро муҳофаза имунитетидан фойдаланувчи шахслар, шу жумладан дипломатик агентларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва шундай жиноят қилганларни жазолаш тўғрисида 1973 йили қабул қилинган Конвенция (1977 йили кучга кирган), давлатларнинг универсал характердаги халқаро ташкилотлар билан муносабатдаги вакиллиги тўғрисида 1975 йилда қабул қилинган Вена Конвенцияси киради.

Халқаро ташкилотларнинг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги тегишли қондалар одатда шу ташкилотларнинг низомида ифодаланadi. БМТ ва ихтисослашган ташкилотларга нисбатан икки: БМТ имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги 1946 йилги (АҚШ уни 1970 йили ратификация қилди) ва БМТ ихтисослаштирилган ташкилотлар имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги 1947 йилги Конвенция мавжуд. Бундан ташқари БМТ ва ихтисослаштирилган ташкилотларнинг имтиёз ва иммунитетлари хусусида ўзлари жойлашган мамлакатлар давлатлари билан икки томонлама битимларга эга. Минтақавий ташкилотларнинг имтиёз ва иммунитетлари тўғрисидаги тегишли минтақавий шартномалар ҳам мавжуд.

Консуллик алоқалари масалалари бўйича кўпгина икки томонлама Конвенциялар бор. Улар кўп жиҳатдан 1963 йилги ҳар томонлама консуллик алоқалари тўғрисидаги Конвенциядан фарқ қилади.

Кўпгина давлатларда дипломатик ва консуллик ваколатхоналари тўғрисидаги қонунлар мавжуд. Ўзбекистон Республикасида бу масалалар хусусидаги асосий қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларга дипломатик ваколатхона бошлиқларини тайинлаш ва чақириб олиш тартиби тўғрисидаги қонун»дан иборат.

2. Ташқи муносабатлар органи

Ташқи муносабатлар органи — давлат ўзининг бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқаларини амалга оширишга ёрдамлашувчи давлат органлидир. Уларнинг фаолияти ва ташқи муносабатларида ваколатининг ҳажми тўғрисидаги масалани ҳар бир давлат ўз қонунларида ҳал этади. Ташқи муносабатлар органи ички давлат ва чет эл органларига бўлинади.

Мазкур давлат ҳудудида муқим жойлашган ташқи алоқалар органи ички давлат органи ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ бундай органларнинг икки турини фарқлайди. Булар: барча масалалар бўйича давлат ваколатини амалга оширувчи; давлат ташқи алоқаларининг у ёки бу соҳаси бўйичагина унинг вакили бўлган органлардир.

Биринчи гуруҳга давлат ва ҳукумат бошлиқлари,

ташқи ишлар вазирлиги ва унинг бошлиқлари киради. Халқаро ҳуқуққа биноан улар барча масалалар бўйича (лавозим бўйича, яъни махсус ваколатларсиз) давлатнинг вақили ҳисобланади. Бироқ давлатларнинг ички ҳуқуқи кўп мавзу жиҳатидан чеклашларни кўзда тутди. Шунингдек, ички ҳуқуқда халқаро ҳуқуқий масалаларни чеклаш ҳам кўзда тутилади (чунончи, АҚШ Президенти халқаро шартномаларни фақат Сенат розилиги билан ратификациялаши мумкин).

Ташқи муносабатларни олиб борувчи ихтисослашган орган ташқи ишлар муассасасидир. АҚШда бу муассаса давлат департаменти, Англияда — Форин-Офис, Югославияда — ташқи ишлар бўйича давлат котиби, деб номланади.

Ташқи ишлар вазирлиги давлатнинг ташқи алоқалари масалалари билан муттасил шуғулланади. Бунда у ҳукумат кўрсатмаларига амал қилади. Вазирлик давлатнинг чет элдаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналарига раҳбарлик қилади. Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида қоида тариқасида, ҳудудий бошқарма ёки бўлимлар ҳамда вазилавий бошқармалар ёки бўлимлар бор. Биринчиси — давлатларнинг муайян гуруҳи билан алоқаларни йўлга қўйса, иккинчиси — қайднома ва бошқарма ёки бўлимлардир. Давлат ташқи алоқаларининг муайян соҳасидагина иш кўрувчи иккинчи турдаги ташқи муносабатлар органларига ташқи савдо вазирлиги (шундай вазирлик бўлган давлатларда), шунингдек, ички давлат қонунлари билан белгиланган доирада бошқа вазирлик ва идоралар киради.

Ташқи муносабатларнинг чет эл органларига давлатнинг дипломатик (элчихоналар ва миссиялар), консуллик, савдо ва давлатларнинг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналари киради. Булар ташқи муносабатнинг доимий чет эл органларидир.

Доимий органлардан ташқари ташқи муносабатнинг маросим тадбирларида иштирок этиш, музокаралар олиб бориш учун бошқа давлатларга жўнатилган махсус миссиялар, халқаро конференцияларда қатнашиш учун юбориладиган делегациялар ва бошқа муваққат органлари бўлади.

3. Дипломатик ваколатхоналар

Дипломатик ваколатхона — бошқа давлат билан дип-

ломатик муносабатларни амалга ошириш учун шу давлат ҳудудида жойлашган давлат органидир.

Дипломатик ваколатхоналарнинг икки тури, яъни элчихона ва миссия мавжуд. Элчихонага фавқулодда ва мухтор элчи, миссияга эса элчи ёки доимий ишончли вакил бошчилик қилади. Ҳозирги пайтда миссия тайинлаш тажрибаси камдан-кам қўлланилади.

Дипломатик ваколатхоналар икки давлат ўртасидаги келишувга биноан ташкил этилади. У давлатнинг барча масалалари бўйича вакил қилинган орган бўлиб, шу давлат номидан ўзи иш олиб бораётган давлат, шу ердаги бошқа давлатлар дипломатик ваколатхоналари билан муносабатларга киришуви мумкин. Дипломатик ваколатхоналарнинг вазифалари халқаро ҳуқуқ ва давлатларнинг ички ҳуқуқи билан белгиланади. Ҳар бир давлатда шу давлат дипломатик ваколатхоналарининг вазифаларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мавжуд. Албатта, бу нормалар халқаро ҳуқуқ доирасида йўл қўйилган даражада бўлади.

Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги 1961 йилги Вена Конвенциясига биноан дипломатик ваколатхоналарнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) аккредитация қилувчи давлатларнинг ваколатхона жойлашган давлатдаги ваколатчилиги;

2) аккредитация қилувчи давлат ва унинг фуқаролари манфаатларини ваколатхона жойлашган давлатда халқаро ҳуқуқ йўл қўйган даражада ҳимоя қилиш;

3) ваколатхона жойлашган давлат ҳукумати билан музокаралар олиб бориш;

4) ваколатхона жойлашган давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан танишиб, улар ҳақида ўз ҳукуматига ахборот бериш;

5) аккредитация қилувчи давлат билан ваколатхона жойлашган давлат ўртасида дўстона муносабатларни рағбатлантириш ва уларнинг иқтисодиёт, маданият ва санъат соҳасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантириш.

Кўрсатилган вазифалар билан бирга ҳозирги пайтда дипломатик ваколатхоналар тез-тез консуллик вазифаларини ҳам бажарадилар. Бундай ҳолларда элчихоналар ва миссиялар ҳузуридаги консуллик бўлимлари ташкил этилган бўлади.

Ваколатчилик ҳуқуқи. Халқаро ҳуқуққа биноан дипломатик вакил ўз давлатининг ваколатхона жойлашган

давлатда барча масалалар бўйича, шунингдек, мазкур давлатдаги бошқа барча доимий вакилларга қараганда юқори нуфузли вакили ҳисобланади.

Дипломатик вакилларнинг нуфуз ва даражалари XIX аср бошларида қатъий туркумларга бўлинмаган, катта-кичиклиги фарқланмаган. Бу кўпинча тортишувлар ва қарама-қаршилиқларга олиб келган. 1815 йили Вена Конгрессида иш тартиби қабул қилинди. Унда дипломатик ваколатхоналар бошлиқларининг қуйидаги даражалари белгиланади: фавқулодда ва мухтор элчи, папа нунцияси; фавқулодда ва мухтор вакил ва интернунция; ишлар вакили, 1818 йили бўлиб ўтган Аахен Конгрессида бу даража фавқулодда ва мухтор вакилдан кейинги ўринда турувчи вазир-резидент билан тўлдирилади. Дипломатик ваколатхоналарнинг вазир-резидентидан ташқари санаб ўтилган барча лавозимлар шундан кейинги йилларда кўпчилик давлатлар томонидан қабул қилинди ва дипломатик ҳуқуқ ҳамда дипломатик муносабатлар тажрибасида умум эъгироф этилган туркумга айланди.

1961 йилги дипломатик муносабатларга оид Вена Конвенцияси дипломатик ваколатхоналар бошлиқларини уч маротаба фарқлашнинг қарор топган тажрибасини мустаҳкамлади. Булар: элчи ва нунциялар; мухтор вакил ва интернунциялар, ишончли вакиллардир.

Ҳозирги даврда ишончли вакиллар амалда деярли тайинланмайди, мухтор вакиллар эса камдан-кам тайинланади. Фақат буюк давлатларгина эмас, балки ҳар бир давлат элчилар даражасида дипломатик ваколатхоналар айирбошлаши мумкин. Бу давлатларнинг суверен тенглиги принциpigа мос келади. Сўнгги ўн йилликда фавқулодда ва мухтор элчи билан элчи орасида ҳуқуқий фарқ қолмади. 1961 йилги Вена Конвенцияси қарор топган тажрибани ифодалаб, турли мартабадаги дипломатик вакиллар ўртасида мансаб ва этикетдаги фарқдан бошқа ҳеч қандай фарқ бўлмаслиги керак, деб белгилаб қўйди. Дипломатия корпусида лавозим бўйича элчилар биринчи ўринда туради.

Доимий ишлар вакили ўз қўли остидаги дипломатик ваколатхонасини ўз давлати ташқи ишлар вазирининг ваколатхона жойлашган мамлакат ташқи ишлар вазири ҳузуридаги аккредитация қилинган доимий раҳбари сифатида бошқаради. Доимий дипломатик вакил йўқ бўлган ҳолатларда ваколатхона бошлиғи вазифаларини

муваққат ишлар вакили бажаради. Қоида тариқасида, дипломатик вакил мартабаси даражаси билан мос тўшади. Бироқ, дипломатик вакилнинг мартабаси тўғрисидаги масала халқаро ҳуқуқ (ҳозирги вақтда Вена Конвенциясининг 14-моддаси) билан белгиланса, даража тўғрисидаги масала ҳар бир давлатнинг ички қонуни билан бошқарилади. Чунончи, гоҳи ўз давлатида амалда бўлган ички қоидаларга кўра мухтор вакил даражасига эга бўлган шахс элчи бўлади.

Дипломатик вакилларни тайинлаш тартиби. Дипломатик вакилларни тайинлаш ички давлат қонунлари билан ҳам, халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан ҳам тартибга солинади. Ҳар бир давлатда дипломатик вакиллар белгилашнинг у ёки бу тартиби амал қилади. Халқаро ҳуқуққа биноан дипломатик ваколатхона бошлиғини тайинлашдан олдин тегишли давлат ҳукуматидан тайинланаётган шахсни шундай вакил сифатида қабул қилишга розилик (агреман) сўрайдилар. Агреман беришни рад этиш бу ҳаракатни асослашни талаб қилмайди. Агреман олингандан кейин одатда матбуотда дипломатик вакил тайинланганлиги тўғрисида эълон берилади.

Белгиланган жойга жўнаб кетиш чоғида фавқулодда ва мухтор элчи ёки элчига ўз давлати бошлиғи томонидан имзоланиб, ваколатхона жойлашган давлат бошлиғига номланган ишонч ёрлиғи берилади. Ишонч ёрлиғини унга эга бўлган шахсга ваколатхона жойлашган давлат билан бўладиган муносабатларда ўз давлатининг барча масалалари бўйича вакил бўлишига «ишонич» сўралади.

Дипломатик миссиянинг бошланиши ва тугаши дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена Конвенциясида дипломатик ваколатхона бошлиғи ваколатхона жойлашган давлатда амалда бўлган тажрибага боғлиқ ҳолда ўз вазифасини бажаришга киришган деб ҳисоблаши белгилаб қўйилган. Бу тартиб ишонч ёрлиғи топширилган дақиқадан бошлаб, ёки ишонч ёрлиғини ваколатхона жойлашган давлат ташқи ишлар вазирлигига тақдим этиш чоғидан бошлаб амалга ошади.

Бир мамлакатда аккредитация қилинган дипломатик вакил унинг расмий вазифаси тугагунча шу даражада қолади. Дипломатик вакил вазифаларининг тугаши:

- аккредитация қилинган давлат уни чақириб олса;
- ваколатхона жойлашган давлат томонидан вакил унинг ишончини йўқотган шахс деб эълон қилинса;

- дипломатик муносабатлар узилса;
- аккредитация қилган ва қабул қилган давлатлар ўртасида уруш келиб чиқса;
- аккредитация қилган ёки ваколатхона жойлашган давлатнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тугаши содир бўлган ҳолларда юз беради.

Ўз давлати ҳукумати томонидан дипломатик вакилнинг чақириб олиниши унинг вазифалари тугашининг энг кўп тарқалган ҳолатидир. Бунда ваколатхона жойлашган давлат бошлиғига чақириқ ёрлиғи дипломатик вакил ёки унинг ўриндоши томонидан йўлланади.

Ваколатхона жойлашган давлатлар томонидан дипломатик вакилни чақириб олиш талаби фақат фавқулодда ҳолатларда илгари сурилади ва бу юридик жиҳатдан агреманни қайтариб олишни билдиради. Бу талаб аккредитация қилган давлат томонидан рад этилиши мумкин эмас. Бироқ аккредитация қилган давлат кўрсатилган талабда баён этилган сабаблар ўзи қўйилмаганлигини инкор этиш ва бундай талабга бўйсуниб, ундан зарур хулосалар чиқариш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Дипломатик вакилнинг ўриндошлиги. Бир давлатдаги дипломатик вакил айти бир пайтда бошқа бир ёки бир неча давлатларда ҳам, агар бунга эътироз бўлмаса, дипломатик вакил бўлиб туриши мумкин. Мабодо давлат бир ёки бир неча давлатларда ваколатхона бошлиғи вазифасига бир кишини тайинласа, у ҳолда бу давлат ваколатхона бошлиғи муқим турмайдиган давлатларнинг ҳар бирида муваққат ишлар вакили бошчилигида дипломатик ваколатхона таъсис этиши мумкин. Бироқ давлат бундай ваколатхонани таъсис этмаслиги ҳам мумкин. Бу ҳолда ўзаро муносабатлар дипломатик вакилнинг вақти-вақти билани келиб туриши орқали амалга оширилади.

Ваколатхона бошлиғи ёки дипломатия ходимининг исталган аъзоси аккредитация қилган давлатнинг исталган халқаро ташкилот ҳузуридаги вакили сифатида тайинланиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган ҳамма ҳолатларда бир шахс бир неча давлатда ўз давлатининг вакили сифатида иш кўради. Дипломатик ваколат зонасининг шундай ўриндошлиги ҳам мавжудки, унда бир шахс ваколатхона жойлашган давлатда икки ёки ундан ортиқ давлат вакили сифатида иш кўради. Лекин ваколатхона жойлаш-

ган давлат рози бўлсагина бу тажриба қўлланилади. Мутлақо аёнки, ишни қўшиб олиб бориш учун бундай тайинланишлар онда-сонда содир бўлади.

1961 йилги Вена Конвенциясига биноан дипломатик ваколатхона ходимлари дипломатик, маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга бўлинади.

Дипломатик даражага эга шахсларга элчилар, вакиллар, маслаҳатчилар, савдо вакиллари ва уларнинг ўринбосарлари, махсус (ҳарбий, ҳарбий денгиз, ҳарбий ҳаво) атташе ва уларнинг ўринбосарлари, биринчи, иккинчи, учинчи котиблар, атташе, дипломатик ходимлар киради. 1961 йилги Вена Конвенциясида улар ваколатхона аъзолари деб номланган.

Турли ваколатларда бир даражадаги ходимлар миқдори бир хил эмас. Мисол учун катта элчихонада маслаҳатчи элчи ёки, ҳатто, бир неча маслаҳатчи элчи даражасига эга (маслаҳатчи вазифасини эгалловчи шахслар) бир неча маслаҳатчилар, бир неча биринчи, иккинчи, учинчи котиблар, шунингдек, атташелар бўлиши мумкин. Кичик элчихоналарда дипломатик мухтор элчи ва бир икки ходим билан чекланади.

Маъмурий техник вазифани бажарувчи ходимларга идора мудирлари, ҳисоб-китобчилар, таржимонлар, иш юритувчилар, котиблар ва ваколатхонанинг бошқа ходимлари киради.

Хизмат кўрсатувчи ходимларга: ҳайдовчи, лифтчи, курьер, фаррошлар, шунингдек, ваколатхонага хизмат кўрсатувчи бошқа шахслар киради:

1961 йилги Вена Конвенцияси яна бир тоифа шахслар «хусусий уй хизматчилари»ни эслатиб ўтади. Бунда дипломатик ваколатхонага ходимларнинг уй хизматчилари вазифасини бажарувчи шахслар кўзда тутилади. Улар аккредитация қилган давлат хизматчилари бўлмайди.

Дипломатия ходимлари аслида аккредитация қилган давлатлар фуқаролари бўлмоғи керак. Маҳаллий фуқаролар ёки учинчи мамлакат фуқаролари фақат ваколатхона жойлашган давлат розилиги билан дипломатик вазифага тайинлашлари мумкин. Бу чеклашлар ваколатхона ходимларининг бошқа тоифаси, шунингдек, уй хизматчиларига тааллуқли эмас. Уй ходимлари, шунингдек, уй хизматчилари таркибида рўй берган барча ўзгаришлар тўғрисида ваколатхона жойлашган давлат ташқи ишлар вазирига маълум қилиши зарур.

Вена Конвенциясининг 11-моддасида: агар ваколатхона ходимлари миқдорини икки давлат ўртасида битишув бўлмаса, ваколатхона жойлашган давлат бу миқдорни ўз шароити ва мазкур ваколатхона эҳтиёжини ҳисобга олиб, мақсадга мувофиқ ва етарли деб ҳисобланган даражада сақланишини таклиф қилиши мумкин, дейилган.

Давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги принциpidан келиб чиқиб, кўпчилик давлатлар дипломатик ваколатхона ходимлари миқдори тўғрисидаги масалада келишмовчилик туғилган тақдирда бу масала аккредитация давлати билан ваколатхона жойлашган давлат ўртасида ўзаро шартлашувга мувофиқ ҳал этилиши керак, деган қўшимча киритди.

Ваколатхона жойлашган давлат исталган вақтда аккредитация қилган давлатга ваколатхона бошлиғи ёки дипломатик ёхуд ваколатхонанинг исталган ходими номақбул эканлигини маълум қилиши мумкин. Ваколатхона жойлашган давлат бундай қарорни изоҳлашга мажбур эмас. Бу ҳолда аккредитация давлати мазкур шахсни чақириб олиши ёки унинг ваколатхонадаги вазифасини тугатиши зарур. Агар шундай қилинмаса, ваколатхона жойлашган давлат бундай шахсни ваколатхона ходими деб ҳисобламаслиги мумкин.

Дипломатия корпуси — муайян давлатда аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналар бошлиқларининг йиғиндиси. Бу кенг маънода муайян давлатда аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналарнинг барча ходимлари, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини ҳам билдиради. Бироқ, биринчи кўринишдаги тушунчада ҳам, иккинчи кўринишдаги тушунчада ҳам дипломатия корпуси бирор бир ташкилотни билдирмайди. Дипломатия корпусининг фақат маросим масалалари (миллий тантаналарда қутлов) бўйича чиқишларига йўл қўйилади.

Тегишли мамлакатда мартабаси бўйича юқори ва аккредитация қилинган вақти бўйича катта бўлган дипломатик вакил дипломатия корпусининг бошлиғи, яъни оқсоқоли ҳисобланади. Айрим католик мамлакатларда папанунцийи, дипломатик корпуснинг бошлиғи бўлади.

Ташқи ишлар вазирлиги шу мамлакатда дипломатия корпусининг рўйхатини эълон қилади. Кўпгина мамлакатларнинг маҳаллий ҳуқуқмағлари дипломатия кор-

пуси аъзоларининг дипломатия ходими эканлигини исботлаш учун дипломатик ҳужжат беради.

Дипломатия ваколатхоналарининг имтиёзлари ва иммунитетлари чет эл дипломатия ваколатхоналарига уларнинг бошлиқлари ва ходимларига халқро ҳуқуққа биноан бериладиган ҳуқуқ ва имтиёзлардир.

Дипломатик ваколатхона ўз давлатининг вакили сифатида белгиланган вазифани бажара олиши учун унинг фаолияти ваколатхона жойлашган давлат ҳукуматининг назоратидан холи бўлмоғи даркор. Бу қадимги замонлардаёқ халқро ҳуқуқда элчиларнинг дахлсизлиги институти пайдо бўлишига олиб келди. Давлатнинг бундай ўзига хос органи вазифасини амалга оширишнинг шарт-шароитларини таъминлаш зарурлиги унга алоҳида мақом бериш учун бош асос бўлди. Бироқ, шуни назарда тутиш керакки, элчихона давлатнинг вакили, бинобарин, у эга бўлган барча имтиёз ва иммунитетлар ҳам тенг ҳуқуқли ва суверен давлатлар муносабатини тартибга солувчи халқро ҳуқуқнинг асосий принциpidан келиб чиқади. Дипломатик имтиёзлар ва иммунитетларнинг бу икки кўринишидаги табиати дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена Конвенциясининг Преамбуласида қайд этилган. Унга ривожланган давлатларнинг таклифига биноан, шунингдек, асосий дипломатик имтиёз ва иммунитетларининг бири сифатида дипломатик ваколатхоналарнинг характерига ишора ҳам қўшилди.

Ҳозирги замон халқро ҳуқуққа кўра дипломатик ваколатхона — давлат органи, унинг ходимлари эса — давлат муассасаси ходимларидир. Шунга кўра дипломатик имтиёз ва иммунитетлар икки туркумга: дипломатик ваколатхоналарнинг имтиёз ҳамда иммунитетлари ва ваколатхона ходимларининг шахсий имтиёз ва иммунитетларига бўлинади.

Ваколатхона биноларининг дахлсизлиги. Ваколатхона биноларининг дахлсизлиги, аввало, ваколатхона жойлашган давлат маъмурлари бинога ваколатхона бошлигининг розилигисиз кира олмасликларини билдиради. Ваколатхона жойлашган давлат ҳоқимиятига биноларни ҳар қандай бостириб кириш ва зарар етказишлардан ҳимоя қилиш учун ҳамма зарур чораларни кўриш, ваколатхона тинчлигини ҳар қандай бузиш ёки унинг олдини олишдан иборат махсус мажбурият юклатилган бўлади.

«Ваколатхона биноси» атамаси ваколатхона мақсадлари учун фойдаланаётган бино ёки унинг қисмини, шу жумладан, ваколатхона бошлиғи қароргоҳи ҳамда бу бино ёки унинг қисмига хизмат қилувчи ер майдонини билдиради. Бунда ер майдонлари кимнинг мулки эканлигининг аҳамияти йўқ.

Ваколатхона биноси, унинг жиҳозлари ва ундаги мол-мулк, шунингдек, ваколатхонанинг ҳаракат воситалари тинтув, мусодара, ҳибсга олиш ва ижро ҳаракатлари иммунитетга эга бўлади. Бироқ ваколатхона биносининг дахлсизлиги ундан фойдаланаётган давлат маъмурлари томонидан таъқиб қилинаётган шахслар учун бошпана сифатида фойдаланиш ҳуқуқини бермайди. Реакцион давлатлар тажрибасида содир бўлган бу тоифадаги ҳодисалар халқаро ҳуқуқни бузишдан бошқа нарса эмас¹.

Давлат хазинасига бўлган иммунитет. Ваколатхона бинолари — ҳам шахсий, ҳам ижарага олинадиган бинолар хизмат кўрсатишнинг аниқ турлари учун тўловлардан ташқари ҳамма давлат, туман ва муниципал солиқлар, тўловлар ва божлардан озод қилинади.

Ваколатхона архивлари ва ҳужжатларининг дахлсизлиги. Архив ва ҳужжатлар қаерда жойлашганидан қатъи назар ҳамма вақт дахлсиздир.

Ваколатхонада алоқа воситалари эркинлиги. Ваколатхона ўз ҳукумати ва аккредитация қилган давлатнинг бошқа ваколатхоналари ҳамда консулликлари билан бирга улар қаерда жойлашган бўлишидан қатъи назар алоқа ўрнатишни маъқул кўрган бўлса, воситалардан, ҳатто дипломатик курьерлар, кодланган ёки шифрланган депешалардан фойдаланиши мумкин. Ваколатхонанинг барча расмий ёзишмалари дахлсиздир (одатдаги дипломатик курьерлардан ташқари 1961 йилги Вена Конвенцияси муваққат дипломатик курьерлар тайинлашни ҳам назарда тутад). Улар фақат дипломатик почтани манзилига етказиб бериш вақтигача иммунитетлардан фойдаланадилар.

Ўз давлати герби ва байроғидан фойдаланиш ҳуқуқи. Ваколатхона ва унинг бошлиғи аккредитация қилган давлат байроғи ва гербидан ваколатхона бинолари,

¹ Дипломатик ваколатхоналардан бошпана сифатида фойдаланиш фақат Лотин Америкаси давлатлари тажрибасида тан олинади.

шу жумладан ваколатхона бошлиғининг қароргоҳи ва унинг транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Ходимлар дахлсизлиги. Дипломатик ваколатхона бошлиғи ва дипломатик ходимлар шахси (бундан буён дипломатлар) дахлсиздир. Улар бирон бир усулда ҳибсга олишдан ёки тутиб туришдан ҳолидирлар. Ваколатхона жойлашган давлат уларга ҳурмат билан муносабатда бўлмоғи ва уларнинг шахсига, эркинлиги ва қадр-қимматига бирон-бир тарздаги дахлнинг олдини олиш учун керакли чоралар кўриши лозим.

Ваколатхона жойлашган давлат маъмурларининг ўзлари дипломатияга нисбатан ҳар қандай таҳқирлаш ёки куч ишлатишдан тийилибгина қолмай, унга нисбатан ҳар қандай бошқа шахслар томонидан ҳам беҳурмат қилиш ва куч ишлатишдан ҳимоя қилишга мажбурдирлар.

Дипломат шахсининг дахлсизлиги унинг ваколатхона жойлашган давлат ҳудудига кириб келиши билан бошланади ва у бу ҳудуддан чиқиб кетгунича амалда бўлади.

Турар-жой дахлсизлиги. Дипломатик ваколатхона қароргоҳи (уй, ижарадаги, меҳмонхонадаги хона ва бошқалар), ваколатхона бинолари дипломатик дахлсизлик ва ҳимоядан тўлиқ фойдаланади. Шунингдек, дипломатнинг ҳамма қоғоз ва ёзишмалари, мол-мулки, шунингдек, ҳаракат воситаси ҳам дахлсизликдан фойдаланади. Ҳаракат воситаларининг дахлсизлиги уларни тўхтатиш, уларда тинтув ўтказиш тақиқланишини билдиради. Бироқ автомашина бошқариб бораётиб, кўча қондасини бузган дипломат тўхтатилиши, унга қондани бузганлиги кўрсатилиши мумкин.

Судлов ҳуқуқида иммунитет. Дипломатлар ваколатхона жойлашган давлат жиной судлов ҳуқуқидан, иммунитетдан фойдаланадилар. Улар судлов ва тергов органлари дипломатларга нисбатан тергов бошлаш ҳақида талаб тушган тақдирда, бундай ишлар суд ҳукмига ҳавола этмаслигини эътироф этишлари керак.

Дипломатлар, шунингдек, фуқаро судлов ҳуқуқидан иммунитетга эгадирлар. Бунда ваколатхона жойлашган мамлакатда бўлган хусусий мулкка нисбатан мулк даъволари; дипломатик вакил жисмоний шахс сифатида иш кўрганда мерос даъволари; дипломатик вакил ваколатхона жойлашган давлатда ўз расмий вазифасидан

ташқари амалга оширган ҳар қандай касб ёки савдосотиқ фаолиятига тааллуқли даволар бундан ҳоли. Агар дипломатнинг ўзи ваколатхона жойлашган давлат судига даъво уйғотса, бу билан у иш бўйича судловдан ҳолилик ҳуқуқидан ўзи воз кечади. Бундан ташқари, у қўзғатган иш билан боғлиқ муқобил даволарга муносабатда судлов иммунитетини унга нисбатан ўз кучини сақламайди. Дипломатлар гувоҳ сифатида маълумот беришга мажбур эмас. Улар маъмурий судлов ҳуқуқига нисбатан ҳам иммунитетдан фойдаланадилар. Бу улар жазога тўлаш ёки бошқа маъмурий жазоларга мустақилликдан ҳоли эканликларини билдиради.

Автомобил ходисалари чоғида дипломатга жарима солиш ва зарарни ундириш тўғрисида судда унга қарши иш қўзғатиш мумкин эмас. Бироқ шундай ҳолларда ташқи ишлар вазирлиги орқали унга эътироз билдириш мумкин. Ташқи ишлар вазирлигининг қарор бўлими бундай эътирозни, келтирган зарарни қоплаш учун чора кўришни сўраб тегишли элчихонага жўнатиши мумкин.

Давлат хазинасига бўлган иммунитет. Дипломатлар нисбий солиқлар ва бошқа айрим тўловлардан ташқари барча шахсий ва мулкӣ, давлат, туман, муниципал солиқлар, тўловлар ва божлардан озод қилинади. Ваколатхона жойлашган давлат дипломатик вакил ва дипломатия ходимларининг характеридан қатъи назар барча меҳнат ва давлат мажбуриятларидан, ҳарбий мажбуриятлардан, реквизиция, контрибуция ва ҳарбий қўшинларидан озод қилиши керак.

Дипломатик ходимларнинг имтиёзлари. Ваколатхона жойлашган давлат ўзи қабул қилган қонун ва қоидаларга биноан дипломатларга ваколатхона эҳтиёжлари, ўзлари, шунингдек, оила аъзолари фойдаланиши учун зарур буюмларни бож солиғи, солиқлар ва тўловларсиз олиб киришга рухсат этади. Бунда фақат сақлаш, ташиниш ва шунга ўхшаш хизматлар учун тўловлар ундирилади. Агар дипломатнинг шахсий юки олиб чиқиб кетиш ёки олиб киришда қонунда тақиқланган буюмлар бор, деб ўйлашга жиддий асос бўлмаса, у қўздан кечиришдан халос қилинади.

Юқорида кўрсатилган имтиёзлар ва иммунитетлар, агар улар ваколатхона жойлашган давлат фуқаролари бўлмасалар, дипломатнинг оила аъзоларига ҳам берилади.

Дипломатик ваколатхона бошлиғи бундан ташқари яна бир қатор имтиёзлардан ҳам фойдаланади. Буларга ваколатхона биноти ва ўз қароргоҳида, шунингдек, ҳаракат воситаларида ўз давлати байроғини кўтариш, ваколатхона бинотида диний расм-русумларни адо этиш учун махсус бинога эга бўлиш ҳуқуқи, маросим характерига бир қатор одатлар кирди.

Ҳозирги пайтда дипломатик имтиёзлар ва иммунитетларни энг жиддий ва тез-тез бузиш ҳодисалари, айрим давлатларда эса дипломатларни ўғирлаб кетиш (одатда бу товон тўлашни талаб қилиш билан қўшилиб кетади) ва айрим давлатлар дипломатларига нисбатан ирқий камситиш кўринишлари содир бўлмоқда.

Ҳозиргача дипломатия ваколатхоналари бошлиқлари ва ваколатхоналарнинг дипломатик ходимлари, улар билан бирга яшаб турган оила аъзолари шахсий имтиёзлар ва иммунитетлардан тўла ҳажмда фойдаланиб келдилар. Халқаро ҳуқуқ маъмурий-техник, хизмат кўрсатувчи ходимларга имтиёз ва иммунитет беришни юкламайди. Шунга қарамай, одатда улар ҳам у ёки бу ҳажмда имтиёз ва иммунитетдан фойдаланадилар.

1961 йилги Вена Конвенциясига биноан дипломатик ваколатхонанинг маъмурий-техник ходимлари, аъзолари ва уларнинг бирга яшаб турган оила аъзолари, агар улар ваколатхона жойлашган давлат фуқароси бўлмасалар ёки унда муқим яшаб турмасалар, шахсий дахлсизлик, уй-жой дахлсизлиги, жинсий судловдан иммунитет, солиқлар, тўловлар ва мажбуриятлар, шунингдек, айрим бож имтиёзларидан фойдаланадилар. Мазкур ходимлар ёки уларнинг оила аъзолари хизмат вазифасини ўтаётган бўлсалар, фуқаролик ва маъмурий ҳуқуқий-судловда ҳам иммунитетга эга бўлади.

Хизмат кўрсатиш ходимлари Вена Конвенциясига мувофиқ ўз вазифаларини ижро этиш чоғида содир бўлган хатти-ҳаракатларга нисбатан иммунитетдан фойдаланадилар, солиқ, тўлов ва ўзлари олаётган иш ҳақидан бож тўлашдан озод қилинадилар.

Ваколатхона ходимларининг уй хизматчилари, агар улар ваколатхона жойлашган давлат фуқаролари бўлмасалар ёки унда муқим яшамасалар, солиқ тўлов ва ўз иш жойларида олаётган иш ҳақидан бож тўлашдан озод қилинади.

Имтиёз ва иммунитетдан фойдаланаётган шахслар ваколатхона жойлашган давлат қонун ва қоидалари би-

лан ҳисоблашмасликлари мумкин, деган маънони билдирмайди. Вена Конвенциясида махсус кўрсатилишича, имтиёз иммунитетларга зиён етказилмаган ҳолда улардан фойдаланаётган ҳамма шахслар ваколатхона жойлашган давлат қонун ва қоидаларини ҳурматлашга мажбурдирлар. Улар, шунингдек, бу давлатнинг ички ишларига ҳам аралашмасликлари лозим.

Ваколатхона жойлашган мамлакат қонун ва қоидаларини бузганлик учун дипломатни жавобгарликка тортиш мумкин бўлмаса ҳам у шу мамлакат ҳукумати томонидан персона-нон-грата деб эълон қилиниши ва мамлакатни тарк этишга мажбур қилиниши мумкин.

Вена Конвенциясига мувофиқ дипломатлар ваколатхона жойлашган давлатда шахсий бойлик орттириш мақсадида савдо-сотиқ фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Имтиёз ва иммунитетларга эга бўлган ҳар бир шахс ваколатхона жойлашган давлат ҳудудига кириб келган вақтдан бошлаб, бу ҳудуддан чиқиб кетгунга қадар, ҳатто ваколатхона жойлашган давлат билан аккредитация давлати ўртасида қуролли можаро юз берган тақдирда ҳам ундан фойдаланади.

Ваколатхона ходими вазифасини бажараётган шахс томонидан хизмат устида содир қилинган ҳаракатларга нисбатан, агар бу шахс шу вазифаларни бажараётган тақдирда ҳам иммунитет сақланади. Бошқача қилиб айтганда, агар шу давлатда дипломатик имтиёзлар ва иммунитетдан фойдаланган шахс кейинчалик унинг ҳудудига шундай имтиёз ва иммунитетларга эга бўлмаган ҳолда қайтса, у вақтда бу шахс дипломатик ваколатхона ходими вазифасини бажариш чоғида содир қилган ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Бироқ шахс дипломатик ваколатхона ходими бўлиб турган пайтларда ўз хизмат вазифасидан ташқари ҳолатда содир қилган ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

Учинчи давлат ҳудудидан ўтиб бораётган дипломатлар ва уларнинг оила аъзолари шу давлат ҳудудидан ўтишни таъминлаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган дахлсизлик ва бошқа иммунитетлардан фойдаландилар.

Учинчи давлатлар ўзларининг ҳудудларидан ваколатхонанинг маъмурий-техник ходимлари ва хизмат кўр-

сатувчи ходимларининг ҳамда уларнинг оила аъзоларининг ўтиб кетишларига монелик қилмасликлари керак.

4. Савдо ваколатхоналари

Савдо ваколатхонаси давлатнинг чет эл ташқи савдо соҳасидаги муносабатларида унинг вазифасини амалга оширувчи ваколатли органдир. У тегишли давлат билан битимга асосан тузилади. Савдо ваколатхоналари бўлмаган мамлакатлардаги элчихоналарда одатда савдо маслаҳатчилари ёки савдо атташелари бўлади. Улар ташқи савдо соҳасида муайян вазифаларни бажаради.

Савдо ваколатхонаси (бинобарин, давлат) савдо ваколатхонаси томонидан тузилган ёки кафолатланган битимлар бўйича жавобгар бўлади. У чет эл судларида даъвогар сифатида чиқиши мумкин. Жавоб берувчи сифатида мазкур судларда фақат савдо ваколатхонаси томонидан тузилган ёки кафолатланган битимлардан келиб чиқадиган бахслар бўйича маҳаллий судларга бўйсундирилишига розилик берган давлатлардагина чиқиши мумкин. Бу қоидалар чет эл давлатлари билан тузилган кўплаб савдо шартномалари ва битимларида ўз ифодасини топиб, савдо ваколатхонасининг чет эл давлатидаги ҳуқуқий ҳолатини белгилайди.

Қоида тариқасида савдо ваколатхонаси шу мамлакатдаги дипломатия ваколатхонасининг қисми эканлиги кўрсатилади. Шунга биноан:

— савдо ваколатхонаси бинолари дипломатик ваколатхоналари бинолари каби дахлсиз;

— савдо ваколатхонаси шифрланган алоқа воситасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга;

— у солиқ ва тўловлар тўламайди;

— савдо ваколатхонасининг муайян бахслари бўйича маҳаллий ҳуқуқий судловга бўйсундирилишига розилик берганидан ташқари ҳолатларда суд иммунитетидан фойдаланади;

— савдо вакили ва унинг икки ўринбосари барча дипломатик имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланади;

— савдо ваколатхонасининг бошқа ҳамма ходимлари 1961 йилги Вена Конвенциясига биноан тегишлича маъмурий-техник ва хизмат қилувчи ходимлар иммунитетларидан фойдаланадилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин кўпгина йирик давлатлар, шунингдек, ривожланаётган давлатлар ўз элчи-

хонларида савдо маслаҳатчилари, савдо котиблари ва атташелари лавозимларини жорий эта бошладилар. Бу ходимларнинг аппарати кўпинча ваколатхонанинг савдо бўлими деб номланади. Улар савдо масалалари, кўпинча икки давлат ўртасидаги муносабатларда юзага келадиган бошқа иқтисодий масалалар билан шуғуллашадилар. Бир қатор мамлакатларда бошқа ижтимоий муҳит қарор топган ва улар ташқи савдо устидан давлат монополиясига эга бўлмаганликлари сабабли уларнинг вакиллари вазифаси айрим давлатлар савдо ваколатхоналари ва савдо маслаҳатчилари (котиблар, атташелар) функциясидан жиддий фарқ қилади. Савдо маслаҳатчилари (котиблар, атташелар) ваколатхона жойлашган давлатнинг ташқи савдо вазирлиги ёки ташқи савдо билан шуғуullanувчи бошқа вазирликлари билан доимий алоқада бўладилар, элчихона (миссия) дипломатик ходимлари таркибига кирадилар, савдо идорасининг ходимлари эса элчихона ходимлари ҳисобланадилар. Улар фойдаланадиган ҳуқуқий даража, имтиёз ва иммунитетлар уларнинг мана шу мавқелари билан белгиланади.

5. Халқаро ташкилотлар ҳузуридаги давлатларнинг доимий ваколатхоналари

Давлатларнинг халқаро ташкилотлари ҳузуридаги доимий ваколатхоналари нисбатан янги институт бўлиб, иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро ташкилотларнинг аҳамияти ўса боргани сари айниқса кенг тарқалди. Бундай ваколатхоналар аввало Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида мавжуд. Кўпгина давлатлар БМТ ихтисослашган ташкилотлари ҳузурида доимий ваколатхоналарига эгадир. Улар кўпинча минтақавий ташкилотлар (мисол учун Оврўпо иқтисодий ҳамжамияти) ҳузурида ҳам ташкил этилади. Умумий қоидага биноан фақат муайян халқаро ташкилотлар аъзоси бўлган давлатгина унинг ҳузурида ваколатхонага эга бўлиши мумкин. Ташкилот аъзоси бўлмаган давлатлар халқаро ташкилот қоидалари йўл қўйган тақдирдагина унинг ҳузурида кузатувчиларнинг доимий миссиясини сақлаши мумкин.

Халқаро ташкилот ҳузуридаги доимий ваколатхона вазифасига уни тайин этган давлат вакиллигини таъминлаш ва ташкилотга нисбатан унинг манфаатларини

ҳимоя қилиш, у билан алоқа қилиб туриш, унинг фаолияти хусусида ўз ҳукуматига ахборотлар бериб туриш ва бошқалар киради.

Халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналар, шунингдек, кузатувчилар миссиялари давлат органлари сифатида муайян имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланадилар.

6. БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхона ходимларининг имтиёз ҳамда иммунитетлари

Давлатларнинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхоналари умуман дипломатик имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланадилар. Улар давлатнинг дипломатик ваколатхоналаридан кам бўлмаган ваколатли органлари ҳисобланади. Ўз вазифаларини бажаришлари учун БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхоналар каби ваколатхона жойлашган давлат маъмурларидан мустақил мақомига эҳтиёж сезади.

Афсуски, 1946 йилги БМТ имтиёзлари ва иммунитетлари Конвенцияси ваколатхоналар хусусида мутлақо бирон-бир қонидани кўзда тутмайди, балки вакилларнигина (бу атама вакил, унинг икки вакилини, техник экспертлар ва котибларни ўз ичига олади) кўзда тутиб, улар учун хизмат вазифасини бажараётганларида шахсан ҳибсга олишларидан иммунитетини ва бошқа иммунитетларни, жумладан, вакил қароргоҳининг дахлсизлигини ўз ичига олади. БМТ ва АҚШ ўртасида 1947 йилги битим ҳам давлат органлари сифатидаги доимий ваколатхоналар тўғрисидаги махсус бирор бир қонидан кiritмайди, балки фақат доимий вакиллар ҳақида сўз юритиб, дипломатик вакиллар фойдаланган дипломатик имтиёзлар ва иммунитетларнинг ҳаммасидан улар фойдаланишлари мумкинлиги ҳақида сўз юритади. Бу билан, албатта, доимий ваколатхона эга бўлган имтиёз ва иммунитетларга эга эканлиги назарда тутилади.

1946 йил Конвенциясига биноан Ташкилот аъзоларининг БМТ асосий ва ёрдамчи органлари ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти чақирадиган конференциялардаги вакилларига улар хизмат вазифасини бажариб турган чоғларда шахсий қамоқ ва ушлаб туришлардан иммунитет, расмий ҳаракатларга нисбатан суд иммунитети, қоғоз ва ҳужжатларнинг дахлсизлиги, курьерлар ва шифрдан фойдаланиш ҳуқуқи, солиқ имунитет-

тетлари ва шунга ўхшаш имтиёз ва иммунитетлар берилади. Бинобарин, Конвенция қароргоҳи дахлсизлиги ва тўла суд иммунитетини сингари муҳим иммунитетларни таъминлайди.

Чамаси, БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхоналар бошлиқлари ва уларнинг вакиллари иммунитетларини шу тариқа чеклаш мутлақо асоссиздир.

1977 йилги БМТ билан АҚШ ўртасидаги битим давлатларнинг БМТ ҳузуридаги элчи ёки вакил даражасидаги доимий вакиллари, шунингдек, БМТ Бош котиби, АҚШ ҳукумати ва БМТ аъзоси бўлган тегишли давлат ўртасида ўзларига нисбатан тегишли битимга эришилган доимий ваколатхоналарнинг ходимлари дипломатик иммунитетлардан ва имтиёзлардан тўла ҳажмда фойдаланишлари белгиланади. Шунга кўра кейинчалик давлатларнинг БМТ ҳузуридаги ваколатхоналари барча дипломатик ходимлари дипломатик имтиёз ва иммунитетларидан тўла ҳажмда фойдаланишлари тўғрисида шартлашиб олишга эришилди. Бу Конвенция 1978 йил 14 мартда Вена конференциясида қабул қилинди, бироқ ҳали кучга киргани йўқ. Конвенция икки хусусиятга эга:

1) универсал характердаги халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналарнинг ходимларига имтиёз ва иммунитетлар беришнинг мавжуд тажрибасини анча ривожлантиради;

2) бу давлат органларининг ягона халқаро ҳуқуқий мақомини кўзда тутди.

1975 йилги Конвенция давлатларнинг универсал характердаги халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналари ва ваколатхоналарининг ҳуқуқий мақоми, албатта халқаро ташкилотларнинг алоҳида мақоми ҳисобга олган ҳолда 1961 йилги Вена Конвенциясида кўзда тутилган дипломатия ваколатхоналари ва уларнинг ходимлари мақомига ўхшашдир. Бу шубҳасиз, тўғри, чунки у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам суверен давлатларнинг бошқа давлатлар ҳудудидаги ваколатхоналари ҳақида гап бормоқда.

Кўриб чиқиладиган Конвенциянинг у кучга киргандан кейинги самарадорлиги (бунинг учун 35 ратификация ёрлиғи тўпланиши талаб қилинади) ҳудудларда универсал халқаро ташкилотлар жойлашган давлатларнинг қанчаси уни ратификациялашига боғлиқ.

1977 йилги Конвенция доимий ваколатхоналар им-

тиёзлари ва иммунитетларини халқаро ташкилотлар ҳузуридаги кузатувчиларнинг доимий миссиясига ҳам ёяди. Шунингдек, унда халқаро ташкилотлар органларида ва халқаро ташкилотлар чақирган ёки улар раҳбарлигида чақирилган конференцияларда давлат делегацияларининг ҳуқуқий мақоми ҳам белгиланган. У, хусусан, делегация раҳбари, бошқа делегатлар ва делегациянинг бошқа аъзолари яшаш жойлари дахлсизлиги, уларнинг оила аъзоларининг дахлсизлиги, муносабатлар эркинлигини кўзда тутди.

7. Махсус миссиялар

Бошқа давлатга унинг розилиги билан муайян масалалар бўйича музокаралар олиб бориш ёки бошқа аниқ вазифани бажариш учун юбориладиган муваққат миссия «Махсус миссия» деб номланади. Бошқача айтганда, махсус миссиялар икки томонлама муносабатларда у ёки бу вазифани бажарувчи давлат делегацияси (икки томонлама музокаралар, хилма-хил маросимлар, чунончи, давлат бошлиғининг вазифасини бажаришга киришишига бағишланган маросимлар, юбилейлар, дафн маросимида иштирок этувчилар) тушунилади. Кўп томонлама халқаро ташкилотларнинг органларига йўналган давлат делегациялари ҳам махсус миссиялар қаторига киради. Махсус миссияларнинг ҳуқуқий аҳволи халқаро ҳуқуқнинг одатдаги нормалари билан белгиланади. 1969 йили БМТ Бош Ассамблеяси БМТ халқаро ҳуқуқ Комиссияси тайёрлаган махсус миссиялар тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилди. Бу Конвенция асосан, одатдаги нормалар ёки бу соҳада қарор топган тажрибани қайд этади. Конвенция 1961 йилги дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена Конвенциясида кўрсатилган дипломатия ваколатхоналари ва уларнинг ходимлари имтиёзлари ва иммунитетлари махсус миссиялар ва уларнинг ходимларига ҳам ёйилиши кераклигидан келиб чиқади.

Махсус миссиялар тўғрисидаги Конвенцияда махсус миссия давлат бошлиғи, ҳукумат бошлиғи, ташқи ишлар вазири ёки олий мақсаддаги бошқа шахс томонидан бошқарилган ҳолларни ёхуд бундай шахслар махсус миссияда қатнашганларида, улар қабул қилувчи давлатда ёки учинчи давлатда улар учун халқаро ҳуқуқ тан олган афзалликлар, имтиёзлар ва иммунитетлардан фойдаланилиши изоҳланган.

8. Халқаро ташкилотларнинг имтиёзлари ва иммунитетлари

Ҳукуматлараро халқаро ташкилотлар муайян давлатларнинг ҳудудларида жойлашиб, ўз вазифаларини нормал амалга ошириши учун муайян имтиёз ва иммунитетларга эҳтиёж сезади. Улар бу ташкилот жойлашган давлат маъмурларидан мустақиллиги таъминланиши учун зарур. Шунинг учун универсал халқаро ташкилотлар ҳам, минтақавий халқаро ташкилотлар ҳам имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланади.

Давлатларнинг ва ваколатли органларининг имтиёзлари ва иммунитетлари умумий ҳуқуқ томонидан барча давлатлар учун бир хил суверен тенглик асосида белгилаб қўйилади. Турли халқаро ташкилотларнинг имтиёзлари ва иммунитетлари, бундан фарқли ўлароқ, ҳажми, низомлари ва бир ёки бир нечта халқаро ташкилотларга оид тегишли халқаро шартномалар билан белгиланади. Турли халқаро ташкилотлар учун кўзда тутилган имтиёз ва иммунитетлар уларни тенглаштиришга бўлган тенденция амал қилиши бу шартномалар билан шубҳасиз, бир хил бўлмайди.

Ташкилотнинг имтиёзлари ва иммунитетлари БМТ дипломатик ваколатхоналар каби имтиёз ва иммунитетларга эга. Бундан ташқари, айрим қўшимча имтиёзлардан ҳам фойдаланади. Шу билан бирга БМТ имтиёзлари ва иммунитетларида унинг ўзига хос хусусияти ҳам акс этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига бинолар, ёзишмалар, архивлар, хусусий мулк, алоқалар эркинлиги (унга шифр ва курьерлардан фойдаланиш ҳам киради), солиқ ва бож тўловларидан озод қилиниши, эмблема ва байроққа ҳуқуқ ва шунга ўхшаш дахлсизликлар берилди.

БМТ Нью-Йоркдаги ўз ҳудудида хавфсизлик хизматига эга. Бироқ АҚШ судлари БМТ ҳудудида содир этилган жиноятларга нисбатан ҳуқуқий судловни амалга оширади. Шу билан бирга, АҚШ маъмурлари унинг ҳудудида ҳеч қандай процессуал ҳаракатлар (тинтув, қамоққа олиш ва бошқалар)ни БМТ Бош котибининг розилигисиз бажара олмайди.

БМТ ва АҚШ ўртасидаги бу Ташкилот қароргоҳи тўғрисидаги битимга мос равишда АҚШ, давлатларнинг вакиллари, БМТ ходимлари ва бошқа расмий шахслар-

нинг БМТ ҳудудига киришлари ва ундан чиқишларига монелик қилмасликка мажбурдир. Улар, шунингдек, БМТ ходимлари, экспертлар, давлатларнинг БМТ ҳузуридаги ваколатхоналари ходимларига АҚШга кириш учун визалар беришга мажбур.

БМТ билан Швейцария ҳукумати ўртасидаги битимга биноан (1946 йил) БМТ Оврўподаги бўлимнинг Женевадаги қароргоҳи ҳам шундай ҳолатдадир.

Юқорида кўрсатилган имтиёз ва иммунитетларнинг асосийлари, аввало, бинолар, ёзишмалар, архивлар, алоқа эркинлиги ва бошқа дахлсизликлар, шунингдек, БМТнинг Нью-Йорк ва Женевадан ташқарида бўлган органлари доимий жойлашган ёки айрим мажлислар ўтказиладиган жойга ҳам берилади.

БМТ ходимларининг имтиёзлари ва иммунитетлари. Дипломатик имтиёзлар ва иммунитетлар тўла ҳажмда БМТ ходимларининг нисбатан чекланган доирасига, хусусан, БМТ Бош котиби, унинг барча ўринбосарларига берилади. Шу жиҳатдан БМТ иқтисодий комиссияларининг ижрочи котиблари Осиё, Лотин Америкаси, Африка учун Бош котиб ўринбосарларига тенглаштирилади. БМТнинг Ҳиндистон ва Покистон бўйича вакили, Бош котибнинг Кипрдаги вакили, БМТнинг Кипрдаги қўшинлари қўмондони ва БМТнинг қатор ходимлари Бош котиб ўринбосарларига тенглаштирилади. Дипломатик имтиёзлар ва иммунитетлар, шунингдек, бу шахсларнинг рафиқалари ҳамда балоғатга етмаган болаларига ҳам берилади.

БМТнинг 1946 йилги имтиёзлар ва иммунитетлар тўғрисидаги Конвенцияси БМТнинг қолган барча ходимлари учун функционал иммунитетни кўзда тутди. Улар ўзлари хизмат вазифасини бажариб турганларида содир этган ҳаракатларига нисбатан маҳаллий ҳуқуқий судловдан озод қилинадилар, солиқ иммунитетларидан ва бошқа айрим имтиёзлардан фойдаланадилар.

Конвенцияга биноан БМТ учун миссияни бажараётган экспертларга бу вазифаларни бажариш учун зарур имтиёз ва иммунитетлар берилади. Ноҳукумат халқаро ташкилотларнинг аъзолари, БМТ органлари томонидан ахборот олиш учун, БМТ томонидан ташкил этиладиган кенгашлар, симпозиумлар ва бошқа мажлисларга чақириладиган шахслар ҳам шундай ҳолатда бўладилар.

Ихтисослаштирилган ташкилотлар имтиёзлари ва иммунитетлари 1947 йилги Конвенцияга мувофиқ БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилотлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фойдаланадиган иммунитет ва имтиёзлар: бинолар, ёзишмалар, архивлар иммунитетидан, шифрланган телеграммалардан фойдаланиш ҳуқуқидан, махсус курьерлардан, солиқ иммунитетлари ва бошқалардан фойдаланади.

Халқаро ташкилотлар ходимларининг имтиёзлари ва иммунитетлари. 1947 йилги Конвенция шуни кўзда тутадики, дипломатик имтиёз ва иммунитетлар ҳар бир ташкилотнинг олий ижрочи шахсига (бош директор, бош котиб), унинг рафиқаси ва балоғатга етмаган болаларига тўла ҳажмда берилади.

Конвенциянинг айрим ихтисослаштирилган ташкилотларга тааллуқли иловалари, шунингдек, ҳар бир ихтисослаштирилган ташкилот билан ташкилот жойлашган давлат ўртасида тузиладиган битимлар, одатда, бу имтиёз ва иммунитетларни бошқа бир қатор олий мартабали шахсларга ҳам берилишичи кўзда тутади. Чунончи, халқаро меҳнат ташкилотига тааллуқли I-иловага биноан ХМТ Бош директоридан ташқари унинг ўринбосарлари ва ёрдамчилари (уларнинг рафиқалари ва балоғат ёшига етмаган болалари) кўзда тутилади.

IV — иловага кўра, ЮНЕСКО Бош директори билан бир қаторда Бош директор ўринбосари, унинг рафиқаси, балоғатга етмаган болалари ҳам имтиёз ва иммунитетлардан тўла ҳажмда фойдаланишлари кўзда тутилган.

ЮНЕСКО билан унинг жойлашган мамлакати — Франция ўртасида тузилган битим Франция ҳудудида ЮНЕСКОнинг бошқа бир қатор хизматчилари, уларнинг рафиқалари ва қарамоғларидаги болаларига дипломатик имтиёз ва иммунитетлар беради. Ихтисослаштирилган ташкилотларнинг қолган ҳамма ходимлари БМТ ходимлари каби функционал иммунитетдан фойдаланадилар.

9. Консуллик ваколатхоналар

Давлатлар дипломатик муносабатлар билан бирга бир-бирлари билан консуллик муносабатларини ҳам

олиб боради. Бунинг учун давлатлар ўртасидаги битишувга мувофиқ ташкил этиладиган консуллик ваколатхоналари алмашинилади. Консуллик муносабатлари ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатмаган давлатлар ўртасида ҳам ўрнатилиши мумкин. Дипломатик муносабатларнинг узилиши, аксинча, консуллик алоқалари бузилганлигини билдирмайди.

Бир давлатнинг иккинчи давлат ҳудудидаги консуллик ваколатхоналари миқдори давлатлар ўртасида консуллик муносабатлар ўрнатилган битимда белгиланади. Консуллик ваколатхоналарини консуллар бошқаради. Дипломатик вакиллардан фарқли равишда консуллар ўз давлатларининг ваколатхона жойлашган давлатдаги мухтор ваколатли вакиллари эмас. Улар ўз давлатларининг фақат муайян доирадаги масалалар бўйича вакили ҳисобланади.

Айрим давлатлар штатли ва штатсиз (фахрий) консуллар тайинлайди. Фахрий консуллар консуллик жойлашган мамлакат кишиларидан кўпинча савдогарлар, адвокат ва бошқалар тайинланади, лекин улар тайинловчи мамлакат фуқаролари ҳам, учинчи давлат фуқароси ҳам бўлиши мумкин. Улар тайинловчи давлат хизматчилари штатида турмай, маош олмайди. Лекин умумий қоидага кўра, бундай консулхона тўплайдиган консуллик тушумлари фахрий консуллик даромадига қўшириложлантиришга кўмаклашиш;

лади. Бир қатор ривожланган мамлакатлар кўпинча штатли консулдан кўра, фахрий консул тайинлайди.

Консуллик ваколатхоналарнинг вазифалари хилма-хилдир. 1963 йилги Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Конвенция бу масалада амалдаги халқаро ҳуқуқни ифодалайди. Шунга кўра, консулхонанинг асосий вазифалари:

— ўз давлати, унинг фуқаролари, юридик шахслар манфаатларини муҳофаза ва ҳимоя қилиш;

— кўрсатилган давлатлар ўртасида савдони рағбатлантириш ва иқтисодий, маданий ва илмий алоқаларни

— вакили бўлган давлат фуқароларига нисбатан маъмурий ва нотариал вазифанинг бажарилиши;

— ўз мамлакати денгиз ва ҳаво флоти кемалари, шунингдек, уларнинг экипажларига нисбатан вазифаларини бажариш;

— ўз округи иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий ҳаётини кузатиб бориш ва ўз давлати ташқи ишлар идорасига

бу масалаар бўйича ахборот бериб туриш ва бошқалардан иборат.

Консулхона вазифаларини бажариш чоғида ўз давлати ҳуқуқи, шунингдек, халқаро ҳуқуқ, аввало, ўз давлатининг ваколатхона жойлашган давлат билан халқаро шартномаларига таянади. Бунда консулхона фақат консуллик Конвенцияси билангина эмас, балки ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномалар, ижтимоий таъминот, ҳаво, денгиз ва бошқа алоқалар тўғрисидаги шартномалар билан ҳам иш кўришига тўғри келади. Табиийки, консулхона ўз вазифасини ваколатхона жойлашган давлат ҳуқуқларини ҳисобга олган ҳолда бажаради.

Консулхоналар фақат ўз округларининг маҳаллий маъмурлари билан бевосита муносабатда бўлади, марказий ва бошқа округларнинг маъмурлари билан ўз мамлакатининг дипломатик ваколатхонаси орқали муносабатга киришади. Одатдаги консуллик ваколатхоналари ташқи ишлар идорасига, шунингдек, дипломатик ваколатхонага бўйсунди. Консуллар ўзларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш чоғида ваколатхона жойлашган мамлакат суди ва бошқа органлари олдида ўз мамлакати фуқароси ва юридик шахслари номидан консуллик Конвенциясида кўзда тутилган тартибга ва ваколатхона жойлашган давлат қонунларига биноан иш кўради.

Консулхонанинг муайян расмий ҳаракатларининг бажарилганлиги учун ўз фуқароларидан ҳам, чет эл фуқароларидан ҳам консуллик тўловлари ундирилади. Бундай тўловларга: визалар бериш, фуқароликка қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномаларни расмийлаштириш; фуқаролик ҳолати рўйхатидан ўтказиш, ҳужжатларни қонунлаштириш ва нотариал тасдиқлаш; меърос ишлари бўйича тўловлар ва бошқалар кирази

Кўпинча давлатлар ўртасида жами ёки қисман қилинган ишлар учун консуллик тўловлари ундиришдан воз кечиш тўғрисида ўзаро битим тузилади.

1963 йилги Вена Конвенцияси бўйича консуллик мартабалар (класслар) тўртга бўлинади. Булар бош консул, консул, вице-консул ва консул агентидир.

Консуллик муассасаларининг башлиғи бўлмаган консуллик мансабдор шахсларни турли номлар билан: консул ўринбосарлари, консул ёрдамчилари, проконсул деб атайдилар.

Бош консул консулхонани бошқаради. Консул ва вице консул тегишлича консулхона ва вице-консулхонани бошқаради ва ҳоказо.

Айрим мамлакатларда консуллик хизмати дипломатия хизматидан ажратилган ва бу хизмат ходимларига махсус даражалар берилади. 1963 йилги Конвенцияда кўзда тутилганидек, консулхона ходимлари уч тоифага: 1) консуллик хизматида туриб, консуллик вазифаларини бажараётган консуллик мансабдор шахслар; 2) маъмурий-техник ишларни бажарувчи консуллик хизматчилари; 3) хизмат кўрсатувчи ходимларга бўлинади.

Консуллик муносабатлари тажрибасида дипломатия ваколатхоналари таркибида консуллик бўлимлари ҳам ташкил этилган. Бу бўлимларни консул сифатида тан олинган ва шундан келиб чиқадиган барча оқибатларга дахлдор мудирлар бошқаради. Дипломатик ваколатхона мудирига, умумий қоида тариқасида, патент ва экзекватура берилмайди, ваколатхона жойлашган мамлакат ҳукумати муассасалари билан муносабатларда у худди дипломатия ваколатхонаси ходими сифатида ҳаракат қилади.

Консуллар юборувчи давлат томонидан тайинланади ва қабул қилувчи давлат томонидан хизмат бурчини бажаришга қўйилади. Кўпгина давлатларга консуллик вакилларни тайинлаш, шунингдек, чет эл консулларини қабул қилиш ташқи ишлар идоралари ҳуқуқи доирасига киради.

Консулга консуллик патенти (унинг ваколатлигини тасдиқловчи гувоҳнома) берилади. Консулнинг мартабаси тайинланаётган давлат билан олдиндан келишиб олинади. Консуллик патенти одатда дипломатик каналлар орқали консул тайинланаётган давлат маъмурларига экзекватура (консул томонидан ўз вазифаларини бажаришга розилик) олиш учун юборилади. У алоҳида ҳужжат тарзида ҳам, консуллик патентига тегишли ёзувлар қилиш йўли билан ҳам берилиши мумкин. Давлатларнинг кўпчилигида экзекватура ташқи ишлар идораси томонидан берилади. Экзекватура олиниши билан консул ўз вазифаларини бажаришга киришган ҳисобланиб, шу ондан бошлаб мазкур консуллик корпусида бошқа консулларга нисбатан катта-кичиклиги белгиланади. Одатда ваколатхона жойлашган давлат маъмурлари (ташқи ишлар идораси) консулларга, консуллик

карточкалари беради. У мазкур шахс муайян давлат консули эканлигини ва халқаро ҳуқуққа асосан, имтиёзлар ва енгилликларга эга эканлигини билдиради.

Консуллик ваколатхоналарининг фаолияти: 1) тайинловчи давлат уни қақриб олиши; 2) консулнинг персона нон-грата (нолойиқ шахс) деб эълон қилиниши; 3) агар консуллик-оқруги ваколатхона жойлашган давлат суверенитетидан чиқса; 4) консуллик муассасаси ёпилса; 5) жўнатган ва қабул қилган давлатлар ўртасида уруш чиқса, тугатилади. Бунда консул ҳуқуматининг кўрсатмасига биноан ўз ватандошларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилишни учинчи давлат консулига топшириши мумкин.

Консуллик вакилнинг иш олиб борувчи райони консуллик оқруги дейилади. У икки давлат ўртасида битишувга биноан белгиланади. Консуллик оқруги ҳамиша консуллик патентида кўрсатилади. Давлат у чет эл консуллариини қўйишига рози бўладиган районларни белгилаш ҳуқуқига эга. Шунингдек, у ёки бу районда консулхона таъсис этишга розилик беришдан бош тортиши ҳам мумкин.

Муайян аҳоли яшайдиган жойдаги барча консуллар йиғиндиси консуллик корпусини билдиради. У, асосан, маросим ва протокол аҳамиятига эга. Давлатда консуллик оқруглари бир неча бўлганлиги учун консуллик корпуслари ҳам бир нечта бўлади. Консуллик корпусининг бошида оқсоқол туради. У мана шу консуллик оқругида даража бўйича катта ва эквекватураани энг олдин олган консулхона бошлиғи бўлади.

Консулхона вазифасини бажариш учун ваколатхона жойлашган давлатда уларга бу шароитда ваколатхона жойлашган давлат маъмурларининг назоратидан ҳоли бўладиган шароитлар яратилиши керак. Шу мақсадда консуллик ваколатхоналарига, уларнинг бошлиқлари ва мансабдор шахсларига халқаро ҳуқуқ асосида тегишли ҳуқуқлар, енгилликлар ва имтиёзлар берилади.

Консуллик имтиёзлари ва иммунитетлари ҳам дипломатия имтиёзлари ва иммунитетларига ўхшаш: давлатнинг чет эл органи сифатидаги консуллик ваколатхонасининг имтиёзлари ва иммунитетлари; консуллик мансабдор шахсларнинг ва хизматчиларнинг имтиёзлари ва иммунитетларидан иборат.

1963 йилги консуллик муносабатлар тўғрисидаги Вена Конвенциясига биноан консуллик имтиёзлари ва

иммунитетларига: консулхона биноларининг дахлсизлиги (ёнғин ва бошқа офатлардан истисно тарзида); хизмат архивлари ёзишмалари; консулхонага тегишли мол-мулк ва ҳаракат воситалари; тинтувлар, мусодаралар ва бошқа ижро хатти-ҳаракатларидан халослик, барча солиқ ва божлардан халослик; ўз давлати ҳукумати, дипломатик ваколатхоналари, консулхоналари билан муносабатлар эркинлигига эга.

Консуллик ваколатхоналарнинг консулхона биносига; консуллик муассасаси бошлиғи қароргоҳига ва хизмат вазифасини бажараётганида унинг ҳаракат воситаларига давлат байроғи ва гербини илиб қўйиш сингари фахрий имтиёзларига эга.

1963 йилги Вена Конвенцияси, аввало, консуллик мансабдор шахсларнинг имтиёзлари ва иммунитетларига уларнинг оғир жиноятлар қилиш ҳолларидан ташқари ҳолларда суд ҳукми чиқарилгунча ҳибсга олиш ва қамаш мумкин эмаслигини ифодаловчи шахсий дахлсизликни билдиради. Кейинги ҳолатдан бошқа вақтларда улар фақат қонун кучига кирган суд қарорларини амалга ошириш мақсадидагина қамалиши ёки шахсий эркинлигини чеклашнинг бошқа шаклларига дучор қилинишлари мумкин.

Консуллик вазифасини бажариш чоғида содир этилган ҳаракатларга нисбатан ваколатхона жойлашган давлат суд ва маъмурий судловдан озод қилиниши Конвенцияда мансабдор шахслар учун ҳам, хизматчилар учун ҳам кўзда тутилади. Шахсий хатти-ҳаракатларга келганда, консулларга ваколатхона жойлашган давлат ҳуқуқий-судлови қўлланилади.

Ҳамма консулхона ходимлари суд ёки маъмурий ишлар бўйича гувоҳ сифатида чақирилмоғи мумкин. Лекин улар ўзларининг консуллик фаолиятлари билан боғлиқ ёки унга тааллуқли ёзишмаларга алоқадор масалалар бўйича гувоҳлик беришга мажбур эмас.

Консулхона ходимлари, хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари, воситали солиқлар, шунингдек, хизмат учун тўловлардан озод қилинади.

1963 йилги Консуллик Конвенцияси бўйича консуллик мансабдор шахслари ва уларнинг оила аъзолари божхона имтиёзлари борасида амалда дипломатларга тенглаштирилади.

Консуллик имтиёзлари ва иммунитетлари кўп жиҳатдан икки томонлама консуллик муносабатлари ва

ваколатхона жойлашган давлат ички қонунларига боғлиқ. Бу кўпинча кўрсатилган имтиёз ва иммунитетларни анча кенгайтиришни кўзда тутади.

XI БОБ

ХАЛҚАРО ДЕНГИЗ ҲУҚУҚИ

1. Халқаро денгиз ҳуқуқи тушунчаси

Халқаро денгиз ҳуқуқи денгиз кенгликлари ҳолатини белгиловчи ва халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида жаҳон уммонида амалга ошириладиган фаолият муносабати билан улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрларни ифодаловчи халқаро ҳуқуқнинг муайян қисмидир.

Халқаро денгиз ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг энг қадимги тармоқларидан бири ҳисобланади. Унинг илдизлари қадимги даврдаёқ шакллана бошлаган эди. Чунончи, Рим билан Карфаген ўртасидаги шартномалар бўйича Карфаген ва Лациума қўлтиқларида, Испания, Ливия, Сардиния қирғоқларида чегаралар ва сузиш ҳолати белгиланганди. Денгиз кенгликларига монарх ҳокимиятини ёйишга интилиш ўрта аср ижтимоий-иқтисодий босқичи учун характерли эди.

Денгиз алоқаларининг ривожланиши монархларни денгизлардаги чексиз кенгликларга бўлган даъволардан воз кечишга ва қирғоқ яқинидаги минтақалар устидан назорат билан чекланишга мажбур қилди.

1960 йили БМТда денгиз ҳуқуқи бўйича II Женева конференцияси бўлиб ўтди. Унда ҳудудий денгиз ва балиқ овлаш зоналари кенглиги тўғрисидаги масала қараб чиқилди. Бироқ 60-йилларнинг охирида 70-йилларнинг бошларида шельфдан ташқаридаги денгиз туби ва унинг замини ҳуқуқий ҳолатини аниқлаш зарурати, бу минтақанинг маъдан бойликларини ўзлаштириш ҳолатини ишлаб чиқиш, шельфнинг ташқи чегараларини янада аниқроқ белгилаш ва ҳудудий сувлар кенглигининг ягона чеккасини белгилаш, сув муҳитини муҳофаза қилиш ва жаҳон уммонида илмий тадқиқотларни тартибга солиш меъёрларини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Бу ва бошқа масалаларни ҳал қилиш учун БМТ Бош Ассамблеяси 1970 йил 17 декабрда 2750 (XXV) номерли қарорни қабул қилди. Унга биноан БМТнинг ден-

гиз ҳуқуқи бўйича III конференцияси чақирилди. 1973 йилдан 1985 йилгача ўн битта сессия бўлиб ўтди. Натижада денгиз ҳуқуқи бўйича янги Конвенция тайёрланиб, 1982 йили қабул қилинди.

Конвенция амалдаги халқаро денгиз ҳуқуқининг барча асосий принципларини сақлаб қолди. Аини пайтда унга жамиятнинг ҳозирги тараққиёти ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий омилларининг халқаро денгиз ҳуқуқига таъсири ифодаси бўлган бир қатор янги қондалар қўшилди.

Умуман, шундай хулоса чиқариш мумкинки, халқаро денгиз ҳуқуқи ўзининг ривожланишида халқаро ҳам-жамият манфаатларига тўла жавоб берувчи янги, муҳим босқичга кўтарилди.

2. Ички денгиз сувлари

Тушунчаси ва таркиби. Ички денгиз сувлари, денгиз портлари, қўлтиқлар, кўрфазлар, бўғозлар, бурунлар, «тарихий сувлар» (бўғозлар, денгизлар, қўлтиқлар) сувларида, шунингдек, 1958 йилги ҳудудий денгиз ва туташ зона тўғрисидаги Конвенциянинг бешинчи моддаси ва 1982 йилги Конвенциянинг 8-моддасида айтилгандек, ҳудудий денгиз чегараси бошланадиган бирламчи чизиқдан бошлаб денгиз томонга қараган сувлардан иборат.

Кўрфаз қирғоқнинг қуруқликка кириб борадиган ва қуруқлик билан қуршаб олинган сувлар қирғоқлари аниқ тасвирланган чегарасидан кўра анча катта кенгликни ҳосил қилади. Агар энг кўп қуйилиш белгиси билан кўрфазга табиий кириш жойи ўртасидаги масофа 24 денгиз милидан ошмаса, туташувчи чизиқ қўйилишининг мана шу белгилари ўртасида ўтказилиши мумкин ва шундай йўл билан чекланган сувлар ички сувлар ҳисобланади.

Қирғоқбўйи давлатларига ички денгиз суви ҳолатини «тарихий» денгизлар ва кўрфазларга жорий этиш ҳуқуқи эътироф этилади. 1958 йилги ҳудудий денгиз ва туташ зона тўғрисидаги Конвенциянинг 12-моддасида айрим сувлар учун «тарихий» мақом тан олинади.

Ички денгиз сувлари — давлат чегараси бўлиб, қирғоққа чиққан давлат суверенитетига тўла бўйсундирилган.

1965 йилда халқаро денгиз кема қатновини енгилла-

тиш бўйича Конвенция қабул қилинди. Унинг асосий мақсади кеманинг портга кириши ва жўнаши тўғрисидаги ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнини енгиллаштиришдан, кеманинг кириш ёки чиқишини енгиллаштириш ва шу билан халқаро денгиз кема қатновини ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат. Мазкур Конвенцияга мувофиқ давлатлар ҳужжатларини расмийлаштиришнинг бир хилдаги жараёнига риоя қилмоқлари лозим. Бу жараён кеманинг чет эл портидаги аҳволини енгиллаштиради, унда бўлиш вақтини қисқартиради, халқаро кема қатновига кўмаклашади.

3. Ҳудудий денгиз

Ҳудудий денгиз (ёки ҳудудий сувлар) давлатнинг қуруқликдаги ҳудуди ёки ички денгиз сувларига туташган ўн икки денгиз миلىгача кенгликда бўлган камар бўлиб, давлатнинг ҳудуди таркибига киради ва унинг суверенитети остида бўлади, суверенитет халқаро ҳуқуқнинг кенг тан олинган меъёрларига риоя қилиш билан амалга оширилади.

Ҳудудий денгиз чегараси. Ҳозирги пайтда давлатларнинг асосий кўпчилиги 134 қирғоқбўйи давлатларининг 105 таси уч милдан ўн икки денгиз миلىгача кенгликдаги ҳудудий денгиз чегарасини белгилайди. 78 давлатнинг ҳудудий денгиз чегараси — 12 милл; 5 мамлакат — 6 милдан (Греция, Туркия ва бошқалар); Финляндия ва Норвегия — 4 милдан; 20 давлат — 3 милдан (шу жумладан АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Иордания, Тувалу). Айрим мамлакатлар 12 милдан кўп милни қабул қилганлар (Ангола — 20; Нигерия ва Того — 30; Гамбия, Танзания, Камерун, Мадагаскар — 50; Мавритания — 70 мил). Лотин Америкасининг 9 давлати ва Африканинг 7 мамлакати ўз суверенитетлари очиқ денгизнинг кенг районларига — 200 миллгача жорий этилганлиги тўғрисидаги баёнот билан чиқдилар. Габон очиқ денгиз чегарасини юз, Сенегал — 150 милл даражасини белгиладилар.

БМТ халқаро ҳуқуқ комиссияси 1956 йилда кўрсатиб ўтганидек, ҳудудий милнинг 12 милдан ортиқ кенгайтирилиши очиқ денгиз эркинлиги принципини бузади, шунинг учун халқаро ҳуқуққа зид.

Кўпчилик давлатларнинг ҳозирги тажрибаси халқаро ҳуқуқда ҳудудий денгиз кенглигини 12 денгиз миلىгача

Белгилувчи одатдаги норма таркиб топганлигини билдирмоқда.

Шундай қилиб давлатларнинг тажрибаси ва халқаро ҳуқуқ доктринаси ривожланган давлатларнинг кўп йиллик ва изчил нуқтаи назарини тўла тасдиқлади. Шунга кўра, 12 мил ҳудудий денгизнинг энг юқори чегараси, шунингдек, бу чегара кўп томонлама халқаро шартномада қабул қилинишини талаб қилувчи одатдаги норма бўлиб қолганлигини кўрсатади. 1982 йилги денгиз ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенциянинг учинчи моддасида бу ўз ифодасини топди ва конференцияда маъқулланди. Мазкур модда «ҳар бир давлат ўз денгиз суви кенглигини 12 милдан оширмасдан белгилаш ҳуқуқига эга. Бу масофа мазкур Конвенцияга биноан белгиланган дастлабки чизиқдан бошлаб ўлчанади», деб таъкидланади.

Сузиб ўтиш ҳуқуқи. 1958 ва 1982 йилги ҳудудий денгиз ва унга туташ зона тўғрисидаги Конвенция ҳудудий денгизга қирғоқ бўйи давлатининг суверенитети жорий этилишига тўхталиб, ҳудудий денгиз устидан суверенитет мазкур Конвенцияларининг қондалари ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа нормаларига риоя қилган ҳолда, яъни энг аввало чет эл кемаларининг ҳудудий сувлардан тинч сузиб ўтиш ҳуқуқига риоя этилган ҳолда амалга оширилади, деб алоҳида таъкидлайди.

Сузиб ўтиш 1982 йилги Конвенцияга мувофиқ ҳудудий денгизнинг ички сувларига кирмай, денгизни кесиб ўтиш ёки ички сувларга ўтиш ёхуд ички сувлардан очиқ денгизга чиқиш учун сузишдан иборат. Сузиб ўтиш тўхташ ва лангарда туришни ҳам ўз ичига олади. Бироқ булар одатдаги сузиш билан боғлиқ ёки енгиб бўлмайдиган куч ёхуд бахтсизлик оқибатидан келиб чиққан зарурат бўлиши керак. Мазкур Конвенция сузиб ўтиш мазмунини кенгайтиради, унга тўхташ ва лангарда туришни ҳам қўшади, чунки бунда хатти-ҳаракатлар «хавф остида қолган» ёки ҳалокатга учраган шахслар, кемалар ёхуд учиниш аппаратларига ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Сузиб ўтиш осойишта ҳисобланади. Чунки сузиб ўтиш тинчликни бузмайди, қирғоқбўйи давлатининг ҳуқуқий тартиботи ёки хавфсизлигига зарар етказмайди. Конвенция сузиб ўтишнинг тинч характери тушунчасини аниқлаштириб, сузиб ўтувчи кемалар бажариши лозим бўлган бир қатор талабларни илгари суради. Булар

қирғоқбўйи давлатининг суверенитетини ҳурматлаш, куч билан таҳдид қилиш ёки бу давлатга нисбатан куч ишлатишдан тийилиш, БМТ Низомида ўз ифодасини топган халқаро ҳуқуқнинг бошқа кенг эътироф этилган принциплари ва нормаларига риоя қилиш, иқтисодий зиён етказмаслик, ҳатто тирик ва маъданли бойликларни овлаш ва бошқа овчилик фаолиятдан тийилиб туриш; денгиз муҳитини сақлаш соҳасидаги барча нормаларга риоя қилиш; муҳитни бирон бир тарзда ўрганиш ва таҳлил қилишдан воз кечиш; қирғоқбўйи давлатнинг ҳар қандай кемачилик ва бошқа иншоотлари ҳамда қурилмаларига зарар етказишдан тийилиш; сузиб ўтишга бевосита тааллуқли бўлмаган ҳар қандай бошқа фаолиятдан тийилишдан иборат.

Тинч сузиб ўтиш ҳуқуқи вақтинча ва агар қирғоқбўйи давлати учун унинг хавфсизлигини сақлаш мақсадидаги ғоят муҳим ҳолатлардагина тўхтатиб қўйилиши мумкин. Конвенцияга биноан тинч сузиб ўтиш ҳуқуқи ҳарбий кемаларга ҳам жорий этилади. Чет эл ҳудудий сувларида ов билан шугулланишга шартнома бўйича рухсат берилади.

Ҳудудий денгизда юридик судлов. Ҳудудий денгиз орқали ўтиш вақтида кема бортида содир қилинган жиноятга нисбатан: жиноят оқибатдаги осойишталикни бузса, ёки ҳудудий сувдаги яхши тартибга путур етказса; кема байроғига тааллуқли бўлган давлатнинг дипломатик агенти, консуллик мансабдор шахси, кема капитани маҳаллий маъмурларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилса; кўрилаётган чоралар гиёҳвандлар ёки руҳий касалликлар тўғдирувчи моддалар билан қонунга зид савдонинг олдини олиш учун зарур бўлса юридик судлов белгиланади. Бу қирғоқ бўйи давлатининг ҳудудий денгиз орқали ички сувлардан ўтаётган чет эл кемаси ичида ҳибсга олиш ёки тергов қилиш учун ҳар қандай чораларни кўриш ҳуқуқига дахл қилмайди.

Капитаннинг илтимосига кўра, қирғоқбўйи маъмурлари дипломатик агент ёки консуллик мансабдор шахси байроққа тааллуқли бўлган давлат кемасида бирор чора кўрилишида олдинроқ хабардор қилиб қўйилишлари ва бу шахслар билан экипаж ўртасида алоқа ўрнатилишига ёрдамлашишлари керак. Маъмурлар, шунингдек, ҳибсга олиш масаласини ҳал қилаётганлар кема қатнови манфаатларини ҳам ҳисобга олмоқлари керак.

Агар жиноят кема ичида у ҳудудий денгизга кирмасидан олдин содир қилинган, кема эса ички сувларга кирмай ўтиб кетаётган бўлса, қирғоқ бўйи давлати бу ишга аралашаолмайди. 1982 йилги Конвенция эса, юқоридаги қоидага қарамай денгиз муҳитига зиён етказилиши билан боғлиқ фавқулодда ҳолатларда аралашув шартларини ҳам кўзда тутати.

Умумий қоидага мувофиқ, қирғоқ бўйи давлати ўтиб бораётган чет эл кемасини унинг ичидаги шахсга нисбатан юридик судловни амалга ошириш учун тўхтатмаслиги ёки йўлини ўзгартирмаслиги керак. Ҳудудий денгиз ва туташ зона тўғрисидаги Конвенциянинг 20-моддасига мувофиқ жазо чоралари ёки ҳибсга олиш фақат мажбуриятлар бўйича ёки мазкур кема томонидан қирғоқ бўйи давлатининг сувлари орқали ўтиш вақтида, ёхуд ўтгунча содир қилинган жиноят оқибатидагина йўл қўйилади. Фуқаролик юридик судловининг бу тариха чекланиши, агар кема ҳудудий денгизда тўхтаб турган, ёхуд ички сувлардан чиққандан кейин очиқ денгиздан ўтиб бораётган бўлса, давлатнинг жазо чораси қўллаш ва кемани ушлаб қолишга бўлган ҳуқуқига дахл қилмайди. Агар чет эл ҳарбий кемаси қирғоқ бўйи давлати қонун-қоидаларига риоя қилмаётган бўлса, қирғоқ бўйи давлати ундан ҳудудий денгизни дарҳол тарк этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бунда чет эл ҳарбий кемаси давлатнинг ўз қонун-қоидаларига риоя қилиш лозимлиги тўғрисидаги талабни инкор этишда бундай қарор чиқариш учун асос бўлади. 1982 йилги Конвенцияга биноан байроқ давлат қирғоқ бўйи давлатига бирор бир ҳарбий кема ёки бошқа давлат кемаси у савдо мақсадларида ишлатилаётган чоғда, қирғоқ бўйи давлатининг ҳудудий денгиз орқали ўтишига тааллуқли қонунлари ва қоидаларини ёки халқаро ҳуқуқ нормаларини бузиш орқали келтирилган ҳар қандай зарар учун халқаро жавобгарликка тортилади.

4. Очиқ денгиз

Очиқ денгиз ҳудудий сувларнинг ташқи чегарасидан нариги томонда ёйилган, бирон бир давлатнинг суверенитетига бўйсунмаган, барча халқларнинг умумий ва тенг ҳуқуқли фойдаланишида бўлган денгиз кенглигидир.

1958 йилги Очиқ денгиз тўғрисидаги Женева Конвен-

циясининг 1-моддасида шундай дейлади: «Очиқ денгиз сўзи денгизнинг бирон бир бўлаги давлатнинг ҳудудий денгизи таркибига ҳам, ички сувлар таркибига ҳам кирмайдиган барча қисмларини билдиради». «Очиқ денгиз» атамаси ҳуқуқий тоифа ҳисобланиб, мазкур денгиз кенглиги бирон бир давлатнинг суверен ҳокимиятига бўйсундирилмайди, барча давлатлар ҳамда халқлар учун очиқ бўлади.

Бир қатор давлатлар уларнинг ҳуқуқий судловини амалга ошириши, кенглик доираларини кенгайтириш ва очиқ денгизнинг янги чегараларини жорий этишга интилишларига сабаб бўлади. Бошқача қилиб айтганда, очиқ денгизнинг ҳудудий доирасини халқаро ҳамжамият манфаатларига зид тарзда жиддий даражада торайтиришга олиб келади. Юқорида кўрсатилган номақбул уринишлар очиқ денгиз принципини қарор топтиришга ҳам, халқаро кема қатнови, ов, илмий тадқиқотларни янада ривожлантиришга ҳам зарар келтиришга қаратилгандир.

Очиқ денгиздан фойдаланиш эркинлиги принципи. Мазкур принцип ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг кенг эътироф этилган энг муҳим принципларидан биридир. У 1958 йилги Очиқ денгиз тўғрисидаги Конвенцияда ҳам, 1982 йилги Конвенцияда ҳам таърифлаб берилган. Очиқ денгиз қирғоқбўйи давлатлари учун ҳам, денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган давлатлар учун ҳам баб-баравар очиқдир. Бундан келиб чиқадики, ҳеч бир давлат очиқ денгизнинг бирон бир қисмини ўз суверенитетига бўйсундиришга даъво қилиш ҳуқуқига эга эмас. Фақат ўзлаштирмаслик принципини очиқ денгиздан фойдаланиш эркинлиги принципидан ажратиб қўймаслик лозим. Очиқ денгизни ўзлаштирмаслик унинг эркинлигини кўзда тутаяди. Бошқача қилиб айтганда, бир давлатнинг очиқ денгизни ўзлаштиришдан тийилиб туриш мажбурияти бевосита бошқа давлатнинг бу кенгликдан фойдаланишига бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқаради.

Ҳар бир давлат кема қатнови, яъни ўз байроғи остида кемалар очиқ денгизда сузиш ҳуқуқига эга. Давлат ўз кемаларига тегишли ҳужжатларни беради. Бу ҳужжатлар мазкур давлат ҳудудида рўйхатдан ўтган бўлиши керак.

Халқаро ташкилотлар ҳам кемаларини ўз байроқлари остида суздириш ҳуқуқига эгадир. Чунончи, Конвенцияда БМТ, унинг ихтисослаштирилган ташкилотлари

ва МАГАТЭ байроғи остида сузувчи кемалар хусусида сўз юритилади.

Кема қатновининг ўсиши ва денгизларнинг кемага мисли кўрилмаган зичлиги давлат байроғи остида сузаётган кема ўртасидаги муносабатларга тобора фаолроқ халқаро ҳуқуқий аралашувни зарур қилиб қўймоқда. Халқаро ҳуқуқ улар ўртасида реал алоқа мавжуд бўлмоғи ва ҳар бир давлат ўз байроғи остида сузаётган кемалар устидан маъмурий, техник ва ижтимоий масалалар бўйича юридик судловни ҳамда назоратни самарали амалга оширмоғи кераклигини талаб қилади. Очиқ денгизда фақат шу байроқ эгаси бўлган давлат юридик судловига бўйсунишни кўзда тутати.

Кема очиқ денгизда халқаро ҳуқуқ томонидан махсус жорий қилинган ҳаракатлардагина ҳарбий кема ёки аралашув учун махсус ваколат берилган кема томонидан тўхтатилиши ва текширувдан ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолатларга ўз байроғи остида сузаётган кема ва аралашувни амалга ошираётган давлат органлари иштирок этаётганда шартномада шундай аралашув кўзда тутилган бўлади. Масалан, 1884 йил 14 мартдан сув ости телеграф симларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро конференция; қароқчилик ва қул савдоси билан кураш олиб бораётган кемада чет эл байроғи кўтарилган ёки у байроқни кўтаришдан воз кечаётган, амалда эса, аралашувни амалга ошираётган ҳарбий кема мансуб бўлган миллатга тааллуқли бўлган тақдирда: кема қирғоқбўйи давлати томонидан унинг ички ёки ҳудудий сувларида ёхуд туташган зонада унинг қонунлари ва қоидаларини бузганлик учун таъқиб қилинаётган бўлса 1982 йилги Конвенция, шунингдек, қирғоқбўйи давлатининг иқтисодий зона ва континенталь шельфига дахлдор қонунлари ва қоидаларини бузган ҳолда ҳам аралашувни кўзда тутати.

Конвенция учта қўшимча қонидани ўз ичига олади. Унга асосан: 1) давлатнинг илтимосига кўра, бошқа давлатлар билан гиёҳвандлар ёки руҳий касалликлар келтириб чиқарувчи моддалар билан очиқ денгизда кемалар томонидан амалга оширилаётган «қонунга хилоф савдонинг» олдини олишда ҳамкорлик қилишлари мумкин; 2) ҳарбий кема чет эл кемасини, агар у бирор миллатга мансуб бўлмаса ва тўла иммунитет (масалан, ҳарбий кема фойдаланаётган иммунитет)дан фойдаланмаётган бўлса, текширишдан ўтказиши мумкин; 3) қо-

нунга зид алоқа учун, яъни кемадан ёки қурилмадан очик денгизда фалокат хабаридан ташқари эфирга радио ёки телевизион дастурларни эъло қилгани учун ҳар қандай кема ёки шахс тутиб қолиниши, аппаратлар эса, мусодара қилиниши мумкин. Бу ўринда халқаро радиоалоқа иш тартибини бузувчи эшиттиришлар тўғрисида сўз бормоқда.

5. Халқаро кема қатнови учун фойдаланилаётган бўғозлар

Ҳозирги пайтда халқаро кема қатнови учун фойдаланилаётган айрим бўғозларнинг ҳолати битимлар билан тартибга солинган. Қора денгиз бўғозлари (Босфор ва Дарданелл) ҳолати 1936 йил 20 июлда Монте-Шахрида (Швейцария) Қора денгиз бўғозлари ҳолати тўғрисидаги Конвенцияда кўзда тутилган. Савдо кемалари, аниқроғи ҳарбий бўлмаган барча кемаларнинг бу бўғозлардан ўтиши «бирон бир давлат байроғи остида сузаётган кема ва унинг юкидан қатъи назар кундузи ва кечаси эркин амалга оширилади» (2-модда).

Қора денгиз ва айниқса, ноқораденгиз давлатларнинг ҳарбий кемаларининг сузиб ўтиш ҳолатига каттагина ўрин ажратилган. Тинчлик вақтида энгил сув усти кемалари, катта бўлмаган ва ёрдамчи кемалар кундузи ўтиш эркинлигидан фойдаланади. Бу Қора денгиз ва ноқораденгиз мамлакатларига тааллуққидир. Сув ости кемалари фақат сув усти ҳолатида ўтади. Қора денгиз бўйида жойлашмаган давлатларнинг кемалари бу денгиздан сузиб ўтишдан 8 кун олдин дипломатик йўллар орқали Туркияга маълумотнома йўллашлари керак.

Ҳарбий ҳолат учун айрим хусусиятлар амал қилинади: Бунда агар Туркия учрашувида иштирок этмаган давлат бўлмаса, урушаётган давлатларнинг кемалари фақат ўз портлари томон ўтиши мумкин, бетараф давлатларнинг кемалари эса, эркин ўтиш шартлари асосида ўтаверади, агар Туркия урушаётган давлат бўлса, бошқа мамлакатларнинг кемалари ўтиш тўғрисидаги масалани унинг ўзи ҳал қилади.

Болтиқ бўғозлари (Зунд, катта ва кичик Бельта) орқали савдо кемаларининг ўтиши 1857 йили Дания, Россия, Франция, Буюк Британия билан тузилган Копенгаген битими деб номланувчи битим асосида амалга оширилади. Битимда «Савдо бўйича ўтиш тўғрисида гапири-

либ, яъни савдо кемалари сузиб ўтиши кўзда тутилиб, бож, маёқ ва бошқа тўловлар бекор қилинган эди.

Кенг тан олинган халқаро ҳуқуқнинг одатдаги нормаларига биноан бу сингари бўғозлардан ҳарбий кемалари учун эркин сузиб ўтиш жорий этилиши керак. Бироқ бу қоидага зид равишда бу ерда ўтиш бир томонлама тартибда — Дания қонунилари томонидан тартибга солинади. 1976 йил 17 февралда Дания томонидан чиқарилган чет эл ҳарбий кемалари ва ҳарбий ҳаво кемаларини тинчлик вақтида Дания ҳудудига қўйиш тўғрисидаги Фармон мазкур кемалар ва ҳаво кемалари кичик Бельта бўғози орқали ўтишдан уч кун олдин дипломатик йўллар билан хабардор қилишни кўзда тутди. Фармонда, шунингдек, Фюнь, Эннелаве ва Самсё ороллари ўртасидаги кичик сувлар орқали бориши, ҳудудий сувлар орқали эса, бу мамлакатнинг учтадан ортиқ кемаси, шунингдек кичик сувлар орқали ҳар қанча миқдорда кемаларининг ўтиши учун олдиндан рухсат олиниши, бу тўғрида саккиз кун илгари рухсат сўралиши ҳам белгилаб қўйилган.

1976 йилги фармон сузиб ўтишнинг мураккаблаштирилган ҳолатини у ёки бу даражада савдо кема қатновида банд бўлган бошқа давлат кемаларига (музёралар, гидрогеография, ўқув ва бошқалар) тарқатишга уринади. Бу амалда халқаро қатнов учун мунтазам фойдаланиладиган бўғозлар орқали эркин ўтиш ҳолати ва Копенгаген битимига зиддир.

6. Халқаро каналлар

Халқаро кема қатнови учун фойдаланиладиган каналлар кемаларнинг эркин ўтиши учун очиқ бўлмоғи лозим. Бўғозлар ҳолатига хос бу умумий принцип халқаро кема қатнови учун фойдаланилган ҳолда тўлалигича халқаро каналларга ҳам қўлланилиши мумкин. Лекин бу ҳуқуқ қирғоқбўйи давлати суверенитетини ҳурматлаш принципи сингари халқаро денгиз ҳуқуқининг одатдаги нормасига айланган эркин сузиб ўтиш принципи билан мос тушади. Албатта ҳар бир канал ҳолати унда сузиб ўтиш ҳолати каби муайян хусусиятлар билан фарқ қилади.

Сувайш канали ҳолати 1888 йил 29 октябрда Константинополда имзоланган Сувайш канали бўйлаб эркин сузишни таъминлашга тааллуқли Конвенция билан

тартибга солинади. Жумладан, Россия, Буюк Британия, Франция, Италия, Норвегия, Япония, Туркия ва Юнонистон бу Конвенциянинг иштирокчиларидир. Уруш вақтида ҳам, тинчлик вақтида ҳам канал барча савдо ва ҳарбий кемаларнинг ўтиши учун ҳамиша бўш ва очиқ бўлиши лозим. Бу принцип, шунингдек, каналдан фойдаланишда тенглик принципи 1957 йили Сувайш канали компаниясини миллийлаштирилгандан кейин (1956 йил) Миср ҳукумати томонидан яна бир бор таъкидланди.

Буюк Британия ва АҚШнинг 1901 йил 18 ноябрдаги Атлантика ва Тинч океанлари ўртасида кема қатновига мўлжалланган канал қурилишини енгиллаштиришга тааллуқли шартноманинг 3-моддасига биноан Панама каналига Сувайш канали учун 1888 йили тузилган Константинополь Конвенцияси қоидалари қўлланилади. Бу шуни билдирадики, канал тўла тенглик шартномасида барча миллатларнинг савдо ва ҳарбий кемалари учун эркин ва очиқдир.

АҚШ билан Панама Республикаси ўртасидаги 1903 йил 18 ноябрда имзоланган шартнома бўйича (Хей-Бюно-Варильи шартномаси) канал мунтазам бетараф ҳисобланади ва 1901 йил шартномасининг 3-моддаси шартлари асосида очиқдир. Шартномага мувофиқ, 1903 йилда АҚШ 10 миллик зона доирасидаги минтақадан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди. Лекин бу канал зонасининг ҳамма қисми устидан Панама суверенитети пактига бирон бир тарзда путур етказмайди. АҚШ каналлардан сузиб ўтиш билан боғлиқ ишлар бўйичагина қатъий чекланган шартномалар ҳуқуқи ва юридик судловни амалга ошира олиши мумкин эди. Хусусан, мана шу қоидага асосан Панама халқи юқорида эслатилган шартномаларни қайта кўриб чиқиш ва каналга ҳамда 10 миллик зонага бўлган барча ҳуқуқларни Панамага қайтариш учун кўп йиллик кураш олиб борди. Натижада, 1977 йили Панама билан АҚШ ўртасида янги шартнома тузилди. Панама канали тўғрисидаги 1977 йил 7 ноябрдаги шартнома преамбуласида томонлар Панама Республикасининг унинг ўз ҳудуди устидан суверенитетини тан олишлари қайд этилганлиги тасодифий эмас. Олдинги шартномаларнинг амал қилиши тўхтатилди. Панама, дейилади, шартномада, канални бошқариш ва уни қўриқлашда ўз иштирокини кенгайтиради. АҚШ вакилларида иборат маъмурияти бўлган канал компанияси ўрнига канал комиссияси ташкил этилди. Унинг

раҳбарий бюросига АҚШнинг беш вакилидан ташқари Панаманинг тўрт вакили ҳам киради. Олий мартабали вакилларнинг тенг миқдордаги маслаҳат қўмитаси ташкил этилди. Комиссия Панамага ҳар йили каналдан фойдаланганлик учун 10 миллион доллар тўлайди. Каналга нисбатан Панама қонунлари қўлланилади ва Панама судларининг юридик судлови амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда Киль канали ҳолати халқаро ҳуқуқнинг одатдаги нормаси билан белгиланади. Унга биноан Болтиқ ва Шимол денгизларини туташтирувчи ва халқаро кема қатнови учун мунтазам фойдаланувчи бу сув йўли барча мамлакатларнинг кемалари учун ҳамиша очиқ бўлмоғи лозим. 1919 йилги Версаль Тинчлик шартномасининг 380—386-моддаларида бу тартиб қайд этилган. Унга кўра, канал ва унга олиб келувчи йўллар ҳамиша барча мамлакатларнинг ҳарбий ва савдо кемалари учун очиқ ва эркин бўлади.

7. Континенталь шельф

Континенталь шельф. тўғрисидаги 1958 ва 1982 йилги Женева Конвенциясига биноан (1-модда) у чуқурлиги 200 метргача бўлган ҳудудий сувлар доирасидан ёки мана шу доирадан чуқурликда табиий бойликларни ишлаб чиқишга имкон берадиган даражада бўлган жойгача ҳисобланган сув саҳнини ўз ичига олади. Бундай аниқликлар ҳозирги вақтда у ёки бу давлатнинг ўз ҳуқуқий судловини очиқ денгиз томонга истаганча катта масофага узайтиришга бўлган уринишларга қарши тура олмайди. Шунинг учун денгиз ҳуқуқи бўйича III конференциядаги ривожланган давлатлар делегацияси қатъий рақам кўрсаткичи қабул қилинишига эришди ва уларнинг худди мана шу таклифи кўпчилик давлатлар томонидан қўллаб-қувватланиб, 1982 йилги Конвенциянинг 78- моддаси асос қилиб олинди.

Континенталь шельф деганда, мазкур Конвенцияда таъкидланганидек, сувости районларининг денгиз туби ва унинг остки қисми тушунилади. Бу районлар қуруқликдаги ҳудуддан материкнинг чеккасидаги сувости ташқи чегарасигача ёки ҳудудий денгиз кенглиги ўлчанадиган дастлабки чизиқдан бошлаб, 200 денгиз мили масофасигача бўлган кенликка ёйилади. Бунда материкнинг сувости чеккасининг ташқи чегараси шунчалик кенг масофага етиб борган ёки бормаганлиги ҳисобга

олинади. Материкнинг сувости чеккаси уммоннинг чуқур тубигача боради, шельф қиялик ва кўтарилишлардан иборат бўлади ҳамда қирғоқ бўйи давлати континенталь шельфнинг сув остидаги давомини ўз ичига олади. Агар сув ости чеккаси 200 милдан олисга борса, шельфнинг ташқи чегараси узоқроққа ҳам чўзилиб кетиши мумкин. Бироқ у ҳудудий денгиз ўлчанадиган чизикдан бошлаб 350 денгиз милдан ортиқ олисга чўзилмайди.

Қирғоқбўйи давлати шельфнинг табиий бойликларини (тирик ва жонсиз) текшириш ҳамда ишлаб чиқиш мақсадида ўз суверен ҳуқуқини амалга оширади. Бу ҳуқуқ беистисно шу маънода тан олинадики, ҳеч бир бошқа давлат қирғоқ бўйи давлатининг розилигисиз ер-ости табиий бойликларини қидириш ёки уни ишлаш билан шуғулланишга ҳақли эмас.

8. Халқаро денгиз ташкилотлари

Денгиз кенгликларидан фойдаланиш, жаҳон умминини ўрганиш ва унинг ресурсларини ўзлаштириш кенгаётганлиги халқаро денгиз ташкилотлари миқдори ҳолат тез ўсиб боришига олиб келди. Ҳукуматлараро денгиз консультатив ташкилот (ИМКО) БМТнинг ихтисослашган ташкилотидир. 1948 йил ташкил топган ва 1958 йил ўз иш фаолиятини бошлаган бу ташкилот ҳозир давлатларнинг халқаро кема қатновини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадларидаги ҳамкорлигини таъминламоқда. Денгиз қатнови хавфсизлиги масалаларини ҳал этмоқда. Денгиз муҳитининг ифлосланиши олди олинмоқда, денгизда қатнов билан боғлиқ бошқа муаммоларни ишлаб чиқиш ва ҳал этишга ҳисса қўшмоқда. ИМКО кенгашининг таркиби 18 аъзодан 24 аъзога кенгайди. Денгиздаги хавфсизлик бўйича қўмита эса очик органга айланди. ИМКО тўғрисидаги Конвенцияга бошқа тузатишлар киритилган ва улар кучга киргач, бу ташкилотнинг номи халқаро денгиз ташкилоти деб ўзгартирилади.

Фақат кейинги ўн йилликда ИМКО тасарруфи остида 1974 йили денгизда инсон ҳаётини сақлаб қолиш бўйича янги Халқаро Конвенция (1960 йили Конвенция ўрнига), денгизда кемаларнинг тўқнашиб кетишининг олдини олишнинг 1972 йилдаги янги халқаро қондалари, кемалардан денгизлар ифлосланишининг олдини олиш

Бўйича 1973 йилдаги, балиқ овловчи кемалар хавфсизлиги бўйича 1977 йилги денгизчиларни тайёрлаш ва уларга диплом бериш ҳамда вахтани адо этиш тўғрисидаги 1978 йилги, денгизда қидирув ва қутқарув бўйича 1979 йилги халқаро Конвенциялар қабул қилинди. Танкерлар хавфсизлиги ва кемалардан денгиз ифлосланишининг олдини олиш бўйича 1978 йилда ўтказилган Халқаро Конвенция катта аҳамиятга эга бўлди.

ИМКО ва ЮНЕСКОда 1969—1973 йилларда уммон маълумотларини тўплаш мақоми тўғрисидаги Конвенция лойиҳаси тайёрланди. Унинг бир қатор қондалари денгизда кема қатновлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган эди.

ЮНЕСКО доирасида 1960 йилдан бошлаб ҳукуматлараро океанографик Комиссия иш олиб бормоқда. У жаҳон уммони илмий тадқиқотининг ривожлантирилишига кўмаклашмоғи лозим. Бу борада денгизларни тадқиқ қилиш бўйича Халқаро кенгаш (ИКЕСС) ҳам муҳим роль ўйнайди.

1965 йили ЮНКТАД (Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ конференцияси) қошида кема қатнови бўйича Қўмита ташкил этилди. У денгизда юк ташишнинг иқтисодий масалаларини, шунингдек, иш фаолиятининг ҳуқуқий тартибларини такомиллаштириш масалаларини ишлаб чиқди.

Қўмитанинг фаолияти Ернинг сунъий йўлдошларидан денгизларда кема қатнови учун фойдаланишни таъминловчи ташкилотларнинг ташкил этилганлиги фантехника тараққиётининг ёрқин намунаси бўлди. Ривожланган давлатлар ташаббуси билан 1976 йилда Халқаро денгиз сунъий йўлдоши алоқалари ташкилоти (ИНМАРСАТ) тузилди. Шунингдек, ҳукуматлараро ташкилотлар билан бир қаторда ноҳукумат характердаги кўпгина ташкилотлар — Халқаро денгиз қўмитаси, Халқаро кема қатнови палатаси, Кема эгаларининг халқаро ассоциацияси ва бошқалар фаол иш олиб бормоқда.

ХАЛҚАРО ҲАВО ҲУҚУҚИ

1. Халқаро ҳаво ҳуқуқининг келиб чиқиши ва ривожланиши

XX аср бошларида халқаро муносабатларда халқаро ҳаво йўлларини тартибга солувчи ҳуқуқий принциплар ва нормалар йўқ эди. Улар фан-техника тараққиётининг халқаро ҳуқуққа таъсири натижасида юзага келди.

Турли давлатлар ўртасида парвоз қилишга қобил ҳаво кемаларининг пайдо бўлиши ҳар бир давлатнинг қуруқлик ва сувдаги ҳудуди устида ҳаво кенглиги ҳуқуқий ҳолатини белгилаш ва бундай учишларнинг тартибини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқарди. Аслини олганда барча давлатлар давлат суверенитетини ҳурматлаш принципи, давлатларнинг ҳаво кенглиги устидан тўла ва беистисно суверенитетига эга, деб кўрсатилган. Шу принцип асосида 1920—1930 йилларда кўпгина давлатлар ўз ҳудудлари осмонидаги ҳаво кенглигининг ҳуқуқий режимини белгилловчи махсус қонунлар чиқарди. Бу соҳада халқаро ҳуқуқий амалиёт, аввало, давлатлараро (ҳуқуматлараро), икки томонлама битимлар тузиш йўлидан борди. Уларда битим қатнашчиси бўлмиш давлатлар ўртасидаги учишларга бўлган ҳуқуқ қайд этилди, улар ўртасида халқаро ҳаво йўлларидаги йўналишлар белгиланди, йўловчилар, юк, почта ташиш учун миллий самалётсозлик корхоналари (масалан, Ўзбекистонда Ҳаво йўллари, Францияда — Эр-Франс) белгиланди. Шунингдек, ҳаво йўли, шу жумладан, учишларни техника ва бошқа жиҳатлардан таъминлаш учун фойдаланаётган борт ҳужжатларига тегишли аниқ қоидалар тўла таърифлаб берилди. Икки томонлама битимлар Фуқаро ҳаво кемаларининг давлатлар ўртасида муттасил парвозларни ўрнатишга анча таъсир кўрсатиб, халқаро ҳуқуқни ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

Фуқаро авиациясининг халқаро майдонга кенг кўламда чиқиб бориши, кўпгина мамлакатларни боғловчи муҳим ҳаво йўлларининг ташкил топиши, йўловчилар ва юкларнинг ҳаво кемаларида ташишнинг барча давлатлар учун ягона халқаро қоидаларини ишлаб чиқиш заруриятини очиқ-ойдин қилиб қўйди. Кўп томонлама халқаро шартномалар шундай қоидаларни юзага

келтиришнинг энг самарали воситаси бўлиб хизмат қилди.

1929 йилиёқ давлатлар халқаро ҳаво қатновига тааллуқли айрим қондаларни бир нормага солиш учун Конвенция (1929 йилда Варшава Конвенцияси) ишлаб чиқиш ва тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади. Бу Конвенция унинг Преамбуласида тўғридан-тўғри айтилганидек, «бир хил тартибда юк ташиш учун тўлашадиган ҳужжатларга нисбатан халқаро ҳаво қатнови шартларини ҳамда юк ташувчининг масъулиятини тартибга солиш» учун яратилган эди. Давлатларнинг халқаро ҳаво алоқаларида банд бўлган фуқаро самолётсозлигининг кейинчалик жадал ривожланиши 1944 йилги Чикаго Конференциясида маъқулланган халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция тузилишига ва халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) тузилишига олиб келди. 1944 йилдаги Чикаго Конвенцияси, ИКАО фаолиятининг асосий мақсади шундан иборат эдики, улар «халқаро фуқаро авиацияси хавфсиз ва зарур даражада ривожлана олиши ва халқаро ҳаво транспорт алоқалари кенг имкониятлар асосида белгилана олиши ҳамда ишончли ва тежамли йўлга қўйилишига» хизмат қилмоғи керак (Преамбула).

Халқаро ҳаво алоқаларининг ҳар томонлама хавфсизлигини таъминлаш ҳамкорликнинг энг муҳим вазифаларидан бирини ташкил этади.

2. Халқаро ҳаво ҳуқуқи тушунчаси

Халқаро ҳаво ҳуқуқи — халқаро ҳуқуқнинг бир қисми бўлиб, у халқаро қатновни амалга оширишда, унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида ҳаво кенглигидан фойдаланиш сабабли давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар тартибини ўз ичига олади.

Халқаро ҳаво ҳуқуқининг принциплари ва нормалари, халқаро ҳуқуқнинг қисми сифатида аввало, халқаро ҳаво алоқалари амалга оширилиши муносабати билан давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади, давлатларнинг халқаро авиация қатновида иштирок этувчи юридик ва хусусий шахсларга доир ваколатлари ва мажбуриятларини белгилайди, бироқ, бундай шахсларнинг ҳаммасига оид ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита ички давлат қонунчилиги томонидан тар-

тибга солинади. Яна шуни ҳам назарда тутиш лозимки, ҳозирги пайтда халқаро ҳаво алоқаларининг ҳуқуқий тартибга солинишида халқаро ташкилотлар тобора фалол иштирок этмоқда. Шунинг учун халқаро ҳаво ҳуқуқини белгилашда давлатлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида гап юритилса ҳам, лекин бугунги кунда бу гаплардан нафақат давлатлар, балки халқаро (ҳукуматлараро) ташкилотлар ўртасидаги халқаро ҳаво алоқалари масалалари бўйича муносабатлар англонади.

Фуқаро ҳаво кемаси хусусида давлатлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгартирилиши ёки тугаши учун бу кеманинг муайян давлатларда рўйхатдан ўтказилганлиги факти билан белгиланувчи унинг миллий мансублиги муҳим аҳамиятга эга. Ҳаво кемасини айти бир вақтда турли давлатларда рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилмайди. Рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ҳар бир ҳаво кемасида доимо сақланиши керак. Ҳаво кемаси миллий мансублигининг сиртқи белгиси уни танитувчи давлат рўйхатидан ўтказиш белгисидир. Бу белги халқаро ҳаво йўлларида фойдаланувчи ҳар бир ҳаво кемасида одатда аниқ кўринади.

Халқаро ҳаво ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг бир қисмини ташкил этганидан кейин ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг кенг эътироф этилган барча принциплари (масалан, суверенитет, давлат ҳудудининг дахлсизлиги, ички ишларга аралашмаслик, ҳамкорлик), умуман халқаро ҳаво алоқаларини ҳуқуқий тартибга солишнинг бузилмас асосини ташкил этади.

Халқаро ҳуқуқий муносабатларда ҳаво кемаларининг ривожланиши, халқаро ҳаво ҳуқуқининг конкрет принциплари юзага келишига ҳам олиб келадики, уларга риоя қилмасдан ҳозирги кунда халқаро учишларни амалга оширишни тасаввур қилиб бўлмайди.

3. Давлатларнинг ўз ҳаво ҳудудида тўла суверенитетлик принципи

Ҳаво кенглиги устидан суверенитет принципининг асосий мазмуни шундаки, давлатлар ўз ҳаво кенгликларининг ҳуқуқий ҳолатини ўзлари белгилайдилар. 1944 йилдаги Чикаго Конвенциясида кўрсатиб ўтилганидек, халқаро аэронавигацияда банд бўлган, ҳаво кемаларининг давлат ҳудудига қўйинлиши ёки унинг ҳудуди-

дан чиқиб кетишига ёки бундай ҳаво кемаларининг улар мазкур давлат ҳудудида бўлган вақтда ишлатиш ва қатновини йўлга қўйишга тааллуқли давлат қонунлари ва қондаларига миллий мансублигидан қатъи назар барча шартномага қатнашувчи давлатлар ҳаво кемаларига нисбатан қўлланилади.

Халқаро ҳаво ҳуқуқида кенг эътироф этилганки, ҳар бир ҳаво кемаси бирон бир бошқа давлат ҳудуди устидан учиб ўтаётган ёки шу ҳудуд доирасида бўлган вақтда, шу давлатдаги халқаро ҳаво транспортига доир амалдаги қонун ва қондаларга жиддий риоя қилиши шарт. Ўз ҳаво кенглиги устидан суверенитет принципга биноан давлатлар одатда давлат чегарасини чет эл ҳаво кемалари кесиб ўтиши учун «Ҳаво дарвозалари»ни уларнинг йўналишлари ёки учиш йўллари ва агар зарур бўлса, учишлари учун тақиқланган зоналарини жорий этадилар, шунингдек, радио алоқалари ва учишлар хавфсизлигини таъминлаш қондаларини белгилайдилар. Чет эл ҳаво кемаси аэропортга етиб келиши билан ҳар бир давлатнинг тегишли органлари уни кўздан кечириб чиқиши ва ҳужжатлари (самолётнинг рўйхатга олишганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, унинг учишга яроқли эканлиги тўғрисидаги ҳужжат, экипаж аъзоларининг малакаси тўғрисидаги гувоҳнома, йўловчилар рўйхати ва бошқалар)ни текшириш ҳуқуқига эга.

Шундай қилиб, халқаро ҳаво йўлларида учувчи чет эл ҳаво кемалари бирон бир давлат ҳудуди доирасида бўлган вақтда шу давлатнинг юридик судлов қонунларига бўйсунди.

4. Халқаро ҳаво кенглигида учиш эркинлиги принципи

Ҳозирги халқаро ҳуқуққа биноан бундай кенгликка очиқ денгиз районлари ўртасида халқаро кема қатнови учун фойдаланиладиган халқаро бўғозлар, шунингдек, Антрактида устидаги ҳаво кенгликлари киради. Халқаро ҳаво кенглигида учиш учун бирон бир давлатнинг рўхсатини олиш шарт эмас. Барча ҳаво кемалари халқаро ҳаво кенглигида учиб бораётган чоғида фақат ўзи рўйхатдан ўтган давлат ҳуқуқий-судлов қонунларига бўйсунди. Бироқ халқаро ҳаво йўлларида учиш эркинлиги давлатлар ва уларнинг кемалари халқаро битимлар ёки ИКАО иш қондасида белгилаб қўйилган муай-

ян қоидалар ва талабларни бажаришдан ҳоли эканликларини мутлақо билдирмайди.

1944 йилги Чикаго Конвенциясига биноан унинг барча қоидалари, шу жумладан Чикаго белгилайдиган учиш тартиблари очиқ денгиз устида ҳеч қандай истисносиз амал қилади. Барча давлатлар бу қоидаларга риоя қилмоғи ва очиқ денгиз устидан учиш чоғида уларнинг ўз ҳаво кемалари қатъий амал қилиши учун чоралар кўриши лозим.

5. Халқаро фуқаро авиацияси хавфсизлигини таъминлаш принципи

Бу принципга биноан давлатлар қуйидагиларни бажаришга мажбурдир: а) самолётсозлик техникаси, аэропортлар, ёрдамчи хизматчилар ва ҳаво йўлларининг техникавий бенуқсонлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш; б) фуқаро авиацияси фаолиятига қонунга зид равишда аралаштириш актлари билан кураш олиб бориш.

Ҳаво йўллари жаҳон тармоғининг вужудга келиш ва ривожланиши давлатлар томонидан биргаликда ёки яқка тартибда халқаро фуқаро авиацияси хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чоралар кўрилишини тақозо этади.

Давлатлар томонидан 1944 йилдаги Чикаго Конвенциясининг ишлаб чиқилиши ва тузилишининг ҳамда ИКАОнинг ташкил этилишининг асосий вазифаларидан бири шундан иборатки, улар «халқаро фуқаро авиацияси хавфсиз ва тартибга солинган тарзда ривожлана олиши» учун хизмат қилмоғи керак (Преамбула). Аэронавигация хавфсизлик техникасига Конвенциянинг ўзида ва унга 16 илова қўйилган ўша ягона талаблар аввало мана шунга хизмат қилади (1-иловада фуқаро авиацияси шахсий таркиби малакасига қўйилган талаблар ифодаланган; 2-иловада халқаро ҳаво йўлларида учишнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қоидалар ифодаланган ва ҳ. к.). Бу талабларга самолётсозлик соҳасида фан-техника тараққиёти ҳисобга олинган ҳолда муттасил аниқлик ва янгилик киритиб борилади. Бу вазифани адо этиш ИКАОга юклатилган. Шу мақсадда давлатлар ИКАО доирасида вақти-вақти билан зарурият туғилишига қараб, халқаро иш тартибини (қоидалар, стандартлар, тавсиялар ва бошқалар)

ишлаб чиқадилар. Улар ҳаво кемаларининг учишга яроқлилиги ва учувчи ҳамда техник ходимлар малака-сига; ҳаво кемаларининг рўйхатга олинганлиги ва борт ҳужжатларига; алоқа тартиблари ва навигация хариталарига; аэропортлар ва қўниш йўли тавсияномасига; учиш қоидалари ва ҳаво ҳаракатини бошқариш тажрибасига, шунингдек, аэронавигация хавфсизлиги ҳамда самарадорлигига оид бошқа барча масалаларга тааллуқли бўлади.

Умуман, ИКАО иш қоидалари шубҳасиз, халқаро фуқаро авиацияси хавфсизлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Чунки улар турли давлатлар томонидан фуқаро кемалари училишининг халқаро аэронавигация соҳасида энг янги ютуқларга асосланган ягона ёки ўхшаш учиш техник нормалари ва қоидалари амалий жиҳатдан жорий этилишига кўмаклашади.

Ҳаво кемалари қатнови хавфсизлигига путур етказувчи фуқаро ҳаво кемаларини эгаллаб олиш ва олиб қочиш ҳодисалари муносабати билан ИКАО ва Чикаго конференциясига (17-илова) «Хавфсизлик Фуқаро ҳаво кемасини қонунга хилоф аралашувлардан ҳимоя қилиш» иловаси ишлаб чиқилди. Иловада қайд этилишича, халқаро фуқаро ҳаво кемасини қонунсиз аралашув актларидан ҳимоя қилиш билан боғлиқ барча масалаларда йўловчилар, экипаж, ердаги ходимлар ва умуман, одамлар хавфсизлиги биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

70- йилларда ИКАО ташаббуси билан унинг доирасида фуқаро ҳаво кемаси фаолиятига қонунга зид аралашувларга қарши курашда давлатларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилган халқаро Конвенциялар ишлаб чиқилди. Булар 1970 йилги ҳаво кемаларининг қонунга зид эгаллаб олиш билан кураш олиб бориш тўғрисидаги Гаага Конвенцияси ва фуқаро ҳаво кемаси хавфсизлигига қарши қаратилган 1971 йилги қонунга зид актлар билан курашиш тўғрисидаги Монреал Конвенциясидир. Уларда парвоздаги ҳаво кемасини куч ёрдами билан ёки дўқ-пўписа қилиб, ёхуд қўрқитишнинг бошқа турларини қўллаб, эгаллаб олиш оғир жиноий иш деб тан олинган.

Монреал Конвенциясида (Гаага Конвенциясига нисбатан) фуқаро ҳаво кемаси хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноий актлар ҳали аниқ ва кенг қамровли учиш чоғида ҳаво кемаси ичида бўлган шахсга нисбатан зўравонлик; ишлаб турган ҳаво кемасини бузиш ва унга

зарар етказиш мумкин бўлган қурилмалар ва моддалар, ердаги аэронавигация ускуналарини бузиш, зарарлантириш; ҳаво кемаси учиш хавфсизлигига таҳдид солувчи мутлақо ёлғон маълумотлар бериш кабилар кўрсатиб ўтилган. Мазкур Конвенциялар иштирокчилари бўлган давлатлар шу сингари барча жиноятларга нисбатан жазонинг энг кескин турларини қўлламоқлари керак. Кўрсатилган жиноятларни яшириш ва тайёрланаётган ёки содир қилинган маълум жиноятлар тўғрисида хабар бермаслик ҳам жинойий жазога лойиқ ҳисобланади.

Жиноятчиларни қайтариб бериш тўғрисидаги масала давлатларнинг фуқаро ҳаво кемаси фаолиятига қонунсиз аралашувга қарши кураш самарадорлиги учун ғоят аҳамиятлидир. Ривожланаётган давлатлар ҳаво қатнови хавфсизлигини таъминлаш бўйича жиддий чора сифатида жиноятчиларни ҳаво кемаси рўйхатга олинган давлатга сўзсиз қайтариб юборилиши мажбурийлигини ёқлаб чиқмоқда. Кўпчилик давлатларнинг таклифи билан 1977 йилда ИКАО Ассамблеясида тегишли қарорлар қабул қилинган эди. Бироқ айрим давлатлар халқаро шартномалар ва қарорларни бажаришдан ҳануз бўйин товламақдалар.

Барча давлатлар томонидан хавфсизликни таъминлаш принципига оғишмай риоя қилиниши — халқаро ҳаво кемалари қатновини янада ривожлантиришнинг зарур шартидир. Зеро, ҳозирги даврда кемалар мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа алоқаларни мустаҳкамлашда тобора катта аҳамият касб этмоқда.

6. Халқаро ҳаво қатновини тартибга солишнинг асослари

Халқаро ҳаво қатнови — бу фуқаро ҳаво кемалари томонидан икки ёки бир неча мамлакатлар ўртасида йўловчилар, юклар, почта, муайян ҳақ ҳисобига ёки ёлланган тарзда ташиш учун амалга ошириладиган учишлардир.

Халқаро ҳаво кемасида юк ташишни амалда бажаришда давлатлар: юридик шахслар (энг аввало авиакорхоналар, масалан ҳаво йўллари) ва жисмоний шахслар

(асосан йўловчилар) иштирок этадилар. Шунинг учун халқаро ҳаво қатновини ҳуқуқий тартибга солишда халқаро ҳаво ҳуқуқи принциплари ва нормалари билан бир қаторда давлатларнинг ички (давлат, маъмурий, фуқаролик ва жиноий) ҳуқуқида ифода этилган халқаро ўқишлари, ҳаво кемаларида юкларни, почталарни ташиниш чоғида жисмоний ва юридик шахслар ўртасида келиб чиққан муносабатларни тартибга солувчи нормалар ҳам иштирок этади.

Халқаро ҳаво қатновининг ҳуқуқий иш тартиблари, хусусиятлари ҳам худди мана шунда. Юридик жиҳатдан бу иш қондалар устидан суверенитетни тан олиш ва ҳурматлаш асосида амалга ошириладиган халқаро ўқишлар чет эл ҳаво кемаларининг улар бирор бир мамлакат ҳудуди доирасида бўлган чоғида мана шу давлатнинг унинг ҳаво кеңлиги ҳолати ва халқаро ҳаво кемаси қатнови ҳолатига тааллуқли барча қонунлари ва қондаларига муқаррар бўйсунишни назарда тутди. Зотан, халқаро ҳаво ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг миллий системаси ўртасидаги нормалар ўзаро узвий алоқада ва яқин ҳамкорликда бўлиб, маълумки, бу умуман халқаро ва ички давлат ҳуқуқлари нисбати учун характерлидир.

Икки томонлама ҳукуматлараро битимлар бунга мисол бўла олади. Бу битимлар асосида ҳозирги вақтда манфаатдор давлатлар ўртасида халқаро ҳаво алоқалари келиб чиқади ва йўлга қўйилади. Бу битимлар давлатларнинг суверенитетини уларнинг халқаро почтани ташувчи чет эл фуқаро ҳаво кемаларига нисбатан миллий юридик-судловни тан олиш ва ҳурматлашга асосланади.

7. Халқаро фуқаролик авиацияси ташкилоти (ИКАО)

ИКАОни тузиш тўғрисидаги қарор 1944 йилда Чикаго Конвенциясини ишлаб чиқиш жараёнида қабул қилинган эди. Унинг иккинчи қисмини ИКАО Низоми ташкил этади. Ҳозирги пайтда халқаро фуқаро ҳаво кемаси ташкилоти БМТнинг ихтисослашган ташкилоти мақомига эга бўлиб, энг кўп вакилликка эга бўлган халқаро ташкилотларнинг бири ҳисобланади.

1944 йилдаги Чикаго Конвенциясига мувофиқ ИКАОга давлатларнинг ҳаво йўллардан фойдаланиш чоғидаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш, ҳаво транспорти-

ни ривожлантиришга кўмаклашиш ва халқаро учишларнинг хавфсизлигини таъминлаш вазифалари юклатилган. Ташкилотнинг фаолияти уч асосий соҳада: техникавий, ҳуқуқий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилади.

ИКАО энг аввало ҳаво кемаларининг яроқли эканлиги тўғрисидаги янгиланган учиш техника нормаларини, фуқаро ҳаво кемаси шахсий таркибига, диспетчерлик ва ҳаво ҳаракатини учиш-ахборот хизмати билан таъминлашга нисбатан талабларни ишлаб чиқади. У, шунингдек, аэродромлар ва аэронавигация ускуналарининг асосий физик тавсияномасини, халқаро учишлар навигация ва бошқа қоидаларини белгилайди. Бу билан у халқаро учишларнинг хавфсизлигини янада оширишга кўмаклашади.

ИКАОнинг юридик соҳадаги фаолиятининг асосий йўналиши янги халқаро кўп томонлама конвенция ва битимларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишдан иборатдир. ИКАО ташаббуси билан халқаро фуқаро ҳаво кемасининг турли масалаларга бағишланган бир неча (масалан: юқорида учинчи шахс томонидан ҳаво кемасига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги 1952 йилги Рим Конвенцияси; ҳаво кемаларини қонунга зид равишда эгаллаб олиш актлари билан кураш бўйича 1970 йилдаги Гаага ва 1971 йилдаги Монреал) Конвенциялари қабул қилинди.

Иқтисодий соҳада ИКАО фаолияти асосан юк ва йўловчилар ташиш тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини тўплаш, турли мамлакатларга аэродром хизмати воситаларини яратишда техника хизмати кўрсатиш, учувчи-техник ходимлар тайёрлашда кўмаклашишдан иборат.

ИКАО олий кафолатли органи — Ассамблеядир. Унга ташкилот аъзолари бўлган барча давлатлар киради. Ассамблея камида уч йилда бир марта тўпланиб, Кенгашни сайлайди, унинг ҳисоботларини тинглайди ва иш режасини, ташкилот бюджети ва аъзолик бадаллари шкаласини тасдиқлайди, ёрдамчи органлар таъсис этади.

ИКАОнинг доимий ижрочи органи бўлган Кенгаш яширин овоз бериш йўли билан сайланувчи 30 давлатдан иборат бўлади. Кенгашни сайлаш чоғида Ассамблея унда қуйидаги давлатлар ваколати бўлишини тaminловчи принципларга амал қилмоғи даркор: 1) ҳаво транспортда етакчи роль ўйновчи давлатлар; 2) халқаро

фуқаро ҳаво кемаси учун хизмат кўрсатишнинг аэронавигация воситаларини бериб қўйишга салмоқли ҳисса қўшувчи давлатлар; 3) жаҳоннинг барча асосий жўгрофий районлари ваколатли бўлишини таъминловчи давлатлар. Кенгашнинг вазифалари Чикаго Конвенцияси ҳамда Ассамблея қарор ва қоидаларининг амалга оширилиши; халқаро фуқаро ҳаво кемаси масалалари бўйича иш тартиблар; стандартлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; ИКАО аъзолари бўлган давлатлар ўртасида Чикаго Конвенцияси ва унинг қоидаларини тавсиялаш ёки қўлланишга таъллуқли келишмовчиликларни бартараф этиш чоғида ҳакамликни амалга оширишдан иборат. Кенгаш ҳузурида аэронавигация комиссияси авиатранспорт, юридик ва бошқа қўмиталар таъсис этилади.

ИКАО билан бир қаторда фуқаро ҳаво кемаси масалалари бўйича минтақавий халқаро ташкилотлар ҳам иш олиб бормоқда. Улар 1960 йили тузилган аэронавигация хавфсизлигини таъминлаш бўйича Европа ташкилоти; 1969 йилда ташкил этилган Африка фуқаро ҳаво кемаси комиссияси (АФКАН); 1973 йилда ташкил этилган Лотин Америкаси фуқаро ҳаво кемаси комиссияси (ЛАКАК) ва бошқалардир. Уларнинг ҳаммаси ИКАО билан ҳамкорликда бўлиб турадилар.

ХIII БОБ **ХАЛҚАРО КОСМИК ҲУҚУҚ**

1. Тушунчаси ва манбаълар

Халқаро космик ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг тармоғи бўлиб, унинг субъектлари ўртасида космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Халқаро космик ҳуқуқнинг юзага келиши ва шаклланиши 1954 йилнинг 4 октябрида, собиқ Совет Иттифоқида биринчи ернинг сунъий йўлдоши учирлиши билан боғлиқдир. Бу парвоз космик фазонинг инсон томонидан фаол ўзлаштирилишининг бошланишига асос солибгина қолмай, балки ижтимоий ҳаётнинг, халқаро муносабатларнинг барча соҳаларини ҳам қўшиб, барча жиҳатларига чуқур таъсир кўрсатади.

1967 йилда Космос тўғрисидаги дастлабки махсус

шартнома ишлаб чиқилгунга қадар халқаро космик ҳуқуқнинг бир қатор одатдаги ҳуқуқий принциплари ва нормалари таркиб топди. Давлат суверенитетини космик фазога тарқатмаслик принципи ёки, бошқача қилиб айтганда, космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланишдаги эркинлик принципи шулар жумласига киради. Космик фаолиятга тааллуқли айрим одатдаги ҳуқуқий принцип ва нормалар бир овоздан қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеяси қарорларида ўз ифодасини топди. Улар орасида 1961 йил 20 декабрда қабул қилинган 1721 (XVI) ва 1963 йил 13 декабрда қабул қилинган қарорларни алоҳида қайд этиш лозим. Сўнги қарор ўзида давлатларнинг космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланишдаги фаолиятнинг ҳуқуқий принципларини ифодалаган эди.

Космос тўғрисидаги дастлабки махсус шартнома пайдо бўлгунга қадар космосдаги фаолиятнинг у ёки бу жиҳатларини тартибга солувчи айрим шартнома нормалари ҳам амал қилиб келди. Улар 1956 йил 5 августда Москвада имзоланган ядро қуролини атмосфера, фазода ва сув остида синашни тақиқлаш тўғрисидаги шартномада, шунингдек бошқа халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топди. Космик фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш вазифаси шундан иборатки, халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари асосида янги фаолият соҳасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи юридик принцип ва нормаларнинг ихтисослашган тартибини ишлаб чиқиш, космик фазони ўзлаштиришда давлатларнинг кенг илмий техника ҳамкорлигини ривожлантириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш, уни халқаро зиддиятлар зонасига айлантиришга йўл қўймаслиги лозим. Халқаро космик ҳуқуқнинг янги нормаларини амалда ишлаб чиқиш маркази БМТ, хусусан, 1959 йилги Бош Ассамблеянинг Махсус органи сифатида ташкил этилган космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш қўмитаси ҳисобланади.

Ривожланган ва бошқа давлатлар БМТда бир қатор халқаро шартномаларни тузиш ташаббуси билан чиқиб, халқаро космик ҳуқуқни ривожлантиришга катта ҳисса қўшадилар. Халқаро космик ҳуқуқнинг махсус манбаъига биринчи навбатда БМТда ишлаб чиқилган халқаро шартномаларнинг жами гуруҳи кейин эса давлатларнинг аксарият қисми имзолаган ва ратификация қилган шартномалар киради. Булар, Ой ва бошқа самовий

жисмлар ҳам қўшилиб космик фазода тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича давлатлар фаолиятининг принциплари тўғрисидаги 1967 йилги шартнома (1967 йил 10 октябрда кучга кирган), космик фазога учирилган космонавтларни қутқариш, космонавтларни ва космик объектларни қайтариб бериш тўғрисидаги 1968 йилги битим (1968 йил 3 декабрда кучга кирган), космик объектларга етказилган зарар учун халқаро жавобгарлик тўғрисидаги 1972 йилги Конвенция (1972 йил 1 сентябрда кучга кирган), фазога учирилувчи объектларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги 1975 йилги Конвенция (1976 йил 15 сентябрда кучга кирган) давлатларнинг ойдаги ва бошқа самовий жисмлардаги фаолияти тўғрисидаги 1979 йил 18 декабрда имзолаш учун тайёрлаб қўйилган битимдир. Охирги битим ҳали кучга кирмаган. Космос тўғрисидаги 1967 йилги шартнома мана шу шартномалар ўртасида энг асосийси ҳисобланади. У космик фазонинг энг умумий халқаро ҳуқуқий принципларини белгилаб берди. Унда энг кўп давлатлар иштирок этади. Халқаро космик ҳуқуқи умумий халқаро ҳуқуқнинг мустақил тармоғига айланишини худди мана шу шартнома билан боғлайди.

Халқаро космик ҳуқуқнинг бошқа махсус манбалари гуруҳини давлатларнинг космосда биргаликдаги фаолиятини тартибга солувчи кўпдан-кўп халқаро илмий-техникавий битимлар ташкил этади. Бу битимлар турли ижтимоий-сиёсий тузумга тааллуқли энг кўп давлатларни қамраб олган. АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари ва бошқа мамлакатларнинг халқаро космик дастурлари ана шу битимларга асосланади.

Ўз номи, шакли ва вазифаси характерига кўра бу битимлар ғоят ранг-барангдир. Улар орасида ҳукуматлараро ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари (масалан, ИНТЕЛСАТ, ИНМАРСАТ, Европа космик агентлиги); давлатларнинг космосда биргаликдаги фаолиятининг умумий ва конкрет масалалари бўйича кўп томонлама ва икки томонлама битимлари бор.

Космос тўғрисидаги 1967 йилги шартнома ва БМТ доирасида ишлаб чиқилган бошқа кўп томонлама «Космик» шартномаларда ифодаланган халқаро космик ҳуқуқнинг махсус принципларига муносабатда халқаро космик ҳуқуқнинг асосий принциплари умумий принцип

сифатида намоён бўлади. Ўз навбатида халқаро космик ҳуқуқ принциплари илмий-техникавий характердаги битимлар нормаларига нисбатан умумий ҳисобланади. Илмий-техникавий характердаги битимлар нормалари умумий халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларига ҳам, халқаро космик ҳуқуқ принципларига ҳам мос бўлиб тушмоғи даркор.

Халқаро космик ҳуқуқ давлатларнинг самовий жисмларни қўшиб ҳисоблаганда, космик фазонинг ўзидаги фаолиятигагина таъсир кўрсатмайди. У давлатларнинг ер ва ернинг ҳаво кенглигидаги космосни ўрганиш ва уни ўзлаштириш билан боғлиқ фаолиятларига ҳам таъсир кўрсатади.

БМТда ишлаб чиқилган космос тўғрисидаги бир қатор кўп томонлама шартномалар шундай қоидаларни ҳам кўзда тутадик, уларга мувофиқ бу шартномаларнинг қонун-қоидалари давлатлардан ташқари муайян шартларга риоя қилиш чоғида космик фаолият билан шуғулланувчи халқаро, ҳукуматлараро ташкилотларга ҳам жорий этилади. Эслатиб ўтилган шартлар ташкилотнинг битимда кўзда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз зиммасига олиш тўғрисидаги баёотни, шунингдек, мазкур битимда ва космос тўғрисидаги 1967 йилги шартномада қатнашувчи ташкилотнинг кўпчилик аъзолари иштирокини ўз ичига олади.

2. Космик фазо ва самовий жисмларнинг ҳуқуқий ҳолати

Космик фазонинг халқаро ҳуқуқий режимига космос тўғрисидаги 1967 йилги шартномада асосан ўз ифодасини топган нормалар киради. Ой ва бошқа самовий жисмлар мақомига нисбатан бир қатор қўшимча кўрсатмалар давлатларнинг Ой, ва бошқа самовий жисмлардаги фаолияти тўғрисида 1979 йилда тузилган битимлар кўзда тутилган.

Космик фазонинг самовий жисмларни ҳам қўшиб ҳисоблагандаги ҳуқуқий ҳолати, аввало, шу билан белгиладик, уларга бирорта давлат суверенитети таъллуқли бўлмайди. Космос тўғрисидаги шартноманинг 1-моддасига биноан «Ой ва бошқа самовий жисмлар ҳам қўшиб ҳисобланган космик фазо» барча давлатлар учун бирон бир камситилишсиз тенглик асосида ва халқаро ҳуқуққа биноан самовий жисмларнинг барча районлар-

га эркин кириб бориши, тадқиқ қилиши ва фойдаланиш учун очкидир.

Ҳозирги ва келгусида барча давлатлар учун космоснинг очиқлиги амалда фақат барча давлатларнинг умумий манфаатларидан келиб чиқувчи бу эркинликни муайян даражада чеклашга қаттиқ риоя қилинган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Бундай чеклашларнинг бири шартноманинг космосдаги фаолияти халқаро ҳуқуққа биноан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми талабларини ҳам қўшиб (3-модда) амалга ошириш, яъни халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ва нормаларига риоя қилиш тўғрисидаги талабидир.

Космос барча давлатлар учун эркинлик кафолати бўлиб, космик фазони ва самовий жисмларни уларга суверенитетни эълон қилиш йўли билан бўлса ҳам, фойдаланиш ёки эгаллаш ёхуд ҳар қандай бошқа воситалар (2-модда) билан бўлса ҳам космик фазони миллий қарамликка олишни тақиқлайди.

Шартноманинг IX моддаси давлатларнинг космик фазодаги ва самовий жисмлардаги фаолиятини амалга ошириш чоғидаги бошқа барча давлатларга тегишли манфаатларни маълум даражада ҳисобга олиш ва улар фаолияти учун зарарли бўлган ҳолатларни вужудга келтирмаслик мажбуриятини белгилайди. Бу масалалар бўйича давлатлар ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликлар халқаро кенгашлар йўли билан ҳал қилиниши керак. Шартнома давлатларга космик фазони ва самовий жисмларни ифлосланишга ҳамда ердан фазога моддаларни элтиб қўйиш оқибатида ер муҳитидаги номувофиқ ўзгаришларга йўл қўймаслик мажбуриятини ҳам юклайди.

Давлатларнинг фаол иштироки ва халқларнинг тинчлик ҳамда халқаро хавфсизлик учун кураши шароитида ривожланиб бораётган халқаро космик ҳуқуқи фазони барча давлатлар учун тинчлик ва ҳамкорлик зонасига айлантиришни мақсад қилиб қўяди. Халқаро космик ҳуқуқи нормалари Ой ва Самовий жисмларда ҳар қандай ҳарбий фаолиятга нисбатан бир қатор жиддий тақиқловларни юклайди. Шунинг учун Ой ва бошқа самовий жисмларни тўла демилитарлаштириш ва космик фазони қисман демилитарлаштириш тўғрисида сўз юритишга келишилган.

Космос тўғрисидаги шартноманинг IV- моддасига биноан давлатлар ер атрофидаги орбитага ядро қуроли

Бўлган ҳар қандай объектни ёки оммавий қирғин қуро-ларининг ҳар қандай бошқа турлари бўлган бирор бир объектни ер атрофи орбитасига чиқармаслик ва бирор бир тариқада жойлаштиришдан тийилиб туриш мажбу-риятини юклайди (1963 йил 5 августдаги Москва шарт-номасига мувофиқ Космик фазода ядро қуролини порт-латиш синовини ўтказиш ҳам тақиқланган). Ой ва бош-қа самовий жисмларга келганда шуни айтиш керакки, улар давлатлар томонидан фақат тинчлик мақсадлари-да фойдаланишлари мумкин. Ой ва бошқа самовий жисмларда ҳарбий базалар, истеҳкомлар ва иншоотлар қуриш, қуролининг ҳар қандай турини синаш ва ҳарбий машғулотлар ўтказиш тақиқланади. Айни чоғда, Ой ва бошқа самовий жисмларни тинч тадқиқ этиш учун зар-ур ҳарбий ходимлар, ускуналар ва воситалардан фой-даланишга йўл қўйилади.

Давлатларнинг Ойда ва самовий жисмлардаги фао-лияти тўғрисидаги битим (1979 йил) Космос тўғрисида-ги шартноманинг бир қатор қондаларини аниқлаштира-ди ва ривожлантиради. Бу билан ернинг сунъий йўлдо-ши ва қуёш таркибидаги бошқа самовий жисмларнинг Космосни тадқиқ этиш ва ундан фойдаланишдаги тарақ-қиёти ҳисобга олинган ҳолдаги энг муфассал ҳуқуқий ҳолатни белгилаб беради. Мазкур битимнинг дастлабки лойиҳаси ривожланган давлатлар томонидан 1972 йилда БМТга тақдим этилган эди. Битим Ой ва бошқа самовий жисмлардан фақат тинчлик мақсадларида фойдала-нишни таъкидлаб, Ой атрофи орбитасига ва бошқа са-мовий жисмларга оммавий қирғин қуролининг ҳар қандай турини чиқаришни қўшимча равишда тақиқлов-чи қондани белгилаб қўйди. Шу билан бирга маъдан ва бошқа моддаларнинг намуналарини йиғиш ва ерга олиб кетишга рухсат этилади. Шунингдек, экспедиция-ларнинг яшаш шароитини таъминлаб туриш учун улар-дан фойдаланишни кўзда тутди. Шунингдек, у Ойда илмий тадқиқотлар ўтказиш эркинлигини эълон қилиб, уларнинг тартибини тўла белгилайди. Халқаро ҳуқуқ-да биринчи марта самовий жисмлар ва уларнинг табиий ресурсларини «Инсониятнинг умумий мероси» деб эълон қилинди, Ой ва бошқа самовий жисмларнинг табиий бойликларидан фойдаланиш яқин орада мумкин эканлиги аниқ бўлган чоғда уларнинг ишга солинишини тартибга келтириш учун махсус халқаро ҳолатни ишлаб чиқиш мажбурияти кўзда тутилади.

Халқаро Космик ҳуқуқда ҳазо ва космик фазо ўртасидаги чегарани белгиловчи шартнома нормалари ҳали йўқ. Бироқ халқаро космик ҳуқуқнинг одатдаги нормаси қарор топдики, унга кўра паст орбитада учувчи йўлдошлар ҳам давлатнинг ҳазо ҳудуди доирасидан ташқарида бўлади. Шунга мувофиқ БМТнинг космос бўйича Қўмитаси аъзолари бўлган бир қатор давлатлар, космик фазо океан сатҳидан 100—110 км юқорида бошланишини шартнома тариқасида тан олиш таклифи билан чиқмоқдалар. Бунда космик объектларнинг орбитага чиқиш ва ерга қайтиш учун бошқа давлатлар устидан эркин учиб ўтиши ҳуқуқини сақлаб қолиш кўзда тутилмоқда.

3. Космонавтлар ва космик объектларнинг ҳуқуқий ҳолати

Табий равишда мавжуд бўлган самовий жисмлар чунончи, Ой, сайёралар, астероид ва бошқалардан фарқли ўлароқ халқаро космик ҳуқуқда инсон томонидан яратилиб, ҳар хил мақсадларга мўлжалланган космик аппаратлар ва уларнинг таркибий қисмлари (ернинг сунъий йўлдошлари, автоматик ва бошқарувчи кемалар ҳамда станциялар, ракета учирувчилар ва бошқалар) космик объект ҳисобланади. Халқаро космик ҳуқуқ космик объектларни улар учирилган вақтдан ёки космик фазода кўрилгандан бошлаб (шу жумладан самовий жисмларда) фаолиятини тартибга солади. Бунгача бўлган вақтда космик объектларнинг барпо этилиши ва учирилиши, агар давлатлар ўртасида бўлак хусусдаги махсус шартлашув бўлмаса, ички давлат ҳуқуқи доирасида бўлади (масалан, космик объектларни яратиш ёки учуриш тўғрисидаги бир неча давлатлар ўртасидаги битишув).

1961 йилдан бошлаб БМТда космик объектларнинг рўйхатдан ўтказилиши (Марказлаштирилган ҳисоби) йўлга қўйилган. Космик фазога учуриладиган объектларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги 1975 йилги Конвенция рўйхатдан ўтказиш ишига мажбурийлик тусини берди. Космик объект миллий рўйхатда ҳам қайд этилиши керак.

Космик объектларни рўйхатга олиш муайян юридик оқибатларга боғлиқдир. Космос тўғрисидаги шартноманинг VIII-моддасида «Космик фазога учурилган объект

рўйхатида қайд этилган давлат-шартнома қатнашчиси бундай объект устидан ҳам бу объектнинг ҳар қандай экипажи устидан ҳам, улар космик фазода ҳам, шу жумладан самовий жисмларда ҳам бўлган вақтларида ўз юридик судловини ва назоратини сақлаб қолади», дейилган. Бундан келиб чиқадики, космик объект ва унинг экипажи (халқаро экипажлар ҳам) космосда бўлган вақтларида мазкур космик объект рўйхатга олинган давлат томонидан назорат қилиб турилади ва уларнинг ҳокимиятига бўйсунди. Давлат ўз космик объектлари ва уларнинг парвози космик фазода ва самовий жисмларда бўлган вақтида ўз суверен ҳуқуқини сақлаб қолади.

Шартнома, шунингдек, космик объектларга нисбатан мулкӣ ҳуқуқ улар космик фазода бўлган чоғларида ҳам ерга қайтганларидан кейин ҳам, «дахлсиз қолиши» ни белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, космик объектлар ва уларнинг таркибий қисмлари учишгача қайси давлатга мансуб бўлса, космосда бўлган чоғида ҳам, ерга қайтгандан кейин ҳам, ўша давлатга, юридик ёки жисмоний шахсларга тегишли бўлиб қолади.

Космос тўғрисидаги шартноманинг XII-моддаси ва давлатларнинг Ойдаги фаолияти тўғрисидаги битимнинг XV-моддасига мувофиқ Ой ва бошқа самовий жисмлардаги барча станциялар, қурилмалар, асбоб-ускуналар ва космик кемалар ўзаро хайрхоҳли асосда муайян шартларга риоя қилинган (олдиндан хабардор қилиб қўйилган) тақдирда учинчи давлат вакиллари томонидан ташриф буюриши учун очиқдир. Ташриф ҳуқуқи халқаро космик ҳуқуқда кескин чекланган тусда бўлиб, орбитадаги космик станциялар, Ой ва бошқа самовий жисмлардан четдаги бошқа космик объектларга нисбатан жорий қилинмайди.

Шартнома космонавтлар бажараётган ишларнинг умуминсоний аҳамиятини таъкидлаб, уларни «инсониятнинг космосдаги вакиллари» сифатида характерлайди (V-модда). Бундан космонавтларга бирон бир даражадаги миллатлардан юқори турувчи мақом берилиши маъноси келиб чиқмайди, албатта. Улар космик парвозни амалга ошираётиб, юқорида таъкидланганидек, ўз давлатларининг фуқаролари бўлиб қоладилар ва ўз космик кемалари рўйхатдан ўтказилган юридик судлов ҳамда назоратга бўйсундилар.

Халқаро космик ҳуқуқ бахтсизлик, ҳалокат ёки маж-

Бурий қўниш ҳолати юз берган тақдирда космонавтларни учирган давлат ҳудудидан ташқарида ҳам қутқариш ва ерга қайтариш масалаларини муфассал тартибга солади. Космос тўғрисидаги шартнома (V-модда), космонавтларни қутқариш тўғрисидаги 1968 йилги битим, шунингдек давлатларнинг Ойдаги фаолияти тўғрисидаги 1979 йилги битимда тегишли халқаро ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини топган. Давлатларнинг космик экипажларини қутқариш ва ерга қайтариш бўйича 1968 йилги битимда кўзда тутилган мажбуриятларни космик объектларнинг ўзини қутқариш ва ерга қайтариш бўйича уларнинг мажбуриятларидан фарқ қилади. Давлатлар бахтсизлик, фалокат ёки мажбурий ҳамда кўзда тутилмаган қўнишлар натижасида бошқа ҳудудга тушган космик кеманинг экипажини қутқариш ва зарур ёрдам кўрсатиш учун мумкин бўлган барча чораларни кўриши керак. Бундай экипаж учишни амалга оширган ҳукуматларнинг вакилларига дарҳол қайтарилади. Космик объектларнинг ўзи ва уларнинг таркибий қисмлари эса учиришни амалга оширган, ҳукуматларга фақат уларнинг илтимосига кўра ҳамда улар ҳисобидан қутқарилади ва қайтарилади.

Халқаро космик ҳуқуқ космонавтларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлашга қаратилган бошқа яна бир қатор тадбирларни кўзда тутди. Булар: космонавтлар космик фазода ва самовий жисмларда бўлган вақтларида ўзаро-ёрдам кўрсатишлари; станциялар, иншоотлар, аппаратлар ва Ойда ҳамда бошқа космик жисмларда фалокатга учраган шахсларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи; космик фазода, космонавтларнинг Ойда ва бошқа самовий жисмларда содир бўлган ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирувчи бевосита давлатларнинг ўзи БМТ Бош Қотиби орқали ўзаро ахборот алмашуvidан иборат.

4. Космик фаолият учун ҳуқуқий масъулият

Давлатлар ўзларининг космосдаги фаолиятларини халқаро космик ҳуқуқнинг принциплари ҳамда нормаларига қатъий амал қилган ҳолда олиб борганлиги учун халқаро жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар. Космос тўғрисидаги шартноманинг 4-моддасига мувофиқ давлатларнинг бундай жавобгарлиги ҳар қандай миллий фаолиятга «ҳукумат органлари ёки ноҳукумат мақомига эга юридик шахслар орқали» олиб борилаётганлигидан қатъи назар ҳар қандай фаолиятга жорий этилади.

Космосдаги фаолиятни халқаро (ҳукуматлараро) ташкилот амалга ошираётган чоғда бу ташкилот билан бирга унга аъзо давлатлар ҳам масъулиятни ўз зиммаларига оладилар. Халқаро космик ҳуқуқ давлатларнинг жавобгарлигини фақат содир қилинган ҳуқуқий жиноятларга нисбатан кўзда тутмайди, балки ҳуқуқий асосда космосда олиб борилган ишлар жараёнида, масалан, йўлдошнинг қулаб тушиши ёки унинг таркибий қисмлари чет эл ҳудудига сочилиши натижасида етказилган зарар учун ҳам жавобгарликларни кўзда тутати.

Космик техниканинг кенг кўламда фойдаланилиши Ерга, ҳаво кенгликлари ва космосга моддий зарар етказиш билан муқаррар боғлиқдир. Шунинг учун космик объектларга етказилган зарар юзасидан моддий жавобгарлик масалалари халқаро космик ҳуқуқда муфассал қайд этилганлиги тасодифий эмас. Бу муаммоларга, шунингдек, космик фазо тўғрисидаги шартноманинг VII-моддаси ва космик объектларга етказилган зарар учун халқаро жавобгарлик тўғрисидаги 1972 йилги Конвенция ҳам тегишли.

Космик фаолият натижасида етказилган зарар учун моддий жавобгарлик юқорида кўрсатилган ҳужжатларда халқаро ҳуқуқий характер касб этади. Бошқача қилиб айтганда, бундай жавобгарлик субъектлари сифатида зарар кўрган томон ёки зарарни қопловчи томон бўлишидан қатъи назар давлатларнинг ўзлари ёки уларнинг жисмоний ёхуд юридик шахслари иш олиб борадилар. Зарар кўрган томон ёки уни етказган томон юридик ёхуд жисмоний шахс бўлиб чиққан ҳолатларда, уларнинг манфаатларини муайян давлатлар муҳофаза қилади. Давлатнинг космик объекти томонидан Конвенцияда кўзда тутилган зарар тўғридан-тўғри содир қилинган тақдирда, давлатларнинг моддий жавобгарлиги ҳеч истисносиз келиб чиқади.

«Учирувчи давлат» ўзининг космик объекти томонидан ер юзасида ёки учиб бораётган ҳаво кемасига етказган зарар учун товон тўлашга мутлақ жавобгардир (айни айбнинг мавжудлигидан қатъи назар келиб чиқадиган жавобгарлик). Фақат агар «учирувчи давлат» зарар тўлалигича ёки қисман зарар кўрган давлат ёки унинг жисмоний ёхуд юридик шахслари томонидан зарар етказишга ҳаракат эҳтиётсизлик ёки ҳаракатсизлик (ҳаракат) натижасида келиб чиққанлигини исботлай олса, у бундай жавобгарликдан озод қилинишига йўл қўйи-

лади. Бироқ зарар учирувчи давлатнинг халқаро ҳуқуқи, БМТ Низомига ва космос тўғрисидаги 1967 йилги шартномага мувофиқ келмайдиган тарздаги ноҳуқуқий фаолияти натижасида етказилган бўлса, унда ҳеч қандай истисносиз жавобгарликка тортилади. Бунда ҳатто зарар кўрган давлатнинг айби очикдан-очик кўриниб турган бўлса ҳам у жавобгар бўлмайди. Бинобарин, бу ҳужжатда космик фаолиятини амалга ошириш чоғида ҳуқуқий принциплар ва нормаларнинг сўзсиз бажарилишининг аҳамияти алоҳида таъкидлаб кўрсатилади.

Конвенция «учирувчи давлат» атамасига кенг талқин беради. У бу тушунчада космик объектни учиришни амалга оширган ёки ташкил этган давлатни ҳам, ҳудудидан ёки қурилмасидан космик объект учирилган давлатни ҳам ўз ичига олади. Конвенциянинг 5-моддасида икки ёки ундан ортиқ давлатлар биргаликда учиришни амалга оширган тақдирда, ҳар қандай етказилган зарар учун биргаликдаги жавобгарлик принципи белгилаб қўйилган. Бу шуни билдирадики, зарар кўрган давлат ўз хоҳишига кўра зарарни қоплаш тўғрисида биргаликдаги учиришни амалга оширган давлатнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида ёки уларнинг баъзиларига ёхуд ҳаммаларига биргаликда талаб қўйиши мумкин.

Конвенция зарар учун товон тўғрисидаги эътирозларни билдириш ва уларни қараб чиқиш тартибларини муфассал белгилаб беради. Бу тартиб эътирозларни дипломатик музокаралар йўли билан бартараф этиш имкониятини ҳам, агар дипломатик музокаралар муваффақият келтирмаган тақдирда эътирозларни қараб чиқиш бўйича махсус комиссия тузишни ҳам кўзда тутади.

XIV БОБ

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚ

1. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ тушунчаси

Халқаро иқтисодий муносабатлар мураккаб тизимга эга. Улар турли мамлакатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ўртасидаги муносабатлар каби давлатлар ўртасидаги муносабатларни ҳам қамраб олади. Бу муносабатлар ўз мавзу мундарижасига кўра ҳам мураккабдир. Халқаро иқтисодий муносабат, масалан, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга етказиб бериш учун (тор

маънода халқаро савдо муносабатлари) моллар сотиб олиш ва сотиш бўйича муносабатлар, қарз, насиялар икки ва ундан кўп мамлакатларнинг банклари ҳамда бошқа корхоналари ўртасида заёмлар бериш бўйича муносабатлар бир мамлакат ҳудудидан иккинчи мамлакат ҳудудига йўловчи ва юклар ташиш бўйича муносабатлар (халқаро транспорт муносабатлари илмий-техника ихтиролари, саноат тажрибасидан фойдаланиш, техника ёрдами кўрсатиш бўйича муносабатлар, халқаро саноат ҳамкорлиги ва бошқалардан иборат.

Жисмоний ва юридик шахслар ўртасида таркиб топган шу сингари мулкӣ муносабатлар бевосита миллий ҳуқуқ нормалари орқали тартибга солинади. Бу ҳуқуқ ва нормалар давлатлар томонидан автоном ёки уларнинг халқаро мажбуриятларидан келиб чиқадиган тарзда белгиланади ёхуд санкцияланади. Бундай ҳолатларда халқаро оборотда фуқаролик мулкӣ муносабатларнинг қатнашчилари алоҳида турдаги фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида муносабатга кирувчи давлатлар ҳам бўлиши мумкин. Фуқаролик ҳуқуқий характердаги халқаро мулкӣ муносабатлар ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш омиллари (коллизия ва моддий-ҳуқуқий) халқаро хусусий ҳуқуқ томонидан ўрганилади.

Халқаро оммавий ҳуқуқ ҳокимият субъекти сифатидаги давлатлар ва халқаро (давлатлараро) ташкилотлар ва кейингиларининг ўзаро муносабатларида таркиб топадиган давлатлараро иқтисодий муносабатларни (кенг маънода давлатлараро) тартибга солади.

Бу муносабатларнинг ўзига хослиги, уларнинг юқорида қараб чиқилган муносабатларидан фарқли ўлароқ бу муносабатларнинг сиёсий характери билан белгиланади. Давлатлараро иқтисодий муносабатлар ҳам ҳолат хилма-хилдир. Улар савдо, денгиз ва транспорт турлари, молия ва қарз, фан-техника ва бошқа саноат ҳамкорлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муносабати билан юзага келади.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ халқаро оммавий ҳуқуқнинг умумий тармоғи сифатида халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги фаолият муносабати билан халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндисидан иборатдир.

2. Қарама-қарши ғоялар кураши шароитида халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг шаклланиши

Ривожланган давлатларнинг ҳужжатларида бутун халқаро иқтисодий муносабатлар таркибини янги демократик асосда қайта қуриш учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган принциплар эълон қилинди. Улар: миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган ҳуқуқини тан олиш; мустамлака тузумининг ҳуқуққа зидлиги; тенгсизликка асосланган шартномаларни батамом бекор қилиш; катта ва кичик давлатларнинг суверенитетини ҳурматлаш; ҳар бир давлат томонидан ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тузумни танлаш эркинлиги; халқларнинг миллий озодлик курашини қўллаб-қувватлаш принципларидир. Улар Ўзбекистон Республикасининг 1991—1997 йиллардаги Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Малазия, АҚШ, Англия, Франция, Япония, Хитой ва бошқа давлатлар билан тузган иқтисодий, яхши муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги, ҳамда тинчлик шартномаларида ўзининг халқаро ҳуқуқий ифодасини топди.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқий принципларнинг шаклланиши нуқтаи назаридан мазкур шартномаларнинг қуйидаги қоидалари алоҳида аҳамиятга эга: а) ташқи савдонинг давлат монополиясини ташқи иқтисодий сиёсати принципи сифатида халқаро ҳуқуқий тан олиш; б) халқаро иқтисодий муносабатларда камситилишга йўл қўймаслик; в) энг кўп имкон бериладиган принципнинг томонларнинг савдо, иқтисодий муносабатлари, шартнома ҳуқуқи сифатида кенг тан олиниши.

Шунинг учун ҳам БМТни ташкил этиш чоғида халқаро иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун имкониятлар яратишга катта эътибор берилган эди. Унинг Низомида иқтисодий характердаги халқаро муаммоларни ҳал қилишда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ташкилот мақсадларидан бири сифатида кўрсатиб ўтилади. Низомнинг бошқа моддаларида ҳам халқаро иқтисодий ҳамкорликни таъминлашга қаратилган кўпгина қоидалар берилган. Шу мақсадларда халқаро идора (ЭКОСОС ва у билан боғлиқ халқаро ихтисослаштирилган ташкилотлар) ташкил этиш кўзда тутилган эди. Бироқ халқаро савдо масалалари билан махсус шуғулланувчи ташкилот тузилмай қолди. Ҳали уруш давом этиб турган вақтдаёқ тузилган халқаро савдо ташкило-

ти (ХСТ)ни ташкил этиш ҳамон долзарб масалалигича турибди.

1947 йил октябрида асосан ривожланган давлатлардан иборат 23 давлат Женевада тарифлар ва савдо тўғрисида бош битим (ГАТТ) тузди. Ўз характериға кўра у тарихда биринчи марта тузилган кўп томонлама савдо шартномаси бўлиб, унинг ҳозирги давр халқаро ташкилотига хос айрим хусусиятлари (иштирокчи давлатларнинг вақти-вақти билан ўтказиладиган сессиялари, сессиялараро қўмита, котибият) мавжуд эди.

Еш Ўзбекистон Республикаси халқаро иқтисодий муносабатларни халқаро ҳуқуқий тартибға солишда халқаро битимлар ўзаро иқтисодий муносабатларида камситилмаслиғига энг кўп имконият бериш, чинакам тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро манфаатдорлик ва ўзаро ёрдам асосида умумий ҳуқуқий ҳолатни яратиш учун кенг фойдаланмоқда. Улар юқорида айтилганидек, савдо ва тўлов битишувларини ўзларининг ўзаро мол айирбошлашларини режали тартибға солиш учун фойдаланадилар. Ўзбекистон давлати тажрибасида қарор топаётган узоқ муддатли савдо битимлари ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек, жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришға муҳим ҳисса қўшаётган мамлакатларға муваффақиятли қўлланилмоқда. Давлатимиз томонидан халқаро битимларнинг мутлақо янги турлари — товарларни қарзға етказиб бериш, илмий техника ҳамкорлиғи, саноат объектларини қуришға техника жиҳатидан кўмаклашиш тўғрисидаги шартномалар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ривожланган давлатлар билан тузган шартномаларининг барчаси чинакам тенг ҳуқуқлилиқ, суверенитетни ва ўзаро манфаатларни ҳурматлаш, ўзаро фойда олиш; қардошларча бирдамлик ва ўртоқларча ўзаро ёрдам принципларига асосланган.

1960 йилда БМТнинг Бош Ассамблеяси XVI сессиясида ривожланаётган мамлакатларнинг биргаликдаги куч-ғайрати туфайли «Халқаро савдо иқтисодий тараққиётининг энг муҳим қуроли сифатида»ги қарори бир овоздан қабул қилинишиға муваффақ бўлинди. Бу қарор ЭКОСОС томонидан БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича (ЮНКТАД) конференциясини чақириш тўғрисидаги қарори қабул қилиниши учун асос бўлди.

БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича биринчи конференцияси 1964 йилнинг март — июнида Женевада бў-

либ ўтди. ХСТни ташкил этиш тўғрисидаги масала бўйича келиштирувчи қарор қабул қилинди. Айрим мамлакатларнинг қаршилик кўрсатганликлари туфайли ХСТни БМТнинг мустақил ихтисослаштирилган ташкилоти сифатида ҳеч истисносиз ташкил этишга муваффақ бўлмади, конференциянинг ўзини БМТ Бош Ассамблеясининг доимий органи сифатида қайта ташкил этишга қарор қилинди. Биринчи марта мустақил универсал халқаро форум ташкил этилди ва махсус умумжаҳон савдо ҳамда ривожланиш муассасаларини қараб чиқувчи ва ҳал қилувчи тегишли халқаро идора тузилди.

Конференция халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида эски тартибларга зарба берувчи қатор муҳим қарорлар қабул қилди. Шундан буён жаҳон иқтисодий муносабатларини қайта қуриш, уларнинг ҳозирги умумий халқаро ҳуқуққа мос қилиб тузиш тўғрисидаги масалалар БМТ ва бошқа кўпгина халқаро ташкилотлар ҳамда конференцияларнинг фаолиятида марказий ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

70-йилларнинг ўрталарида мустақил давлатлар янги халқаро иқтисодий тартиб — ЯХИТ тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйди. Бу ном халқаро савдо, пул-молия муносабатлари, иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлигини қамраб олувчи реформалар режаси учун хос бўлиб қолди.

3. Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида иш олиб борувчи халқаро ташкилотлар

Халқаро иқтисодий ҳуқуқни шакллантиришда ўз таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган вазифаларга таяниб, давлатларга иқтисодий характердаги муаммоларни ҳал этишга кўмаклашишда бундай муаммоларни ҳал этишда уларнинг ҳамкорлигини ташкил этишга мажбур бўлган БМТ ва бошқа кўпгина халқаро ташкилотлар катта роль ўйнайди. БМТда халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари билан Бош Ассамблея, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш шуғулланади. ЭКОСОС Бош Ассамблеяга тобе. Унинг кенгашга тааллуқли тавсиялари БМТ Низомининг 66-моддасига биноан мажбурий кўрсатма характерига эга бўлади.

Бош Ассамблеяда иқтисодий ва молиявий масалалар

бўйича қўмита (иккинчи қўмита)дан ташқари бирмунча автономияга эга бўлган 2 та доимий ёрдамчи иқтисодий орган мавжуд. Булар БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (ЮНКТАД) ва БМТнинг саноат масалалари бўйича ташкилоти (ЮНИДО)дир.

ЮНКТАД унинг аъзолари бўлган барча давлатлар конференцияси, кўпдан-кўп ёрдамчи органлари бўлган савдо ва ривожланиш бўйича Кенгаш, Котибиятдан; ЮНИДО тизими саноат ривожини бўйича кенгаш ва бошқарувчи директор бошчилигидаги котибиятдан иборат.

ЮНКТАД ва ЮНИДОнинг БМТнинг бошқа органлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқалари ғоят кенг ва мураккабдир.

БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси ёрдамчи органлари орасида хом ашё товарлари, саноат товарлари, кўзга чалинмас моддалар ва молиявий таъминот, денгизда юк ташиш қўмиталари, халқаро савдо маркази энг катта роль ўйнайди. Бу ёрдамчи органларни БМТнинг бошқа тегишли органлари фаолияти билангина эмас, балки умуман халқаро ташкилотлар фаолияти билан мувофиқлаштириш бўйича қўмита мисолида кўриш мумкин.

БМТ Бош Ассамблеясининг муҳим доимий ёрдамчи органи халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссия (ЮНИС-ТАРД)дир. Унинг асосий вазифаси халқаро савдо ҳуқуқини амалга оширишга кўмаклашиш ва уни бир нормага солишдан иборат. Комиссия фақат шу соҳадаги халқаро хусусий ҳуқуқ масалалари билан шуғулланади. Халқаро савдо учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган энг кўп имконият яратувчи миллий ҳолат сингари оммавий ҳуқуқий масала БМТ халқаро ҳуқуқ комиссиясида ишлаб чиқилади.

БМТнинг халқаро иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик соҳасида унинг вазифасини бажариши учун бутун жавобгарлик юкланган асосий органи сифатида Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаш БМТ таркибидаги органлар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади. Шу мақсадларда ўзининг бошқа вазифаларини ҳам амалга ошириш учун ЭКОСОС бир қатор ёрдамчи органлар, шу жумладан, режалаштириш ва мувофиқлаштириш, ривожланиш мақсадида фан ва техника, табиий бойликлар, ривожланишни режалаштириш қўмиталарига эга. Режалаштириш ва Мувофиқлаштириш қўмитаси ЭКОСОСга унинг умумий мувофиқлаштирув-

чи вазифаларини амалга оширишда, худди шу каби турли дастурларни режалаштириш ва амалга оширишда, қолган қўмиталар эса ҳар бири ўз соҳасида ёрдам кўрсатади. Чунончи, табиий бойликлар қўмитаси ЭКОСОСга унинг умумий мувофиқлаштирувчи вазифаларини амалга оширишда худди шу каби турли дастурларни режалаштириш ва амалга оширишда, қолган қўмиталар эса ҳар бири ўз соҳасида ёрдам кўрсатади. Чунончи, табиий бойликлар қўмитаси ЭКОСОСга дастур ва мувофиқлаштириш қўмитасига минтақавий иқтисодий комиссиялар, ихтисослаштирилган ташкилотлар, атом энергияси бўйича халқаро агентлик ва фаолияти табиий бойликларни ўзлаштириш ҳамда улардан фойдаланишга дахлдор бўлган бошқа органлар ва ташкилотлар билан зарур алоқаларни ўрнатишга қўмаклашади.

ЭКОСОС раҳбарлиги остида 5 та минтақавий комиссия: Европа учун (ЭКЕ), Осиё ва Тинч уммон учун (иқтисодий ва ижтимоий комиссия — ЭСКАТО), Латин Америкаси учун — (ЭКЛА), Африка учун (ЭКА) ва Ғарбий Осиё учун (ЭКЗА) иш олиб боради. Минтақавий комиссияларнинг ҳар бири кенг тармоқли ихтисослашган ёрдамчи органлар таркибига (қўмиталарга) эга. Комиссия универсал халқаро ташкилотлар билан бевосита ёки ўзининг ёрдамчи органлари орқали ҳам минтақавий алоқа ўрнатади.

ЭКОСОСнинг энг муҳим вазифаларидан бири кўпчилиги халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи БМТ ихтисослашган ташкилотлари таркибларининг фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат.

Европа ҳамжамиятлари (ЭИХ, ЕОУС, Евратом) биргаликдаги органларга эга, шунинг учун ўзаро муносабатларда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида муаммо келиб чиқмайди. Бу ташкилотларнинг ҳар бири бошқа давлатлар билан ўз ҳуқуқ доирасида алоқа ва ҳамкорликни амалга оширади.

Умумсиёсий минтақавий ташкилотлар Араб Давлатлари Лигаси, Африка Бирлиги Ташкилоти, Америка Давлатлари Ташкилоти, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси ва бошқалар халқаро иқтисодий ҳамкорлик соҳасида бир қатор ишларни амалга оширадilar. БМТ таркибидаги орган ва ташкилотлар бошқа халқаро ташкилотлар билан тегишли муносабатларни амалга оширади, мазкур жўғрофий районларда минта-

қавий иқтисодий ташкилотлар фаолиятини умумий гарзда мувофиқлаштиради, шундай ташкилотлар тузишга кўмаклашади. Кўпдан-кўп минтақавий иқтисодий ташкилотлар орасидан Африка тараққиёти банки, Иқтисодий ривожланиш, Араб молия институту, Лотин Америкаси озод савдо ассоциацияси, Лотин Америкаси иқтисодий системаси, Шарқий Африка иқтисодий ҳамжамияти, Марказий Африка бож ва иқтисодий иттифоқи, Ғарбий Африка давлатлари иқтисодий ҳамжамиятини кўрсатиб ўтиш мумкин.

4. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ манбалари

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ манбалари умуман халқаро ҳуқуқ манбалари сингари халқаро шартномалар ва халқаро ҳуқуқий одатлардан таркиб топади. Шартнома манбаларига халқаро иқтисодий масалалар бўйича қарорларни ифодаловчи кўпдан-кўп сиёсий шартномалар, шунингдек, иқтисодий ва бошқа халқаро ташкилотларнинг халқаро иқтисодий муносабатлари соҳасида иш олиб бориш жараёнидаги таъсис ҳужжатлари ва Низомлари киради. Бу ҳужжатлар кўпинча аъзо бўлган давлатларнинг ўзаро муносабатлари принциплари ва бошқа нормаларни, шунингдек, уларнинг учинчи давлатлар билан муносабатларини ҳам белгилайди. Масалан, БМТ Низомининг Преамбуласи, 1,55 ва 56-моддалари, Халқаро ташкилотларнинг Низом принциплари ва бошқа нормалари халқаро иқтисодий ҳуқуққа бевосита кирмай, балки унинг бошқа нормаларини шакллантиришга ҳам катта таъсир кўрсатади. Халқаро ташкилотлар ўз қарор ва ҳужжатларида халқаро шартномалар лойиҳаларини ишлаб чиқиш чоғида бўлгани каби аъзо давлатлар шартномаларни тузиш чоғида кўрсатилган принциплар ва нормаларига риоя қилмасликлари мумкин эмас.

Халқаро ҳуқуқнинг одатдаги нормалари халқаро иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ғоят салмоқли роль ўйнайди. Умумий халқаро ҳуқуқнинг тармоғи сифатидаги халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг шаклланишида халқаро ташкилотлар ва конференцияларнинг қарорлари муҳим ўрин тутаяди.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ нормаларининг шаклланишида ЮНКТАДнинг 1964 йилда бўлиб ўтган I сессиясида қабул қилинган принциплари 1974 йилда БМТ

Бош Ассамблеясининг VI махсус сессиясида қабул қилинган халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш бўйича Декларация ва ҳаракат программалари, 1974 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг XXIX сессиясида қабул қилинган давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Хартияси, 1975 йилда ЮНИДО конференциясида қабул қилинган саноат соҳасидаги тараққиёт ва ҳамкорлик бўйича Лима Декларацияси, Европадаги хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг 1975 йилдаги Якунловчи акти қайта аҳамиятга эга.

5. Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг мақсадлари ва принциплари

Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг асосий мақсади халқаро ҳуқуқнинг мақсади каби тинчликни таъминлашдан иборат. БМТ Низомининг асосий мақсадларидан бири тинчликни сақлаш, давлатлар ўртасидаги узвий алоқани ифодалашдан иборат. Халқаро иқтисодий муносабатлар БМТнинг худди мана шу мақсадларини ҳаётга татиқ этишга хизмат қилмоғи лозим.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг бошқа бир мақсади камроқ ривожланган мамлакатларга ёрдам бериш, халқаро ҳуқуқий воситалар билан халқаро иқтисодий муносабатларни, давлат суверенитетини ҳурматлаш, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, барча давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шартшароитларни яратиш, бунда ижтимоий-иқтисодий тузилмалардаги тафовутларни ҳисобга олмаслик, шунингдек, ҳудудларнинг катта-кичиклиги ва иқтисодий тараққиёт даражасидан қатъи назар яхши муносабатлар ўрнатишга кўмаклашишдан иборат.

У халқларнинг ижтимоий тараққиёт манфаатларига уларнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга жаҳон хўжалик муаммолари — энергетика, озиқ-овқат, транспорт, хом ашё, табиатни муҳофаза қилиш ва шунга ўхшаш муаммоларни ҳал этишга давлатларнинг куч-ғайратини бирлаштиришга хизмат қилмоғи лозим.

Албатта, халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг барча умумий мақсадлари ўзаро боғлиқ ва аслини олганда унинг турли кўринишларида иқтисодий ҳамкорликнинг ўз умумий мақсадларга мос бўлиб тушади. Чунончи, Якунловчи актда шу нарса кўрсатиб ўтиладики, иқтисодий ҳамкорлик БМТ Низомининг мақсадлари билан мос ра-

вишда амалга оширилиши керак. Иқтисод, фан ва техника ҳамда атроф-муҳит соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича куч-ғайратлар, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, шунингдек, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига умумий манфаатли муаммоларни самарали ҳал этишга кўмаклаша бориб ва инсон ҳаётини яхшилашга ёрдам бериб, катта ҳисса қўшмоғи керак.

Кўрсатилган мақсадларнинг амалга оширилиши ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини давлатлараро иқтисодий муносабатлар соҳасига ёйиш ва бу соҳада уларга изчил риоя қилишни тақозо этади. Ўзининг шаклланиш босқичида бўлган ҳозирги халқаро иқтисодий ҳуқуқ тўғрисида фақат халқаро ҳуқуқнинг асосий нормаларига таянувчи ҳуқуқ сифатида сўз юритиш мумкин. Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг ривожланиши учун ҳозирги халқаро ҳуқуқда ҳамкорлик принципининг қарор топтирилиши айниқса, катта аҳамиятга эга.

Халқаро демократик ҳамкорлик ғояси БМТ Низомининг асосига қўйилган. Бироқ ҳозирги халқаро ҳуқуқ принципи сифатида бу ғоя 1970 йили БМТнинг халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларациясида биринчи марта қайд этилган, Декларацияда бу принцип давлатларнинг халқаро ҳуқуқий вазифаси сифатида аниқ таърифлаб берилган. Ҳамкорлик принципини халқаро ҳуқуқий вазифа сифатида давлатларнинг ҳамкорликни амалга оширишдаги фаолиятдан фарқлаш лозим. Зеро, бу ҳамкорлик кўрсатилган принципга биноан амалга оширилиши керак. Ҳамкорлик принципи Яқунловчи актда янада аниқлаштирилди ва жадаллик билан ривожлантирилди. Халқаро ҳуқуқнинг тармоғи сифатида халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг асосини давлатларнинг табиий бойликлари устидан ажралмас суверенитети, мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этиш формаларини танлашда эркинлик, иқтисодий камситмаслик принциплари ташкил этади.

Давлатларнинг ўз бойликлари ва табиий қазилмалари устидан ажралмас суверенитети принципи ўзининг таъсирини фақат мамлакатнинг табиий бойликларигагина жорий этмайди. БМТнинг 1962 йил 12 декабрдаги Декларацияси шу билан чекланади. Бироқ унинг барча бойликлари ва иқтисодий фаолиятига ҳам жорий этилади. (Хартиянинг 1- банди 2-моддаси.)

У давлатнинг тўла деколонизациялаш ва мамлакат-

нинг табиий бойликлари ҳамда иқтисодий фаолияти ус-
тидан самарали назоратни тиклашга, табиий ва бошқа
бойликлардан фойдаланганлик ва уларни камайтирган-
лик учун, шунингдек, мустамлакачилар кўрсатган зиён-
ларни ундириш ва тўла қоплашга бўлган ҳуқуқини ўз
ичига олади (Хартиянинг 16-моддаси).

Ҳар бир давлат ўз юридик судлов қонунларининг ҳа-
ракат доирасида чет эл инвестицияларини ва кўп мил-
латли компаниялар фаолиятини тартибга солиш ва на-
зорат қилиш ҳуқуқига эга (Хартия 2-моддасининг 2-а
ва 2-б бандлари).

Мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этиш
шакллари таълаш эркинлиги принципи хартиянинг
4-моддасида таърифланган. У ижтимоий-иқтисодий ту-
зумни таълаш эркинлиги билан бевосита алоқадордир.

Давлат ўзининг бошқа давлатлар билан муносабати
асосига савдо эркинлиги принципини қўйиш, яъни ўз то-
монидан ҳеч қандай рухсатсиз товарларни олиб кириш
ва олиб чиқиш эркинлигини ўрнатиши мумкин.

Давлатлар ўз ташқи савдосини бож-таъриф ёрдами
билан тартибга сола олади. Бундай тартибнинг асосини
ташкил этувчи бож тўловлари товарларни мамлакатга
олиб кириш чоғида олинмаган импорт товарлари (ёки
товарларни чет элга олиб чиқиш чоғида тўланадиган)
(экспорт товарлари) алоҳида солиқдан иборат. Бож
тўловларининг роли ҳозирги пайтда анча пасайганига
қарамай улардан амалда барча давлатлар савдо, сиё-
сий восита сифатида фойдаланишда давом этмоқда.
Давлат товарларни белгиланган миқдордаги импорт ва
экспорт принципини ўзининг бошқа давлатлар билан
иқтисодий муносабатларига асос қилиб олиши мумкин.
Биринчи жаҳон уруши даврида юзага келган ва кейин-
чалик катта ривожланиш йўлини босиб ўтган бу прин-
цип чоғида давлат белгиланган муддат мобайнида то-
варларни олиб чиқиш ёки олиб киришни муайян миқ-
дорда ёки сумма билан чеклайди (чеклаш муддати одат-
да 12 ойгача давом этади). Кейинги даврда янги миқ-
дорий чеклашлар эълон қилинди.

Давлат товарларни олиб кириш ва олиб чиқишни
тақиқловчи, рухсат этувчи тартибини ўрнатиши мум-
кин. Бундай тартиб чоғида мол олиб кириш ёки мол
олиб чиқиш фақат лицензия (рухсат) асосидагина мум-
кин. Бундай лицензиялар ҳар бир алоҳида ҳолатда им-
порт ёки экспорт қилувчиларнинг илтимосномасига би-

ноан берилади. Кўпинча лицензияли тартиб белгиланган меъёр тартиби билан уйғун олиб борилади.

Ниҳоят давлат ўзининг ташқи иқтисодий алоқаларини давлат монополияси асосида амалга ошириши мумкин. Ташқи савдо устидан давлат монополиясини айрим ривожланаётган давлатлар ҳам жорий этмоқда. Бундай ҳолларда давлат монополиясининг реал аҳамияти тегишли мамлакат ўз ривожининг танланган тарихий йўли туфайли жорий этилган ҳолатларнинг ривожланиши даражаси билан белгиланади.

Давлатлар молларни экспорт ва импорт қилишни тўғридан-тўғри тартибга солиш билан бирга нисбий чораларни, масалан, ички солиқни жорий этиши мумкин. Айрим импорт товарларни ўз товарлари билан бир қаторда қайта ишлаш ёки истеъмолга ўзлаштирилганлиги туфайли ёки юқорироқ ёхуд пастроқ ички солиқлар жорий этиш йўли билан давлат молларнинг бир турини олиб киришни рағбатлантириши ва бошқаларини олиб киришни чеклаш мумкин. Давлатлар экспортни рағбатлантириш мақсадида кўпинча субсидия ва мукофотларнинг хилма-хил шаклларида фойдаланади. Экспорт ва импортни тартибга солишнинг муҳим воситаси валюта чекларидир.

Иқтисодий камситмаслик принципи халқаро муносабатларда камситилишларга йўл қўйиб бўлмаслиги халқаро иқтисодий муносабатлар соҳаси учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган халқаро ҳуқуқ принципларининг энг муҳимларидан биридир. Бу принципга биноан бирон хорижий давлат, унинг муассасалари, жисмоний ёки юридик шахслари учун бошқа чет давлатлар, уларнинг муассасалари, жисмоний ёки юридик шахсларига қараганда ёмонроқ шароит яратувчи махсус шартларни жорий этиш ҳуқуққа зид ҳолатлар ҳисобланади.

Камситувчи чоралар тариқасида қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: қайсидир муайян бир мамлакатдан молларни олиб кириш учун давлат органи қарор қабул қилиб, рухсат беришини кутиб, айни пайтда худди шундай молларни бошқа мамлакатлардан олиб кириш учун рухсат талаб қилинмайди; бирон бир мамлакатнинг моллари учун оширилган бож белгилаш мазкур мамлакат байроғи остида сузувчи кемалардан алоҳида тўловлар, унинг хўжалик ташкилотини ўз ҳудудига киритиш учун алоҳида шартлар қўяди.

Давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиқ принциpidан келиб

чиққан ҳолда камситмаслик принципи шартномалар йўли билан тан олинишга муҳтож эмас. У умумий мажбурий одат, ҳуқуқий норма характерига эга. Шунинг учун бирон бир давлат ўз зиммасига камситишларга йўл қўймаслик мажбуриятини олмаганликка ишора қилиб, камситиш ҳаракатларини оқлай олмайди. Камситилиш, айниқса, у кенг кўламда амалга ошириладиган бўлса, жиддий ҳуқуқий бузилишларга сабаб бўлади, зеро бу ҳолат халқаро муносабатларни кескинлаштиришга ва тинчлик иши учун хавфли бўлган зиддиятларга олиб боради. Шунинг учун халқаро ҳуқуққа биноан камситилган давлатда реторсия ҳуқуқи туғилади. Табиийки, халқаро ҳамжамият ҳуқуқий бузилишларнинг мана шу оммавий тартиблари олдида жим турулмайди. БМТнинг халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларациясида, давлатларнинг бир-бирлари билан уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тузумларидаги фарқидан қатъи назар, ҳамкорлик қилиш ва ўз заминида мана шу фарққа эга бўлган ҳамкорлик принципи камситишлардан ҳоли халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш мажбурияти кўрсатиб ўтилади. Принципларда ҳам ҳудди мана шулар ҳақида фикр юритилади. Иштирокчи давлатларнинг, уларнинг тузумларидан қатъи назар, бир-бирлари билан иқтисодий ҳамкорликни жадаллаштиришга тайёрликлари Яқунловчи ҳужжатда ҳам кўрсатиб ўтилган. Хартиянинг 4-моддасида давлатларнинг халқаро иқтисодий ҳамкорликда «Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тузумларидаги фарқдан қатъи назар» иштирок этиш тўғрисида гапирилган.

Шу ўринда бир савол туғилади. Камситмаслик принципига нисбатан шунча кўп халқаро ҳужжатларда сўз юритишнинг нима ҳожати бор? Ахир юқорида таъкидланганидек, бу принцип умумий мажбурий одат — ҳуқуқий меъёр характерига эга-ку. Гап шундаки, агар бирон бир халқаро ҳуқуқий бузилишларга узоқ муддат йўл қўйилиб келинса, бу ҳолат ўша ҳуқуқни ёки меъёрни умумий қоидадан чиқариб ташлашни тақозо қилувчи халқаро одатга ёки халқаро ҳуқуқий одатга айланиб қолмадимикин, деган савол туғилиши мумкин. Юқорида келтирилган ҳужжатлар аниқ кўрсатиб турибдики, бундай чиқариб ташлаш содир бўлгани йўқ. Биноба-

рин, ижтимоий-иқтисодий тузумларнинг фарқланиши асосида камситилиши мумкин эмас.

Бир қатор ривожланган мамлакатлар ЮНКТАДнинг биринчи конференциясида «савдо-сотиқни турли ижтимоий тузумдаги мамлакатлар билан савдо қилишнинг ўзига хос шартларига мослаштириш» зарурлиги тўғрисидаги баёлотлар муносабати билан шу нарса очиқ-ойдин белгиланадики, «Савдо услубларини мослаштириш» камситилмаслик принципига мос бўлмоғи лозим.

Турли халқаро анжуманларда ғарб мамлакатлари вакилларининг бошқа мамлакатлар томонидан ўз иқтисодларини муҳофаза қилиш мақсадида амалга оширилаётган ҳар қандай чеклов чораларини камситувчи чоралар сифатида талқин қилишга уринишлари асоссиздир. Камситилмаслик принципи ташқи иқтисодий фаолиятнинг савдодаги чеклашлари ёки бошқа чораларни жорий этишга умуман монелик қилмайди. Фақат ҳар қандай шартлар, шу жумладан, чеклов чоралари бўйича мамлакатларга нисбатан бир хилда белгиланиши ва қўлланилмоғи лозимлигини талаб қилади.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг қараб чиқилган ва кенг эътироф этилган принциплари билан бирга халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солишда давлатларнинг шартнома тажрибасида тез-тез фойдаланувчи айрим принциплари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларга: кенг имконият берилувчи миллат; миллий режим; ўзаро манфаатдорлик принциплари киради.

Кенг (ёки энг катта) имконият берилувчи миллат принципи ҳақида сўз борганида халқаро шартномаларга киритилаётган шартлашувчи давлатларнинг ҳар бири бошқа шартлашувчи давлатга уларнинг ўзаро ҳуқуқлари соҳасида шартномада кўрсатилган у ёки бу имтиёзлардан афзалликларини, энгилликларини берувчи қондалар тушунилади. Бу энгилликлар шунчалик қулайки, уларни келгусида ҳар қандай учинчи давлатга ҳам бериш мумкин.

Кенг имконият берилувчи миллат принципини кенг эътироф қилинган камситилмаслик принципи билан қўшиб юбормаслик керак. Камситишга йўл қўймаслик принципи шуни билдирадики, унда давлат барча давлатлар учун умумий, бир хил бўлган шартларни талаб қилиши мумкин. Кенг имконият берилувчи миллат принципи эса бирон бир учинчи давлатга бериладиган энг кўп имтиёзли, энгил шартларни талаб қилиш ҳуқуқи-

ни беради. Иқтисодий камситмаслик принципи халқаро иқтисодий муносабатларнинг ҳамма соҳаларини қамраб олади. Кенг имконият принципи эса жуда кам ҳоллардагина шундай кенг қўллаш доирасига эга бўлади. Кўпинча бу принцип савдо ва денгизда сузиш соҳаларига жорий этилади. Бу соҳаларда ҳам қоида тариқасида ҳуқуқий муносабатларнинг айрим турлари (бож солиғи, мол олиб кириш ва олиб чиқишни чеклаш, ички солиқлар, кемани бойлаб кўядиган жойдан фойдаланиш ва бошқалар)га жорий этилади.

Энг кўп имтиёз бериш ҳолатининг таъсирчанлигини оширишда шу ҳолатдан кўчирмалар жиддий аҳамиятга эга. Умумий характерга эга бўлган жиддий чекловларнинг анчагина қисмини белгилаш ривожланган давлатларнинг шартнома тажрибасига хос бўлиб, бу уларга турли иқтисодий иттифоқ ва гуруҳлар тузиш имконини беради. Турли тузумдаги давлатлар ўртасидаги шартномаларда умумий чекловлар ё умуман белгиланмайди ёки бир томонлама асосли соҳа — чегара савдоси учун белгиланади.

Энг кўп имтиёз ҳолатида умумий чекловлардан ташқари давлатлар тажрибаси мобайнида бир қатор махсус чекловлар ҳам шаклланади. Одатда шартлашувчи давлатлар давлат хавфсизлиги умумий тартибини сақлаб туриш, соғлиқни сақлаш, қорамоллар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш, санъат ашёларини, тарихий ва археологик ноёб буюмларни муҳофаза қилиш мулоҳазалари билан чеклашлар ёки тақиқлашларни урнатиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Кенг имконият ҳолатидан чеклов ўз ичига преференциаль ҳолатни олади. Преференциаль ҳолат тушунчаси учинчи мамлакатларга жорий этилмайдиган савдо имтиёзлари (одатда бож таърифидан чегириш) тушунилади. Давлатлар тарихида преференциаль ҳолат қоида тариқасида метрополия билан мустамлакалар ўртасидаги, кейинроқ эса собиқ метрополиялардан ажралиб чиққан мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда қўлланилади. Бу кўринишдаги преференциаль ҳолат кенг имконият принципига зиддир. Улар мустамлака қарамлигидан озод бўлган мамлакатларни реакцион давлатлар иқтисодий тобелигида сақлаб туришга хизмат қилиб халқаро савдони ҳар томонлама ривожлантиришга тўсқинлик кўрсатади.

ЮНКТАД биринчи конференцияси бошқача типдаги

преференциаль ҳолат тўғрисида қарор қабул қилди. Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёти учун қулай савдо сиёсий шароитлар яратиш мақсадларида, биринчидан, ривожланган мамлакатлар умуман барча ривожланаётган мамлакатларга бир томонлама энгилликлар бериб, бу энгилликларни ривожланган мамлакатларга нисбатан жорий этмасликни ва, иккинчидан, ривожланаётган мамлакатлар бир-бирига бераётган преференциаль энгилликлар ривожланган мамлакатларга жорий этилмаслигини тавсия қилди.

Кенг имконият берилувчи миллат принципнинг муҳим аҳамияти, унинг айрим мамлакатлар ва ривожланган давлатлар иттифоқи сиёсатига қаратилганлигини ҳисобга олиб, Якунловчи актда: «Халқаро савдо ўзаро манфаатли бўлиши ва энг кўп имтиёзлар ҳолати асосида олиб борилиши лозимлигини кўзда тутди.

Миллий режим принципи. Миллий режим деганда чет эл юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, чет эл молларига мазкур мамлакатда яшаётган жисмоний ва юридик шахслар ва уларга тегишли бўлган молларнинг дахлсизлиги тушунилади.

Чет элликларнинг ҳуқуқлар жиҳатидан ўз фуқароларига тенглаштирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ҳаёти, эркинликлари, мулклари ва иззат-нафсини, шунингдек, ўзининг жисмоний ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган ҳажмдаги ҳуқуқий қобилликни ҳимоя қилишга қаратилгандир. Бироқ бу қондани давлатларнинг иқтисодий алоқалари соҳасига ёйиш тўғрисида гап борганда бундай деб бўлмайди. Бу ҳолатда чет эл капиталига миллий режимнинг берилиши кам ривожланган мамлакат саноати ва савдоси учун унинг ўз мамлакати томонидан хомийлик муҳофазасидан маҳрум қилишни билдиради. Давлатларнинг иқтисодий муносабатлари соҳасида миллий ҳолатнинг қўлланилиши маъноси энг кучли томонга катта имкониятлар берилишини билдиради.

Ривожланган давлатлар принцип жиҳатидан миллий режим шу тариқа қўлланилишига салбий муносабатда бўладилар. Лекин бу ривожланган давлатлар муносабатларида, шунингдек, учинчи мамлакат билан асосли ёки ўринли муносабатларда миллий режимни қўллаш имкониятини истисно қилмайди. Чунончи, инсонпарварлик мулоҳазаларидан келиб чиқиб, кўп-

чилик давлатлар денгизда ёрдам кўрсатилаётган чоғда чет эл кемалари, уларнинг юки, экипажи ва йўловчиларига миллий режим имкониятини беради.

Ўзаро манфаатдорлик принципи чет давлатга, унинг жисмоний ва юридик шахсларга муайян ҳуқуқлар, имтиёзлар ёки энгилликлар беришни назарда тутди. Давлатлар томонидан бу энгилликлар берилаётган мамлакатда унинг жисмоний ва юридик шахслари мана шундай ҳуқуқ, имтиёз ва энгилликлардан мазкур давлатда ҳам фойдаланаётган бўлиши шарт. Ўзаро манфаатдорлик принципи ички қонунчиликда бир томонлама тартибда ёки халқаро шартнома асосида белгиланиши мумкин.

6. Халқаро иқтисодий шартномалар

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ва уларнинг тобора кўп даражада назоратига бўйсиндирилиши мазмун жиҳатдан хилма-хил шартномаларнинг тез кўпайишига олиб келди. Қуйида уларнинг энг муҳим турлари кўриб чиқилади.

а) **Савдо шартномалари.** Савдо шартномалари томонлар бир-бирига бож тўловлари, молларни олиб кириш ва олиб чиқишни тартибга солиш, савдо кемачилиги, транспорт, транзит, жисмоний ва юридик шахсларнинг бошқа томон ҳудудида иш олиб боришига нисбатан ҳуқуқий ҳолатини жорий этади.

Савдо шартномаларининг кўпчилиги у ёки бу иқтисодий муносабатларга нисбатан энг кўп имтиёз бериш принципини қўллаш тўғрисидаги хулосаларни кўзда тутди.

Ривожланган давлатларнинг савдо шартномалари учун миллий ҳолатни кенг қўллаш характерлидир.

Турли давлатларнинг савдо шартномаларида шерик давлатларнинг ҳудудларида ташқи савдони олиб боришнинг давлат монополия органи сифатида ўз савдо ваколатхонасини таасис этиш ҳуқуқи ифодаланган ва унинг ҳолати белгилаб берилган.

б) **Савдо битимлари.** Бундай битимлар ҳам мол айирбошлаш тўғрисидаги битимлардир. Улар икки ҳукуматнинг ўзаро келишувига мувофиқ контингентларни, яъни уларнинг мамлакатлари ўртасида етказиб бериладиган товарларнинг номлари ва миқдорини белгилайди ва шу муносабат билан ўз зиммаларига муайян мажбуриятлар олганликларини ифодалайди.

Бундай битимлар, одатда, бир йилга тузилади. Кўпчилик мамлакатларнинг иқтисодда режали бошқарувининг мустақамланиб, борган сари уларнинг ўзаро муносабатларида келгуси йиллар учун молларни ўзаро етказиб беришни белгиловчи узоқ муддатли битимлар тузиш тажрибаси кенг ривожлана бошлади (бундай битимлар одатда 5 йилга тузилади).

Кўпчилик мамлакатларнинг ҳукуматлараро битимларида кўзда тутилган ўзаро мол етказиб бериши амалда уларнинг ташқи савдо ташкилотлари - орқали амалга оширилади. Бу ташкилотлар ана шу мақсадда ўзаро савдо битимлари тузадилар.

в) **Халқаро мол битимлари** (қалай, каучук, ғалла, қанд-шакар ва бошқалар) Унда экспорт квоталари белгиланади, нархлар ва бошқа қатор шартлар аниқлаб қўйилади.

Кўп томонлама характерда бўлган бу битимларнинг асосий мақсади, одатда жаҳон бозорида айрим хомашё ва озиқ-овқат моллари нархининг кескин кўтарилишига йўл қўймасликдан иборат.

г) **Қарз битимлари.** Ҳозирги шароитда халқаро муносабатда қарз бериш ҳарид бозорларини ҳамда хомашё манбаларини эгаллаб олишнинг муҳим воситасидир.

Яқин вақтларда ҳам жаҳон бозорида қарз берувчи асосий субъектлар энг йирик банклар ва монополистик концернлардан иборат эди. Бироқ ҳозирги шароитда қарз беришнинг янги субъекти—давлат тобора катта аҳамият касб этиб бормоқда. Шу муносабат билан иқтисодий муносабатларнинг янги халқаро ҳуқуқий шакли ҳукуматлараро ҳуқуқий шакли — ҳукуматлараро қарз битимлари пайдо бўлди. Муайян мамлакатда моллар, биринчи навбатда қурол-аслаҳа сотиб олиш, бож тўловларини камайтириш ёки қарз берувчи мамлакатнинг назоратчилари ва «маъмурлари»ни киритиш ва уларга қарз олувчи мамлакатнинг хўжалик ва сиёсий ҳаётига аралаштириш учун турли ваколатлар бериш, ҳудудларини ҳарбий базалар қуришга бериб қўйиш, одатда ривожланган давлатлардан қарз олишни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан биридир.

Кўпчилик давлатларнинг қарзлари ривожланаётган мамлакатлар учун катта аҳамиятга эга. Улар иқтисодий камқувват мамлакатларга ўзларининг энг муҳим вазифалари — чет эл монополияларидан мустақил миллий

иқтисодни ривожлантириш ҳамда мустақамлаш вази-
фасини ҳал этишда ёрдам беради.

д) **Техника ёрдами кўрсатиш ва миллий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар.** Халқаро иқтисодий муносабатларда, одатда, техника ёрдами деганда асбоб-ускуналар етказиб бериш ёки саноат ва бошқа субъектларни қуришда кўрсатиладиган хилма-хил турдаги хизматлари тушунилади.

Ривожланган мамлакатларнинг ўзаро муносабатларида техника ёрдами кўрсатиш масалалари билан асосан хусусий фирмалар шуғулланади. Лекин кейинги йилларда бу масалалар тобора кўп даражада—ҳукуматлараро битимлар мавзуга айланиб бормоқда. Ривожланган давлатлар мустамлака қарамлигидан қутилган мамлакатларга, уларнинг экономикасини ривожлантиришда миллий-техник кадрлар тайёрлашда салмоқли ёрдам кўрсатмоқда.

1966 йили БМТ ривожланиш дастури (ПРООН) тузилди. Бу ташкилот ривожланаётган давлатларга техника ёрдами кўрсатиш билан шуғулланади.

е) **Техника ёрдами тўғрисидаги битимлардан ташқари кўпчилик давлатлар бир-бирлари билан илмий-техник ҳамкорлиги тўғрисида битимлар тузадилар.** Мавжуд илмий-техника ютуқлари ва ишлаб чиқариш тажрибасини алмаштириш шаклидаги икки томонлама илмий-техник ҳамкорликдан ташқари икки ёки бир неча мамлакатлар томонидан шартнома асосида илмий тадқиқотларни биргаликда ўтказиш тажрибаси тобора чуқур ривожланиб бормоқда. Одатда бу тажрибани ўтказган ташкилотларга сарфланган харажатлар тўланади.

ж) **Халқаро ҳисоблар тўғрисидаги шартномалар** ҳақида гапирилганда биз икки ёки ундан ортиқ мамлакатлар ҳукуматлари ёки эмиссия банклари ўртасидаги ташқи савдо ҳамда мазкур мамлакатлар ўртасидаги бошқа операциялар бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги битимларни тушунамиз. Бу битимлар орасида тўлов, клиринг ва тўлов-клиринг ҳисоблари мавжуд. Тўлов ҳисоблари деганда эркин ва чекланган валюта орқали ҳисобларни амалга ошириш тўғрисидаги битимлар тушунилади. Ўзаро қарзлар ҳисоби ва талабномалари шартлашувчи томонлар ўртасида ташқи савдо операциялари бўйича валюта ўтказмай ўзаро ҳисоб қилишни кўзда тутувчи битимлар—клиринг битимлар таркибига киради. Одатда аралаш типдаги битимлар тўлов-

клиринг битимлари ҳисобланади. Халқаро иқтисодий муносабатлар тажрибасида клиринг битимлари кўп тарқалган. 1958 йили деярли барча Ғарбий Европа мамлакатлари томонидан валюта қайтариш жорий этилганидан кейин жаҳон давлатларида валюта клиринглари анча қисқарди. Лекин бу тажриба валюта жиҳатидан кам ривожланган мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатлар томонидан ҳануз қўлланиб келинмоқда.

3) **Бошқа халқаро иқтисодий шартномалар.** 60- йилларнинг ўрталаридан бошлаб айрим мамлакатлар ўртасида бирмунча кейинроқ эса кўпчилик мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш ҳамкорлиги тўғрисидаги турли давлатлараро битимлар кенг қўлланила бошланди. Бу битимлар ўз моҳияти жиҳатидан ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш, кооперацион ва компенсацион мол етказиб бериш кабилар тўғрисидаги битимлардан иборат.

Ишлаб чиқариш ва савдо ҳамкорлигининг бошқа турлари бўйича узоқ муддатли программалаштирилган битимлар янги шакл сифатида иқтисодий муносабатларда намоён бўлмоқда.

XV БОБ ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚ

1. Халқаро экология ҳуқуқи тушунчаси

Табиатни асрашга тааллуқли дастлабки халқаро шартномалар ўтган асрнинг охирлари — йигирманчи асрнинг бошларида вужудга келди. Улар асосан ҳайвонот дунёсининг айрим турларини ҳимоя қилиш ва овлашни тартибга солишга қаратилган эди (Масалан, 1897 йилги денгиз мушукларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги битим.). Кейинги ўн йилликларда сайёрамиз табиатини муҳофаза қилиш масалаларини халқаро ҳуқуқий тартибга солишда жиддий сифат ўзгаришлари юз берди, давлатларнинг бу соҳадаги куч-ғайратлари жадаллашди. Атроф-муҳит муаммоларига бунчалик эътибор берилиши тасодифий эмас. Фан-техника инқилоби, жамият ишлаб чиқариш кучларининг жадал ривожланиши инсон хўжалик фаолиятининг табиатига таъсирини кескин кучайтиришни шарт қилиб қўйди, табиий жараёнларга унинг аралашув кўмаги анча кенгайди. Таби-

ий бойликлардан серунум фойдаланиш, сайёралар биосферасининг ифлосланиши имкониятини жиддий экологик кризис қиррасига олиб бориб қўйди. Шунинг учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш вазифаси асосий вазифага айланиб, ҳозирги замоннинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолди.

Табиийки, бу вазифани айрим давлатларнинг куч-ғайратлари билан ҳал қилиш мумкин эмас. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг миллий тадбирлари универсал ва минтақавий даражалардаги кенг халқаро ҳамкорлик билан уйғунлаштириш керак. Халқаро ҳуқуқ бундай ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда, давлатларнинг табиатини қўриқлаш соҳасидаги фаолиятини тартибга солишда етакчи роль ўйнашга даъват этилган.

Атроф-муҳитнинг халқаро ҳуқуқий муҳофазаси ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг нисбатан янги, лекин ўта тез ривожланиб бораётган қисmidир. Ҳозирги вақтда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланишнинг хилма-хил жиҳатларини тартибга солувчи анчагина миқдордаги турли халқаро шартномалар мавжуд. Бу битимларнинг мавзулари асосан қуйидагилардан иборат:

1) денгиз сувларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, денгизларнинг жонли бойликларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш;

2) халқаро (кўп миллатли) дарёлар суви ва бойликларини муҳофаза қилиш;

3) ер атмосфераси ва яқин космик фазонинг ифлосланиши ва бўлак ёқимсиз таъсирлардан асраш;

4) қуруқликдаги жонли ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш;

5) ноёб табиий объектлар ва комплексларни, айрим экология тармоқларини муҳофаза қилиш;

6) ер таркибини радиоактив заҳарланишдан ҳимоя қилиш.

Атроф-муҳит халқаро ҳуқуқий муҳофазасининг шаклланиши халқаро ҳуқуқнинг умумий юксак ривожланиш жараёни доирасида содир бўлди ва содир бўлмоқда. Шунинг учун давлатларнинг табиатини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини халқаро ҳуқуқий тартибга солиш ёхуд табиат муҳофазасига оид муҳим қоидаларни ифодаловчи, ёхуд сайёра муҳитини соғломлаштиришга

тўғридан-тўғри ёки бевосита хизмат қилувчи кўпгина универсал халқаро шартномаларнинг таъсири остида таркиб топди.

Давлатларнинг, биринчи навбатда ривожланган барча мамлакатларнинг, ядро қуроли ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини чеклаш ва тўла таъқиқлашга, халқаро кескинликни юмшатиш ва уни барқарор қилишга қаратилган ғайрат-ташаббуслари атроф-муҳитни муҳофаза қилишда алоҳида аҳамиятга эга. Шу нарса яхши маълумки, қуролланиш пойгаси, ядро қуроли синовлари, оммавий қирғин қуролларининг янги турларини, масалан, кимёвий ва биологик, ҳамда нейтрон қуролни ишлаб чиқиш атроф-муҳитнинг бузилишида асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Атроф-муҳитнинг халқаро ҳуқуқий муҳофазасида халқаро шартнома билан бир қаторда халқаро одат ҳам муҳим ўрин тутди (чунончи, атроф-муҳитнинг айрим жиддий таркибий қисмлари, масалан, кўп миллатли дарёларни муҳофаза қилиш кўп жиҳатдан одатдаги йўл билан ривожлантирилган эди).

Атроф-муҳитнинг халқаро ҳуқуқий муҳофазаси ривожланиш жараёнида халқаро ташкилотларнинг, биринчи навбатда БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотларининг қарорлари катта роль ўйнайди. Инсонни қуршаб турган муҳит муаммолари бўйича БМТда 1972 йили ўтказилган Стокгольм конференцияси муҳим тадбир бўлди. Конференция ҳаракат режасини қабул қилди. Унда ҳукуматлар ва халқаро ташкилотларга тегишли тавсиялар қамраб олинди. Стокгольм конференцияси атроф-муҳит тўғрисидаги Декларациясини ҳам қабул қилиб, унда атроф-муҳит халқаро муҳофазасининг асосий қоидаларини таърифлаб берди.

2. Атроф-муҳитни халқаро ҳуқуқий муҳофазалаш принциплари

Табиийки, халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари давлатларнинг табиий муҳитни ва унинг бойлик манбаъларини сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлигига нисбатан ҳам қўлланилади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш принципи. Халқаро ҳуқуқда бу тамойил аста-секин шаклланиб бормоқда. Унга биноан давлатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва инсониятнинг ҳозирги ва келгуси авлодлари фаро-

вонлигини кўзлаб фойдаланиш бўйича бир томонлама ёки биргаликда тадбирларни амалга оширмоғи керак.

Давлатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан мутаносиб тарзда фойдаланиш масалаларида бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишга мажбурдир. Бундай ҳамкорлик тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосдаги шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

Табиий бойликлар устидан ажралмас суверенитетлик принципи. Бу принцип БМТ Бош Ассамблеясининг бир қатор қарорларида, жумладан, 1962 йил 14 декабрда қабул қилинган «Табиий бойлик манбалари устидан ажралмас суверенитет» қарорида ифодаланган эди. Мазкур принцип ҳар бир давлат ўз бойликларини атроф-муҳит соҳасида ўз сиёсатига мувофиқ эркин тасарруф этиш бўйича суверен ҳуқуққа эга эканлигини кўзда тутади, бошқа давлатларга бу ҳуқуқни ҳурматлаш мажбуриятини юклайди.

Давлатлар юридик-судлов доирасидан ташқари атроф-муҳитга зарар етказмаслиги принципи. Халқаро ҳуқуқнинг одатдаги нормаси сифатида шаклланган бу тамойил амалда кенг қўламда тан олинди. У Стокгольм Декларациясида қуйидаги кўринишда таърифланган эди: БМТ Низоми ва халқаро ҳуқуқ принципларига мувофиқ давлатлар уларнинг юридик-судлови ёки назорати доирасидаги фаолият миллий юридик-судлов чегараларидан ташқари атроф-муҳитга зарар етказмаслиги учун жавобгардир. Бу принцип давлатларнинг халқаро ҳуқуқ томонидан тақиқланган хатти-ҳаракатларга ҳам жорий этилади.

Қуйидаги махсус принциплар ҳозирда шаклланиш, жараёнини бошдан кечирмоқда:

— экологик баҳо бериш тамойили. У давлатларга уларнинг юридик судловдан ташқари атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фаолиятнинг оқибатларини олдиндан экологик баҳолаш мажбуриятини юклайди;

— ахборотлар айирбошлаш принципи. Бу принцип фаолияти атроф-муҳитга ва бошқа давлатларнинг манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган давлатга, учинчи давлатларга тегишли ахборотни бериш мажбуриятини юклайди;

— ўзаро мустақамлашув принципи манфаатдор давлатларнинг атроф-муҳит учун бевосита хавфли бўл-

ган фаолияти юзасидан бир-бирлари билан ўзаро боғланиб туриш мажбуриятини юклайди.

Стокгольм Декларацияси инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида қулай яшаш муҳитига бўлган ҳуқуқни эълон қилди. Айни пайтда ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатини кўзлаб атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва яхшилаш инсоннинг бурчи ҳисобланади. Декларация давлатларни ядро қуроли ва бошқа оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини тақиқлаш ва тўла йўқ қилишига иттилош учун даъват этади.

3. Атроф-муҳитни халқаро ҳуқуқий муҳофаза қилиш объектлари

Ернинг бутун сайёра муҳити, биринчи навбатда унинг инсониятнинг ҳаёт кечирishiга бевосита боғлиқ бўлган асосий қондалари атроф-муҳитни халқаро ҳуқуқий муҳофазасининг ягона объекти ҳисобланади. Жаҳон уммони ва унинг табиий бойликлари, атмосфера ҳавоси, ер атрофи космик фазоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг айрим вакиллари, шунингдек, чучук сув бойликларининг бир қисми, ернинг генетик фонди ва бошқалар ҳам мана шу объектлар таркибига киради.

Халқаро ҳуқуқий нуқтаи назардан барча жаҳон табиий бойликлари икки туркумга — миллий (ички давлат) ва халқаро бойликларга бўлинади.

Миллий табиий бойликлар (объектлар) аниқ давлатларнинг ҳуқуқий судлови остида бўлади. Уларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда ички ҳуқуқ нормалари муҳим роль ўйнайди. Эндиликда бу бойликларни муҳофаза қилишга тааллуқли халқаро шартномаларнинг миқдори кўпайиб бормоқда.

Халқаро табиий бойликлар (объектлар) миллий юридик-судлов амал қилиш чегаралари доирасидан ташқарида бўлади. (Еки ўз табиий даври жараёнида турли давлатлар ҳудудида бўлади). Шунга боғлиқ ҳолда уларни, одатда, универсал — барча давлатлар ўртасида фойдаланадиган (очиқ денгиз, космос, Антарктида), миллий юридик судлов доирасидан ташқарида бўлган (денгиз туби) ва кўп миллатли, икки ёхуд улар томонидан фойдаланиладиган (масалан, кўп миллатли дарёларнинг сув ресурслари, кўчиб юрадиган ҳайвонларнинг турлари, чегара табиий йиғиндиси) объектлардан иборат.

ратдир. Халқаро табиий бойликлар муҳофазаси ва улардан фойдаланиш ҳуқуқий ҳолати халқаро ҳуқуқ нормалари билан белгиланади.

4. Жаҳон уммони муҳити ва бойликларининг халқаро ҳуқуқий муҳофазаси

Кема қатновининг жадаллашуви, денгиз тубидан фойдали қазилмаларни олиш, денгизларга саноат ва маиший чиқитларни ташлаш ва кўмишдан фойдаланиш Жаҳон уммонининг кўплаб минтақаларида денгиз муҳитининг жиддий ифлосланишига олиб келади. Давлатлар денгиз муҳитига етказилаётган зарарни бартараф этиш ва келгусида бунга йўл қўймаслик учун шошилиш чоралар кўриш зарурлигини ҳис қилди. Халқаро ҳуқуқ бундай вазифани бажариш учун самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Денгиз муҳитини ҳимоя қилиш бўйича давлатларнинг биргаликдаги ҳаракати қисда тартиқасида универсал (амалда барча манфаатдор давлатлар иштироки билан) ёки минтақавий (аниқ денгизлар — Болтиқ, Урта ер ва бошқа денгизлар бўйи давлатларнинг иштироки билан) даражаларда амалга оширилади. Бунда халқаро ҳамкорлик ривожланиши асосан денгизларнинг кема қатнови оқибатида, кемалар ва қуруқликдаги манбалардан чиқиндиларни чиқариб ташлаш туфайли, денгиз ости ва унинг туби имкониятларини тадқиқ қилиш ва фойдаланиш натижасида ифлосланишининг олдини олиш кўзда тутилади.

Денгиз муҳитини муҳофаза қилишга қаратилган кўплаб халқаро ҳужжатлар орасида 1954 йилдаги денгизларни нефть билан ифлосланишининг олдини олиш тўғрисидаги Лондон Конвенцияси (1962, 1969 ва 1971 йиллардаги тузатишлар билан), 1973 йилдаги кемалардан денгизлар ифлосланишининг олдини олиш бўйича халқаро Конвенция, 1972 йилдаги чиқитлар ва бошқа материаллар билан денгизлар ифлосланишининг олдини олиш бўйича Конвенция сингари кўп томонлама халқаро битимлар марказий ўринни эгаллайди.

1954 йилги Лондон Конвенцияси (1958 йили кучга кирган) давлатларнинг зиммасига денгиз муҳитининг ифлосланиши олдини олиш бўйича муайян мажбуриятлар юкловчи дастлабки халқаро битим бўлган эди. Конвенция кемалардан нефть ва нефть-сув аралашмасини

тўкишни тақиқлайди. Дастлаб тўкиш учун тақиқланмаган махсус зоналар белгиланганди, лекин кейинчалик (1969 йилги тузатишга мувофиқ) жуда оз даражадаги истиснони ҳисобга олмаганда, жаҳон уммонининг бутун акваториясида бундай тўкиш тақиқлаб қўйилди. Конвенция, шунингдек, иштирокчи давлатлар зиммасига портларда кемалар ва танкерлардан нефть қолдиқлари ва аралашмаларини қабул қилиб олувчи қурилмалар барпо этиш чораларини кўриш мажбуриятини юклайди.

Кемалардан денгизларнинг ифлосланиши олдини олишга қаратилган 1973 йилги Конвенция (ҳали кучга кирмаган) денгиз муҳитини кемалардан денгизга чиқарилиб ташланувчи ҳар қандай моддалар: нефть, заҳарли суюқ моддалар, оқава сувлар ва ахлат билан ифлосланишининг барча турларига чек қўйиш заруриятидан келиб чиқади. Унинг қоидалари амалда барча турдаги денгиз кемаларига, шу жумладан ҳаво «ёстиғи» бўлган кемалар, сувости кемалари, доим бир жойда турувчи ва сузиб юрувчи кичик станцияларга тааллуқли бўлади. Фақат ҳарбий, ҳарбий-ёрдам кемалари ва ҳукумат савдо кемалари бундан мустаснодирлар. Конвенцияга мувофиқ нефть ва суюқ заҳарли моддалар ташиш учун хизмат қилувчи барча танкер ва бошқа кемалар вақт-вақти билан текшириб турилиши ва тегишли халқаро гувоҳнома олиш ҳуқуқига эга.

Нефть ва нефть-сув аралашмасини тўкиш жаҳон уммонининг бутун акваториясида (нефть танкерлари учун айрим истиснолардан ташқари) тақиқланади. Шунингдек, денгиз бойликлари ёки инсон саломатлиги учун хавф туғдирувчи, дам олиш шароитларини ёмонлаштирувчи ёки денгиздан фойдаланишнинг барча турларига халақит берувчи заҳарли суюқ моддаларни ҳам (танкерларни тозалаш ва бошқа) тўкиш тақиқланади.

Қирғоқбўйи давлатлар чет эл кемасини (портда ёки тўкишларни тақиқловчи Конвенция қоидалари бузилганлиги тўғрисида шубҳа туғилган тақдирда) текшириш ҳуқуқига эга. Улар мазкур Конвенцияни бузувчилар устидан суд-терговни амалга оширади.

Конвенцияларга иловаларда барча турлардаги денгиз транспортига боғлиқ ифлосланишнинг олдини олиш бўйича ягона халқаро ўлчовлар таърифланган.

Чиқитлар ва бошқа материаллар билан денгизларни ифлослантиришнинг олдини олиш ифодалаган 1972

Йилги Конвенция (1975 йили кучга кирган) барча хавфли моддалар ва материалларни жаҳон уммонига чўктириб юборишни тартибга солади. Конвенцияда кўзда тутилганидек, энг хавфли моддалар умуман бундай тартибда чўктириб ёки кўмиб юборилмайди. Бошқа моддаларни кўмиб ёки чўктириб юбориш учун махсус рухсатнома зарур. Унчалик хавфли бўлмаган моддаларни кўмиш ёки чўктириш учун эса умумий рухсат берилди. Бундай модда ва материалларнинг рўйхати Конвенцияларга иловаларда кўрсатиб берилган. Хусусан, ишланмаган ёки ёқилғи нефти, оғир дизель ёқилғиси ва мойи, юқори радиактив чиқитлар, симоб ва симоб бирикмалари, мўътадил пластмассалар, шунингдек, биологик ва урушда фойдаланиш учун тайёрлаган кимёвий материалларни денгиз ва уммонга ташлаш тўла тақиқланади.

Танкер, кема қатнови ва денгиз орқали нефтни ташиниш кенг тус олганлиги сабабли денгиз муҳити ва қирғоқбўйи ўлкаларга оғир оқибатлар олиб келувчи йирик фалокатлар бўлиш ҳоллари кўпайди. Чунончи, 1967 йилда «Торри-Кэньон», 1978 йилда «Амоко-Кадис» йирик танкерлари фалокати натижасида жуда кўп миқдордаги нефть денгизга қуйилди ва қирғоқбўйи минтақаларнинг катта қисми ифлосланиб, Буюк Британия ҳамда Францияга катта зарар етказилди. 1969 йилиёқ мана шундай ҳодисаларга қарши курашиш учун денгизда юз берган фалокат билан боғлиқ очиқ денгизда нефть билан ифлосланишнинг олдини олиш тўғрисида Брюссель Конвенцияси қабул қилинган эди (1975 йили кучга кирган). Конвенцияга мувофиқ қирғоқбўйи давлатлар ўз қирғоқлари яқинидаги денгиз юзасини нефть билан ифлосланишнинг жиддий ва аниқ хавфини камайтириш ва бартараф этиш, бундай ҳолларнинг олдини олиш учун зарур чоралар кўриш ҳуқуқига эга. Бундай ифлосланиш натижасида етказилган зарарни қоплаш масаласи нефть билан ифлосланиши оқибатида етказилган зарар учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисидаги нормалар билан тартибга солинади.

Халқаро тарздаги чоралар давлатларнинг минтақавий ҳамкорлиги билан тўлдирилмас, у ёки бу денгиз минтақаларининг ўзига хослиги ва хусусиятлари ҳисобга олинмас экан, жаҳон уммони муҳитини муҳофаза қилиш етарли даражада таъсирчан бўлиши мумкин эмас. Кейинги йилларда бир қатор минтақавий халқаро би-

тимлар худди мана шу мақсадларни кўзлаб тузилди. Булар: 1974 йилдаги Болтиқ денгизи минтақаси муҳитини муҳофаза қилиш бўйича Конвенция, 1976 йилдаги Урта ер денгизини ифлосланишдан муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция, Шимолӣ денгизни ифлосланишдан сақлашга қаратилган бир қатор битимлар, денгиз муҳитини ифлосланишдан муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги 1978 йилда қабул қилинган Қувайт минтақавий Конвенцияси шулар жумласидандир.

Жаҳон уммони сувларини ифлосланишдан сақлаш билан бирга жонли денгиз бойликларини камайишдан сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳам фоят муҳим вазифа ҳисобланади. У денгиз балиқчилигини халқаро ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий ғоясини ташкил этади. 1958 йилги очиқ денгизда балиқ овлаш ва тирик жониворларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Женева Конвенцияси (1966 йилги кучга кирган) очиқ денгизда балиқ овлаш эркилиги тамойилини эълон қилди. Шу билан бирга давлатларга жонли ресурсларни муҳофаза қилиш бўйича тadbирлар кўриш ва бу мақсаддаги коллектив тadbирларда иштирок этиш мажбуриятини юклайди. Халқаро ҳуқуқнинг кенг тан олинган қондалари бундай масалалар бўйича кўп томонлама битимларда аниқлаштирилади ва ривожлантирилади. Булар:

— давлатларнинг жонли денгиз бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишдаги минтақавий ҳамкорликни ташкил этиш (1949 йилдаги Атлантика уммонининг шимолӣ-ғарбий қисмида балиқ овлаш тўғрисидаги Конвенция, 1959 йилдаги Атлантика уммонининг шимолӣ-шарқий қисмида балиқ овлаш тўғрисидаги Конвенция, 1959 йилдаги Қора денгизда балиқ овлаш тўғрисидаги битим, Болтиқ денгизида балиқ овлаш ва жонли ресурсларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1973 йилги Конвенция ва бошқалар);

— овни тартибга солиш ва денгиздаги жониворларнинг айрим турларини муҳофаза қилиш (1962 йилдаги Болтиқ денгиздаги жониворларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги битим, 1946 йилдаги кит овлашни тартибга солиш бўйича халқаро Конвенция, 1972 йилдаги Антарктидада тюленларни сақлаш бўйича Конвенция ва бошқалар).

Денгиз ҳуқуқи бўйича БМТ III Конференцияси жаҳон уммони муҳитлари ва бойликларини халқаро ҳуқу-

қий муҳофаза қилишни ривожлантиришга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатди. Бу Конференцияда тайёрланган денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенцияда табиатни муҳофаза қилиш характеридаги кўпгина тамойиллар ва нормалар ўз ифодасини топди.

5. Кўп миллатли дарёларнинг халқаро ҳуқуқий муҳофазаси

Утмишда бундай дарёларнинг ҳуқуқий ҳолати фақат кема қатнови муаммосига боғлиқ ҳолдагина қараб чиқилар эди. Ҳозирги пайтда кўп миллатли дарёлар ва бошқа сув ҳавзалари давлатлар томонидан асосан саноат, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилмоқда. Натижада ана шу дарёларнинг сув имкониятларига тушадиган юк анча ошди, уларнинг ифлосланиши ва камайиши кучайди. Бундай дарёларнинг имкониятларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий режимга хос бўлган хусусиятлари ягона табиий комплексни ташкил этиши ва айна пайтда турли давлатларнинг ҳудудлари таркибига кириши билан белгиланади. Кўп миллатли дарёларнинг сувларидан фойдаланишнинг барча масалалари барча манфаатдор (қирғоқбўйи) давлатларнинг келишиб ёндошиши ва ҳамкорлигини тақозо этади. Халқаро шартнома амалиёти худди мана шу йўлдан бораётир. Халқаро ҳуқуқда ҳозирча кўп миллатли дарёлардан кема қатнови, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа мақсадларда фойдаланишни тартибга солувчи тамойиллар ва нормаларни кодификацияловчи универсал халқаро Конвенция йўқ. Бундай фойдаланишнинг барча турлари (ёки уларнинг айримлари)ни тартибга солувчи нормалар қирғоқбўйи давлатлар томонидан турли дарё ҳавзалари учун хос бўлган омилларни, табиий, иқтисодий ва бошқа шароитлар ҳисобга олинган ҳолда тузиладиган махсус халқаро битимларда ифодаланади. Бу битимларнинг асосини сувдан тенг ҳуқуқли одил фойдаланиш тамойили ташкил этади ва бошқа давлатларга сувни ифлослантириш ёки бирон бир бошқа йўл билан зиён етказишдан тийилиш мажбуриятини юклайди.

Кўп миллатли дарёларнинг суви ва жонли ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг у ёки бу жиҳатларини тартибга солувчи халқаро битимлар мавжуд. Улар: аниқ ирмоқ ва сув таркибига тааллуқли махсус битимлар (масалан, 1957 йилдаги Пасвикэльв

дарёси сув манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги со- биқ Совет-Норвегия битими); чегара дарёлари сувидан фойдаланишнинг айрим масалаларини тартибга солувчи давлат чегара ҳолати тўғрисидаги шартнома;

— халқаро, кўп миллатли дарёлардан балиқ овлаш тўғрисидаги битимлар (масалан, 1958 йилдаги Дунай сувларида балиқ овлаш тўғрисидаги битим).

Дунай, Рейн, Нигер ва бир қатор бошқа дарёлар сингари йирик халқаро дарёларни ифлосланишдан му- ҳофаза қилиш алоҳида ва, илгаригидек, зудлик билан чора кўришни тақозо этади.

6. Ер атмосферасининг халқаро ҳуқуқий муҳофазаси

Атмосфера ҳавоси давлат чегараларини билмайдиган бағоят серҳаракат атроф-муҳитнинг элементиدير. Атмосферага бир давлат ҳудудидан ўтадиган ифлослов- чилар кўпинча жуда олис масофаларга етиб бориб, бош- қа давлатларнинг табиий муҳитига, аҳолисининг соғ- лиги ва фаровонлигига зарар етказди. «Нордон ёмғир- лар»нинг келиб чиқиши, жумладан, мана шундай оқи- батларга сабаб бўлади. Ғарбий Оврўпонинг йирик са- ноат ҳудудлари устида ҳавога чиқарилиб юборувчи ол- тингугуртга бой аралашмалар ёмғирлар билан бирга олтингугурт кислотаси тариқасида Скандинавия орол- лари мамлакатлари ҳудудига ёғилади. «Нордоң ёмғир- лар» табиий муҳит ва инсониятга катта зарар етказди. Сув ҳавзаларини ифлослантириб, тупроқ таркибини бузади, архитектура иншоотларининг бузилишига олиб келади.

1979 йилнинг ноябрида ривожланган давлатлар так- лифи билан чақирилган атроф-муҳитни муҳофаза қи- лиш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича умумоврупо кенгаши ҳавонинг олис масофаларга ифлосланишига йўл қўймас- лик тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилиш билан якун- ланди (Конвенция ҳамон кучга киргани йўқ). Конвен- ция иштирокчилари бўлган мамлакатлар ҳавонинг иф- лосланишини имкони борича камайтириш, ахборотлар алмашиш, маслаҳатлашувлар ўтказиш, илмий тадқиқот- лар ва мониторинг нazorat олиб бориш мажбуриятини қабул қилдилар.

Фан-техника тараққиёти натижасида кейинги йил- ларда кенг йўл очилган табиат ва иқлимга сунъий таъ-

сир устидан назорат ўрнатиш ғоят қийин бўлиб, бу ер атмосфераси учун катта хавф солмоқда. Хусусан, ҳозир ёгингарчиликлар (ёмғир ёки дўл)ни ҳосил қилиш ёки унинг олдини олиш имконияти мавжуд. Худди, шунингдек, бўрон ва тайфунларнинг йўналиши ҳамда кучини ўзгартириш мумкин. Табиат ва иқлимга таъсир кўратиш инсонга буюк фаровонлик ёки жуда катта зарар ҳам келтириши мумкин. Масалан, АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси чоғида Пентагон махфий равишда «ҳаво уруши» олиб бориб, кучли ёмғирларни сунъий равишда ҳосил қилди ва йўллар, дамба ва тўсиқларни ювиб юборди. Келгусида чиндан ҳам уруш олиб боришнинг «апокалиптик» усуллари пайдо бўлиши, бу эса ердаги ҳаётнинг, қуёш ультрабинафша нурларининг ғоят хатарли таъсиридан сақловчи озон қатламини бузиб юбориши, катта ҳудудларда сунъий сув босиши ёки сунъий қурғоқчилик ҳосил қилиши мумкин. Бундай жиддий хавфни ҳис этган ривожланган давлатлар ташаббуси билан 1977 йилда табиий муҳитга таъсир кўратиш воситаларидан ҳарбий ёки ҳар қандай бошқа душманлик мақсадларида фойдаланишни тақиқлаш тўғрисида Конвенция қабул қилинишига олиб келди (1978 йил кучга кирди). Унда қатнашувчи давлатлар бошқа иштирокчи давлатларга вайронагарчилик, зарар етказиш ёки душманлик мақсадларида салбий оқибатларга олиб келувчи табиий муҳитга таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланишга интилмасликка аҳдлашдилар. Табиий муҳитни ўзгартириш учун ҳар қандай воситаларни — табиий жараёнларни олдиндан бир мақсадни кўзлаб бошқариш йўли билан ўзгариши, таркиби ёки ер тизими, унинг литосфераси, гидросфераси ва атмосфераси ёки космик фазони қўшиб, барча табиий жараёнларга таъсир кўрсатиш воситаларини билдиради. Шу билан бирга Конвенция табиий муҳитга тинчлик мақсадларида таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланишга монелик қилмайди.

7. Ер атрофи космик фазонинг халқаро ҳуқуқий муҳофазаси

Космик фазони ўзлаштиришнинг тезлашуви, ой ва бошқа самовий жисмларнинг тадбиқ этилиши шунга олиб келдики, космик муҳитнинг бундай фаолияти зарарли оқибатларидан муҳофаза қилиш зарурати ту-

ғилди. Космосда ишлаб бўлган йўлдошлар ва уларнинг қисмлари, ракеталар ва бошқа космик аппаратларнинг қисмлари ҳамда космик ахлатлар муттасил кўпайиб бормоқда. Ҳозирги пайтда уларнинг жами миқдори 10 минг данадан ошиб кетди. Космик муҳитнинг ифлосланиши Американинг «Вест Форд» лойиҳасига ўхшаш турли тажрибалар натижаси бўлиши мумкин. Бу лойиҳанинг мақсади ўта олис алоқа соҳасида тадқиқотлар учун ер атрофи орбитаси нис, игналар (диполлар) камарини барпо этишдан иборат эди. Космик муҳит ядро қуролни синаш жараёнида ёки ядровий энергия манбалари бўлган космик аппаратлардан фойдаланиш чоғида радиактив зарарланиш мумкин.

Космоснинг радиактив заҳарланишидаги тўсиқ уни ядровий синов майдонига айлантиришга тўсиқ бўлиб хизмат қилаётган ҳужжат 1963 йилдаги Москва шартномасидир. Бу шартнома космик фазода ядровий қуролни синашни тақиқлади. 1967 йилдаги космос тўғрисидаги шартнома, 1979 йилги Ой ва бошқа самовий jismlардаги давлатларнинг фаолияти тўғрисидаги битим муҳим муҳофаза қондаларини ифодалайди. Жумладан, 1967 йилдаги шартноманинг IX моддасида, Ой тўғрисидаги битимнинг VI моддасида давлатларга космик фазони ой ва бошқа самовий jismlарни ифлослантириш, шунингдек, ердан ташқаридаги моддаларни етказиб келиш оқибатида ердаги муҳитни номақбул тарзда ўзгартиришдан сақланиш ва бунинг учун тегишли чоралар кўриш мажбуриятини юкловчи қондалар келтирилди. Космос тўғрисидаги шартнома ой ва бошқа самовий jismlарга ядро қуролни жойлаштириш ёки бу қуролни ер атрофи орбитасига чиқаришни тақиқлаш ҳам космик муҳитни ифлосланиш ва заҳарланишдан сақлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ташкилотларнинг фаолияти

Ҳозирги пайтда атроф-муҳитнинг хилма-хил муаммоли жиҳатлари билан шуғулланувчи жуда кўп халқаро (ҳукуматлараро ва ноҳукумат) ташкилотлар мавжуд.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг табиатни қўриқлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришда асосий роль ўйнайди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари

БМТнинг Бош органлари: Бош Ассамблея, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, шунингдек, минтақавий иқтисодий комиссиялар, ЮНКТАД, ЮНИДО, ПРООНнинг муттасил диққат марказида туради. 1972 йилда Стокгольмда БМТнинг инсонни қуршаб турган муҳит муаммолари бўйича конференцияси ўтказилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг қарорлари ва резолюциясига биноан БМТ доирасида янги махсус орган — БМТнинг атроф-муҳит программаси (ЮНЕП) ташкил этилди. ЮНЕП ўзининг юридик табиатига кўра БМТнинг ёрдамчи органлари қаторига киради. Айни пайтда у ғоят катта автономиядан фойдаланди ва халқаро ташкилотнинг бир қатор белгиларига эга.

ЮНЕП атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқ нормаларини ривожлантиришга кўп эътибор бермоқда. Програма универсал ва минтақавий Конвенциялар ҳамда битимлар ишлаб чиқишига кўмаклашмоқда. Унинг ташаббуси билан минтақавий денгиз — Ўрта ер, Қизил денгизлар, шунингдек, Форс қўлтиғи ва бошқаларда денгиз муҳитини муҳофаза қилишга қаратилган дастур амалга оширила бошланди. Бу тегишли халқаро битимларнинг ишлаб чиқиши кўзда тулади. ЮНЕП БМТнинг ЮНЕСКО, ХСТ, ФАО, ИМКО, ХМТ, БДТ, ИКАО, шунингдек, МАГАТЭ сингари ихтисослашган ташкилотларнинг табиатни қўриқлашга қаратилган тадбирларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди ва мувофиқлаштиради.

Ноҳукумат ташкилотлари орасида 1948 йили ташкил этилган табиат ва табиий бойликларни муҳофаза қилиш халқаро Иттифоқи (МСОП) марказий ўринни эгаллайди. Унга давлатлар, миллий ва халқаро ташкилотлар ҳамда ассоциациялар аъзо бўлиши мумкин. Иттифоқ ҳукуматлар, миллий ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашиш учун тузилган эди. Шунингдек, у атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликларни сақлаш масалалари билан шуғулланувчи айрим шахслар ўртасидаги ҳамкорликка ҳам кўмаклашади. Шу мақсадда МСОП миллий ва халқаро тадбирлар ўтказади. Бу соҳадаги энг янги миллий ва техника ютуқларини ёяди. Маорифни ривожлантириб, табиатни муҳофаза қилиш ғояларици тарғиб қилади.

МСОП табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро Конвенциялар ва битимлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор беради. Хусусан, унинг фаол иштироки билан

1976 йили Тинч уммоннинг жанубий қисмида табиатни муҳофаза қилиш Конвенцияси, 1970 йилда йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолган ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг турлари билан халқаро савдо тўғрисидаги Конвенция, 1979 йилда ёввойи ҳайвонларнинг учиб юривчи турларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция қабул қилинди. Ҳозирги пайтда МСОП доирасида айрим оролларни илмий мақсадлар учун сақлаш тўғрисидаги Конвенция лойиҳаси тайёрланмоқда.

XVI БОБ

ХАЛҚАРО НИЗОЛАРНИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАДА ҲАЛ ЭТИШ

1. Халқаро низолар ва уларни ҳал этиш воситаларининг турлари

Дипломатик амалиётда «Халқаро низолар» атамаси кенг ва тор маъноларда қўлланилади. Биринчи маънода у давлатлар ўртасидаги хилма-хил зиддиятли вазифаларни ифодалаш учун хизмат қилади. Иккинчи ўринда, фақат аниқ иштирокчилари бўлган, ўзаро аниқ эътирозлар ва муайян мавзулар билан ифодаланган давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг низоли вазиятларига нисбатан қўлланилади.

Хавфсизлик Кенгашида низоли масалалар қараб чиқиладиган чоғда низода қатнашаётган томон овоз беришдан тийилиб туриши керак. Вазият қараб чиқиладиганда эса овоз беришдан тийилиб туриш талаб қилинмайди. Илгари Намибиядаги аҳвол, шунингдек, Исроил агрессияси муносабати билан Яқин Шарқда келиб чиққан вазиятни халқаро тинчлик ва хавфсизликка хавф туғдирган вазиятлар намунаси сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу вазиятлар Хавфсизлик Кенгашида кўп марта муҳокама қилинди ва мазкур масалалар бўйича тегишли резолюция ва қарорлар қабул қилинди.

Низоларнинг қуйидаги турлари БМТ Низомида халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид кўрсатиши мумкин бўлган, бошқа низолар фарқлаб кўрсатилган.

Низоларнинг биринчи турига нисбатан Хавфсизлик Кенгаши алоҳида ҳуқуқларга эга: у бундай низоларни бартараф этишнинг восита ёки усулларини тавсия қи-

лади, (36- модда), низоларни ҳал этиш шартларини кўрсатиб беради.

БМТ Низомида низоларнинг турларга бўлиниши нисбийдир. Ҳар қандай низо давлатлар ўртасидаги тинч муносабат ва ҳамкорликларга зарар етказиши. Шунга қарамай алоҳида хатарли низоларни айириб кўрсатиш ўзини оқлайди. Бу ҳилдаги низолар кўпинча ҳудудий низолар ҳисобланади. Юридик ва сиёсий низолар бири-биридан фарқланади. Бу фарқлов ҳам нисбийдир. Халқаро муносабатларда сиёсат ва ҳуқуқ айниқса ўзаро туташиб кетади. Ҳеч бир сиёсий низо халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳисобга олмай ҳал қилинмайди. Сиёсий ва юридик низоларга бўлиниши бир ҳолатда сиёсий жиҳатдан устун чиқади, бошқа ҳолатда эса юридик жиҳатлар устунлик қилади. Халқаро судлар ва арбитражларнинг тажрибасини таҳлил қилиш шундан гувоҳлик берадики, давлатларнинг ҳаётини муҳим манфаатлари билан алоқадор бўлган низоларни қараб чиқишни кўпинча бу органларга топширмайдилар. Зеро, худди мана шулар сиёсий низоларнинг асосий туркумини ташкил этиб, бу низоларни давлатлар сиёсий воситалар ёрдамида ҳал этишни афзал кўради.

БМТ халқаро суд мақомининг 36- моддасига биноан, аввало шартномаларни талқин этиш, халқаро ҳуқуқ масаласи, халқаро мажбуриятларни бузиш оқибатида келиб чиққан далилларнинг мавжудлиги, халқаро мажбуриятларни бузганлик учун тўланадиган товон низолар келиб чиқиши учун асос яратеди.

Қандай тинчлик воситаларига мурожаат қилиш тўғрисидаги масала иштирокчилар томонидан низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситаларини эркин танлаш принципига биноан ҳал қилинади (БМТ Низоми, 33-модда). Бундай воситалар: бевосита музокаралар, келиштирувчи процедура, халқаро арбитраж тергови, судлов процедураси, жанжалларни халқаро ташкилотларда ҳал этишдан иборат.

Суверен давлатлар ўртасида келиб чиқадиган низоларни ҳал этувчи барча давлатлар асосида битим туради. Шунинг учун низоларни томонлар ўртасидаги битишув йўли билан тўғридан-тўғри ҳал этишда қўлланиладиган тартиб қоида асосий роль ўйнайди. Бевосита музокаралар ва келиштирувчи процедураси, холис хизматлар, воситачилик, аралаш комиссиялар ана шундай процедураларга кирилади.

а) Бевосита музокаралар — давлатлар ўртасидаги низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий воситасидир. Давлатлар ўртасида келиб чиқадиган масалаларнинг асосий қисми, шу жумладан, низолар ҳам музокаралар йўли билан бартараф этилади. Музокаралар томонлар ўртасидаги бир-бирларининг вазиятларини аниқлаб олиш мақсадидаги бевосита мулоқатлардир. Бундай мулоқатларда тегишли фактик вазиятлар ва битимга келишув имкониятлари ҳам аниқлаб чиқилади.

Халқаро ҳужжатларда музокаралар халқаро низоларни ҳал этиш рўйхатида биринчи ўринда туради (БМТ Низомининг 33- моддасига қаралсин).

Музокараларнинг афзаллиги шундаки, улар низолашувчи томонларнинг тўғридан-тўғри мулоқатини келтириб чиқаради, бошқа давлатларнинг аралашуви имкониятларини чеклайди. Бевосита музокаралар деб шундай музокараларга айтиладики, уларда низоларда қатнашаётган томонлар уларнинг сонидан қатъий назар тўла қатнашадилар. Бу музокаралар одатдаги дипломатик воситалар орқали ёки махсус чақирилувчи кенгашларда олиб борилиши мумкин. Музокараларда, шунингдек, ёзма шаклдаги ҳужжатлар айирбошлаш, телеграммалар йўллаш, радио ва телефон алоқасидан фойдаланиш шакллари ҳам қўлланилиши мумкин. Музокаралар турли даражаларда олиб борилади. Ҳозирги кунда олий даражадаги музокаралар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Давлат бошлиқларининг учрашувлари, тажриба кўрсатаётганидек, халқаро муаммоларни бартараф этишда ҳал қилувчи звено ҳисобланади. Музокараларнинг натижалари халқаро ҳужжатлар ҳисобланади. Бундай ҳужжатлар фақат сиёсий ёки сиёсий-ҳуқуқий характерда бўлади. Биринчиларнинг намунаси қўшма коммюнике ва баёнотлардир. Иккинчиларнинг намунаси эса битимлар ва протоколлардир.

Музокаралар халқаро ҳуқуқнинг субъектлари бўлган барча томонларнинг иштирокида олиб борилиши лозим. Реакцион дипломатияда кўплаб ҳолатлар мавжудки, улар музокараларда фақат бир ёки бир неча реакцион давлатларнинг иродасини яқка тартибда мажбуран ўтказиш мақсадида фойдаланилган. Исроил билан Миср ўртасидаги сепарат музокаралар ана шундай тусда бўлган. Мазкур музокаралар АҚШ ёрдамида

Кемп-Дэвид битимига олиб келди. Бошқа араб давлатлари ва фаластин халқи бу битимни ҳамон қоралаб келмоқда.

Музокаралар виждонан, яъни тўғри ва барча иштирокчиларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини тенг ҳурматлаш асосида олиб борилмоғи лозим. Музокараларда унинг иштирокчилари низони ҳал этишга халақит бериши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиб туришга мажбурдирлар.

б) **Халқаро келиштирувчи процедура** бевосита музокараларга нисбатан ёрдамчи характерга эга бўлади. Унинг моҳияти шундан иборатки, мазкур процедура томонларга улар олиб борадиган музокаралар ва битимга эришувига ёрдам кўрсатади. Унинг асосий турлари: холис хизмат, воситачилик, текширув ва келиштирувчи комиссиядан иборат.

Холис хизматлар низолашувчи томонларга тўғридан-тўғри мулоқотларни йўлга қўйиш ва бевосита музокараларни ташкил этишда ёрдам кўрсатишдан иборат. Холис хизмат кўрсатувчи томоннинг вазифаси шун билан яқунланади. Лекин томонларнинг розилиги билан музокараларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Воситачилик музокараларда умуман низонинг туб маъноси бўйича таклифлар киритишгача бўлган ҳуқуқ билан фаол қатнашишни кўзда тутаяди. Шунга қарамай, узил-кесил қарор фақат низо иштирокчилари томонидан ўзаро битишув йўли билан қабул қилинади.

Холис хизмат ва воситачилик низода қатнашаётган давлатлар, халқаро мансабдор ёки жисмоний шахслар томонидан кўрсатилиши мумкин. Улар ўз вазифаларини бажаришлари учун низолашувчи томонларнинг розилиги зарур.

Холис хизмат ва воситачилик низолашувчи томонлар ташаббуси билан ҳам, бундай хизматларни таклиф қилаётганларнинг ташаббуси билан ҳам кўрсатилиши мумкин. Лекин воситачиликни амалга ошириш учун низода қатнашаётган барча томонларнинг олдиндан розилигини олиш керак. Реакцион давлатлар худди мана шу нарсани суниестемол қилади. Кўпчилик давлатлар холис хизмат ва воситачиликка ижобий муносабатда бўлиб, бундай хизматларни олиб борувчи сифатида ўз хизматларини кўп марта таклиф қилган ва бошқа томонларнинг ҳам шундай таклифларини қабул қилган.

Чунончи, 1962 йилда Кариб денгизи кризиси вақтида собиқ СССР БМТ Бош Қотибининг холис хизматиға рози бўлди. Бу мулоқот собиқ СССР ва АҚШ ўртасида музокаралар бошлашға ёрдам берди. Натижада Кубанинг хавфсизлиги таъминланди. 1965 йили собиқ СССР Ҳиндистон ва Покистонға холис хизмат кўрсатганди. Натижада, 1966 йили бу мамлакатлар ўртасида чегара низосини бартараф этиш тўғрисидаги Тошкент Декларацияси имзоланди.

Тергов ва келиштирувчи комиссиялар томонлар ўртасида бевосита битишув йўли билан низоларнинг ҳал этилишиға ёрдам бериш мақсадларини кўзлайди. Комиссиялар тенглик асосларида икки томоннинг тенг миқдордаги вакилларида иборат қилиб тузилиши, уларнинг таркибига аъзолар ёки раис сифатида бошқа давлатларнинг вакиллари киритилиши мумкин. Комиссияларни ташкил этиш ва уларнинг вазифалари жанжаллашаётган томонлар битими билан белгиланади.

Тергов комиссияларининг вазифаси низонинг асосий жиҳатларини аниқлашдан иборат. Уларни ташкил этиш 1899—1907 йиллардаги халқаро тўқнашувларни тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги Гаага Конвенциясида кўзда тутилган эди. Агар томонлар бирор бошқа хусусда келишиб олмаган бўлсалар, комиссия уларнинг ҳар бири иккитадан аъзо белгилаш йўли билан ташкил этилади. Улардан биттаси низолашаётган давлат фуқароси бўлиши мумкин. Бу аъзолар раисни сайлайдилар. 1928 йили Миллатлар Лигаси қабул қилган ва 1949 йили БМТ қайта кўриб чиққан халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги умумий ҳужжатда ҳам худди шундай тартиб кўзда тутилди.

Тергов комиссияларидан онда-сонда келиштирувчи комиссияларнинг фаолиятдан эса кенгроқ фойдаланилади. Улар ҳам тергов комиссияси сингари ташкил этилиб, фақат ҳолат сабабларини аниқлабгина қолмай, балки низони ҳал этиш лойиҳасини ҳам тавсия қилишлари мумкин. Айрим кўп томонлама Конвенциялар, масалан, 1969 йилги халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенцияси одатда Гаага Конвенциясида белгиланган тартибда келиштирувчи комиссиялар ташкил этишни кўзда тутадилар.

в) **Халқаро арбитраж** давлатлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш учун ҳакамлар судловидир. Унинг таркиби ва фаолияти тартиби, шунингдек, қўлланишға белгиланган

ҳуқуқий нормалари низода қатнашаётган томонлар ўртасида ўзаро сулҳга келишиш битими билан белгиланади. Арбитраж ҳамиша тоқ сонли аъзолардан иборат қилиб тузилади. Уларнинг бири суперарбитр ёки раис ҳисобланади.

Гоҳи арбитраж фақат бир арбитрдангина иборат бўлиши мумкин. 1949 йилги халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги умумий ҳужжатда томонлар бошқа бирон хусусда келиша олмаса, арбитраж 5 аъзодан иборат бўлиши белгилаб қўйилган. Агар келишувда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, арбитрлар халқаро суд мақомининг 38- моддасида кўрсатилган нормалар қўллаши керак. БМТ Бош Ассамблеяси 1958 йилги қарорида давлатларга халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан тайёрланган арбитраж тафтишининг намунавий қоидаларини эътиборга олишни тавсия қилди.

Айрим минтақавий битимлар томонидан муқим арбитраж кўзда тутилган. Чунончи, Африка Бирлиги Ташкилоти доирасида 1965 йили воситачилик, яраштириш ва арбитраж комиссияси ташкил этилган.

г) **Халқаро судлов процедураси.** Халқаро суд халқаро шартнома асосида ташкил этилган доимий орган бўлиб, у халқаро низоларни судлов процедураси орқали ҳал этишга даъват қилинган. У арбитраждан фарқли ўлароқ халқаро суд таркиби, иш тартиби, қарорларнинг ҳуқуқий манбалари ҳар бир алоҳида ҳолатда низолашувчи томонларнинг махсус битишуви йўли билан белгиланмайди, балки доимий статус билан белгиланади. Давлатлар устидан назорат қилиб турувчи ҳокимият бўлмаганлиги сабабли, қарорлар иштирокчиларнинг битишуви бўйича қабул қилинади ва халқаро муносабатларда суднинг имкониятлари чеклангандир. Бу факт ҳам шундан далолат берадики, биринчи халқаро суд 1921 йили Миллатлар Лигаси Низомига биноан ташкил этилган эди. У сайлаб қўйиладиган 15 судьядан иборат бўлиб, халқаро одил судлов доимий палатаси деб номланган эди. Палата ўзининг деярли 20 йиллик фаолияти мобайнида давлатлар ўртасидаги 37 низоли масалани кўриб чиқди ва Миллатлар Лигаси Кенгаши талаби бўйича 28 маслаҳат хулосаси берди. Кўриб чиқилган ишларнинг бирортаси ҳам катта халқаро аҳамиятга эга бўлмади.

Ҳозирда халқаро суд БМТнинг асосий судлов органи сифатида иш олиб боради. У БМТ Низомининг тарки-

Бий қисмини ташкил этувчи мақом асосида ҳаракат қилади. Шу боис БМТнинг барча аъзолари мақомнинг ҳам қатнашчилари ҳисобланади. БМТ аъзоси бўлмаган давлатлар Хавфсизлик Кенгаши тавсияси бўйича Бош Ассамблея белгилаб чиқадиган шартларда мақом иштирокчилари бўлишлари мумкин. Ҳозир Швейцария ана шундай иштирокчилар қаторига киради. Суд Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши шахсий-хусусий сифатларда сайловчи, яъни давлатларнинг вакиллари бўлмаган 15 аъзодан иборат бўлади. Улар 9 йил муддатга сайланади. Суд таркибида бир давлатнинг фуқароси бўлган икки аъзо бўлиши мумкин эмас. Суднинг бутун таркиби жаҳоннинг асосий ҳуқуқий тузумлари вакилигини таъминлаши мумкин. Кворум 9 судьяни ташкил этади. Барча қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Гаага — суд фаолият кўрсатувчи доимий жойдир.

Суд ҳуқуқий доирасига қуйидагилар киради: а) фақат давлатлар ўртасида келиб чиққан низолар; б) юридик масалалар бўйича БМТ Низомига биноан халқаро органлар ва ташкилотларнинг талаби бўйича маслаҳат хулосалари бериш.

Халқаро суд томонлар — давлатлар томонидан ўзига топширилган ҳар қандай ишни қараб чиқиши мумкин. У мажбурий юридик судловга эга эмас. Яъни низони томонларнинг розилигисиз қараб чиқа олмайди. Муайян масалаларга нисбатан бундай розилик олдиндан бериб қўйилиши мумкин.

Суд жараёни икки қисмдан — ёзма ва оғзаки тарзда бўлади. Ёзма — низолашаётган томонларнинг ҳолатлари баён қилиб берилган меморандум ва аксилмеморандумларни судга топширадиган ахборотлардан иборат бўлади; оғзаки — низолашувчи томонларнинг вакиллари, уларнинг адвокатлари, гувоҳлари экспертларнинг фикрини тинглашни ўз ичига олади.

Суднинг қарори ишда қатнашувчи томонлар учун мажбурийдир. У шу характердаги бошқа ишларни ҳал этиш учун ҳуқуқий ҳолатни вужудга келтирмайди. (Суд статусининг 59-моддаси) Қарор узил-кесил бўлиб, уни қайта кўриб чиқиш мумкин эмас. Уни томонлардан бири бажармаган ҳолда иккинчи томон Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар Хавфсизлик Кенгаши зарур деб ҳисобласа, у қарорни бажариш учун тавсиялар бериш ёки чора қўлланиш тўғ-

рисидаги масалани қараб чиқиш мумкин (БМТ Низоми, 49-модда) Бошқача қилиб айтганда, Хавфсизлик Кенгаши кўрсатилган чораларни қўллаш ҳуқуқига эга эмас.

Умуман, халқаро суднинг фаолияти етарли даражада самарали бўлиб чиқмади. Бу, бир томондан, унинг таркибида реакцион ёки унга яқин ҳуқуқий тузумлар устун эканлиги билан белгиланса, бошқа томондан низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг замонавий воситалари таркибида суд сифатида бундай органнинг имкониятлари етарли эмаслиги билан белгиланади. Натижада БМТга аъзо бўлган 185 та давлатдан фақат 46 давлат суднинг мажбурий юридик судловини тан олиш тўғрисидаги Декларация билан чиқди. (Статуснинг 36-моддаси). Лекин бу ҳам фақат масалаларнинг чекланган доирасига тааллуқли бўлиб, у ҳам кўплаб чеклашлар, илова ва шартлар билан тан олинган. Тўғри, бунга суднинг низоларни таърифлаш ёки баъзи қоидаларни қўлланиш бўйича мажбурий юридик судловни кўзда тутувчи анчагина миқдордаги халқаро шартномаларни кўрсатиш мумкин.

Суд 1997 йилгача 72 ишни кўриб чиқди ва улар юзасидан 40 та қарор қабул қилди. Мазкур ишлар орасида давлат ҳудудининг унчалик катта бўлмаган майдонларига тааллуқли ҳудудий можаролар асосий ўрни тутадди (масалан, ҳудудий анклага тўғрисидаги Голландия, Белгия можароси; эҳром ва унга яқин районнинг мансублиги тўғрисидаги Кампучия Таиланд можароси); шунингдек, Ҳиндистон билан Португалия ўртасидаги Ҳиндистон орқали ўтиш ҳуқуқи тўғрисидаги, ГФР, Дания ва Голландиянинг шимолий денгиз континентал шельфи делимитатсиялаш тўғрисидаги можаролар ва бошқалар). Суднинг бир қатор қарорлари кўплаб давлатлар, асосан ривожланаётган давлатларнинг норозилигига сабаб бўлди. Суднинг жануби-ғарбий Африка (Намибия)га нисбатан ўз мажбуриятларини бузишда айблаш бўйича даъво билан чиқиш ҳуқуқини тан олишдан воз кечди. Умуман, шуни айтиш мумкинки, жиддий аҳамиятга молик можароларни давлатлар ҳам судлов процедураси ёрдами билан эмас, балки бевосита музокаралар йўли билан ҳал этишни афзал кўради.

Халқаро суднинг маслаҳат хулосалари ҳам фаол фойдаланилмайди. 1996 йилгача у атиги 29 та шундай

хулоса берди. Улар орасида Намибия (Жануби-ғарбий Африка) мақоми тўғрисидаги хулоса, БМТ Низоми ва бошқа халқаро ҳужжатларни шарҳлаш тўғрисидаги бир қатор хулосалар бор. Маслаҳат хулосалари уни сўраган ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланмайди.

Умуман, шуни айтиш мумкинки, халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари тартибини ривожлантиришда судлов процедураси салмоғининг камайиши ва келтириш жараёнини кўпайтириш гоёси кузатилмоқда. Халқаро низоларни ҳал этишнинг келиштирувчи воситалари қаторида халқаро ташкилотларнинг аҳамияти кескин ошди.

д) **Халқаро ташкилотларда низоларни ҳал этиш тартиби.** Давлатлар ўртасидаги низоларни тинч йўл билан ҳал этиш таркибига халқаро ташкилотларнинг миқдори ва мавқеининг ошиши муайян ўзгаришлар киритди. Келишмовчиликлар ва можароларни тинч йўл билан ҳал этиш халқаро ҳамкорликнинг зарур элементи бўлиб, уни ривожлантириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вазифасидир. Ўз фаолиятлари жараёнида халқаро ташкилотлар кўпгина халқаро низолар келиб чиқишининг олдини оладилар. Бир қатор ҳолатларда уларни томонларнинг ўзаро келишуви йўли билан бартараф этилишини енгиллаштиради. Халқаро ташкилотлар низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг бошқа воситаларини рад этибгина қолмай, балки улардан фаол фойдаланишни кўзда тутди. Судлов процедурасидан фарқли ўлароқ, халқаро ташкилотлар томонидан низоларнинг бартараф этиш тартиби, кўп ҳолатларда сиёсий характерга эга бўлади. Шунга қарамай, ҳар қандай шароитда тинч бартараф этишнинг амалга оширилиши учун асос бўладиган халқаро ҳуқуқнинг родини бирон-бир даражада камситишни билдирмайди.

Давлатлар ҳамкорлигининг жаҳон миқёсидаги асосий органи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низоларни тинч ҳал этиш воситаларини ҳозирги замоннинг асосий негизи ҳисоблайди. Кўриб чиқиладиган тузумда БМТнинг ҳолати унда Миллатлар Лигаси эгаллаган ҳолатдан фарқ қилади. Миллатлар Лигаси низолашаётган томонларни бевосита яраштиришни низоларни ҳал этишдаги ўзининг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. БМТ Низоми асосий эътиборини низоларни ҳал этиш чоғида халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш манфаатларига қаратади. БМТнинг асосий мақсадларидан

бири ҳар қандай низони ҳал этишдан эмас, балки тинчликка хавф туғдирувчи ва тинчликни бузишга олиб борадиган низоларни ҳал қилишдан иборат (БМТ Низомининг 1- моддаси, 1- банд).

БМТ низоларни ҳал этишнинг бошқа воситаларини бирон-бир тарзда алмаштирмаслиги керак. Аксинча, Низом улардан фойдаланишни рағбатлантиради. Низоларнинг давом этиши тинчликни сақлашга хавф туғдириши мумкин бўлган ҳолатларда ҳам томонлар, энг аввало низони ўзларининг ихтиёрларида бўлган воситалар ёрдами билан ҳал этишга уриниб кўришлари керак. Бу воситалар орасида юқорида таъкидланганидек, музокаралар биринчи ўринга қўйилган. Хавфсизлик Кенгаши томонлардан ўз низоларини мана шундай воситалар ёрдамида ҳал этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга (Низомнинг 33- моддаси). Бу ҳолда, агар томонлар низони ҳал этмай, унинг чўзилиши халқаро тинчликка хавф туғдириши мумкин бўлса, уни Хавфсизлик Кенгашига кўриб чиқиш учун топшириш лозим. Маҳаллий низоларни Хавфсизлик Кенгашига топширгунча, томонлар уларни минтақавий битимлар ёки органлар (агар улар мавжуд бўлса) ёрдами билан ҳал этиш учун бутун куч-ғайратларини сарфламоғи лозим. Хавфсизлик Кенгаши бу жараёни рағбатлантириши керак. (Низомнинг 52-моддаси).

БМТда низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг бутун тартиби тинчликни сақлаш манфаатларига бўйсундирилганлиги учун унда Хавфсизлик Кенгаши марказий ўринни эгаллайди. Низоларнинг тинч йўл билан ҳал этилишига бағишланган Низомнинг VI-бўлимида бу яққол ифодаланган. Хавфсизлик Кенгаши ўз ташаббусига биноан низонинг давом этиши халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга таҳдид солиш ёки солмаслигини белгилаш учун ҳар қандай низони кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. БМТнинг ҳар бир аъзоси бундай низо тўғрисида Хавфсизлик Кенгаши ёки Бош Ассамблеяга хабар қилиши мумкин. БМТ аъзоси ҳисобланган давлат ҳам шу сингари бу органлар эътиборига ўзи бир томон бўлган, агар БМТ Низоми бўйича низоларни тинч йўл билан ҳал этиш билан боғлиқ мажбуриятларни ўз зиммасига олмаса, ҳар қандай низо тўғрисида маълумот бериши мумкин (Низомнинг 35-моддаси). Хавфсизлик Кенгаши ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал этиш мақсадида тавсиялар бериш ҳуқуқига

эга. Агар бу низолар тинчликка хавф солмаган тақдирда ҳам, барча томонлар илтимос қилган тақдирда бундай тавсиялар берилади. Хавфсизлик Кенгаши низони тинч воситалар ёрдами билан ўзлари истаганича ҳал этишни томонлардан талаб қилаолмайди ёки уларга бирон-бир тавсия бера олмайди.

Хавфсизлик Кенгаши ҳам Бош Ассамблея сингари низони кўриб чиқиши натижасида тавсия қабул қилади. Фақат тинчликка хавф туғилган, тинчлик бузилган ва агрессия аклари содир қилингандагина Хавфсизлик Кенгаши юридик мажбурий қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Хавфсизлик Кенгаши юридик характердаги низолар умумий қонда тариқасида томонлар томонидан халқаро судга топширилишини ҳисобга олиши керак. Бироқ, ўтган ўн йилликларда Хавфсизлик Кенгаши фақат бир мартагина ишни судга топширишни тавсия қилди (1947 йилда Корфа бўғози тўғрисидаги иш) ва бир марта суднинг маслаҳат ҳулосасини сўради. Бош Ассамблея суднинг маслаҳат ҳулосасини ўн мартадан кўпроқ сўраб бир неча марта томонларда ўз низосини судга ёки арбитражга топширишини тавсия қилди.

Халқаро вазиятнинг мураккаблигига қарамай низоларни тинч бартараф этишининг БМТ Низомида кўзда тутилган тартиби ижобий натижа берди. Барча энг жиддий низолар ва зиддиятлар у ёки бу даражада БМТда муҳокама қилинади. Шунингдек, низолар ва зиддиятларнинг давом этишининг олдини олишда БМТ ролини ҳам тўғри баҳоламаслик мумкин эмас.

XVII БОБ

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК

1. Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси

Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик деганда халқаро ҳуқуқ субъекти учун у халқаро ҳуқуқий мажбуриятларни бузган тақдирда келиб чиқадиган юридик оқибатлар тушунилади.

Халқаро ҳуқуқий мажбуриятнинг аҳамияти халқаро ҳуқуқ субъекти халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилишини таъминлашнинг зарур юридик воситаси эканлиги факти билан боғлиқдир. Халқаро ҳуқуқ субъектлари

жавобгарлиги халқаро қонунчиликни оғишмай бажариш, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун кураш, халқаро ҳамкорликни таъминлаш билан боғлиқ. У халқаро муносабатларда ҳуқуқий тартибга солишнинг мунайян қуроли сифатида амал қилмоқда ва халқаро ҳуқуқнинг амалда бўлишини рағбатлантирмоқда.

Давлатларнинг халқаро ҳуқуқда жавобгарлигига тааллуқли нормалар халқаро ҳуқуқий институтнинг ўзига хос кўринишидир. Бу институт халқаро ҳуқуқ тарихи жараёнида жиддий ўзгарди. Ҳозирги халқаро ҳуқуқ бўйича жавобгарлик Октябрь тўптаришигача амалда бўлган эски халқаро ҳуқуқдаги жавобгарликдан анча фарқ қилади. Ҳозирги халқаро ҳуқуқ агрессия учун жавобгарлик, мустамлака мамлакатлари ва халқларига мустақиллик беришдан воз кечиш учун жавобгарлик сингари муҳим институтларни ўз ичига олади. Илгари бундай институтлар бўлмаган эди. Халқаро тартиботни бузган давлатларга нисбатан қўлланиладиган мажбур қилиш чораларининг характери ўзгарди. Жавобгарликни амалга оширишнинг шаклларида ҳам жавобгарлик субъектлари доирасида ҳам ўзгаришлар юз берди. Масалан, халқаро ташкилотларнинг жавобгарлиги пайдо бўлди.

Давлатларнинг жавобгарлигини йўлга қуювчи халқаро ҳуқуқ нормалари орасида ҳозирги пайтда одат тарзида келиб чиққан нормалар кўп. Шунинг учун уларни кодификациялаш долзарб вазифадир. Миллатлар Лигаси шахсга ва чет элликларнинг мулкига келтирилган зарар учун давлат жавобгарлигига тааллуқли халқаро ҳуқуқ нормаларини кодификациялашга уриниб кўрди. Бу реакцион давлатлар манфаатларига тўла мос тушарди. Аслини олганда давлатлар жавобгарлигини тартибга солувчи нормаларни ишлаб чиқиш ҳам мана шу йўналишда олиб борилди. 1956—1957-йилларда БМТ халқаро ҳуқуқ Комиссияси бу масала юзасидан махсус маърузачи бўлган эди. 1963 йили собиқ СССР ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган халқаро ҳуқуқ Комиссияси ишнинг янги программаси қабул қилинганлиги, комиссия давлатларнинг агрессия учун, мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик беришдан воз кечганлик учун масъулият сингари жавобгарликларнинг асосий муаммоларини ҳал қилишга йўналтирди. Шунга биноан Комиссия бу муаммоларни ишлаб чиқишни янгидан бошлади. Кўриб чиқилаётган масала бўйича махсус маърузачи италиялик

профессор Р. Агонинг 1969—1979-йиллардаги маърузалари халқаро ҳуқуқни бузганлик учун давлатлар жавобгарлигининг умумий нормаларига бағишланди. БМТ халқаро ҳуқуқ Комиссияси бу масалани муҳокама қилишда давом этмоқда.

2. Давлатлар жавобгарлигининг асосланиши

Давлатлар халқаро ҳуқуқий жавобгарлигининг умумий асоси халқаро ҳуқуқий жиноятнинг содир қилинишидир.

Халқаро ҳуқуқий жиноят мавжудлигини тасдиқлаш учун, биринчидан, халқаро ҳуқуққа биноан давлатга қўйиладиган ҳуқуқий жиноятнинг мавжудлиги, ҳаракатлилики ёки ҳаракатсизликда ифодаланган хатти-ҳаракатларни, иккинчидан, бу ҳаракатлар ўзида мазкур давлатнинг халқаро мажбуриятларини бузишни мужассамлантирганлигини аниқлаб чиқиш лозим.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқий жиноят давлатнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигидан иборат бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган халқаро мажбуриятларга зид ҳаракатлар оқибатидир.

Давлат ўз спецификаси кучига кўра ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ўз органлари ёки мансабдор шахслари сифатида иш олиб бораётган мавжуд шахслар воситасида амалга ошириши мумкин. Давлатга шу давлат билан муайян ҳуқуқий алоқада бўлган, яъни орган ёки мансабдор шахс сифатида эга бўлган шахслар хатти-ҳаракати учунгина айб қўйилиши мумкин. «Айб қўйиш» атамаси халқаро тажрибада муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизликка йўл қўйган шахс ёки шахслар гуруҳи билан ана шу ҳаракатлар учун жавобгар давлат ўртасидаги муайян алоқани кўрсатиб беришда қўлланилади ва улар халқаро нуқтаи назардан шу давлат хатти-ҳаракати сифатида кўриб чиқилишини билдиради.

Давлат органининг давлат идораси тизимидаги ҳолати давлатнинг халқаро ҳуқуқий жавобгарлиги келиб чиқиши учун жиддий аҳамиятга эга эмас.

Давлатнинг халқаро жавобгарлигини келтириб чиқарувчи қонунчилик органларининг ҳаракатлари орасида, биринчи навбатда, мазкур давлат халқаро ҳуқуқ мажбуриятларига зид бўлган қонун ёки бошқа норматив ҳужжатлар чиқарилишини кўрсатиш лозим. Унда унинг

жавобгарлиги қонуннинг кучга кириши биланоқ юзага келади.

Халқаро мажбуриятни бажариш учун зарур бўлган қонунни чиқармаслик факти, агар қонун чиқарилиши билан олди олиниши мумкин бўлган ҳуқуққа зид ҳодисалар юз берган бўлса, фақат ана шу шароитдагина давлатнинг жавобгарлигини келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳолатда зарарли оқибатлар келиб чиқишидан халқаро ҳуқуқий жавобгарликларнинг юзага келиши ўртасидаги боғлиқлик давлат қонун чиқаришидан ташқари ана шу оқибатларнинг олдини олиш учун бошқа чораларни ҳам қўллаш бўйича имкониятларга эга ва бу имконият унинг ҳуқуқи билан асосланади.

Давлат ўз ижрочи органларининг (ҳукуматдан бошлаб ижрочи ҳокимиятнинг қўйи бўғини вакилларигача) ҳаракатлари учун халқаро ҳуқуқий жавобгарликка тортилади. Реакцион давлатларнинг дипломатлари жойлашган мамлакатга қарши турли душманлик хатти-ҳаракатлар қилганликлари, тўнтариш ва тил бириктирувларни ташкил этишда қатнашиб, айғоқчилик билан шуғулланган ҳолда қонунларни тўғридан-тўғри бузганликларига оид қўпдан-қўп далиллар мавжуд. Амалда гоҳида пастки табақадаги мансабдор шахсларда ва ҳимоянинг ички воситаларидан фойдаланиш қонидаси муносабати билан уларнинг хатти-ҳаракатлари учун давлатнинг халқаро ҳуқуқий жавобгарлиги муаммоси туғилади. Бу қониданинг амалий аҳамияти шундан иборатки, у асосланмаган ва вақтидан олдин қилинадиган эътирозларнинг олдини олишга қаратилгандир, чунки бу эътирозлар ҳали етарли ҳуқуқий доирадаги давлат органларининг қараб чиқиш объектига айланмаган бўлади. Масалан, ҳуқуқи бузилган чет эл кишиси биринчи навбатда ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун барча ички имкониятлардан фойдаланмоғи лозим ва фақат қаноатлантирмаган ҳолатдагина у фуқароси бўлган давлат унинг дипломатик ҳимоя ҳуқуқини ҳаракатга келтиради. Бу ўринда халқаро ҳуқуқий бузилишнинг объектив томони бошқа давлат фуқаросига зарар келтиришдан фойдаланмайди. Балки, давлат органининг зарар кўрган чет эл кишисини қонуний йўл билан келтирилган зарарини ундириб олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан ифодаланган қонунга зид хатти-ҳаракатида ифодаланади. Махсус халқаро ҳимоядан

Фойдаланувчи шахслар (дипломатлар, халқаро ташкилотлар ҳузурдаги вакил ва бошқалар)га келганда ички ҳимоя воситаларидан фойдаланиш қондаси уларга жорий этилмайди ва мансабдор шахсларнинг даражаси ёки унинг хатти-ҳаракати (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) шаклларида қатъи назар давлатнинг жавобгарлиги автоматик тарзда келиб чиқади.

Давлатнинг халқаро мажбуриятлари давлат органлари бўлган миллий судларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги туфайли ҳам бузилиши мумкин. Судлов ҳокимиятининг мустақиллик принципи давлат жавобгарлигини назардан қочирмайди, зеро, бу ўринда судларнинг ҳукуматдан мустақиллиги кўзда тутилаётган бўлиб, у асло судларнинг давлатдан мустақиллигини билдирмайди. Давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ доирасидан ташқарида содир қилинган ҳаракатлари учун, яъни, агар улар ўз ваколатларини суистеъмож қилган ёки кўрсатмаларни бузган бўлса ҳам давлатнинг жавобгарлиги келиб чиқади. Чет эл давлати ёки унинг фуқароларига ўз расмий дипломатик даражаси ниқоби остида ёки хизмат воситаларидан фойдаланиб, муайян зарар етказган мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари давлат ҳаракатлари ҳисобланади ва унинг жавобгарлигини келтириб чиқаради.

Давлат ҳудудда жисмоний шахслар — ўз фуқаролари ёки чет элликлар ва уларнинг ташкилотлари томонидан содир қилинган ҳаракатлар ҳам давлат жавобгарлиги учун асос бўлади. Аниқроқ қилиб айтганда, давлат ажнабий кишилар ҳаракати учун эмас, балки бундай ҳаракатларнинг олдини олмаган ёки бу ҳаракатларнинг айбдорларини жазоламаган давлат органлари хатти-ҳаракатлари учун ана шу давлат жавобгарликка тортилади. Халқаро терроризм ва урушни ташвиқот қилиш, ирқий камситиш, геноцид сингари ҳаракатларни амалга оширган жисмоний шахсларнинг қилмишлари учун давлат жавобгарлиги, айниқса, жиддий характерга эга бўлади. Халқаро муносабатларда бу қонда кенг тан олинганки, унга кўра давлат ўзининг ички қонунига, яъни органлари ички давлат ҳуқуқий кўрсатмалари билан мувофиқ келганлиги ҳолда аниқ ҳаракат қилганликларига асосланиб, халқаро ҳуқуқий жавобгарликни рад этишга имкониятсиздир. Давлатнинг халқаро ҳуқуқдаги жавобгарлиги фақат давлатлараро муносабатлар доирасидагина амалга оширилади ва давлат бирон бир

қонун ҳужжатига таянган ҳолда ўзининг халқаро мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

Юқорида айтилганидек, давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида фақат ўзининг ҳаракатлари, яъни ўз органларининг ҳаракатлари учун халқаро ҳуқуқий жавобгарликка тортилади. Давлат ҳудудида бошқа давлатларнинг халқаро ҳуқуққа зид ҳаракатларидан ёки унинг ҳудудида туриб, учинчи давлатга қарши хатти-ҳаракатлардан келиб чиққан давлат жавобгарлиги ҳолатида ҳам бу адолатлидир. Бундай ҳаракатларнинг икки туркумини фарқлаб олмоқ лозим. Булар, хусусан: тегишли давлат ҳудудида унинг розилиги билан бошқа давлатларга қарши учинчи давлат амалга ошираётган ҳаракатлар унинг розилигисиз амалга оширилаётган ҳаракатларга киради. Агар бошқа давлатнинг халқаро ҳуқуқнинг бузилиши ва учинчи давлатга қарши қаратилганлиги билан кўзга ташланиб турган шу давлат розилиги билан амалга оширилган ҳолатлар юз берса, мазкур давлат ҳам чет эл давлатининг ҳуқуққа зид ҳаракатлари иштирокчисига айланади. Бу масъулият фақат шу ҳолат учун розилик ёки умумий розилик бўлиши мумкин. Кўпинча бундай жавобгарлик тўғрисидаги масала шундан келиб чиқадики, унда у ёки бу давлат ҳудудида ҳарбий базалар ўрнашган бўлади. Ҳудудда учинчи давлатга нисбатан зид фаолият учун фойдаланилаётган чет эл ҳарбий базалари бўлган давлат бундай ҳаракатларнинг иштирокчиси бўлади ва мана шу ҳаракатлар учун жавоб беради. Чунки, мазкур ҳаракатлар давлатнинг ҳудудида база ташкил этиш тўғрисидаги битимда ифодаланган мазкур давлат розилиги билан амалга оширилади.

Чет эл давлатининг учинчи давлатга қаратилган ҳуқуққа зид ҳаракатлари шу давлат ҳудудидан ёки ҳудудида туриб унинг очиқ ифодаланмаган ёки сукут сақлаб ифодалаган розилиги билан амалга оширилган тақдирда бу давлат, агар унинг органлари зарур ҳушёрлик кўрсатмаган ва чет эл давлатининг бунга ўхшаш хатти-ҳаракатларига хотима бериш учун чора кўрмаган бўлсагина бундай ҳаракатлар учун жавобгар бўлади. Масалан, агар **А** давлатининг элчихонаси **Б** давлатининг ҳудудида жойлашган бўлса-ю, унинг ҳудудида туриб, **С** давлатига қарши актив фаолиятни авж олдириб юборган бўлса ва бу ҳаракатдан халқаро ҳуқуқни бузишда фойдаланса, **С** давлати фақат **А** давлати жавобгарлиги

тўғрисидаги масалани эмас, балки **Б** давлатининг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани ҳам илгари суриши мумкин. Агар ишнинг ҳолати **Б** давлати маъмурлари **А** давлати элчихонасининг қонунга зид фаолияти тўғрисида хабардор эканликлари ёки хабардор бўлиши кераклигини исботлаш учун асос берса, **Б** давлатининг жавобгарлиги аниқ белгиланган деб ҳисоблаш мумкин.

Давлат ўз ҳудудида чет эл давлатининг ўз табиатига кўра бошқа давлатга қарши (масалан, ҳарбий базалар барпо этиш) қаратилган фаолиятини амалга ошириш учун рухсат берса, «зарур ҳушёрлик» муаммоси вужудга келмайди ва бундай давлат ҳар қандай ҳолатларда ҳам унинг ҳудудидан ёки унинг ҳудудида учинчи давлатга қарши амалга оширилган чет давлатнинг ҳуқуққа зид ҳаракатлари иштирокчисига айланади.

Жавобгарликнинг аниқ муносабатлари туғилиши учун қоида тариқасида шу нарса зарурки, токи ҳуқуқ бузилишини амалга оширган давлатнинг ҳаракатлари бошқа давлатга аниқ зарар етказсин. Бу зарар моддий ёки номоддий тарзда ифодаланган бўлсин ва қонуний манфаатларга зид келсин. Бироқ, алоҳида хавfli қонун бузилишлар юз берган тақдирда умуман халқаро ҳамкорликка зарар етказишга асосланган жавобгарлик муносабатлари ҳам келиб чиқади.

Халқаро ҳуқуқ нормалари бузилганда етказилган зарарни икки асосий туркумга бўлиш мумкин. Булар:

- моддий зарар (ҳар турли мулкӣ зарарлар);
- оддий зарар (давлат суверенитетини чеклашнинг хилма-хил шаклларида бошлаб, давлат шарафи ва нуфузига етказиладиган зараргача).

Келтирилган зарар билан давлатнинг қонунга зид хатти-ҳаракати ўртасида сабабий алоқа мавжуд бўлган шароитдагина жавобгарлик келиб чиқади.

3. Давлат жавобгарлиги келиб чиқиши учун айбдорлик аҳамияти

Халқаро муносабатларда давлат хатти-ҳаракатининг ҳар томонлама баҳоланиши, мақсадлар, бу хатти-ҳаракатнинг субъектив режалари, шу жумладан, халқаро ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларни баҳолашни ҳам ўз ичига олади. Кўпчилик ҳуқуқшунослар халқаро ҳуқуқда айб тушунчасининг аҳамияти тўғрисидаги қоидада бир фикрдадилар.

Айб тушунчаси муайян психологик муносабат сифатида давлатга нисбатан қўллаб бўлмайдиган тушунчадир. Давлат айби ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатидагина тушунилиши мумкин. Унинг маъноси шундаки, давлат, яъни унинг органлари, халқаро ҳуқуқни бузувчи хатти-ҳаракатларни онгли равишда амалга оширадилар. Бузилаётган нормалардан беҳабарлик ёки уларнинг нотўғри талқин этилишига орқа қилиш, айбни йўққа чиқарувчи ёки оқловчи далил-сифатида хизмат қила олмайди.

Айб давлат томонидан унинг халқаро мажбуриятлари ҳар қандай бузиш ҳолларида қўйилади. Бироқ, оддий ҳуқуқий бузилишлар содир бўлганда ҳуқуқий бузилишга йўл қўйган давлат ўз айбсизлигини масалан, чегара зиддиятлари юз берганда исботлаш ҳуқуқига эга. Халқаро жиноятларга келганда шунга айтиш керакки, бу ўринда ҳаракатларнинг характери шундаки, бу ҳолда фақат давлатларнинг айби билан боғлиқ жиноятлар содир бўлади (масалан, қуролли агрессия, апартеид сиёсати ва ирқий камситиш).

Халқаро ҳуқуқда айб тушунчасининг қўлланилиши хусусияти шундаки, унинг даражаси ҳаммиша ҳам жавобгарлик ҳажмига таъсир кўрсатавермайди. Тамомилга ёки асосан моддий зарар етказиш билан ҳуқуқий бузилишлар тўғрисида гап борганда, жавобгарлик ҳажми ички давлат ҳуқуқида (айниқса, фуқаролик ҳуқуқида) бўлганидек, асосан етказилган зарар ҳажми билан белгиланади. Бошқа турдаги жиноятчилик тўғрисида, айтиш керакки, агрессия ва бошқа халқаро жиноятлар тўғрисида гап борганида давлатнинг айби даражаси унинг жавобгарлигини белгилаш учун катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Масалан, 1947 йили Болгария, Венгрия, Италия ва Руминия билан тузилган тинчлик шартномаларида бу давлатларнинг жавобгарлик ҳажми шундай ҳолатни ҳисобга олиб белгиландики, улар ўз вақтида Германия билан муносабатни узиб, унга қарши урушда иштирок этгандилар. 1947 йилги Финландия билан тузилган тинчлик шартномасида ҳам бу давлат Германия билан муносабатларни узганлиги ҳисобга олинган эди.

4. Ҳуқуқий фаолиятнинг зарарли оқибатлари учун давлат жавобгарлиги

Халқаро ҳуқуқий жиноятчилик давлат жавобгарлиги учун умумий асос эканлигини эътироф этган ҳолда

шуни айтиш керакки, фан-техника тараққиёти таъсири остида давлатнинг тўғри фаолияти туфайли ҳам етказилган зарарни ундириб олинн муаммоси юзага келди. Бу ҳолат ядро энергиясининг ихтиро қилиниши ва уни қўллаш шакллари жадал ривожланганлиги, ракета техникаси такомиллаштирилганлиги ва ниҳоят космик фазони тадқиқ этиш ҳамда ўзлаштириши билан боғлиқдир. Бу ўринда гап дангаллик учун жавобгарлик деб аталувчи ҳолат ҳусусида бормоқда. У ҳуқуқий жиноятчиликка қараганда бошқача асосга эга бўлиб, аслида фақат юқори хавфлилик манбаларидан фойдаланиш натижасида келтирилган зарарнинг ундирилишини билдиради. Халқаро ҳуқуқ Комиссияси, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси XXVIII сессияси олтинчи қўмитаси эътироф этганидек, ҳуқуқий жиноятчилик ва дангаллик учун жавобгарлик асосларининг хилма-хиллик муносабати билан бу икки масалани биргаликда кўриб чиқиш тўғри эмас.

Халқаро битимлар, масалан, космик объектлар томонидан етказилган зарар учун халқаро жавобгарлик тўғрисидаги Конвенция (1972 йил), давлат томонидан ўзининг халқаро мажбуриятларни бузиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, фақат ҳуқуқий тўғри фаолият билан келиб чиққан зарар фактини ҳисобга олиб, моддий зарарни муайян даражада қоплашни кўзда тутати. Конвенциянинг 2- моддасида белгилаб қўйилганидек, учирувчи давлат ўзининг космик объекти томонидан ер юзасида ёки парвоздаги ҳаво кемасига келтирилган зарарга товон тўлаш учун абсолют жавобгарликка эга.

5. Халқаро жиноятчиликнинг классификацияси

Халқаро ҳуқуқнинг классик таълимоти қоида тариқасида халқаро жиноятчиликни гуруҳлар ёки туркумларга, ўз характери ижтимоий хавфлилик даражаси ёки объект хусусиятига боғлиқ ҳолда бўлинишига халақит бериб келарди. Халқаро ҳуқуқнинг ҳозирги давр ривожини, унда янги норма ва принципларнинг пайдо бўлиши бу ҳолга чек қўйди. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг бузилиши халқаро муносабатларни нормал сақлаб туриш учун айниқса, хатарли бўлган янги норма ва принциплар халқаро ҳуқуқий жиноятчиликдан энг хавфлиларини, халқаро жиноятчиликни ажратиб олиш заруратини туғдирди.

Давлатлар «халқаро жинойтлар» қилиши мумкинлиги тўғрисидаги ғоя кўпгина халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топди. Ҳозирги давр халқаро ҳуқуқшунослари халқаро ҳуқуқий жинойтларни икки туркумга — халқаро жинойтлар ва бошқа халқаро ҳуқуқий бузилишларга бўлишни асослаб берди.

Ҳозирги вақтда бундай бўлиниш тобора кенг этироф этилмоқда. БМТнинг халқаро ҳуқуқ Комиссияси жавобгарлик тўғрисида қабул қилган модда (19-модда) лойиҳасида давлатларнинг халқаро жинойий хатти-ҳаракатларини икки туркумга — халқаро жинойтлар ва халқаро деликтлар (ҳуқуқ бузилишлик) бўлишни кўзда тутади.

Халқаро жинойтларни барча давлатларнинг ҳаётини муҳим манфаатларига дахлдор ўта хавфли жинойий хатти-ҳаракатлар сифатида таърифлаш мумкин. Халқаро деликтлар туркумига бошқа ҳамма халқаро жинойий хатти-ҳаракатлар киради. Агрессив уруш энг оғир халқаро жинойтларнинг биридир. БМТ халқаро ҳуқуқ Комиссияси томонидан тайёрланган моддалар лойиҳасида (19-модда) халқаро жинойтчиликка мисол сифатида агрессия, мустамлакачилик, қулчилик, геноцид, апартеид, ҳаво ва денгизларни кенг кўламда ифлослантириш кўрсатиб ўтилган.

Халқаро жинойтларнинг оддий ҳуқуқий жинойтлардан фарқловчи объектив хусусияти ҳуқуқий бузилишга йўл қўйган давлат билан бошқа давлатлар ўртасида халқаро мажбуриятларни бузиш ҳоллари рўй берганида келиб чиқувчи ҳуқуқий муносабатларни кўрсатиш мумкин. Халқаро жинойтчилик содир қилинганида фақат зарар кўрган давлатнинг манфаатларига дахлдорлик юз бермайди, балки бошқа давлатлар манфаатларига ҳам дахлдор бўлади. Бу ҳолатда жавобгарлик муносабати қонунни бузган давлат билан бошқа барча давлатлар ўртасида келиб чиқади. Деликтлар рўй берганда бундай муносабатлар фақат бевосита зарар кўрган давлат билан қонунни бузган давлат ўртасидагина келиб чиқади.

6. Халқаро ҳуқуқий жавобгарликнинг турлари ва шакллари

Халқаро муносабатларда жавобгарликнинг икки тури фарқланади. Улар: сиёсий (ноمودдий) ва моддий

жавобгарликдир. Бу турларни фарқлаш, албатта, етказилган зарар характериға тааллуқли бўлади. Кундалик турмушда давлатларнинг жавобгарлик турлари, ўзаро шунчалик боғланиб кетганки, гоҳи улар ўртасида аниқ чегара топиш қийин бўлиб қолади. Амалда шундай ҳоллар ҳам юз берадики, унда моддий зарар етказилиши сиёсий жавобгарликни ҳам келтириб чиқаради ёки аксинча. Сиёсий маънода етказилган зарар ортидан моддий жавобгарлик ҳам келиб чиқади. Лекин жавобгарликни турларга бўлиш амалда ўзини оқлайди. Чунки, бу бўлиниш жавобгарлик ҳажмини ҳам, жавобгарлик шакллари ҳам анча аниқ белгилаш имконини яратади.

Жавобгарлик шакли шундай воситаки, унинг воситачилиги орқали ҳуқуқий жиноят қилувчи у томондан халқаро ҳуқуқий жиноятчилик содир қилинганлиги оқибатларининг кўнгилсиз жиҳатларини четлаб ўтилиб, жавобгарлик даражаси белгиланади. Ҳар қандай ҳолатда жавобгарлик шакли аниқ қонун бузилиш жараёни билан белгиланади. Халқаро жавобгарликнинг ҳар иккала турида ҳам энг кўп учрайдиган шакллар ажратиб олинади. Сиёсий жавобгарлик доирасида бу шакллар санкциялар, ресторациялар ва сатисфикациялардан, моддий жавобгарлик доираси репарация ва реституциядан иборат. Санкциялар қонун бузилишига йўл қўйган давлатга қарши халқаро ташкилотлар томонидан ҳам, шунингдек, аниқ давлатлар ёки уларнинг гуруҳлари томонидан ҳам кенг маънода қўлланиладиган мажбурий тадбирларни ўз ичига олади.

Санкциялар аввало давлатнинг агрессия учун жавобгарлиги юз берганида қўлланилади. Германияга нисбатан иккинчи жаҳон урушидан кейин қўлланилган ҳаракатлар бунга мисол бўла олади. Чунончи, 1945 йил 5 июнда қабул қилинган Германиянинг енгилиши тўғрисидаги Декларация ва 1945 йилда Потсдам конференциясида қабул қилинган Германия тўғрисидаги Декларация Германиянинг оккупация қилинишини, иттифоқчилар томонидан олий ҳокимиятни ўз қўлларига олинишини, ҳудуднинг бир қисмини ажратиб олишни ва бошқа чораларни кўзда тутарди.

Халқаро санкциялар БМТ Низомида ҳам кўзда тутилган 39, 41, 42- моддалар асосида Хавфсизлик Кенгаши тинчликка хавф туғилган ҳолларда, тинчлик бузилганда ва агрессия актлари юз берганида ҳарбий ёки но-

ҳарбий характердаги мажбурий чоралар қўлланиши мумкин. 53- моддага асосан бундай тадбирлар минтақавий битимлар ва ташкилотлар доирасида Хавфсизлик Кенгаши ваколати билан унинг раҳбарлиги остида амалга оширилиши мумкин. Юқорида кўрсатилган тадбирлар айни пайтда жамоа хавфсизлик кафолати ҳам, агрессия учун жавобгарликдан келиб чиқадиган халқаро санкция ҳам ҳисобланади. Халқаро санкциялар бошқа халқаро жинойтлар (мустамлакачилик, апартеид, геноцид сиёсати ва бошқалар) қилган давлатга нисбатан кам қўлланилади. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси кўп маротаба мана шундай жинойтлар учун Жанубий Африка Республикасига санкциялар қўллашни тавсия этган эди. Шунга биноан Хавфсизлик Кенгаши санкциялар қўллаш тўғрисида Қарорлар қабул қилди, бироқ айрим давлатларнинг сиёсатлари туфайли бу санкцияларнинг самараси кам бўлди.

Давлатлар бошқа давлат томонидан ўзининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларига даҳлдор ҳуқуқий жинойтлар, гарчи улар қуроли кучларни қўлламастан содир қилган тақдирда ҳам, жавоб тариқасида якка тартибда ўз-ўзига ёрдам доирасида мажбур қилиш характерида бўлган тадбирлар ҳам санкциялар ҳисобланади (репрессалия деб аталувчи санкциялар). Бунда шуни назарда тутиш керакки, давлат қуроли кучлар ёрдамида репрессалия амалга оширишлари мумкин эмас. Бу иш ноҳарбий характердаги тадбирлар билан чекланмоғи лозим (дипломатия, савдо ва бошқа муносабатларни узиш, бож миқдорини ошириш ва бошқалар). Бунда албатта, мутаносиблик принципига риоя қилинмоғи даркор.

Ресторация қонунни бузган давлат томонидан аввалги ҳолатнинг тикланиши ва шу билан боғлиқ барча кўнгилсиз оқибатларни бартараф этишни кўзда тутати (масалан, қонунсиз босиб олинган ерларни ташлаб чиқиш, шу билан боғлиқ харажатларни кўтариш).

Сатисфакция (қаноатлантириш) зарар кўрган давлатга, унинг шарафи ва нуфузига етказилган номатериал зиён содир бўлган тақдирда амалга оширилади. Сатисфакциянинг энг характерли кўринишлари: расман таассуф ёки ҳамдардлик билдириш; кечирим сўраш; бундай ноҳуқуқий акциялар келгусида содир қилинмаслиги тўғрисида ишонтириш; зарар кўрган давлатнинг байроғига таъзим қилиш ёки унинг гимнини тегишлича тантанали вазиятда ижро этиш; ноқонуний актларнинг

олдини олишга қаратилган махсус қонунлар чиқариш ва айбдор шахсларни жазолашдан иборат. Амалда сатис-факция кўпинча ресторация билан жуда яқин туради, шунинг учун уларни фарқлаш қийин.

Репарация моддий жавобгарликнинг асосий шакли бўлиб, етказилган моддий зарарни пул, мол, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги ишлар орқали қоплашни ўз ичига олади. Олдинги ҳолатни тиклаш мумкин бўлмаган тақдирда репарация амалга оширилади.

Реституция тортиб олинган ёки зиён етказилган моддий бойликлар (масалан, бадий асарлар, транспорт воситалари)ни қайтариш ёки тиклашни билдиради. Реституцияни асоссиз равишда йўқ қилиб юборилган ёки зарар келтирилган мол-дунё, бинолар, санъат асарлари ва бошқаларни шунга ўхшаш ва тенг баҳодаги нарсалар билан алмаштиришни билдирувчи субституциядан фарқлай билиш керак.

7. Халқаро ташкилотларнинг жавобгарлиги

Ҳукуматлараро халқаро ташкилотларнинг жавобгарлиги ўзига хос характерга эга бўлиб, бу хусусият уларнинг халқаро ҳуқуқий субъектлигидан келиб чиқади. Хилма-хил халқаро ташкилотлар уларнинг таъсис актлари (Низомлари) билан боғлиқ ҳолда бир хил бўлмаган ҳажмдаги ҳуқуқий субъектликка, бинобарин, жавобгарликнинг турли ҳажми ва чегараларига эгадир.

Ҳозирги вақтда халқаро ҳуқуқ таълимоти ва халқаро тажриба халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқий жавобгарлик ва халқаро эътирозлар субъектлари ҳисобланишини эътироф этади. Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқий жавобгарлик ва халқаро эътирозлар субъектлари ҳисобланади. Лекин улар яқиндан бошлаб, халқаро муносабатларда фаол қатнашмоқда, шунинг учун уларнинг жавобгарлиги муаммоси эндигина ишлаб чиқила бошланди.

Космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланишга доир бир қатор халқаро шартномалар (1967 йилда қабул қилинган космик фазони, шу жумладан Ой ва бошқа самовий қисмларни тадқиқ этиш ва фойдаланиш бўйича давлатларнинг фаолияти принциплари тўғрисидаги шартнома, 1968 йилда қабул қилинган космик фазога учирилган космонавтларни қутқариш, космонавтлар ва объектларни қайтариш тўғрисидаги битим, 1972

Йилда қабул қилинган космик объектлар томонидан етказилган зарар учун халқаро жавобгарлик тўғрисида Конвенция) тўғридан-тўғри кўрсатадики, халқаро ташкилотлар амалга ошираётган космик фаолият натижасида етказилган зарар учун халқаро ташкилот ҳам, унда қатнашаётган давлатлар ҳам жавобгар бўлади. Халқаро ташкилотнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масала унинг органлари томонидан содир этилган ҳуқуқий жиноятлар юз берган ҳолатда, мазкур ташкилот таъсис актининг нормаси бузилганми ёки умумий халқаро ҳуқуқ нормаси бузилганми ёхуд ташкилотнинг ички ҳуқуқ нормаси бузилганми, бундан қатъи назар келиб чиқади. Халқаро тажрибада шундай ҳоллар ҳам маълумки, БМТ ўз қуроли кучлари таркибидаги шахслар томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар учун ҳам жавобгарликни эътироф этган. Бу ўринда БМТ 1965—1967 йилларда БМТ қуроли кучларининг Конгодаги операциялар оқибатида бир қатор мамлакатларнинг фуқароларига ва уларнинг мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш учун давлатлар билан битим тузилганлигини кўрсатиб ўтиш кифоя.

Халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан шу ташкилот таъсис ҳужжатини бузган ҳолда содир қиладиган хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳолатда икки томонлама жавобгарлик келиб чиқиши мумкин. Халқаро ташкилот ўз ҳуқуқ доираси чегарасидан ташқари чиқувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўйганлиги учун шу ташкилот аъзолари бўлган давлатлар олдида унинг Низоми бузилганлиги учун жавоб беради. Агар ташкилотнинг хатти-ҳаракатлари умумий халқаро ҳуқуқ бузилишига ҳам олиб келган бўлса, у ҳолда бу ташкилот умумий халқаро ҳуқуқ учун ҳам жавоб беради.

Халқаро ташкилотлар суверен шаклланган уюшмалар бўлмаганлиги учун ва уларнинг хатти-ҳаракатлари кўпинча аъзо бўлган давлатлар хатти-ҳаракатлари билан ташкилот ялпи органи қарорини амалга оширишда содир этилган ҳаракатлар белгиланганлиги учун давлатларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масала ҳам келиб чиқади. Шунингдек, кўпинча халқаро ташкилотнинг ўзи унинг ҳаракатлари оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш қудратига эга бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли амалда шундай йўл тутилмоқдаки, моддий жавобгарлик ҳолати туғилган тақдирда халқаро ташкилот

билан бирга шу ташкилот аъзолари бўлган давлатлар ҳам бу жавобгарликни ўз зиммасига олади. 1972 йил 29 мартда қабул қилинган космик объектлар томонидан етказилган зарар учун халқаро жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияда, жумладан, мана шундай биргаликдаги жавобгарлик кўзда тутилади. Халқаро ташкилотнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида давлатдан фарқ қилиши ва унинг фаолиятидаги вазифаси ташкилот жавобгарлигининг аниқ шаклларига таъсир кўрсатади. Масалан, ташкилотнинг сиёсий жавобгарлиги шакллари тўғрисидаги масала жуда кам ишлаб чиқилган. Бироқ бу ўринда ташкилот хусусиятига зид бўлмаган ҳар қандай шаклда ҳам қўллаш мумкин.

Халқаро ташкилот халқаро эътирозлар субъекти бўлиши мумкин (масалан, унинг қароргоҳига, мол мулкига, мансабдор шахсларга зарар етказилган тақдирда). Бундай ҳолатни тан олишда БМТ халқаро судининг 1949 йил 11 апрелдаги БМТ хизматида кўрилган зарарни қоплаш тўғрисидаги масала бўйича маслаҳат хулосаси муайян роль ўйнайди. Исроил террорчилари томонидан Иерусалимда Исроил билан араб давлатлари ўртасидаги қуролли тўқнашув чоғида БМТ вакили граф Бернадотнинг ўлдирилиши муносабати билан БМТ халқаро суди Бирлашган миллатлар Ташкилоти халқаро ҳуқуқ субъекти ва халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ижрочиси бўлганлиги учун халқаро эътирозлар билдириш йўли билан ўз ҳуқуқларини амалга ошириш мумкин деб тан олинди.

8. Шахсларнинг халқаро жиноий жавобгарлиги

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида шахсларнинг халқаро жиноятлари учун халқаро жиноий жавобгарлик янги муҳим институт ҳисобланади. Унинг вужудга келишига асос бўлган нарсалар тинчликсевар давлатларнинг илгари сурган агрессив урушларнинг жинояткорона ғояси эканлиги бўлди.

Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари ўртасидаги муддатда халқаро ҳуқуқнинг бу борадаги нормалари шаклланди, уларга биноан агрессив уруш халқаро жиноятдир, ва бинобарин, халқаро жиноятчиликни келтириб чиқаради деб эълон қилинди. Уруш қонунлари ва одатларини бузиш учун жавобгарликни кўзда тутувчи халқаро ҳуқуқ нормалари анча илгарироқ шаклланади.

Гитлерчилар Германиясига қарши иттифоқчи давлатлар ҳарбий жиноятчиларнинг халқаро жинойй жавобгарлигини шакллантириб, бунда юқорида кўрсатилган нормаларга таяниб, бу нормаларни янада ривожлантиради.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида ва ундан кейин ҳам Германияга қарши иттифоқчи давлатлар бу иттифоқнинг етакчи давлатларидан бири бўлган собиқ СССРнинг актив иштирокида ҳарбий жиноятчиларни жазолаш тўғрисида бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилди. Уларнинг энг муҳимлари Гитлерчиларнинг ёвузликлари учун жавобгарлик тўғрисидаги Москва Декларацияси (1943), Оврўпо мамлакатлари бош ҳарбий жиноятчиларни суд орқали таъқиб қилиш ва жазолаш тўғрисидаги Лондон битими (1945), 1945 йилда тузилган Нюренбергдаги халқаро ҳарбий трибунал Низоми, 1946 йилда Токиода қабул қилинган халқаро ҳарбий трибунал Низоми ва шу трибуналларнинг ҳукмлари ана шу шартнома ва битимларнинг таркибий қисмини ташкил этади.

Шахсларнинг халқаро жиноятлар учун халқаро жинойй жавобгарлиги ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг кенг эътироф этилган институтидир. Тўғри, бир қатор халқаро ҳуқуқшунослар, масалан, Г. Шварценбергер (Англия), Ф. Бербер (ГФР) халқаро ҳуқуқда содир бўлган туб ўзгаришларни ҳисобга олмай, бундай институт амалда йўқ деб даъво қилишдан тўхтамаётирлар.

БМТ Бош Ассамблеяси 1978 йилдаги XXXII сессиясида тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар кодекси лойиҳасини муҳокама қилишни янгилаганлигини таъкидламай бўлмайди. Бу лойиҳа халқаро ҳуқуқ Комиссияси томонидан тайёрланган ва 1954 йили Бош Ассамблеяга тақдим этилган эди. Унда, жумладан, тинчликка ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар халқаро ҳуқуқ бўйича жинойт ҳисобланиб, бунинг учун тегишли шахслар жазоланиши кераклиги кўрсатиб ўтилган эди. Давлат жавобгарлиги билан бирга айрим шахсларнинг халқаро жинойй жавобгарлигини келтириб чиқарувчи халқаро жинойтларга келганда, у БМТ Бош Ассамблеяси томонидан тилга олинган жинойтлар кодексини муҳокама қилиш чоғида ишлаб чиқилиши лозим эди. Халқаро ҳарбий трибунал Низоми (1945 йил) бундай жинойтларнинг уч тури: тинчликка қарши жинойтлар; ҳарбий жинойтлар; инсониятга қар-

ли жиноятларни кўзда тутган. Утган давр мобайнида бундай жиноятлар мундарижаси кенгайди. Унга, шубҳасиз, хусусан геноцид ва апартеид жиноятлари ҳам тааллуқлидир: 1948 йилда қабул қилинган геноцид жиноятчилигининг олдини олиш ва шундай жиноятлар содир қилинганлиги учун жазолаш тўғрисидаги Конвенцияда геноцид халқаро ҳуқуқ нормаларини бузишни кўзда тутган эди (Конвенциянинг 1-моддаси). 1968 йилда қабул қилинган ҳарбий жиноятчилар ва инсониятга қарши жиноятчиларнинг жазо муддати ўтаганлиги тўғрисидаги Конвенцияни қўлламаслик ва апартеидни тутатиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги 1973 йилги Конвенция, апартеидни инсониятга қарши қаратилган энг оғир жиноят сифатида таърифлайди.

Шахсларнинг халқаро жиний жавобгарлиги икки йўл билан яъни: а) давлатлар бундай жиноятчиларни ўз жиний қонунчилигига биноан суд қилишлари; б) айрим ҳолларда давлатлар халқаро шартнома тузиш йўли билан халқаро жиний суд ташкил этишлари мумкин. Нюренберг ва Токио халқаро ҳарбий трибуналлари мана шундай судларга мисол бўла олади.

Шахсларнинг халқаро жиноятлар учун халқаро жиний жавобгарлик институти халқаро ҳуқуқнинг тегишли нормалари самарадорлигини таъминлаш учун катта аҳамиятга эга.

XVIII БОБ **ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШДА ДАВЛАТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИГИ (Халқаро жиноят ҳуқуқи)**

1. Давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги ҳамкорлиги, вазифалари ва ҳуқуқий механизми

Ҳамкорликнинг туғилиши ва вазифалари у ёки бу давлатнинг халқаро жинияти мавжуд шахсларнинг қилмишида бевосита ифодаланади. Бу шахслар мазкур давлатнинг ҳуқуққа зид сиёсатини амалга ошириб, халқаро жиноятчиликни туғдиради. Бундай ҳолда ҳуқуқ бузилишига жавобгар давлат билан бир қаторда кўрсатилган муайян шахслар ҳам халқаро жиний жавобгарликка тортилади.

Мазкур масала маълум бир давлатнинг жинояткоро-

на сиёсати билан бевосита боғлиқ бўлмаган, бироқ миллий ҳуқуқ тартиботига ҳам, халқаро ҳуқуқ тартиботига ҳам дахл қилиб, бир неча ёки барча давлатлар учун ижтимоий хавф келтириб чиқарадиган, яъни халқаро ижтимоий хавф сифатида характерланадиган жиноятларга тааллуқлидир. Бу турдаги жиноятлар халқаро характердаги жиноятлар сифатида туркумланади. Уларнинг олдини олиш, тўхтатиб қўйиш, жиноятчиларни жазолаш хилма-хил давлатларнинг биргаликдаги ҳаракатини тақозо этади. Бундан ташқари ҳар қандай жиноятни текшириб чиқиш ва судлов ишларини амалга ошириш чоғида чет эл давлатларининг юридик судлов органларидан ҳуқуқий ёрдам олишга зарурат туғилиши мумкин. Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича ҳамкорлик ўзига хос вазият билан боғлиқ бўлиб, уларда ёки жабрланувчи ва гувоҳлар ёки амалга оширилган жиноятларнинг ашёвий далиллари бошқа давлатларнинг ҳудудларида бўлиб қолиши мумкин.

Ривожланаётган давлатлар жиноятчилик билан курашдаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий шаклларини ривожлантириш ва такомиллаштиришда фаол иштирок этмоқда. Бу ҳамкорлик жараёнида давлатлар қуйидаги вазифаларни ҳал қилади: а) бир қанча ёки барча давлатларга хавф туғдирувчи жиноятларни халқаро характердаги жиноятлар сифатида туркумлашни маслаҳатлашиб олиш; б) халқаро характердаги жиноятларнинг олдини олиш ва тўхтатиб қўйиш бўйича тадбирларни марказлаштириш; в) жиноятлар ва жиноятчилар устидан ҳуқуқий судловни ўрнатиш; г) жазонинг муқаррарлигини таъминлаш; д) жинорий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш зарур бўлган тақдирда жиноятчиларни топшириш.

Юқорида тилга олинган вазифалар халқаро ҳуқуқ воситалари билан ҳам, миллий ҳуқуқий воситалар билан ҳам амалга оширилади. Бунда давлатларнинг суверен ҳуқуқлари дахлсиз бўлиб қолаверади. Чунки жиноятчиликка қарши курашнинг асосий муаммолари ҳар бир давлатнинг ички ҳуқуқий доирасига тааллуқлидир.

Ривожланган давлатларнинг ҳуқуқий доктринаси шундан келиб чиқадики, немис ва япон ҳарбий жиноятчиларни жазолаш учун самарали фойдаланилган халқаро жинсий юридик судлов (Нюренберг ва Токио судловлари) ва инсониятга қарши жиноятчилик билан курашиш учун мўлжалланган бўлиб масалан, апартеид

жиноятчилигининг олдини олиш ва шундай жиноят учун жазолаш тўғрисидаги Конвенцияга биноан уларни тегишли ички давлат судловига нисбатан қўллаб бўлмайд.

2. Давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги ҳамкорлигининг халқаро ҳуқуқий тартиби

Давлатлар халқаро характердаги жиноятларга қарши курашдаги ҳаракатларни марказлаштириш масалалари ва жиной ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларида халқаро шартномалар тузди.

Ҳар бир муайян жиноятга ёки бир-бирига «ўхшаш» жиноятлар гуруҳига бағишланган махсус халқаро Конвенция қабул қилиш қоидага айланди. Пул белгиларини қалбаки тайёрлашга қарши кураш тўғрисидаги халқаро Конвенция, гиёванд воситалар тўғрисидаги ягона Конвенция, ҳаво кемаларини қонунга зид равишда эгаллашга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция, Фуқаро ҳаво кемаси хавфсизлигига қарши қаратилган қонунсиз актларга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция, Халқаро ҳимоя, шу жумладан, дипломатик ҳимоядан фойдаланувчи шахсларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва шундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги Конвенция ва айрим бошқа амалдаги Конвенциялар шулар жумласидандир. Ёлланганларни тўплаш, улардан фойдаланиш, маблағ билан таъминлаш ва террорликка ўқитишни тақиқлаш тўғрисидаги Конвенция тайёрлов босқичидадир. Халқаро характердаги жиноятларнинг айрим кўринишлари тўғрисидаги нормалар мазмунан кенгроқ доирадаги муаммоларни қамраб олувчи халқаро шартномаларга киритилган. Масалан, қароқчиликка қарши кураш масалалари Очиқ денгиз тўғрисидаги Конвенциянинг бир қатор моддаларида (Очиқ денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенцияда шунга ўхшаш қоидалар) кўзда тутилган.

Жиной ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар юқорида тилга олинган халқаро характердаги жиноятлар тўғрисидаги кўп томонлама Конвенцияларда ҳам, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги махсус шартномаларда ҳам ўз ифодасини топган. Ривожланган давлатлар томонидан имзоланган озодликдан маҳрум қилинган шахсларни топшириш тўғрисидаги Конвенция кўп томонлама характерга эга. Маълумки, бундай ҳолларда жиноятчилар

қайси давлат фуқароси бўлса, унга жазо бериш учун топирилади, қайтарилади.

3. Халқаро ташкилотлар ва конференцияларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги роли

Давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги ҳамкорлигини мувофиқлаштириш бир қатор халқаро ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ. Зеро, бу ташкилотларнинг вазифаларидан бири ижтимоий ва гуманитар характердаги халқаро муаммоларни ҳал этишдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида — Бош Ассамблея сессияларида Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаш фаолияти доирасида ва бошқа шаклларда халқаро хавф туғдирувчи жиноятларнинг олдини олиш ва уларни тўхтатиб қўйишнинг турли жиҳатлари қараб чиқилади. БМТ хомийлигида халқаро характердаги жиноятлар тўғрисидаги бир қатор халқаро Конвенциялар ишлаб чиқилди. БМТ Бош Ассамблеяси сессияларида ҳаво кемаларини эгаллаш, халқаро террорчилик, ёлланганлар ва шунга ўхшашлар билан кураш чораларини марказлаштиришга тааллуқли тавсияномалар бир неча бор қабул қилинди.

БМТнинг роли айрим Конвенцияларда алоҳида таъкидланади. Чунончи, гиёванд воситалар тўғрисидаги ягона Конвенция преамбуласида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёвандлик устидан назорат соҳасидаги ҳуқуқий доираси эътироф этилади. Мазкур Конвенция гиёвандлар устидан назорат бўйича халқаро қўмитанинг БМТ ёрдамчи органларидан бири сифатида ҳуқуқий мақомни белгилаб беради.

Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаш раҳбарлиги остида 15 экспертдан ташкил топган жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш Қўмитаси иш олиб боради. БМТ хомийлигида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича халқаро конгресслар вақти-вақти билан ўтказиб турилади.

Давлатларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришда жиноий полициянинг халқаро ташкилоти (ИНТЕРПОЛ) муайян роль ўйнайди. Бу ташкилотга 120 га яқин мамлакатнинг миллий полиция муассасаси вакил қилинган. Ўзбекистон Республикаси ҳам мазкур ташкилот аъзоси ҳисобланади. ИНТЕРПОЛ Низоми жиноятчиликка қарши кураш олиб боришда миллий полиция органларининг

Ўзаро ҳамкорлигини кўзда тутади, сиёсий ва диний характердаги аралашув эса назарда тутилмайди ИНТЕРПОЛнинг Париждаги штаб-квартирасида минглаб жиноятчиларнинг суратлари ва дактирологик карталарини ўз ичига олган картотека юргизилади, бунда асосан гиёвандлар билан қонунга қарши операцияларни амалга ошириш, қалбаки пул ясаш, ҳаво кемаларини ўғирлаб кетиш, гаровга олиш сингари алоҳида хавфли жиноятларнинг тарифлари ёзиб борилади. ИНТЕРПОЛнинг ташкилий тизими қуйидагича: Бош Ассамблея, у сайлайдиган президент ва ижроия қўмитаси, шунингдек Бош Котиб раҳбарлигида доимий ҳаракатда бўлувчи котибият.

Кўпчилик давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича ҳамкорлигининг асосий шакли, муттасил ўтказиб туриладиган ҳуқуқ-тартибот органлари — олий судлар, прокуратуралар, ички ишлар вазирликлари ва бошқа идоралар раҳбарларининг кенгашларидан иборат.

II. ХАЛҚАРО ХАРАКТЕРДАГИ ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА ЖИНОЯТЧИЛАРНИ ЖАЗОЛАШ БЎЙИЧА ДАВЛАТЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

1. Халқаро характердаги жиноятларнинг халқаро ҳуқуқий белгиланиши

Халқаро характердаги жиноятлар, яъни юқорида айтилганидек жиний қилмишлар бир неча ёки барча давлатларнинг манфаатлари ва ҳолатларига дахлдор бўлиб, бунинг натижасида халқаро ижтимоий хавф туғдиради. Шунинг учун бундай ҳоллар давлатлар ўртасидаги шартнома бўйича халқаро характердаги жиноятлар деб тан олинади ҳамда уларга кўп томонлама Конвенцияларда тегишли халқаро ҳуқуқий баҳо берилади. Халқаро характердаги жиноятларни тартибга солувчи халқаро Конвенцияларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

— халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахсларга дахлсизлик; Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар, шу жумладан, дипломатик агентларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жиноятчиларни жазолаш тўғрисидаги 1970 йилги Конвенция (1977 йили кучга кирган); 1970 йилги ҳаво кемаларини қонунга зид равишда эгаллашга қарши курашиш тўғрисидаги Гаага Конвенция-

си;— Фуқаро ҳаво кемаси хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги 1971 йилги Монреаль Конвенцияси;— денгизда қароқчиликнинг олдини олиш тўғрисидаги, 1958 йилги Очиқ денгиз тўғрисидаги Конвенция; — денгизни зарарли чиқиндилар билан ифлослантирмаслик тўғрисидаги 1958 ва 1982 йилги Очиқ денгиз тўғрисидаги Конвенция;— 1972 йилги денгизни чиқитлар ва бошқа заҳарли чиқиндилар билан ифлослантиришнинг олдини олиш бўйича Конвенция; — ядро материалларини қонунга зид равишда қўлга киритиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги Ядро материални сақлаш тўғрисидаги Конвенция (имзолаш учун 1980 йил 3 мартда очиқ деб эълон қилинган); наркотик ва руҳий касалликлар келтириб чиқарувчи моддалар билан қонунга зид операциялар тўғрисидаги 1961 йилги наркотик воситалар тўғрисидаги ягона Конвенция; 1961 йил Конвенциясига тузатишлар тўғрисидаги 1972 йил қарори, руҳий касалликлар келтириб чиқарувчи моддалар тўғрисида 1971 йилги Конвенция; пул белгиларини қалбакилаштириш тўғрисидаги 1929 йилги пул белгиларини қалбакилаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро Конвенция; қулчилик ва қул савдосининг бошқа формалари тўғрисидаги 1929 йилги қулчиликка тааллуқли Конвенция, унга 1953 йили ўзгартиришлар киритилган; — қулчиликни, қул савдосини ва шунга ўхшаш институт ва одатларни бекор қилиш тўғрисидаги 1956 йилги қўшимча Конвенция;

— инсон устидан савдо қилишга ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисидаги 1950 йилги Конвенция.

Юқорида санаб ўтилган Конвенциялар умумий кўп томонлама шартномалардир. Бироқ, айрим давлатлар бу Конвенцияларнинг баъзиларида қатнашмайди. Табиийки, бу ҳужжатларнинг ҳаётда қўлланишига салбий таъсир кўрсатади, самарадорлигини пасайтиради.

Конвенцияларда одатда халқаро жинойтларнинг халқаро хавфи тўғрисидаги қоидалар, бу жинойтлар нормал халқаро муносабатларни ўрнатишга жиддий хавф туғдираётганлиги, умуминсоний манфаатлар ва бойликларга зарар етказётганлиги таърифлаб берилди.

Жинойт таркибининг норматив таърифи берилганлиги катта аҳамиятга эга. Чунки, мана шу таъриф ўзига хос стандарт бўлиб, давлатлар ўртасида келишиб оли-

нади ва тегишли таркибдаги жиноятларнинг ички давлат жиноий ҳуқуқ тушунчасини аниқлаш ёки тузатиш чоғида фойдаланиш учун мўлжалланган. У ёки бу Конвенциянинг иштирокчиси бўлган давлатлар халқаро характердаги жиноятларнинг ҳар бир иштирокчи давлатда жиноий жазоланувчининг қилмиши сифатидаги қонунчилик туркумини кафолатловчи халқаро ҳуқуқий ва миллий ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш тўғрисида мажбуриятлар олади.

Кўпчилик давлатларнинг жиноий қонунчилиги бир қатор нормаларни ўзида ифодалайдигани, улар сўнгги йилларда халқаро характердаги жиноятлар тўғрисида ишлаб чиқилган конвенцион ҳужжатлар билан етарли даражада мувофиқлаштирилган. Тинчликсевар давлатлар иштироки билан янги халқаро Конвенциянинг кучга кириши оқибатида бу давлатларнинг жиноий қонунчилигида бирон-бир номувофиқ ёки бошқача кўринишдаги келишмовчилик келиб чиққан тақдирда амалдаги қонунчиликка зарур қўшимча ва ўзгартиришлар киритувчи норматив актлар чиқарилади. Чунончи, ҳаво кемаларини қонунсиз эгаллаш тўғрисидаги Конвенциянинг имзоланиши ва кучга кириши муносабати билан бу давлатларнинг қонунчилигида ҳаво кемаларини олиб қочиш учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги ҳужжатлар ишлаб чиқилади. Денгизларни чиқитлар ва бошқа заҳарли материаллар билан ифлослантирилишининг олдини олишга бағишланган Конвенция кучга кириши денгизни ифлослантирганлиги учун жавобгарлиги тўғрисида 1958 йили қабул қилинган ҳужжатларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишни шарт қилиб қўяди.

2. Ҳуқуқий судловни тайинлаш ва жазонинг барқарорлигини таъминлаш (жиноий жавобгарликни тартибга солиш)

Халқаро Конвенциялар ҳар бир давлат томонидан фақат халқаро характердаги жиноятлар устидан юридик судловни ўрнатиш учун зарур чоралар кўрилишини назарда тутди. Тегиншли юридик судлов ҳаракатлари амалга ошириладиган ҳолатлар ҳар бир Конвенцияда аниқлаштирилади. Чунончи, ҳаво кемаларини қонунсиз эгаллашга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияга биноан давлатларнинг юридик судловни, масалан, мазкур давлат рўйхатдан ўтказилган ҳаво кемаси ичида жи-

ноят содир қилинган бўлса ёки ҳаво кемаси мазкур давлат ҳудудига қўнган бўлса, белгиланади.

Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар, шу жумладан, дипломатик агентларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва шундай жиноятлар қилганлиги учун жазолаш тўғрисидаги Конвенция давлат ҳудудида жиноят содир қилинган тақдирда ёки шу давлатга рўйхатдан ўтказилган кема ёки ҳаво кемаси ичида содир қилинган жиноят бўлса, ёхуд назарда тутилаётган жиноятчи шу давлатнинг фуқароси бўлса, мана шундай ҳолларни кўзда тутади.

Кўпгина Конвенциялар учун намунадаги қоида деб шуни ҳисоблаш мумкинки, агар айбланувчи шу давлат ҳудудида бўлиб, бу давлат жиноятда айбдор бўлган шахсни топширишни талаб қилиб, муурожаат этган бошқа давлатга уни бермаса, бундай ҳолатларда жиноятлар устидан давлатнинг юридик судловини белгилашни кўзда тутади. Тегишли равишда шу нарса ҳам белгилаб қўйиладики, давлат бу жиноий ишни текшириш ва миллий қонунчилик асосида жиноятчини жазолаш учун ўзининг ваколатли органларига топширади. Конвенцияларда кўзда тутилувчи алтернатив жараён (ёки топшириш ёхуд ўз ҳуқуқий воситалари билан жиноий жавобгарликка тортиш) муаммони тўла равишда мувофиқ ҳал этиш воситаси эмас. Кўпчилик давлатларнинг вазияти шунга асосланадики, муайян шароитларда жиноятчиларни манфаатдор давлатга топширишга мойиллик билдиради. Бироқ Конвенцияларда қабул қилинган алтернатив ҳар қандай кўринишда ҳам жазолашнинг барқарорлигини, жиноий жавобгарликни амалга оширишни таъминламоғи керак.

Жиноий жазолашнинг аниқ тартибга солиниши халқаро характердаги жиноятларга қарши курашда давлатларнинг ҳуқуқий ҳамкорлиги вазифасига кирмайди. Жазо турларини белгилаш ва уларни аниқлаштириш ҳар бир давлатнинг жиноий ҳуқуқ вазифасидир. Халқаро Конвенциялар аслида муайян даражада жазони қўллаш тўғрисидаги умумий таърифлар билан чекланади. Ҳар бир давлат бундай жиноятларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари қўллаш мажбуриятини олади. Очиқ денгиз тўғрисидаги Конвенцияда қароқчилик акт-

лари учун жазо бериш тўғрисида гапириб қўя қолинади, денгизни чиқитлар ва бошқа материаллар билан ифлослантиришнинг олдини олиш бўйича Конвенцияда эса бундай ҳаракатлар учун жазо чоралари кўриш ҳақида гапирилади. Гиеванд воситалар тўғрисида ягона Конвенция ва руҳий касалликлар келтириб чиқарувчи моддалар тўғрисидаги Конвенциянинг таърифи ўзига хос: бу ўринда жиддий жиноятлар учун жазолаш нормалари муайян даражада қамоқ жазоси тўғрисидаги ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бошқа воситалари тўғрисидаги сўзлар билан аниқлаштирилади.

III. ЖИНОИЙ ИШЛАР БҲИИЧА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

I. Умумий тавсиф

Жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар халқаро характердаги жиноятлар билан курашиш тўғрисида кўп томонлама халқаро Конвенциялар нормалари ёхуд ҳуқуқий ҳамкорлик тўғрисидаги махсус шартномалар орқали бошқарилади. Ривожланган мамлакатлар ва баъзи бошқа давлатлар ўртасидаги фуқаролик, оила ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги икки томонлама шартномалар тузилганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Бундай шартномаларнинг дастлабки гуруҳи 50-йилларнинг охирига тааллуқлидир.

Ҳуқуқий ёрдамнинг мазмунини ташкил этувчи ҳаракатлар ғоят хилма-хилдир. Уларда тинтув ўтказиш, ашёвий далиллар олиш ва топшириш, ҳужжатларни топшириш, экспертизалар ўтказиш, айбланувчилар, гувоҳлар, экспертларнинг сўроқ қилиниши, судлов текшируви кўзда тутилади. Жиноятчиларни топшириш масалалари айнақса мукамал белгилаб қўйилган давлатлар тегишли судлов ҳаракатларини амалга ошириш тўғрисидаги топшириқларни бажариш йўли билан бир-бирларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар.

2. Жиноятчиларни тутиб бериш

Жиноятчиларни тутиб бериш уларни жиноий текширувни амалга ошириш, жиноий жавобгарликка тор-

тиш ёки уларга нисбатан ҳукми ижро этиш учун бир давлат (сўралаётган томоннинг) иккинчи давлат (сўраётган томон)га ҳуқуқий ёрдам актини ифодалайди.

Шартномаларда жиноятчиларни тутиб бериш тўғрисидаги қоидалар таърифланади. Уларга шартлашувчи иккала томон қонунчилигига биноан жиноят ҳисобланган ва шундай жиноят учун бир йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки янада оғирроқ жазо (айрим шартномаларда: бир йилдан кам бўлмаган муддатга) кўзда тутилади.

Жиноятчиларни тутиб бериш мумкин бўлмаган ҳолатлар: а) тутиб бериш талаб қилинаётган шахс сўралаётган томон фуқароси ҳисобланса; б) жиноят сўралаётган давлат ҳудудида содир қилинган бўлса; в) жиний иш сўраётган давлат қонунчилигига биноан қўзғатилиши мумкин бўлмаса, ёки муддатини ўтганлиги ёхуд бошқа асослар бўйича ҳукмнинг ижро этилиши мумкин бўлмаса; г) жиноят қилган шахсга нисбатан сўралаётган давлат органи олдинроқ ҳукм чиқарган ёки иш юзасидан текширувини тўхтатган бўлса; д) жиноят ҳар иккала давлат қонунчилиги бўйича хусусий айблов тартибида кўриб чиқиляётган бўлса, ҳам белгиланади.

Ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги барча шартномалар учун умумий бўлган ўз фуқароларини топширмаслик қоида-си кўпчилик давлатларнинг фуқаролиги тўғрисидаги қонунда аниқ қайд этилган.

Халқаро характердаги жиноятларга қарши кураш тўғрисидаги кўп томонлама Конвенцияларда жиноятчиларни тутиб бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилинган давлатга юридик мажбурият сифатида қаралмайди. Бироқ Конвенцияларнинг иштирокчилари бўлган давлатлар халқаро характердаги жиноятларни ўзлари ўртасида тузиляётган жиноятчиларни тутиб беришни келтириб чиқарувчи жиноятлар сифатида жиноятчиларни тутиб бериш тўғрисида ўзларига мажбурият олганликларини ифодалаганлар. Ҳатто, давлатлар ўртасида жиноятчиларни тутиб бериш тўғрисидаги махсус шартнома бўлмаган тақдирда ҳам бу кўп томонлама Конвенцияларнинг ҳар бири давлатлар томонидан шундай жиноят қилган шахсларни тутиб бериш учун юридик асос сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Халқаро характердаги жиноятлар тўғрисидаги икки томонлама шартномаларда бундан ҳам кескинроқ йўл-йўриқлар белгиланиши мумкин. Чунончи, кўпчилик дав-

латларнинг фуқаро ҳаво кемалари олиб қочилишининг олдини олишда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимларда шундай жиноятни содир этган шахсларни ҳеч сўзсиз топшириш (қайтариш) назарда тутилади: сўралаётган давлат фуқаросига нисбатангина масаланинг бўлакча ҳал этилиши белгилаб қўйган, ривожланган давлатларнинг тегишли икки томонлама шартномаларида қайд этилган ҳуқуқий ёрдамнинг ўзига хос шакли — бошқа давлатнинг ҳудудида содир қилинган жиноятни келтириб чиқарувчи жиноятлар туркумига тушган тақдирда — ўз фуқароларини топшириш лозим бўлган вақтда давлат томонидан жиноий иш қўзғатилиши мана шу шаклнинг ўзига хослигидир. Сўраётган давлат илтимоси бўйича давлатнинг қонунчилигига биноан гумон қилинаётган шахс унинг фуқароси бўлса, жиноий тергов амалга оширилади. Кўрилган чоралар тўғрисида ва жиноий қидирув натижалари тўғрисида ўзаро ахборот таъминланади.

3. Озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг жазони ўташ учун улар фуқароси бўлган давлатга топширилиши

Ҳуқуқий ёрдамнинг бу турига бир гуруҳ ривожланган мамлакатлар имзолаган Конвенция тўлалигича бағишланади. Конвенцияни кузатаётиб, унинг преамбуласида айтилганидек, давлатлар қонун бузувчиларни қайта тарбиялаш мақсадларига янада самаралироқ эришишга кўмаклашишни истаб, инсонийлик принциpidан келиб чиқадилар.

Ҳар иккала шартлашувчи давлатларнинг бошқа шартлашилган давлатда озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган фуқаролари бу давлатларнинг ўзаро келишувига мувофиқ улар фуқаролари бўлган давлатга жазони ўташ учун топширилади. Ҳукм қилинган шахсни топшириш ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин ва манфаатдор давлатлардан униси ёки бунисининг ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин. Белгиланган жазо у ҳукм қилинган давлат ҳукми асосида ўтилади. Чиқарилган ҳукмдан келиб чиқиб, ҳукм қилинган шахс фуқароси бўлган давлатнинг кафолатли суди ўз давлатининг қонуни бўйича ҳукмга мувофиқ белгиланган озодликдан маҳрум қилиниш муддатини белгилаб, ҳукмни ижро этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ҳукм қилинган шахс фуқароси бўлган давлат қонунчилигига мувофиқ бундан баъзи чекинишларга йўл қўйиш мумкин. Агар: а) ҳукм қилинган шахс фуқароси бўлган давлат қонунчилиги бўйича у ҳукм қилинган иш учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилмаган бўлса; б) фуқароси бўлган давлатда ҳукм қилинган шахс содир этилган жинояти учун жазо ўтаётган ёки оқланган ёхуд иш тўхтатилган бўлса; в) муддати ўтганлиги ёки бошқа бирон асос бўйича ҳукм қилинган шахс ўз фуқароси бўлган давлатда ҳукмни ижро этиши мумкин бўлмаса; г) ҳукм қилинган шахс суди ҳукм чиқарган давлат ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлса; д) Конвенцияда кўзда тутилган шартларда ҳукм қилинган шахсни тутиб бериш бўйича битимга эришилмаган бўлса, ҳукм қилинган шахсни тутиб бериш амалга оширилмайди. Фуқароси бўлган давлатга жазони ўташ учун топширилган шахсга нисбатан ҳукмнинг шу давлатда бундай жиноят учун ҳукм қилинган шахсга белгиланган ҳукм сингари ҳуқуқий оқибатлари келиб чиқишидан иборат норма жиддий аҳамиятга эгадир.

XIX БОБ

ҚУРОЛЛИ ЗИДДИЯТЛАР ДАВРИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

1. Уруш олиб боришнинг халқаро ҳуқуқий тартибга солинишининг мақсадлари ва вазифалари

Урушга бўлган муносабатнинг халқаро ҳуқуқий таққиқланганлигига қарамай айрим давлатлар ер шарининг турли минтақаларида босқинчилик урушини олиб бормоқда, бошқа қуролли ҳаракатлар содир қилмоқда. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўтган 52 йил мобайнида (1945—1997 йиллар) 150 дан ортиқ уруш ва қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Ўша йилларда 75 мамлакат ҳудудида қуролли тўқнашувлар ва урушлар келиб чиқди. Унда 90 давлат иштирок этди. Бу уруш ва тўқнашувларнинг кўпчилиги вайрон қилувчи уруш бўлиб, жуда кўп қурбонларга сабаб бўлдики, уларни бўлиб ўтган йирик урушларга қиёс қилиш мумкин. Мисол тариқасида АҚШнинг Корея ва Вьетнамдаги ҳамда собиқ

СССРнинг Афғонистондаги урушларини кўрсатса бўлади.

Вайрон қилувчи воситаларнинг такомиллашуви, тер-моядро ва оммавий қирғин қуроолларининг бошқа тур-лари пайдо бўлиши муносабати билан бу масалани ҳу-қуқий тартибга солишнинг аҳамияти мислсиз даражада ошди.

2. Уруш ҳолати ва унинг ҳуқуқий оқибатлари

Ҳозирги халқаро ҳуқуқ расман уруш эълон қилиб ёки эълонсиз агрессив урушларнинг ҳар қандайини бошлаб юборишни тақиқлайди.

Давлат томонидан амалда бошланган ҳарбий ҳара-катлар фақат зиддиятда қатнашувчи давлатлар учун келиб чиқувчи барча оқибатлари билан уруш ҳолати бошланганлигини билдиради ва жумладан, уруш олиб боришнинг халқаро қоидаларига риоя қилиш зарурли-гини шарт қилиб қўяди.

Кўпгина давлатларнинг Конституциялари ҳарбий ҳа-ракатлар олиб бориш тўғрисида қарор қабул қилиш учун парламент санкцияларини талаб қиладилар. Аме-рика давлатининг Вьетнам ва Ҳиндихитойнинг бошқа мамлакатларига қарши АҚШ Президенти кўрсатмаси билан бошлаб юборган қуроолли интервенцияси ёки со-биқ СССРнинг Афғонистонга киритган қўшинлари фа-қат халқаро жиноятгина бўлиб қолмай, балки бу дав-латларнинг Конституциявий ҳуқуқларининг паймол қи-линишидан ҳам иборат бўлди.

Кўпчилик мамлакатларнинг Конституциялари икки ҳолдагина: мамлакатга ҳарбий ҳужум ва халқаро шарт-номанинг ўзаро агрессиядан мудофа бўйича мажбури-ятларини бажариш заруриятида уруш ҳолати эълон қи-лиш имкониятини кўзда тутди. Тегишли қарорлар ёхуд олий ваколатли орган томонидан ёки унинг сессиялари ўртасидаги муддатда доимий ҳаракатда бўлувчи дав-лат ҳокимиятининг олий органи томонидан қабул қи-линади.

Икки давлат ўртасида уруш ҳолати эълон қилиниши улар ўртасидаги муносабатларда муайян ҳуқуқий оқи-батлар келтириб чиқаради. Урушнинг бошланиши уруш-га кирган давлатлар ўртасидаги расмий дипломатик ва консуллик муносабатларини узиб қўяди.

Дипломатик ва консуллик ходимлари ваколатхона жойлашган давлатни тарк этиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ваколатхона жойлашган давлат бунда уларга зарур ёрдам кўрсатишга мажбурдир. Урушаётган давлатлар ва уларнинг фуқаролари манфаатларини муҳофаза қилиш, одатда, урушаётган ҳар икки давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган бетараф давлатга топширилади. Бундай давлат урушаётган давлат топширигига биноан дипломатик ва консуллик ваколатхоналарининг мол-мулки ва архивларини тасарруф қилиши, ярадорлар, ҳарбий асирларни алмаштиришга кўмаклашиши мумкин. Тегишли давлат ҳудудида бўлган душман фуқаросига нисбатан турли чеклашлар қўлланилади. Уруш даврида улар муайян минтақада яшашга мажбур қилиниши ёки у ердан бу ерга кўчиб юриши мумкин.

Урушнинг бошланиши урушаётган давлатларнинг халқаро шартномаларига катта таъсир кўрсатади. Урушга чача тузилган икки томонлама сиёсий ҳужум қилмаслик, бетарафлик тўғрисидаги шартномалар ўз кучини йўқотади ёки тўхтатиб қўйилади. Урушга тааллуқли тузилган шартномалар амалда кучда қолади ва ҳарбий ҳаракатлар бошланиши билан (уруш олиб бориш тартиблари, демилитарлаштирилган зоналар тўғрисидаги ва бошқа шартномалар) алоҳида аҳамият касб этади.

3. Ҳарбий ҳаракатларнинг кенглик чегаралари (уруш театри)

Бетарафлик ва унинг турлари. Бетараф давлатларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Уруш театри тушунчаси қуруқликда, денгизда ва ҳавода урушаётган давлатлар ҳудудини, шунингдек, улар устидаги ҳаво кенглиги ёки очиқ денгизда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориши мумкин бўлган доирадаги қисмини билдиради. Бетараф давлатларнинг қуруқликдаги, денгиз ва ҳаводаги ҳудудлари ҳарбий ҳаракат театри сифатида хизмат қилиши мумкин эмас. Ҳуқуқий ҳолати махсус халқаро шартнома томонидан белгиланган бетараф ҳудуднинг у ёки бу қисми ҳарбий ҳаракатлар театрига айлантирилмоғи мумкин эмас. Ҳарбий ҳаракатлар, масалан, 1888 йилги Константинопол Конвенциясига мувофиқ Сувайш канали зонасида тақиқланган. 1967 йили Исроил Мисерга қарши агрессия бошлаб, ҳарбий ҳаракатларни Сувайш канали зонасига ҳам тарқатиб,

тегишли халқаро ҳуқуқий нормаларни қўпол равишда бузди.

Бетараф, шунингдек, урушаётган давлатларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари 1907 йилдаги Гаага Конвенциясининг V ва VIII қоидалари, 1909 йилдаги Лондон Декларацияси, уруш қурбонларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1949 йилда қабул қилинган Женева Конвенцияси томонидан тартибга солинади.

Бетарафлик бирор давлатнинг бошқа давлат ўртасида бўлаётган урушда қатнашмаслигини билдиради. Бетараф давлатнинг ҳуқуқий ҳолати унга урушаётган давлатларга ёрдам бермаслик мажбуриятини юклайди. Урушаётган давлатлар ҳам ўз навбатида унинг бетарафлигини ҳурматлашга мажбурдир. Мазкур урушда қатнашмасликка қарор қилган давлат, одатда, тегишли Декларация эълон қилади. Бетараф давлатларнинг ҳудуди дахлсиз бўлиб, ҳарбий операцияларда қатнашиши мумкин бўлган бўлинмаларни тузиш учун фойдаланиши мумкин эмас. Бироқ бетараф давлатларнинг фуқаролари яқка тартибда кўнгилли сифатида урушаётган давлатларнинг бири томонида иштирок этиши халқаро ҳуқуқ нормалари бетараф давлат томонидан бузилганлигини асло билдирмайди.

Бетараф давлат ўз бетарафлигини унинг ихтиёрида бўлган барча воситалар, ҳатто қуролли кучларни қўллашгача бўлган воситалар билан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Денгиз урушларида урушаётган давлатлар бетараф давлат ички ва ҳудудий сувларида ҳар қандай ҳаракатлардан (мина ўрнатиш, душман кемаларини ушлаб олиш) тийилиб туришга мажбурдир.

Урушаётган давлатга бетараф давлатлар кемалар, қуроллар ва бошқаларни бериш ҳуқуқига эга эмас. Ҳарбий мақсадга хизмат қилувчи ва бундай мақсадда фойдаланиши мумкин бўлган буюмлар ҳамда материаллар бетараф мамлакатлар савдо кемаларида ташиб берилаётган бўлса, ҳарбий контрабанда ҳисобланиб, улар урушаётган давлатлар томонидан мусодара қилиниши мумкин.

Бетараф давлат урушаётган давлатлар қўшинларини ўз ҳудудига киритишга йўл қўймаслиги керак. Ўз ҳудудида шундай қўшинларни сезса, уларни қуролсизлантириш ва уруш тугагунча лагерларга жойлаштиришга мажбур.

4. Ҳарбий зиддиятларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар

Уруш олиб боришнинг тартиб ва қоидалари, йўл қўйилиши мумкин бўлган воситалар тўғрисидаги энг муҳим халқаро битимларнинг амалда бўлганлари қуйидагилардир: портловчи ва ёндирувчи ўқларни қўллашни бекор қилиш тўғрисидаги Петербург Декларацияси (1868 йил);

— Қуруқликдаги урушларнинг қонунлари ва одатлари тўғрисидаги, денгиздаги кучлар томонидан уруш вақтида бомбардимон қилиш тўғрисидаги, қуруқликдаги ва уруш ҳолатида бетараф давлатлар ва шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги, денгиздаги уруш ҳолатида бетараф давлатларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги ҳамда айрим бошқа масалалар бўйича Гаага Конвенцияси. (1907 йил);

— 1925 йилда қабул қилинган урушда бўғувчи, заҳарловчи ва бошқа шунга ўхшаш заҳарли газларни ҳамда урушда биологик воситаларни қўллашни тақиқлаш тўғрисидаги Женева протоколи;

— Уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева Конвенцияси (1949 йил) ва 1977 йилги унга қўшимча протоколлар;

— Қуролли зиддият рўй берганда маданий бойликларни сақлаш тўғрисидаги Гаага Конвенцияси (1954 йил);

— Бактериология (биология) ва заҳарловчи қуролларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва тўплашни тақиқлаш тўғрисида ҳамда уларни йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенция (1972 йил);

— Табиат муҳитига ҳарбий ёки ҳар қандай бошқа душманлик воситаларида таъсир кўрсатишни тақиқлаш тўғрисидаги Конвенция (1977 йил);

— 1980 йил 10 октябрдаги Конвенцияси томонидан қабул қилинган шартнома ва 3 протокол, хусусан: а) ҳаддан ташқари зарар етказувчи ёки ўта ёмон таъсир кўрсатадиган деб ҳисобланувчи одатдаги қуролнинг аниқ турини тақиқлаш ёки қўллашни чеклаш тўғрисидаги Конвенция; б) аниқламаган бомба парчалари тўғрисидаги протокол (I-протокол); в) миналар ва бошқа қурилмаларни тақиқлаш ёки қўллашни чеклаш тўғрисидаги протокол (II протокол); г) ёндирувчи қуролни тақиқлаш

ёки қўллашни чеклаш тўғрисидаги протокол (III протокол).

Ривожланган давлатларнинг актив иштирокида 1949 йил 12 августда тайёрланган уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева Конвенцияси алоҳида аҳамиятга эга.

1) ҳаракатдаги армияларда ва беморлар қисматини яхшилаш тўғрисидаги Конвенция;

2) денгиздаги қуроли кучлар таркибида бўлган ярдорлар, беморлар ва кемаларнинг чўкишига сабабчи бўлган шахслар қисматини енгиллатиш тўғрисидаги Конвенция;

3) ҳарбий асирлар билан муомала тўғрисидаги Конвенция;

4) уруш вақтида тинч аҳолини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция.

1945 йилда қабул қилинган Женева Конвенциясида илгари қўлланилган қоидалар нисбатан бир қатор янги қоидалар киритилганлиги билан характерли. Улар қуйидагилардан иборат:

а) биринчи марта урушни олиб бориш тартиблари фақат давлатлар ўртасидаги урушларгагина эмас, балки фуқаро ҳамда миллий озодлик урушларига нисбатан ҳам жорий этилди (ўлдиришлар, азоблашлар, гаровга олишлар ва бошқаларни тақиқлаш);

б) душман томонидан асирга олинган тақдирда ҳарбий асирлар сифатида тан олиниши лозим бўлган комбатантларга (урушда қатнашаётганлар) тааллуқли шахсларнинг доираси кенгайди (партизанлар, қаршилик ҳаракати иштирокчилари, халқ лашкарлари, кунгилли отрядлар шахсий таркиби, савдо кемалари экипажининг аъзолари, ишчи командирларнинг шахсий таркиби ва бошқалар);

в) босиб олинган ҳудудда йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театри, яъни босқинчилар билан кураш учун қўлига қурол олган аҳоли, партизанлар ҳаракати театри деб тан олинди;

г) Конвенцияларнинг қоидалари фақат уруш рўй берганидагина қўлланилмайди, балки ҳар қандай ҳарбий зиддиятда, агар ҳатто томонлардан бири уруш ҳолатини олмаган тақдирда ҳам қўлланилади;

д) мулкни уруш шароитларида йўқ қилишни тақиқлаш, хусусий мулкдан ташқари давлат ва жамоат (кооператив) мулкига нисбатан ҳам жорий этилди.

Юқорида қайд этилган икки протокол — 1977 йил 10 июнда Женевада яқунланган Конвенцияда қабул қилинган 2 та протокол 1949 йилги Конвенцияга муҳим қўшимчалар қўшди. Бу протоколлар халқаро қуроли зиддиятларнинг қурбонларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ва нохалқаро тусдаги қуроли зиддиятларнинг қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги протоколлар эди.

5. Ҳарбий ҳаракатларнинг қатнашчилари

Ҳозирги халқаро ҳуқуқ нормаларида шу нарса таъкидланганки, агар уруш содир бўлган бўлса, у тегишли давлатларнинг қуроли кучлари ўртасидагина олиб борилиши, аҳолига қарши қаратилмаслиги лозим.

Ҳарбий асирлар билан муомала тўғрисида 1949 йилда қабул қилинган Женева Конвенциясига биноан босиб олинмаган ҳудуднинг аҳолиси душман яқинлашиб келиши билан босиб кирган қўшинларга қарши курашиш учун тарқоқ тарзда ўз шахсий ташаббусига кўра қўлига қурол олса, бунда доимий қўшинлар сифатида шаклланиб улгурмаса, агар у қуроли очиқ кўтариб юрса ва уруш қонунлари ҳамда одатларига риоя қилса, улар ҳам курашаётганларнинг ҳуқуқларидан фойдаланадилар (Конвенциянинг 4-моддаси, 6-банди).

Халқ лашкарлари, кўнгиллилар, партизан отрядлари ва қўлига қурол олган аҳолининг курашаётган таркибидagi барча тоифалари душман яқинлашиб келиши билан агар улар Конвенцияларда кўзда тутилганидек:

1) ўз қўл остидаги одамлар учун масъул бўлган раҳбар шахсга эга бўлса;

2) муайян ва олисдан аниқ фарқланувчи ўзига хос белгига эга бўлса;

3) қуроли очиқ кўтариб юрса;

4) ўз ҳаракатларида уруш қонунлари ва одатларига риоя қилса, қонуний комбатантлар ҳисобланадилар.

Афтидан иккинчи ва учинчи бандлар ҳамisha ҳам босиб олинган ҳудудда партизанлар уруши шароитларига тўғри келавермайди.

Кўнгилли отрядлар тушунчаси, шунингдек, ўз мамлакатларидан ташқарига чиқиб, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган, хорижий давлат халқи томонидан жанговар ҳаракатларда қатнашиш хоҳишини билдирган шахсларни ҳам қамраб олади. Урушаётган

давлатларнинг бири томонидан кўнгиллиларнинг иштирок этиши 1907 йилда қабул қилинган Гаага Конвенцияси қоидаларига, шунингдек, 1949 йилда қабул қилинган Женева Конвенциясига асосланади. Улар кўнгилли отрядларни қонуний комбатантлар қаторига қўшадилар.

Денгиздаги доимий қуролли кучлар таркибига ҳар қандай тип ва номдаги ҳарбий кемалар, ҳарбий денгиз флотини қурол-аслаҳа, кийим-кечак, техника билан таъминлаётган кемалар, шунингдек, ҳарбий кемалар сифатида қайта ускуналанган собиқ савдо кемалари ҳамда махсус десант кемалари киради.

Ҳарбий ҳаво кемаларининг экипажлари ҳаво жангларида комбатантлар ҳисобланади.

1977 йилда қабул қилинган Женева конференцияси ёлланганларни қонуний комбатантлар сифатида тан олмайди. Улар жиноятчилар сифатида жавобгарликка тортиладилар. I Женева қўшимча протоколининг 47-моддасига мувофиқ ёлланган комбатант ёки ҳарбий асир мақоми ҳуқуқига эга бўлмайди. Уша 47-моддада ёлланганнинг таърифи берилади. Унга кўра жойида ёки чет элда моддий манфаат олиш учун урушда қатнашишни мўлжаллаб, махсус ёлланган шахс тушунилади. Бунда қоидага кўра моддий манфаат шундай даражадаги комбатантга тўланадиган ҳақдан анча юқори белгиланади.

6. Уруш қурбонларининг халқаро ҳуқуқий муҳофазаси

Ярадорлар ва беморларнинг ҳолати 1949 йилда қабул қилинган ҳаракатдаги армияларда ярадорлар ва беморларнинг қисматини яхшилаш тўғрисидаги ҳамда денгиздаги қуролли кучлар таркибида бўлган кемаларнинг ҳалокатга учраганда ярадорлар, касаллар ва шахсларнинг қисматини яхшилаш тўғрисидаги иккита Женева Конвенциясида белгиланган.

Конвенциялар юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан қуйидаги ҳаракатларни тақиқлайди: 1) ҳаёти ва қисман дахлсизлигига дахлдорлик кўрсатиш (ўлдириш, мажруҳ қилиш, аёвсиз муносабатлар, азоблар ва қийноқлар); 2) гаровга олишлар; 3) инсоний шахсиятга дахл (хақорат қилиш ва камситувчи муносабат); 4) таъсис этилган суд томонидан олдиндан судлов қарорисиз қамаш ва жазони қўллаш (ҳаракатдаги армияларда

ярадорлар ва касалларнинг қисматини енгиллаштириш тўғрисидаги Конвенциянинг 3-моддаси).

Фашистлар Германияси мисли кўрилмаган ёвузликлар қилиб, касаллар ва ярадорлар устидан ваҳшийлик кўрсатганлигини ҳисобга олиб, Женева Конвенцияси ярадорлар ва касалларнинг ҳаёти ва шахсига ҳар қандай дахлни тақиқлайди. Уларни ўлдириш ёки қийнашни махсус тарзда қатъиян тақиқлаб қўяди, уларни жазолаш, улар устидан биологик тажриба ўтказиш, уларни кўра-била туриб медицина ёрдамисиз ёки қаровсиз қолдириш, уларнинг заҳарланиши учун шароит вужудга келтириш сингари ҳолатлар ҳам тақиқланади (Конвенциянинг 12-моддаси).

Ҳарбий асир ҳолати ҳарбий асирларнинг ҳолатини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат. Юқорида тилга олинган Конвенцияга мувофиқ улар билан яхши муносабат қилинмоғи лозим. Асирда тутиб турган давлат томонидан ҳарбий асирни ўлимга олиб боровчи ёки унинг соғлиғига хавф туғдирувчи ҳар қандай актлар тақиқланади ва Конвенцияни жиддий равишда бузиш деб қаралади.

Ҳарбий асирларга нисбатан зўравонлик, қўрқитиш ёки ҳақорат қилиш актларини қўллаш мумкин эмас. Ҳарбий асирлар шахси ва нафсониятини ҳурматлашлари учун тегишли ҳуқуққа эга.

Ҳар қандай ҳарбий асир билан жинси, ирқи, миллати, дини, сиёсий эътиқоди, шу каби белгилари бўйича бирон бир тарзда камситмасдан муомала қилинмоғи лозим. Бундан ҳарбий асирлар учун уларнинг соғлиғи ёки малакасига қараб белгиланадиган имтиёзли режим ҳолатлари истиснодир. Меҳнатга қобилиятли ҳарбий асирлар қоида тариқасида ўз лагерини бошқариш, ускуналаш ва таъминлаб туриш ишларида ишчи кучи сифатида фойдаланишлари мумкин.

7. Урушнинг тугаши ва унинг халқаро ҳуқуқий оқибатлари

Уруш ҳаракатларининг тугаши турли воситалар орқали амалга оширилади ва ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи тегишли расмий актлар билан расмийлаштирилади.

Кенг ёйилган воситалардан бири ярашишдир. У 1907 йилда қабул қилинган IV Гаага Конвенциясида: «Ўзаро

битишув асосида томонларнинг уруш ҳаракатларини тўхтатади», деб таърифланади. Финландия билан 1944 йил 19 сентябрдаги ярашув тўғрисидаги битим, 1953 йил 27 июлда имзоланган Кореяда ҳарбий ярашув тўғрисидаги битим, 1962 йил 18 мартда имзоланган Жазиоирда ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битим, 1975 йил 16 декабрда имзоланган Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги ўзаро шартлашув, 1973 йил 27 январда имзоланган Вьетнамда урушни тугатиш ва тинчлик ўрнатиш тўғрисидаги битимни ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш намунаси сифатида кўрсатиш мумкин.

Юқорида тилга олинган битимлар иккита умумий қонидани: ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва барча ҳарбий асирларни белгиланган муддатларда ўзаро озод қилиш ҳамда қайтаришни кўзда тутди. Чунончи, Вьетнамда урушни тугатиш ва тинчлик ўрнатиш тўғрисидаги битимга биноан асирга олинган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, чет эл фуқаролари битим имзолангандан кейин ўтган 60 кун мобайнида қайтарилган эди.

Ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишнинг бошқа воситаси мағлуб агрессорнинг сўзсиз таслим бўлишидан иборат. Чунончи, 1945 йил 8 майда фашистлар Германияси тормор этилгандан кейин Берлинда герман қуроли кучларининг ҳарбий таслим бўлиши тўғрисидаги, Импералистик Япониянинг тормор этилиши билан 1945 йил 2 сентябрда Токио курфазида Япониянинг таслим бўлганлиги тўғрисидаги актлар имзоланди. Бу ҳужжатлар барча герман ва япон қуроли кучларини сўзсиз таслим бўлишини, уларнинг тўла қуролсизланиб, собиқ Совет Армияси ва иттифоқчи армияларнинг қўмондонлигига асирга берилишини кўзда тутарди.

Умумий қонид тарихида ярашиш ёки сўзсиз таслим бўлиш кўринишларидаги ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш, уруш ҳолатини тўхтатиш йўлидаги босқич бўлиб хизмат қилади.

Уруш ҳолатини тўхтатиш тугалланган уруш ва ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш билан боғлиқ сиёсий, иқтисодий, ҳудудий ва бошқа муаммоларни бартараф этиш демакдир. Бугунгача уруш ҳолатида бўлган давлатлар ўртасида тўла ҳажмда расмий муносабатларни тиклаш, дипломатик ваколатхоналар айирбошлаш, уруш ҳолатини тугатишнинг муҳим ҳуқуқий оқибатларини ташкил этади.

Кўпчилик ҳолатларда тинчлик шартномаларининг

тузилиши уруш ҳолатини тугатишнинг муҳим шакли ҳисобланади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин антигитлер коалициясидаги мамлакатлар 1957 йил 10 февралда бўлиб ўтган Париждаги тинчлик конференциясида ишлаб чиқилган тинчлик шартномаларини Италия, Финландия, Руминия, Венгрия ва Болгария имзолади. Ҳар бир шартноманинг Преамбуласида уруш ҳолати тўхтатилганлиги эълон қилинган эди. Шартномаларнинг моддаларида тегишли давлатларнинг чегаралари тўғрисидаги, уларнинг демократик ривожланиш йўлидан бориш ва бирон бир тарзда фашистик ташкилотнинг қайта пайдо бўлишига йўл қўймасликдан иборат сиёсий мажбуриятлари тўғрисидаги, антигитлер коалицияси мамлакатлари фойдасига репарация тўғрисидаги, ҳарбий асирларни репатреациялаш тўғрисидаги, ўзаро молиявий ва иқтисодий муносабатлар тўғрисидаги ва бошқа масалалар ҳал қилинган эди.

Урушдан кейинги халқаро муносабатлар тажрибасида уруш ҳолатини тугатишнинг бошқа шакллари ҳам маълум. Чунончи, Германия билан уруш ҳолати 50-йилларнинг биринчи ярмида собиқ СССР, АҚШ, Буюк Британия, Франция ва бошқа давлатларнинг бир томонлама актлари орқали тўхтатилди. Собиқ СССР ва Германия ўртасида уруш ҳолатининг тўхтатилиши ҳамда тинч муносабатлар ўрнатилиши 1955 йил 25 январдаги Фармонга биноан эълон қилинди. Бу актга мувофиқ хусусан, уруш билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан Германия фуқароларига нисбатан барча чекловлар, уларга душман давлати фуқаролари сифатида қараш ўз кучини йўқотган эди. Узил-кесил бартараф этишнинг сиёсий, иқтисодий (шу жумладан, репарацияларига таллуқли) ва бошқа соҳалардаги масалалар собиқ СССР билан ГДР, собиқ СССР билан ГФР ўртасидаги икки томонлама битимлар орқали ҳал қилинган эди. Дайни пайтда шуни ҳам унутмаслик керакки, муайян ҳолларда ҳарбий ҳолатларни тўхтатиш актлари ҳарбий ҳолатни тўхтатиш тўғрисидаги актлар билан алмаштирилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш актлари ўз мазмуни билан фақат ўт очишни тўхтатиш билан эмас, балки ҳар томонлама тинч бартараф этишни ҳам қамраб олиши мумкин. Шу маънода Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисидаги битим характерлидир.

Зиддиятга учраган давлатлар ўртасидаги уруш ҳолатининг тўхтатилиши фақат тегишли икки томонлама муносабатларни нормаллаштириш актигина бўлиб қолмай, балки халқаро тинчликни мустаҳкамлаш, тинч-тотув яшаш сиёсатини амалга оширишнинг муҳим омили ҳамдир. Шу билан бирга кўпчилик давлатлар зиддиятли вазиятларни бартараф этишга олиб бормайдиган сепарат келишувларга қарши қатъият билан курашмоқда. Маълумки, бундай келишувлар халқаро вазиятларни мураккаблаштиришга олиб боради. АҚШ ҳомийлиги остида 1979 йили Кэмп-Дэвидда имзоланган Исроил ва Миср ўртасидаги тинчлик шартномаси шундай характерга эга.

8. Агрессор давлатлар ва шахсларнинг халқаро ҳуқуқий масъулияти

Эски халқаро ҳуқуқдан фарқли ўлароқ ҳозирги халқаро ҳуқуқ бўйича агрессив уруш энг оғир халқаро жиноят ҳисобланади. Шунинг учун уруш тугаши биланоқ агрессор давлатнинг агрессив урушни тайёрлаш, бошлаш ва олиб бориш учун, шунингдек у содир қилиши мумкин бўлган бошқа жиноятлар — ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятлар учун жавобгарлиги масаласи кун тартибига қўйилади. Бу жиноятларни содир этишда айбдор бўлган шахслар халқаро жиний жавобгарликка тортилади.

XX БОБ

ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК ҲУҚУҚИ

1. Ҳозирги даврда жаҳон урушининг олдини олиш имконияти

Уруш ва тинчлик тўғрисидаги масала ҳозирги халқаро муносабатларнинг туб масаласидир. Тарихий таъриба шуни кўрсатадики, урушнинг илдизлари реакцион сиёсатга асосланган ижтимоий тузумда жойлашган. Шунинг учун урушни жамият ҳаётидан сиқиб чиқаришнинг асосий йўли — жамиятни ижтимоий асосда қайта қуришдан иборат.

Президентимиз И. А. Қаримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари номли аса-

рида таъкидлаганидек, «ҳозирги шароитда, умумий хавфсизликни таъминлаш ва мувозанатга эришиш манфаатлари нуқтаи назаридан, янги мустақил давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарор ривожланиш муаммолари улкан аҳамият касб этмоқда. Ер юзидида вазият ва кучлар нисбати шиддатли ўзгариб бормоқда. Бу эса ҳозирги кунда давлатлар ва халқларнинг барқарорлигини таъминлаш учун янгича ёндошувларни излаб топишни, ХХI аср арафасида хавфсизликнинг янгича моделларини ишлаб чиқишни тобора қаттиқ талаб қилмоқда»¹.

Бироқ шуни ҳам ҳисобга олмақ лозимки, ҳарбий техника соҳасидаги юксалиш ва айниқса, вайронагарчилик ва қиргиннинг аёвсиз воситаларидан фойдаланиш имконияти янгича вазиятни келтириб чиқарадики, бу вазият у ёки бу мамлакатнинг ташқи-сиёсий мавқеини ишлаб чиқишга, давлатнинг ташқи сиёсий стратегияси ва ҳарбий доктринасига таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас. Шу нарса ҳам мутлақо равшанки, реакцияон давлатлар томонидан янги жаҳон урушининг бошлаб юборилиши бутун инсоният учун таҳликали оқибатларга олиб келган бўлур эди.

Ҳозирги даврда урушнинг олдини олиш имконияти тўғрисидаги хулоса реакцияон давлатларнинг агрессив хусусияти ўзгарди, деган гап эмас. Бундай давлатлар мавжуд экан, уруш келиб чиқишининг иқтисодий асоси ҳам мавжуддир.

Янги жаҳон урушининг олдини олиш объектив имкониятининг ҳақиқатга айлантирилиши тинчликни сақлаш воситаларининг бутун арсеналидан фойдаланиб, тинчликсевар кучларнинг бирлашган fronti актив иш олиб боришини талаб қилади. Куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид қилишдан ўзаро воз кечиш, агрессив урушларнинг олдини олиш ва турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини изчил амалга ошириш тинчликсевар давлатлар ташқи сиёсатининг конституциявий принципи даражасига кўтарилади.

¹ Ислом Қаримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 й. 7-бет.

2. Халқаро хавфсизликни таъминлашнинг умумий халқаро ҳуқуқий воситалари

Халқаро хавфсизликни таъминлаш принципи муаммоси кенг маънода тинчликни таъминлаш ва урушнинг олдини олиш муаммосидир. Ҳозирги халқаро ҳуқуқ тинчлик ҳуқуқи бўлгани учун ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Шунинг учун халқаро ҳуқуқнинг баъзи қоидалари сиртдан қараганда, бу муаммога бевосита аҳамияти йўқдек кўринса ҳам аслида ялпи тинчликни сақлашга хизмат қилиши керак. Тенг ҳуқуқли давлатлар ҳамкорлик, халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни (давлат суверенитетини ҳурматлаш, ички ишларга аралашмаслик, ҳамкорлик, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ўз тақдирини ўзи белгилаш кабилар) таъминлашга қаратилган асосий халқаро ҳуқуқ принциплари ва тегишли аниқ халқаро ҳуқуқий нормалар бунга мисол бўла олади. Маълумки, кенг халқаро ҳамкорлик мамлакатлар ўртасида ишончни ва ўзаро ҳамжиҳатликни чуқурлаштириб, халқаро хавфсизликни ҳам мустаҳкамламоқда. Бундан келиб чиқадики, халқаро хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири барча давлатлар томонидан халқаро ҳуқуқдан, БМТ Низоми нормаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг оғишмай бажарилиши, умумий халқаро ҳуқуқ тартиботининг мустаҳкамланишидан иборат бўлмоғи керак. Шу билан бирга ялпи тинчликни таъминлашда алоҳида муҳим рол ўйновчи баъзи халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳам алоҳида кўрсатиш мумкин. Уларга биринчи навбатда куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид қилиш принципи, халқаро келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш принципи, қуролсизланиш сингари халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини кiritиш мумкин. Улар халқаро хавфсизликнинг ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг юридик асосини ташкил этади.

Давлатларнинг бу принципларга жиддий риоя қилиши учун масъулиятини янада ошириш лозим. Улардан бири — куч ишлатмаслик ва келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш принципларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни ички давлат қонунларида (Конституция ва махсус қонунларда) мустаҳкамлашдан иборат.

Иккинчи йўл — мажбуриятларни икки томонлама, минтақавий, универсал асосларда шартнома тузиш йўли билан қонунлаштириш ва бу шартнома мажбуриятларини амалда аниқлаштириш ва ривожлантиришдан иборат. Мақсад бу умумий эътироф этилган принципи тинчликни таъминлаш ва урушнинг олдини олишнинг янада таъсирчан воситасига айлантиришдан иборат.

Бундай воситалар қаторига қуйидагилар ҳам кирди: келишмовчиликларни ҳал қилишнинг тинч воситалари, коллектив (ялпи ва минтақавий) хавфсизлик, қуролсизланиш, халқаро кескинликни юмшатиш ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролларни чеклаш, ядро уруши ва тўсатдан бўладиган ҳужумни бартараф этиш чоралари, қўшилмаслик ва бетарафлик, агрессия актлари, тинчликни бузиш ва тинчликка хавф туғдирувчи актларнинг олдини олиш чоралари (ўз-ўзини мудофаа, халқаро ташкилотлар фаолияти); муайян ҳудудларни нейтраллаштириш ва демилитарлаштириш, чет эл ҳарбий базаларини тугатиб, ер шарининг турли районларида тинчлик зоналари барпо этиш, давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш бўйича чоралар. Бу воситаларнинг ҳаммаси у ёки бу даражада халқаро ҳуқуқийдир, зеро улар шартномалар билан тартибга солиниши ва амалдаги халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари асосида амалга оширилиб, зарур ҳолатларда қўшимча халқаро ҳуқуқий принциплар ва нормаларни яратиш чоғида улар кўзда тутилиши лозим.

3. Коллектив хавфсизлик

Коллектив хавфсизлик тушунчаси. Коллектив хавфсизлик бутун дунё давлатлари ёки муайян жўгрофий минтақа давлатлари тинчликка солаётган хавфининг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда агрессия актини ёки тинчликни бошқа тахлитдаги бузилишига қаратилган актини бостириш учун биргаликда амалга оширадиган тадбирлари таркибини билдиради.

Барча давлатларнинг ҳозирги шароитда хавфсизликни таъминлаш мақсадида жамоа бўлиб ҳаракат қилишдан манфаатдорлиги шунинг учун зарурки, тинчликнинг ҳар қандай тахлитдаги бузилиши, умумий тинчлик учун хавфдир, ҳар қандай маҳаллий тўқнашув эса жаҳон термомядро урушига айланиб кетиши мумкин.

Коллектив хавфсизлик таркиби юридик жиҳатдан

шартнома (шартномалар) билан расмийлаштирилади. Шартноманинг аниқ мазмуни, шу жумладан биргаликдаги тадбирлар хусусияти ва ҳажми унда қатнашувчи давлатлар (халқаро ҳуқуқ йўл қўядиган даражаларда) томонидан белгиланади. Бироқ коллектив хавфсизлик, ҳар қандай тузумнинг асосини белгиловчи иштирокчи давлатларнинг камида учта: 1) кучга ёки куч билан таҳдид қилишга йўл қўймаслик; 2) ўзаро келишмовчиликларни фақат тинч йўл билан ҳал қилиш; 3) халқаро тинчликка ҳар қандай хавфнинг бартараф этилиши ва халқаро аҳволни соғломлаштириш мақсадларида фаол ҳамкорлик қилиш мажбуриятини ташкил этади.

Коллектив хавфсизлик таркибининг икки: универсал ва минтақавий тури мавжуд.

Биргаликдаги тадбирларнинг таъминланмоғи учун халқаро ташкилот таъсис этиш мумкин.

БМТ доирасида хавфсизликни таъминлаш. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти коллектив хавфсизликнинг универсал ташкилотидир. Бу ташкилот у ёки бу ижтимоий-иқтисодий тузумга мансублигидан қатъи назар ҳозирги жаҳон тинчликсевар давлатларининг барчасини бирлаштиришга даъват этади.

БМТ бир қатор мақсадларни кўзлайди. Бироқ уларнинг энг асосийси халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва шу мақсадда самарали коллектив чоралар кўришдан иборат. (БМТ Низоми, 1-модда).

БМТ Низомида кўзда тутилган коллектив тадбирлар таркиби: давлатлар ўртасидаги муносабатларда куч билан таҳдид қилишни ва уни қўллашни тақиқлаш бўйича чоралар (2-модда 4-банд); халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш чоралари (VI боб); қуролисизланиш чоралари (26, 47-моддалар); ўтиш даврида хавфсизликни таъминлаш чоралари (VIII боб); тинчлик бузилишининг олдини олиш бўйича вақтинча чоралар (40-модда); қуролли кучлардан фойдаланмаган ҳолда хавфсизликни сақлашнинг мажбурий чоралари (41-модда); қуролли кучлардан фойдаланиш йўли билан мажбур қилиш чоралари (42-модда)дан иборат.

Шу нарса муҳимки, БМТ Низоми тинчликни таъминлашнинг аввало, тинчлик воситаларини кўзда тутди. Чиндан ҳам «халқаро тинчликни сақлаш» ибораси Низом маъноси бўйича биринчи навбатда ҳарбий зиддиятларнинг олдини олиш, уруш бошланиб кетишига йўл қўймасликдир. Ташкилотнинг энг муҳим вазифаси —

инсониятни урушлардан халос қилишдан иборатдир. Шунинг учун БМТ Низоми давлатлар ўртасидаги тинч муносабатлар учун шарт-шароитлар яратувчи ва қуролли зиддиятлар келиб чиқишининг олдини олувчи чоралар амалга оширилишига асосий эътиборни қаратади.

1970 йил 16 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг XXV сессиясида қабул қилинган Халқаро хавфсизликни мустақкамлаш тўғрисидаги Декларация, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш соҳасида муҳим восита сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти самарадорлигини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

Минтақавий асосда коллектив хавфсизлик, Минтақавий битимлар ва хавфсизлик органлари (ташкilotлари) тузиш мумкинлигини эътироф этиб, БМТ Низоми айни пайтда уларга нисбатан бир қатор талаблар қўяди. Бу талаблар бўйича асосан: а) уларда фақат бир жўғрофик район давлатлари қатнашмоқлари мумкин; б) шу битимларда келиб чиқадиган ҳаракатлар мазкур райондан ташқарига ёйилмаслиги керак; в) бу ҳаракатлар ялпи хавфсизлик ташкилоти (БМТ) ҳаракатларига зид бўлмаслиги ва БМТ Низоми мақсадлари ҳамда принципларига мувофиқ бўлиши лозим.

Хавфсизлик Кенгаши родини алмаштириш имкониятини йўққа чиқариш учун асосий жавобгарлик юклатилган БМТ органига нисбатан хавфсизликнинг минтақавий ташкilotлари мавқеини аниқ белгилаб беради. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун минтақавий битимлар асосида амалга оширилган ҳаракатлар тўғрисидагина эмас, балки ривожлантирилаётган ҳаракатлар тўғрисида ҳам Хавфсизлик Кенгашига тўла ахборот бериб турилиши керак (54-модда).

Минтақавий хавфсизлик ташкilotлари жамоа тadbирлари таркибида асосий нарса (БМТ Низомининг 52-моддаси мазмунига кўра) урушнинг олдини олишнинг тинч воситалари, биринчи навбатда минтақавий юзага келувчи келишмовчиликларининг тинч ҳал қилинишидан иборат. Қуролли кучларни қўллаб мажбурий чораларни амалга ошириш фақат жамоа хавфсизлик таркиби иштироқчиларидан бирига қилинган ҳужумни қайтариш чоғидагина, яъни БМТ Низомининг 51-моддаси асосидагина (жамоа бўлиб ўз-ўзини муҳофаза қилиш) мумкин. Бу умумий қоидада фақат иккита истисно бор: минтақавий ташкilot, биринчидан Хавфсизлик Кенгаши

раҳбарлиги остида (шу жумладан минтақавий ташкилотлар тақлифига биноан); иккинчидан, собиқ душман давлатларига нисбатан мустақил (53, 107-моддалар) равишда мажбур қилиш чоралари қўлланилиши мумкин.

Ўзларининг ижтимоий ва давлат тузумларидан қатъи назар муайян минтақадаги барча давлатлар иштирок этган тақдирдагина жамоа хавфсизлигининг чинакам самарали минтақавий таркиби таъминланиши мумкин.

Жамоа хавфсизлигининг минтақавий таркибини яратиш ҳозирда амалий босқичга кўтарилди. Африка Бирлиги Ташкилотининг таъсис этилиши билан Африка қитъаси, Араб Давлатлари Лигаси таъсис этилиши билан Яқин ва Урта Шарқда жамоа хавфсизлик асослари яратилди.

Осиёда жамоа хавфсизлик таркибини вужудга келтириш яна шунинг учун зарурки, реакцион давлатларнинг кирдикори туфайли бу районда муттасил кескинлик ўчоқлари вужудга келмоқда, ҳарбий тўқнашувлар юз бермоқда (Исроилнинг Ливанга қарши агрессияси, 1980 йилдаги Таиланд билан Кампучия чегарасидаги тўқнашув, 1980—1981 йиллардаги Форс қўлтиғидаги кризис, Покистон ҳудудининг Афғонистонга қарши душманлик мақсадларида фойдаланадиган базага айлан-тирилганлиги ва бошқалар).

Республикамиз президенти И. А. Қаримов айтганидек, «Ҳар қандай минтақанинг ҳал қилинмаган ва газак олиб кетган муаммолари бутун дунёда занжир реакциясини келтириб чиқариши мумкин. Вазиятнинг беқарорлашуви эса кундан-кунга аниқ-равшан бўлиб бораётган янги жўғрофий-сиёсий мувозанатни бузиш хавфини келтириб чиқаради»¹.

Ҳозирги шароитда Оврўпода жамоа хавфсизлигини таъминлаш айниқса долзарбдир.

Биринчи жаҳон уруши ҳам, иккинчи жаҳон уруши ҳам Оврўпода бошланди. Фақат кейинги уч аср мобайнида бу ерда 170 мартадан кўпроқ қуроли тўқнашувлар юз берди.

Урушдан кейинги даврда Оврўпода жамоа хавфсизлик тақлифлари ривожланган мамлакатлар томонидан бир неча марта киритилди. Чунончи, 1966 йил 5 июл-

¹ Ислом Қаримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, «Ўзбекистон» 1997, 12-бет.

даги Бухарест Декларацияси, 1969 йил. 18 мартдаги Будапешт мурожаати, 1970 йил 2 декабрдаги Берлин баёноти, 1972 йил 25 январдаги Париж Декларацияси ва бошқа ҳужжатларда Оврўпода хавфсизликни таъминлаш бўйича аниқ фойдали таклифлар илгари сурилган эди.

Умумевропа жамоа хавфсизлик таркибини вужудга келтириш учун қулай вазият 1970—1996 йилларда Оврўподаги турли ижтимоий-иқтисодий тузумда бўлган давлатлар ўртасида қатор шартномалар тузилиши тўғрисида туғилди.

1975 йил 1 августда қабул қилинган Оврўпо хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг Яқунловчи акти (33 та Европа давлати, Канада ва АҚШ томонидан имзоланган) умумевропа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги таркиби асосларини яратади. Бу таркибда тўрт босқични ажратиш мумкин: 1) иштирокчи давлатлар ўзаро муносабатларида амал қилувчи принциплар мужассамлиги (бу принциплар қаторида ҳар қандай хавфсизлик таркибининг асосини ташкил этувчи куч ишлатмаслик ва низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш принциплари, шунингдек чегараларнинг бузилмаслиги принципи тилга олинган); 2) Оврўпо хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалий тадбирларнинг келишилган тадбирлари (қуролсизланиш соҳасида самарали чоралар кўрилиши, низоларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг умумий мақбул методини ишлаб чиқариш, ҳарбий соҳада ишончни мустаҳкамлаш ва бошқалар); 3) Оврўпода ва ялпи хавфсизликни мустаҳкамлашга шубҳасиз хизмат қилувчи иқтисодий, илмий-техникавий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳар томонлама ҳамкорлик программаси; 4) кенгашдан кейин Яқунловчи акт қондаларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида иштирокчи давлатлар томонидан амалга ошириладиган ташкилий тадбирлар. Белград (1977—1978 йиллар) ва Мадрид (1980—1982 йиллар) учрашувлари, тинчликсевар давлатларнинг кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш масалалари бўйича умумевропа конференциясини чақиришга оид таклифи кўп томонлама амалий тадбирлар жумласидандир.

Яқунловчи актнинг хавфсизликка бағишланган қондалари, шубҳасиз ривожлантирилади. Ривожланган давлатлар, хусусан, Умумевропа кенгаши қатнашчилари бир-бирига қарши биринчи бўлиб ядро қуролини ҳам, одатдаги қурол-аслаҳаларни ҳам ишлатмаслик Оврўпо-

да, шунингдек, бошқа қитъаларда мавжуд ҳарбий блокларни кенгайтирмаслик ва янгиларини тузмаслик мажбуриятларини олсинлар, деган таклиф киритди. Келгусида эҳтимол Оврўподаги мавжуд ҳарбий гуруҳларни тарқатиб юбориш, жамоа хавфсизлик механизмини тақомиллаштириш (агрессияни қайтариш бўйича биргаликдаги чоралар ва бошқалар) тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкинлиги белгиланди. Бу қарор эса шу кунларда ўз самарасини берди. Социалистик давлатларнинг Варшава мудофаа ташкилоти тарқаб кетди. НАТО ташкилоти эса Оврўпода тинчликни сақлашга қатъий бел боғлади.

4. Қуролсизланиш ва қурол-яроғни чеклаш

Ҳозирги халқаро ҳуқуқда қуролсизланиш муаммоси. Қуролсизланиш — давлатларнинг уруш олиб боришининг моддий воситаларини камайтириш, пировард натижада эса тўла йўқ қилишга даъват этилган биргаликдаги тадбирларнинг кенг мужассамидан иборат.

Ҳозирда қуролсизланиш халқаро ҳуқуқнинг принципи сифатида амал қилмоқда. Бу принцип ривожининг ҳозирги босқичида ундан давлатларнинг қуролсизланиш мажбурияти тўғридан-тўғри келиб чиқмайди, балки уларнинг қуролсизланиш тўғрисида шартнома (шартномалар) тузиш ва амалга оширишга эришиш мажбурияти келиб чиқади.

БМТ Низоми қуролсизланиш режаларини қараб чиқиш таркибини белгилайди. Бу иш БМТ доирасида иккита бош орган — Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгашига юклатилган. БМТ ҳузурида ташкилотнинг барча аъзоларидан иборат қуролсизланиш бўйича Комиссия ташкил этилган. 40 давлат таркибида Женевада ўз мажлисларига тўпланувчи қуролсизланиш қўмитаси конференцияси қуролсизланиш лойиҳаларини тайёрлашда катта роль ўйнайди.

Қуролсизланишнинг икки дастури — қисман ва ялпи қуролсизланиш тўғрисида гапириш мумкин. Кейинги дастур умумий ва тўла қуролсизланишни амалга оширишни кўзда тутди. 1968 йил 1 июлда қабул қилинган Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг преамбуласи ва VI-моддасидан келиб чиқадики, худди мана шу тўла қуролсизланишни амалга ошириш тўғрисида битишувга келиш давлатлар бу соҳада сарф-

ланаётган куч-гайратнинг пировард мақсади бўлмоғи керак. Бироқ мана шу пировард мақсадга босқичма-босқич, қуролсизланиш ва қурол-аслаҳаларни чеклаш бўйича реал амалий чораларни амалга ошириш йўли билан эришиш мумкин. Худди мана шу йўл ҳозирги шароитда бу соҳада силжишга эришишнинг энг мақсадга мувофиқ йўлидир. Давлатларнинг тенг хавфсизлигини таъминлаш қуролсизланиш ва қурол-аслаҳаларни чеклаш бўйича ҳар қандай тадбирларнинг зарур шартидир.

Умумий ва тўла қуролсизланиш. 1959 йил 20 октябрда БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган 1379 (XIV) қарор умумий ва тўла қуролсизланиш принципини ўзида ифодалаган биринчи халқаро ҳуқуқий акт бўлди. Бу принцип кейин бир қатор кўп томонлама битимларда қайд этилди. (1963 йил 5 августдаги Ядро қуроллини уч муҳитда синашни тақиқлаш тўғрисидаги Москва шартномаси, 1968 йил 1 июлдаги Ядро қуроллини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома ва бошқалар).

1961 йил 20 сентябрда эълон қилинган собиқ СССР ва АҚШ ҳукуматларининг қўшма баёнотларида мазкур тушунчанинг мазмуни аниқ таърифлаб берилди. Шу баёнотларнинг 3-моддасига биноан тўла қуролсизланиш қуйидагиларни билдиради:

а) қуролли кучларни тарқатиб юбориш, ҳарбий муассасаларни, базаларни тугатиш, қурол-аслаҳаларни ишлаб чиқаришни тугатиш, шунингдек, уларни йўқ қилиш ёки тинчлик мақсадларида фойдаланиш;

б) ядро, химиявий, бактериологик ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турлари ва барча заҳираларини йўқ қилиш ва бундай қуролларни йўқ қилиш ва бундай қуролларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш;

в) ялпи қирғин қуролларини элтиб қўйишнинг барча воситаларини йўқ қилиш;

г) давлатларнинг ҳарбий ишини ташкил этиш учун мўлжалланган муассасаларни тугатиш, ҳарбий таълимни ва барча ҳарбий ўқув юртларини ёпиш;

д) ҳарбий мақсадларга маблағлар сарфлашни тўхтатиш.

Давлатлар фақат битимга мувофиқ ички тартиб ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини сақлаб туриш учун зарур деб тан олинган ноядровий қурол-аслаҳалар, қуролли кучлар, «воситалар ва муассасалар» сақлаб қолиниши мумкин (2-модда).

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан умумий ва тўла қуролсизланиш ғояси маъқуллангач, кўпчилик давлатлар ҳукумати умумий ва тўла қуролсизланиш тўғрисида бир қатор аниқ ишлаб чиқилган таклифларни илгари сурди. Чунончи, 1964 йили тузатишлар киритилган 1962 йилдаги умумий ва тўла қуролсизланиш бўйича шартноманинг лойиҳаси дастурини амалга оширишнинг аниқ муддатларини кўзда тутди. Қуролсизланишнинг бутун жараёни уч босқичда, беш йил мобайнида амалга оширилиши керак эди. Лойиҳа қуролсизланишнинг тўлиқ бориши устидан самарали халқаро назорат ўрнатилишини кўзда тутди. Бундай назорат халқаро ҳуқуқ принципларига тўла мос тушиши, давлатларнинг ички ишларига аралashiш воситаси бўлиб хизмат қилмаслиги керак.

Ядровий қуролсизланиш. Ядровий қуролсизланиш — умумий қуролсизланиш тўғрисидаги масала мажмуасининг марказий муаммосидир.

Бу мақсадга эришишнинг энг яхши йўли ядро қуролларни тўла тақиқлашни амалга оширишдан иборат. Бу — ядро қуролларини тақиқлаш, армияни бундай қуроллар билан қуроллантирмаслик, ишлаб чиқаришни ва синашни тақиқлаш, шунингдек, бундай қуролларнинг мавжуд заҳираларини йўқ қилишни билдиради.

Тўла ядровий қуролсизланиш қуролсизланишнинг кенг қамровли дастури доирасида «умумий ва тўла қуролсизланиш» ёки мустақил дастур сифатида амалга оширилиши мумкин.

Давлатлар ўртасида келишиб олинган ҳуқуқий актлар дастлаб мустақил дастур сифатида ядровий қуролсизланиш соҳасида қисман чоралар кўрилишини ёки бевосита ядровий қуролсизланиш соҳасига туташиб кетадиган чоралар кўрилишини (ядро қуролини синаш ва қўллашни тақиқлаш, уни тарқатмаслик, ядросиз зоналар барпо этиш, космик фазо ва денгиз тубини ядровий демилитарлаштириш, бошқа ҳудудлардаги ядро базаларини йўқ қилиш, ядро қуролини ишлаб чиқишни тўхтатиш, унинг заҳираларини тўла йўқотгунча қисқартиришни) эътибордан қочирмайди.

Ядро қуролини қўллашни тақиқлаш. БМТ Бош Ассамблеяси ядро қуролини қўллашни тақиқлаш тўғрисида бир қатор қарорлар қабул қилди. Улардан энг муҳими: 1961 йил 24 ноябрда қабул қилинган Ядро ва термоядро қуролидан фойдаланишни тақиқлаш, халқаро муноса-

батларда куч ишлатмаслик ва ядро қуролини қўллашни абадий тақиқлаш тўғрисидаги Декларациядир.

Ҳозирги вақтда ядро қуроли қўллашни тақиқлаш муаммоси бундай тақиқлашни шартнома шаклида мустақамлаш ва унга халқаро ҳуқуқнинг Конвенция шаклини беришни ўз ичига олади.

Давлатлар ядро қуролини қўлламаслик тўғрисида аниқ мажбурият юкловчи халқаро шартнома тузиш учун изчил кураш олиб бормоқда. БМТ доирасида халқаро Конвенция тузиш, бевосита ядровий давлатлар (АҚШ, Россия, Англия, Франция, ХХР) ўртасида кўп томонлама битим тузиш ва кейинчалик унга бошқа давлатларнинг ҳам қўшилиши йўли билан бу турларни тақиқлаш тўғрисида халқаро битим тузилишини кутиб турмай кўрсатилган томонларнинг ҳар бири атом ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини қўлламаслик тўғрисида ўз зиммасига сўзсиз мажбурият олиш хусусида расмий (тантанали) баёнот бериш йўли билан амалга ошириши мумкин (бундай баёнот кўрсатилган давлатларнинг жамоа Декларацияси шаклида бўлиши ҳам мумкин).

Ядро қуролини синашни тақиқлаш. 1963 йил 5 августда имзоланган атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуролини синашни тақиқлаш тўғрисидаги Москва шартномаси (1963 йил 10 октябрда кучга кирган) шу масалага бағишланган. Бироқ шартнома унда кўрсатилганидан анча кенг доирадаги масалаларни тартибга солади. Биринчидан, умуман қуролсизланиш тўғрисидаги қондани ифодалайди. Иккинчидан, тақиқловчи норма фақат ядро қуролининг синов портлатишларигагина эмас, балки бошқа ҳар қандай ядро портлашларига тааллуқлидир. Учинчидан, унда тақиқлаш уч муҳитдан ташқаридаги муайян ядро портлатишларига тарқалиши тўғрисидаги қоида ҳам ифодаланган. Ядро қуролининг ер остида ўтказиладиган синовини тақиқлаш давлатлар ўртасида махсус битим тузиш йўли билан амалга оширилиши (бундай янги шартнома Москва шартномасига қўшимча бўлади) ёки ўз ичига Москва шартномаси мажбуриятларини ҳам қўшувчи кенг қамровли битимни имзолаш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ривожланган давлатлар 1975 йили БМТга Ядро қуроли синовларини тўла ва умуман тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома лойиҳасини киритди. Унда давлатлар-

нинг барча муҳитларида (шу жумладан ер остида ҳам) синов портлатишларни тақиқлаш, олдини олиш ва ўтказмаслик юзасидан мажбуриятлари ўз ифодасини топган эди. Бу масала қуrolсизланиш бўйича қўмита томонидан кўриб чиқишмоқда. Ҳар қандай ядро портлатишларига мораторий эълон қилиниши сингари чора ҳам шундай Шартнома тезроқ тузилишига кўмаклашган бўлур эди.

1977 йилда қабул қилинган Ядро қуролининг ер ости синовларини чеклаш тўғрисидаги ва 1976 йилда қабул қилинган тинч мақсадлардаги ер ости ядро портлатишлари тўғрисидаги собиқ Совет — Америка Шартномаларининг имзоланганлиги ядро қуrolлари синовларини тўла ва ялпи тақиқлаш йўлидаги муҳим босқич бўлди.

Ядро қуролини тарқатиш хавфи жараёнида тинчлик иши учун хатарли оқибатлар вужудга келди (қуrolланиш пойгаси кучайди, ҳозир давлатларнинг ўта агрессив кучлари томонидан қуrolнинг бу турларини сотиб олиш имконияти туғилди). Қуrol-аслаҳанинг бу турини бутун дунё бўйлаб тарқалиши йўлини тўсиш учун 1968 йил 1 июлда Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида Шартнома имзоланди (1970 йил 5 мартда кучга кирди). Мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар икки гуруҳга бўлиниши мумкин. Улар ядро давлатлари мажбуриятлари ва ноядро давлатлари мажбуриятларидир.

Ядро давлатлари зиммасига юклатилган асосий ядро қуролини ёки бошқа ядро қурилмаларини кимга бўлма-син, шу жумладан бундай қуrolга эга бўлмаган давлатга ҳар қандай шаклда (тўғридан-тўғри ёки эгри йўл билан) беришни тақиқлашни ўз ичига олади. Шартнома ядро давлатлари ноядро давлатларига ўзининг шундай қуролини яратиш йўлидаги уринишларида ёрдам кўрсатишни тақиқлади (1-модда).

Шартнома ноядро давлатлари томонидан ядро қуролини мустақил равишда тайёрлашга йўл қўйиб бўлмаслигига эътиборни қаратади, бундай қуrolни ишлаб чиқишни, шундай қуrolни яратиш билан боғлиқ ҳар қандай илмий-тадқиқот ва синов ишларини ўтказишларга йўл қўймайдиган асосда уни ишлаб чиқаришни тақиқлайди. Бу тақиқ мамлакатларнинг ҳудудларидан ядро қуролини тайёрлаш учун фойдаланишга уринишларга ҳам тааллуқлидир. Шунингдек, бошқа давлатлар билан биргаликда уни ишлаб чиқариш имкониятига ҳам йўл қўймайди. Шартномада ноядро давлатларининг ҳар

қандай шаклда ядро қуролига эга бўлишдан воз кечиш, тўғрисидаги меъёр, яъни қуролининг шу турини кимдан бўлмасин олиш, тўғридан-тўғри ёки эгри йўл билан қўлга киритиш, бошқалардан ёрдам сўраш ва шундай ёрдам олишдан воз кечиш қайд этилган.

Шартнома мақсадлари қандай бажарилаётганлиги масаласини кўриб чиқиш учун вақти-вақти билан ўтказилган конференцияларда асосий эътибор ядро қуролини тарқатмаслик ҳолатини мустаҳкамлаш йўлларини ўрганишга қаратилади. Улар орасидан қуйидагиларни адоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, шартномани чинакам универсал битимга айлантириш, унга шартномада қатнашувчи ядро давлатлари (Франция, Хитой)ни ва ядро қуроли ишлаб чиқариш арафасида турган, яъни саноат-техника даражаси ўз ядро қуролини яратиш имконини берадиган мамлакатлар (ЖАР, Исроил, Аргентина ва бошқалар)ни қамраб олиш, аynиқса, муҳим. Иккинчидан, МАГАТЭ кафолатлари тартибини янада такомиллаштириш. Учинчидан, ядро материаллари, ускуналари ва технологиясининг эксперти устидан назоратни кучайтириш. Тўртинчидан, барча давлатларнинг ҳеч қандай камситилишисиз, ядро қувватларидан тинчлик мақсадларда фойдаланиш технологиясидан олинадиган самараларга эга бўлишни таъминлаш. Бешинчидан, ядро материалларининг ва ускуналарининг ўғирланишидан амалда қўриқланишни, ифвогарона, террористик ва бошқа ёвуз мақсадларда фойдаланишдан сақланишни таъминлаш. Олтинчидан, ноядро мамлакатларнинг хавфсизлигини кафолатлашни мустаҳкамлаш. 1968 йил июнда Хавфсизлик Кенгаши бу масала юзасидан махсус қарор қабул қилди. Унинг маъноси қуйидагича: 1968 йил 1 июлда қабул қилинган Шартнома қатнашчиси бўлган давлат ядро қуролига эга бўлмасида, ядро қуролини қўллаш билан содир қилинган ёки шундай агрессия хавфининг объекти бўлса, у ҳолда Хавфсизлик Кенгаши БМТ Низомига биноан бу давлатга зарур ёрдамни кўрсатиши зарур. Айни пайтда уч ядровий давлатлар (Россия, АҚШ, Англия) Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси сифатида тегишли бир томонлама баёнот билан чиқди. Ривожланган давлатлар ядро қуролини ҳудудидан бундай қурол бўлмаган ноядровий давлатга қарши қўлланишдан воз кечиш тўғрисида 1978 йили баёнот берди ва шу сингари мажбуриятни ноядро давлатнинг хавфсизлигини кафолатлаш-

ни мустаҳкамлаш тўғрисидаги халқаро Конвенцияда мустаҳкамлаб қўйишни таклиф қилди. АҚШ ҳам ядро қурилмасига эга бўлмаслик мажбуриятини қабул қилган ноядро мамлакатларига қарши ядро қуролини қўлламаслик тўғрисида бир томонлама баёнот берди.

Ядросиз зоналар ядро қуролини муайян ҳудудда ҳар қандай шаклда жойлаштиришни тақиқлаш демилитарлаштириш институтига тааллуқлидир. Тўла демилитарлаштириш табиийки, зонани демилитарлаштиришга, яъни шу ҳудудда ядро қуролини жойлаштиришдан тўла воз кечишга ҳам олиб келади. Бинобарин, ўзига нисбатан умумий демилитарлаштириш эълон қилинган. Аланд ороллари, Урта ер денгизининг айрим ороллари, Шпицберген архипелаги, Антарктидани шундай зоналар дейиш билан бирга ядросиз зоналар деб ҳам қарамоқ керак.

Шунга қарамай муайян ядросиз зона барпо этиш, яъни қисман демилитарлаштириш ҳам кўзда тутилиши мумкин. Давлатларнинг халқаро ҳуқуқий тажрибасида бир неча шундай зоналар тузиш ҳоллари учрайди. 1947 йилда имзоланган Болгария, Венгрия, Руминия, Италия, Финляндия ўртасида тинчлик шартномалари, 1955 йилдаги Австрия билан тузилган Давлат шартномаси бўйича Оврўпода жаъми майдони 1163 минг квадрат километр ва аҳолиси 95 млн. кишини ташкил этувчи ҳудудда демилитарлашган зона барпо этилган эди.

Космик фазо ядросиз зона деб эълон қилинган. Космос тўғрисидаги 1967 йил 27 январдаги шартнома (1967 йил 10 октябрда кучга кирган) самовий объектларнинг тўла демилитарлаштирилганлигини эълон қилди. Бироқ қолган космик фазога нисбатан у ерда ядро қуроли ва бошқа оммавий қирғин қуроллари жойлаштиришни тақиқловчи меъёр амал қилади.

Денгиз ва уммонлар қаърида ядро қуроли ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини жойлаштиришни тақиқлаш тўғрисидаги 1971 йил 11 февралда имзо чекилган шартнома билан миллий ҳуқуқий доирадан ташқарида денгизлар ва уммонларнинг қаърида ва унинг тубида ядро оммавий қирғин қуроллари жойлаштириш тақиқланади (1972 йил 18 майда кучга кирган).

1967 йили 14 Лотин Америкаси мамлакати Лотин Америкасида Ядросиз зона тўғрисидаги Шартномани имзолади (Тлателлолко Шартномаси). У 1969 йил 25 ян-

варда кучга кирди. 1980 йилнинг 1 январига келиб 22 давлат шу Шартномага қўшилди. АҚШ ўз ядро базалари жойлашган Пуэрта-Рико ва Виргин оралларини шу шартноманинг таъсир зонасига қўшишга қарши эътироз билдирмоқда: Шартнома давлатларнинг ўз ҳудудларида ядро қуролини сақлашга, ундан фойдаланишга ва уни синаш ва ишлаб чиқаришга йўл қўймасликка, шунингдек, бу қуролни кимдан бўлмасин олмасликка бўлган мажбуриятларини ифодалайди. Шу билан бирга Шартнома қоидалари Тинч ва Атлантик уммонининг жуда катта ҳудудларига тааллуқли бўлиб, унда зона ҳудуди орқали ядро қуролини олиб ўтишни тақиқловчи қоида йўқ. АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Хитой Шартномага қўшимча протоколни имзоладилар. Бу протоколда ядро давлатлари томонидан унинг айрим қоидаларига нисбатан тегишли изоҳлар берилган ҳолда ядросиз зона мақомини ҳурматлаш кўзда тутилган.

Африкани ядросиз зона деб тан олиш масаласи Бош Ассамблеянинг 1961 йил 24 ноябрдаги 1652 (XVI) қарорида мустаҳкамлаб қўйилди. Африка ҳудудида реакция давлатларнинг ядро базалари мавжудлигини ҳисобга олиб, Африка мамлакатлари тегишли шартнома тузиш учун ноафрика давлатларининг ҳам иштирокида халқаро Конвенция чақиришни таклиф қилдилар.

Ер куррасининг турли минтақаларида: Марказий Оврўпода Шимолий Оврўпо, Болқон ярим ороли ва Урта ер денгизлари учун Тинч уммон ҳавзасида, Яқин Шарқда ва шу сингари айрим районларини ядровий демилитарлаштиришнинг кўпдан-кўп лойиҳалари илгари сурилди.

Стратегик қурол-аслаҳаларни чеклаш ва қисқартириш. Бу муаммонинг аҳамияти шундан иборатки, стратегик қурол-яроғлар, қурол-аслаҳаларнинг энг замонавий ва ғоят даҳшатли тури ҳисобланади, у ядро давлатлари жанговар қудратининг негизини ташкил этади.

1972 йили Москвада икки битим — ракетага қарши мудофаа тартибларини чеклаш тўғрисида Шартнома (ПРО) ва стратегик ҳужум қуролларини чеклаш соҳасидаги айрим чоралар тўғрисидаги Муваққат битим (СҚЧ-1) имзоланди (1). Улар ўша йилиёқ кучга кирди. Биринчи битим томонларнинг ўз ҳудудида ПРО таркибини жойлаштирмаслик ва ракетага қарши мудофаа комплекслари ва ракетага қарши учурувчи қурилмаларнинг муайян миқдори билан чекланиш мажбуриятини кўзда

тутади. Иккинчи битим эса қитъалараро баллистик ракета-кегаларнинг стационар учирш қурилмалари, сув ости кемаларидаги учирш қурилмалари ва баллистик ракетали замонавий сув ости кемаларини чекламайди (миқдор ва сифат жиҳатидан). Битимнинг амал қилиш муддати — 5 йил.

1979 йили Венада собиқ СССР билан АҚШ ўртасида стратегик қурооларни чеклаш (СҚЧ-2) тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Бу шартнома фақат чеклашгина эмас, балки қисқартириш чораларини ҳам кўзда тутуди; ядро қуроолини элтиб қўйиш воситаларининг тенг миқдор даражасини (масалан, стратегик ҳужум қуроолари ҳажми миқдорида 2250 бирликгача) белгилайди; чекланиши лозим бўлган қуроол-аслаҳа турларини анча кенгайтиради.

СҚЧ-2 тўғрисидаги Шартнома мамлакатлар ўртасида таркиб топган стратегик кенглик ва ундан келиб чиқувчи стратегик муқимликни сақлашни таъминлайди. Бу шартноманинг Америка Қўшма Штатлари томонидан ратификация қилиниши масаласи ҳануз очиқ қолиб келмоқда.

Кимёвий ва бактериологик қурооларни тақиқлаш. Бундай тақиқлаш 1925 йилги Женева протоколида ифодаланган. Бироқ, у фақат кўрсатилган қуроол турларини қўлланишга тааллуқли эди. Айти пайтда мазкур қуроолларнинг муттасил такомиллаштирилиши ва заҳираларига таҳдид солиш даражасидаги ҳажмларда тўпланиши уни ишлаб чиқариш ва сақлашни тақиқловчи тегишли халқаро ҳуқуқий нормаларини яратиш зарурлигини қатъий талаб қилмоқда. Кўпчилик мамлакатлар ўзларининг қўшма баёнотларида муаммони шу тахлитда ҳал этиш йўлларини кўп бора кўрсатиб берди. БМТ Бош Ассамблеясининг XXIV сессиясида улар кимёвий ва бактериологик қуроолларини тўла тақиқловчи Конвенция тузиш тўғрисидаги лойиҳа билан чиқдилар. Унда 1925 йилдаги Женева протоколининг бу қуроолни қўллашга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисидаги нормалари яна бир бор кўрсатилиб, уни ишлаб чиқариш ва сақлашни тақиқлаш тўғрисидаги янги нормалар таърифлаб берилди. Мавжуд заҳиралардан имкони бўлган тақдирда тинч мақсадларда фойдаланиши, имкон бўлмаган тақдирда бундай қурооллар йўқ қилиниши зарур. Бу масала Қуроолсизланиш қўмитаси Конвенциясида кўриб чиқилди. Бироқ ягона Конвенцияга қарши ғарб давлатла-

рининг эътирозлари натижасида иккита Конвенция (бактериологик қуролни тақиқлаш тўғрисида ва химиявий қуролни тақиқлаш тўғрисида) ишлаб чиқишга қарор қилинди. Қуролсизланиш қўмитаси конференция томонидан тайёрланган бактериологик (биология) ва токсинли қуролларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва жамғаришни тақиқлаш тўғрисида ва уларни йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенция лойиҳаси 1971 йили БМТ Бош Ассамблеяси томонидан маъқулланди. Конвенция Москва, Лондон, ва Вашингтонда 1972 йил 10 апрелда имзоланди (1975 йил 26 мартда кучга кирди).

Қуролсизланиш қўмитасида кимёвий, шунингдек, радиологик қуролларни шу тарзда тақиқлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш давом эттирилмоқда.

1992 йил кўкламида ривожланган давлатлар БМТнинг қуролсизланиш масалаларини муҳокама қилган иккинчи махсус сессиясида кўриб чиқиш учун кимёвий қуролларни ишлаб чиқиш ва жамғаришни тақиқлаш, уни йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенциянинг Асосий қоидалари лойиҳасини тақдим этди.

Оммавий қирғин қуролларининг янги турларини тақиқлаш қурол-аслаҳаларнинг муттасил такомиллаштирилиши ва уруш олиб боришнинг янги усулларида кўра кўпроқ вайронлик келтирувчи ёвуз воситаларни ишлаб чиқиш хавфи тегишли халқаро ҳуқуқий нормаларни яратишни тақозо қилади. Шу хилдаги янги қурол турларини тақиқлаш 1907 йилги Гаага Конвенцияларида ифодаланган. «Қуролларнинг янги турлари» таърифининг ноаниқлиги туфайли бу тақиқ самарасиз бўлиб чиқди. 1975 йили тинчликсевар давлатлар ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни тақиқлаш тўғрисидаги битим лойиҳасини (1977 йилги қўшимчалари билан) тақдим этди. Тақиқлаш жиҳати аниқлаштирилди, бу ёхуд ҳозирда илмий-техника принциплари асосида келгусида яратилиши мумкин бўлган, ҳозиргача оммавий қирғин қуролларини яратиш учун айрим ҳолда ёки жамланган тарзда қўлланилмаган ёхуд келгусида ихтиро қилиниши мумкин бўлган фан-техника принциплари ва вайрон қилиш, заҳарлаш таъсири жиҳатидан оммавий қирғин қуролларининг ҳозирги турларига ўхшаш ёки улардан янада кучлироқ қуролдир.

Кенг қамровли битим билан бир қаторда қуролнинг аниқ турлари (нейтрон, генетик, инфратовушли радиактив материаллар ёрдамида таъсир қилувчи нур билан

заҳарлаш ва бошқалар)ни тақиқлаш тўғрисида айрим шартномаларни ҳам тузиш таклиф қилинади.

1976 йил табиий муҳитга ҳарбий ёки таъсир кўрсатиш воситаларидан ҳар қандай душманлик йўлида фойдаланишни тақиқлаш тўғрисида Конвенция тузилди (1978 йил 5 октябрда кучга кирди). Бў ўринда ҳар қандай иштирокчи давлат табиатга кенг кўлами, узоқ муддатли ёки жиддий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир кўрсатиш (сунъий ер қимирлаш, сув тошқинлари, ўсимлик дунёсини қириб ташлаш ва бошқалар) йўли билан зиён етказиш ёки зарар етказиш хусусида сўз боради. Бу чоралар одатдаги қурола-аслаҳалар ва қуроли кучларни ялпи қисқартиришнинг, буюк давлатлар, шунингдек, энг қудратли ҳарбий кучга эга бўлган давлатлар қуроли кучларини йўқотиш ва чет эл қуроли кучларини бу ҳудудлардан олиб чиқиб кетиш; бомбардирмончи ҳарбий кемани ва ҳарбий денгиз флотларини қисқартириш; ҳарбий бюджетларни камайтириш ва бошқаларни ўз ичига олади.

5. Ядро урушининг олдини олиш ва давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш чоралари

Кўриб чиқилган халқаро ҳуқуқий воситаларнинг кўпчилиги (ядровий қурола-аслаҳалар, ядро қуролини қўлламаслик, уни тарқатмаслик, ядросиз зоналар ва бошқалар) ядро урушининг олдини олиш мақсадларига хизмат қилади. 90-йилларга келиб, ядро урушининг олдини олиш мақсадига бағишланган махсус битимларнинг бутун бир тартиби таркиб топди. Бундай битимларни икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Урушининг бир хиллари умуман давлатлараро муносабатларни яхшилашга, қуролини низолар бошланиб кетишига сабаб бўладиган вазиятларнинг олдини олишга қаратилган, томонлар ўз зиммаларига ядро урушига тортиш хатарли ҳолатининг олдини олиш учун барча куч ғайратларини (шошилиш маслаҳатлашувлар ва бошқалар) қўллаш мажбуриятларини олди.

Бошқалари ядро қуролини тасодифан ёки санкцияланган тарзда қўлланишига чек қўйишга қодир механизмни ташкил этиш мақсадини кўзлайди. Улар, жумладан, мавжуд ташкилий ва техник чораларни такомиллаштиришни, ядровий тўқнашувлар хусусида дарҳол ах-

борот бериш, иккинчи томондан нотўғри талқин қилинган вазиятларни тушунтириб бериш; ҳукуматлар ўртасидаги тўғри алоқа йўлларида фойдаланишни кўзда тутати.

Ўзбекистон Республикаси ядровий хавфсизлик муаммоларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. «Биз, — дейди президент И. А. Қаримов, — Марказий Осиё минтақаси ядровий қурооллардан ҳоли ҳудуд деб эълон қилинишига эришмоқчимиз. Айрим қўшни давлатлар ядро қуролига эга бўлишга ошкора интилаётганлиги бизни айниқса ташвишга солмоқда».¹

Хельсинки кенгаши Яқунловчи актида қатнашувчи давлатлар олдиндан бир-бирларини:

— қуруқликдаги қўшинларнинг ўтказилаётган барча йирик ҳарбий машқлари тўғрисида;

— кичик кўламдаги ҳарбий машқлар чегарада давлатлар яқинидаги ҳудудда ўтказилаётган бўлса, улар ҳақида;

— қўшинларнинг йирик кўчирилиши тўғрисида хабардор қилишга шартлашиб олдилар.

Айни бир пайтда ҳарбий машиналарда кузатувчилар айрибошлаш, ҳарбий делегацияларнинг ташрифлари ва бошқалар ҳам кўзда тутилди.

Ҳарбий соҳада ишончни мустаҳкамлашнинг бошқа муҳим тадбирларига:

— мавжуд ҳарбий сиёсий гуруҳларни кенгайтириш ва янгиларини ташкил этишдан воз кечиш;

— уларни тарқатиб юбориш;

— қурул савдосини чеклаш;

— Ер шарининг турли ҳудудларида (Жануби-Шарқий Осиё, Оврўпо, Ҳинд уммони, Урта ер денгизи ва бошқа ерларда) тинчлик зоналарини вужудга келтиришга аҳд қилинди.

6. Қўшилмаслик

Қўшилмаслик ҳаракати иккинчи жаҳон урушидан кейин юзага келди ва ҳозирда юздан ортиқ давлатни бирлаштириб турибди. Мустамлака асоратидан халос бўлган мамлакатларнинг асосий кўпчилиги мазкур ҳаракатда қатнашмоқда. Улар мавжуд ҳарбий иттифоқларда иштирок этишдан чиқишларини эълон қилди. Ҳаракатнинг «қўшилмаслик» номи шундан келиб чиққан.

¹ Ислом Қаримов, Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997, й. 14-бет.

Қўшилмаган давлатлар фаол антиреакцион, анти-мустамлакачилик, антимилитаристик, ташқи сиёсий йў-лини ўтказмоқда, тинч-тотув яшаш, халқаро кескинлик-ни юмшатиш сиёсатини қўллаб-қувватлаб чиқмоқда, барча давлатларнинг хавфсизлиги учун халқаро муно-сабатларни демократлаштириш (шу жумладан, янги халқаро иқтисодий ҳуқуқ тартиботни вужудга келти-риш), ирқчи ва апартеиднинг тугатилиши учун кураш-моқда. Қўшилмаган давлатларнинг низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, қуролсизланиш, қуролланиш пойга-сини тўхтатиш ва хавфсизликнинг бошқа масалалари бўйича кўпгина ташаббуслари маълум. Улар ер шарининг турли ҳудудларида тинчликка таҳдид солувчи зид-диятчи вазиятларни бартараф этишга кўмаклашиш учун ўз маънавий нуфузи ва сиёсий салмоғидан фойдалан-моқда.

Шундай қилиб, қўшилмаслик ҳаракати умумий тинч-лик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашнинг му-ҳим омилига айланди.

«Қўшилмаслик» тушунчаси энг аввало давлатнинг ташқи сиёсий йўналишини характерлайди. Адабиётда кўп қўлланадиган «қўшилмаслик сиёсати» атамаси шун-дан келиб чиққан. Бу қўшилмаган давлатнинг ўзи ва бошқа мамлакатлар мажбуриятларининг муайян жам-ланиши билан биргаликдаги юридик ҳолатидир.

Қўшилмаган давлатнинг мажбуриятлари фақат унинг ички давлат ҳужжатлари — қонунлари, баёноtlари ва Декларацияларида эълон қилинмайди. Бу мажбуриятлар халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар — икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар (масалан, 1963 йилги Африка бирлиги Ташкилоти Хартияси) да биргаликдаги баёноtlар ва коммюнекеларда, қўшилмаган давлатлар ирода-сида мувофиқлаштириб олишнинг ўзига хос шакли бўл-ган қўшилмаган давлатлар конференциялари қарорлари ва Декларацияларида ҳам қайд этилади.

Қўшилмаган давлатлар:

— ўз ҳудудларини чет эл ҳарбий базаларини барпо этиш учун бериб қўйишдан воз кечишни, мустамлакачи-лар ҳуқумронлиги вақтидан қолган ҳарбий базаларни тугатишни талаб қилиб чиқишни;

— буюк давлатлар иштирокидаги ҳарбий-сиёсий ит-тифоқларда (реакцион давлатларнинг ҳарбий блокла-рида) иштирок этишдан воз кечишни эълон қилдилар. Қўшилмаслик ҳаракати бу мажбуриятларни у ёки бу

давлатларнинг унинг иштирокчилари қаторига қабул қилиш тўғрисидаги масалани қараб чиқишнинг зарур шarti сифатида расман эълон қилди. Шу билан бирга қўшилмаслик концепцияси қўшилмаган давлатларнинг ўз-мудофаа битимлари ва иттифоқчиларида (икки томонлама асосларда ҳам, минтақавий асосларда ҳам) иштирок этишни, шунингдек, БМТ доирасида халқаро тинчликни сақлаш бўйича ҳаракатларда ҳам қатнашишни инкор этмайди. Кейинги ҳаракат, биринчи навбатда БМТ Низомининг VI бобига биноан тинчлик хусусидаги ҳаракатларга тааллуқлидир. 1978 йили Ироқ, Сурия, Йорданиянинг ЯХДР ва ЯАР ўртасидаги қуролли можарони бартараф этиш чоғида воситачилиги, шунингдек, 1980 йили Эрон-Ироқ зиддияти муносабати билан Кубанинг (қўшилмаган давлатлар вакили сифатида) дипломатик актлари бундай иштирокнинг намуналаридир. Қўшилмаган давлатларнинг Хавфсизлик Кенгаши қарорлари бўйича ҳам, БМТ Низомининг VII ва VIII боблари асосида минтақавий органларининг қарори бўйича амалга оширилладиган мажбур қилиш характердаги иштироки ҳам содир бўлиши мумкин. Бир қатор қўшилмаган давлатлар (Ҳиндистон, Индонезия, Непал, Колумбия, Гана, Кения, Сенегал ва бошқалар) масалан, Кипр ва Яқин Шарқда тинчликни таъминловчи БМТ кучлари таркибига кирган эди.

Қўшилмаслик ҳаракатининг ҳужжатларида унинг қатнашчилари халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича фаол ҳаракат қилиши зарурлиги алоҳида таъкидланади.

Юқорида тилга олинган асосий қондаларнинг йиғиндиси қўшилмасликнинг юридик тушунчасини ташкил этади, ҳаракатнинг ўз моҳиятини ифодалайди.

Қўшилмаслик ҳаракати муайян ташкилий расмийлаштириш босқичидан ўтган. Вақти-вақти билан қўшилмаган давлатларнинг конференциялари чақирилади. Бундай конференциялар 1961 йили Белградда, 1964 йили Қоҳирада, 1970 йили Лусакада, 1973 йили Жазоирда, 1976 йили Коломбада, 1979 йили Гаванада, 1983 йили Дехлида бўлиб ўтди.

Конференциялар ўртасидаги даврда Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши ва мувофиқлаштирувчи бюро иш олиб боради (1973 йили тузилган; 1970—1973 йиллари муваққат қўмита иш олиб борган). Мувофиқлаштирувчи

Бюро навбатдаги Конвенциялар ва кенгашларни тайёрлаш, давлатларнинг ташқи сиёсий акцияларини, шу жумладан, БМТ доирасида ҳам, мувофиқлаштириш, иқтисодий ҳамкорлик дастурлари бажарилишини назорат қилиш, низоларни тинч йўл билан ҳал қилинишига ёрдамлашиш ва бошқалар бўйича ижрочи орган ролини бажаради.

БМТга АЪЗО ДАВЛАТЛАР
(1996 йил 31 август маълумоти)

Аъзо давлатлар	Қабул вақти	Бадал миқ- дори БМТ бюджетига % ҳисобда	Аҳолиси
I	II	III	IV
Афғонистон	19 ноябрь 1946 й.	0,01	17 690 000
Албания	14 декабрь 1955 й.	0,01	3 389 000
Жазоир	8 октябрь 1962 й.	0,16	26 722 000
Андорра	28 июль 1993 й.	0,01	61 000
Ангола	1 декабрь 1976 й.	0,01	10 276 000
Антигуа ва Барбуда	11 ноябрь 1981 й.	0,01	65 000
Аргентина	24 октябрь 1945 й.	0,57	34 180 000
Арманистон	2 март 1992 й.	0,13	3 732 000
Австралия	1 ноябрь 1945 й.	1,51	17 627 000
Австрия	14 декабрь 1955 й.	0,75	8 015 000
Озарбайжон	2 март 1992 й.	0,22	7 391 000
Багам ороллари	18 сентябрь 1973 й.	0,02	269 000
Бахрейн	21 сентябрь 1971 й.	0,03	539 000
Бангладеш	17 сентябрь 1974 й.	0,01	115 203 143
Барбадос	9 декабрь 1966 й.	0,01	260 000
Белоруссия	2 март 1992 й.	0,48	10 188 000
Бельгия	27 декабрь 1945 й.	1,06	10 046 000
Белиз	25 сентябрь 1981 й.	0,01	205 000
Бенин	20 сентябрь 1960 й.	0,01	5 215 000
Бутан	21 сентябрь 1971 й.	0,01	1 596 000
Боливия	14 ноябрь 1945 й.	0,01	7 237 000
Босния ва Герцеговина	22 май 1992 й.	0,04	3 707 000
Ботсвана	17 октябрь 1966 й.	0,01	1 443 000
Бразилия	24 октябрь 1945 й.	1,59	153 792 000
Бруней-Дарусса- лам	21 сентябрь 1984 й.	0,03	274 000
Болгария	14 декабрь 1955 й.	0,13	8 452 000
Буркина-Фасо	20 сентябрь 1960 й.	0,01	9 682 000
Бурунди	18 сентябрь 1962 й.	0,01	5 958 000
Камбоджа	14 декабрь 1955 й.	0,01	9 308 000
Камерун	20 сентябрь 1960 й.	0,01	12 522 000
Канада	9 ноябрь 1945 й.	3,11	28 973 000

I	II	III	IV
Кабо-Верде	16 сентябрь 1975 й.	0,01	370 000
Марказий Африка Республикаси	20 сентябрь 1960 й.	0,01	3 156 000
Монако	28 май 1993 й.	0,01	31 000
Монголия	27 октябрь 1961 й.	0,01	2 318 000
Марокко	12 ноябрь 1956 й.	0,03	26 069 000
Мозамбик	16 сентябрь 1975 й.	0,01	15 583 000
Мьянма	19 апрель 1948 й.	0,01	14 596 000
Намибия	23 апрель 1990 й.	0,01	1 461 000
Непал	14 декабрь 1955 й.	0,01	20 812 000
Нидерландия	10 декабрь 1945 й.	1,50	15 352 000
Янги Зеландия	24 октябрь 1945 й.	0,24	3 493 000
Никарагуа	24 октябрь 1945 й.	0,01	4 401 000
Нигер	20 сентябрь 1960 й.	0,01	8 361 000
Нигерия	7 октябрь 1960 й.	0,20	105 264 000
Норвегия	27 ноябрь 1945 й.	0,55	4 331 000
Оман	7 октябрь 1971 й.	0,03	2 018 000
Покистон	30 сентябрь 1947 й.	0,06	122 802 000
Палау	15 декабрь 1994 й.	—	16 000
Панама	13 ноябрь 1945 й.	0,02	2 583 000
Папуа-Янги Гвинея	10 октябрь 1975 й.	0,01	3 922 000
Парагвай	24 октябрь 1945 й.	0,02	4 643 000
Перу	31 октябрь 1945 й.	0,06	22 454 000
Филиппин	24 октябрь 1945 й.	0,07	65 649 000
Польша	24 октябрь 1945 й.	0,47	38 513 000
Португалия	14 декабрь 1955 й.	0,20	9 868 000
Катар	21 сентябрь 1971 й.	0,05	486 000
Корея			
Республикаси	17 сентябрь 1991 й.	0,69	43 500 000
Молдова			
Республикаси	2 март 1992 й.	0,15	4 356 000
Руминия	14 декабрь 1955 й.	0,17	22 755 000
Россия			
Федерацияси	24 октябрь 1945 й.	6,71	48 366 000
Руанда	18 сентябрь 1962 й.	0,01	7 554 000
Сент-Люсия	18 сентябрь 1979 й.	0,01	139 000
Сент-Винсент ва Гренада	16 сентябрь 1980 й.	0,01	110 000
Самоа	15 декабрь 1976 й.	0,01	163 000
Сан-Марино	2 март 1992 й.	0,01	24 000

I	II	III	IV
Саудия Арабис- тони	24 октябрь 1945 й.	0,96	17 119 000
Сан-Томе ва Принсипи	16 сентябрь 1975 й.	0,01	122 000
Сенегал	28 сентябрь 1960 й.	0,01	7 902 00
Сейшел ороллари	21 сентябрь 1976 й.	0,01	72 000
Сьерра-Леоне	27 сентябрь 1961 й.	0,01	4 297 000
Чад	20 сентябрь 1960 й.	0,01	6 098 000
Чили	24 октябрь 1945 й.	0,08	14 026 000
Хитой	24 октябрь 1945 й.	0,77	1196 360 000
Колумбия	5 ноябрь 1945 й.	0,13	34 520 000
Комор ороллари	12 ноябрь 1975 й.	0,01	607 000
Конго	20 сентябрь 1960 й.	0,01	2 443 000
Коста-Рика	2 ноябрь 1945 й.	0,01	3 199 000
Кот-д'Ивуар	20 сентябрь 1960 й.	0,02	13 316 000
Хорватия	22 май 1992 й.	0,13	4 511 000
Куба	24 октябрь 1945 й.	0,09	10 941 000
Кипр	20 сентябрь 1960 й.	0,02	726 000
Чех Республи- каси	19 январь 1993 й.	0,42	10 331 000
Корея Халқ Демократик Республикаси	17 сентябрь 1991 й.	0,05	23 048 000
Дания	24 октябрь 1945 й.	0,60	5 205 000
Жибути	20 сентябрь 1977 й.	0,01	557 000
Доминика	18 декабрь 1978 й.	0,01	71 000
Доминика Республикаси	24 октябрь 1945 й.	0,02	7 608 000
Эквадор	21 декабрь 1945 й.	0,03	11 221 000
Миср	24 октябрь 1945 й.	0,07	56 488 000
Сальвадор	24 октябрь 1945 й.	0,01	5 517 000
Экваториал Гвинеяси	12 ноябрь 1968 й.	0,01	379 000
Эритрея	28 май 1993 й.	0,01	3 345 000
Эстония	17 сентябрь 1991 й.	0,07	1 507 000
Хабашистон	13 ноябрь 1945 й.	0,01	56 900 000
Микронезия Федератив Штатлари	17 сентябрь 1991 й.	0,01	105 000
Фиджи	13 октябрь 1970 й.	0,01	762 000
Финляндия	14 декабрь 1955 й.	0,57	5 082 000
Франция	24 октябрь 1945 й.	6,00	57 804 000

I	II	III	IV
Габон	20 сентябрь 1960 й.	0,02	1 012 000
Гамбия	21 сентябрь 1965 й.	0,01	1 026 000
Грузия	31 июль 1992 й.	0,21	5 471 000
Олмония	18 сентябрь 1973 й.	8,93	81 255 000
Гана	8 март 1957 й.	0,01	16 446 000
Юнонистон	25 октябрь 1945 й.	0,35	10 350 000
Гренада	17 сентябрь 1974 й.	0,01	92 000
Гватемала	21 ноябрь 1945 й.	0,02	10 322 000
Гвинея	12 декабрь 1958 й.	0,01	6 306 000
Сингапур	21 сентябрь 1965 й.	0,12	2 874 000
Словакия	19 январь 1993 й.	0,13	5 333 000
Словения	22 май 1992 й.	0,09	1 989 000
Соломон ороллари	19 сентябрь 1978 й.	0,01	355 000
Сомали	7 ноябрь 1960 й.	0,01	8 954 000
Жанубий Африка	7 ноябрь 1945 й.	0,41	40 436 000
Испания	14 декабрь 1955 й.	1,98	39 150 000
Шри Ланка	14 декабрь 1955 й.	0,01	17 619 000
Судан	12 ноябрь 1956 й.	0,01	28 129 000
Суринам	4 декабрь 1975 й.	0,01	414 000
Свазиленд	24 сентябрь 1968 й.	0,01	809 000
Швеция	19 ноябрь 1946 й.	1,11	8 756 000
Сурия Араб Республикаси	24 октябрь 1945 й.	0,04	13 393 000
Тожикистон	2 март 1992 й.	0,05	5 767 000
Таиланд	16 декабрь 1946 й.	0,11	58 584 000
Олдинги Югосла- вия республикаси			
Македония	8 апрель 1993 й.	0,02	2 083 000
Того	20 сентябрь 1960 й.	0,01	3 885 000
Тринидад ва То- баго	18 сентябрь 1962 й.	0,05	1 260 000
Тунис	12 ноябрь 1956 й.	0,03	8 570 000
Гуркия	24 октябрь 1945 й.	0,27	60 227 000
Туркменистон	2 март 1992 й.	0,06	3 921 000
Уганда	25 октябрь 1962 й.	0,01	19 940 000
Украина	24 октябрь 1945 й.	1,87	52 114 000
Бирлашган Араб Амирлиги	9 декабрь 1971 й.	0,21	1 206 000
Буюк Британия	24 октябрь 1945 й.	5,02	58 191 000
Танзания			
Бирлашган Республикаси	14 декабрь 1961 й.	0,01	28 019 000

I	II	III	IV
Америка Қўшма Штатлари	24 октябрь 1945 й.	25,00	258 233 000
Уругвай	18 декабрь 1945 й.	0,04	3 149 000
Ўзбекистон	2 март 1992 й.	0,26	21 860 000
Вануату	15 сентябрь 1981 й.	0,01	156 000
Венесуэла	15 ноябрь 1945 й.	0,49	20 712 000
Вьетнам	20 сентябрь 1977 й.	0,01	71 324 000
Йаман	30 сентябрь 1947 й.	0,01	12 302 000
Югославия	24 октябрь 1945 й.	0,14	10 507 000
Зоир	20 сентябрь 1960 й.	0,01	41 231 000
Гвинея-Бисау	17 сентябрь 1974 й.	0,01	1 028 000
Гайана	20 сентябрь 1966 й.	0,01	816 000
Гаити	24 октябрь 1945 й.	0,01	7 041 000
Гондурас	17 декабрь 1945 й.	0,01	5 770 000
Мажористон	14 декабрь 1955 й.	0,18	10 275 000
Исландия	19 ноябрь 1946 й.	0,03	263 000
Ҳиндистон	30 октябрь 1945 й.	0,36	901 459 000
Индонезия	28 сентябрь 1950 й.	0,16	189 136 000
Эрон-Ислом Республикаси	24 октябрь 1945 й.	0,77	59 359 000
Ироқ	21 декабрь 1945 й.	0,13	19 454 000
Ирландия	14 декабрь 1955 й.	0,18	3 503 000
Исроил	11 май 1949 й.	0,23	5 383 000
Италия	14 декабрь 1955 й.	4,29	57 057 000
Ямайка	18 сентябрь 1962 й.	0,01	2 411 000
Япония	18 декабрь 1956 й.	12,45	124 236 000
Иордания	14 декабрь 1955 й.	0,01	4 936 000
Қозоғистон	2 март 1992 й.	0,35	16 925 000
Кения	16 декабрь 1963 й.	0,01	28 113 000
Қувайт	14 май 1963 й.	0,25	1 433 000
Қирғизистон	2 март 1992 й.	0,06	4 474 000
Лаосс Халқ Демократик Республикаси	14 декабрь 1955 й.	0,01	4 605 000
Латвия	17 сентябрь 1991 й.	0,13	2 544 000
Ливан	24 октябрь 1945 й.	0,01	2 806 000
Лесото	17 октябрь 1966 й.	0,01	1 943 000
Либерия	2 ноябрь 1945 й.	0,01	2 640 000
Ливия Араб Жамахирияси	14 декабрь 1955 й.	0,24	4 700 000
Лихтенштейн	18 сентябрь 1990 й.	0,01	30 000
Литва	17 сентябрь 1991 й.	0,15	3 735 000

I	II	III	IV
Люксембург	24 октябрь 1945 й.	0,06	395 000
Мадагаскар	20 сентябрь 1960 й.	0,01	12 092 000
Малави	1 декабрь 1964 й.	0,01	9 135 000
Малайзия	17 сентябрь 1957 й.	0,12	19 247 000
Мальдив ороллари	21 сентябрь 1965 й.	0,01	238 000
Мали	28 сентябрь 1960 й.	0,01	10 135 000
Мальта	1 декабрь 1964 й.	0,01	366 000
Маршалл ороллари	17 сентябрь 1991 й.	0,01	52 000
Мавритания	27 октябрь 1961 й.	0,01	2 161 000
Маврикий	24 апрель 1968 й.	0,01	1 098 000
Мексика	7 ноябрь 1945 й.	0,88	93 008 000
Замбия	25 август 1980 й.	0,01	10 739 000
Зимбабве	1 декабрь 1964 й.	0,01	8 936 000

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлмаган, лекин унинг айрим фаолиятида иштирок этадиган давлатларга белгиланган бадал миқдори.

Ватикан	0,01
Науру	0,01
Швейцария	1,16
Тонга	0,01

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3

УМУМИЙ ҚИСМ

I- БОБ. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

1. Халқаро ҳуқуқ мустақил ҳуқуқлар тизими. 7
2. Халқаро ҳуқуқнинг тарихий турлари 8
3. Халқаро ҳуқуқ соҳалари. Халқаро оммавий ва халқ-
аро хусусий ҳуқуқ. 9

II- БОБ. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ТАРИХИ ВА УНИНГ ФАНИ 10

III- БОБ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИ СУБЪ- ЕКТЛАРИ

1. Субъект тушунчаси 21
2. Халқаро ҳуқуқий субъектлик мазмуни. 22
3. Субъектларнинг турлари 22
4. Давлатларнинг ҳуқуқий субъективлиги 23
5. Ўз мустақиллиги учун курашаётган миллатлар ва
халқларнинг халқаро ҳуқуқий субъектлиги 25
6. Давлатларни тан олиш 27
7. Давлатларнинг мерос ҳуқуқи. 31
8. Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий субъективлиги 33

IV- БОБ. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИП- ЛАРИ

1. Асосий принциплар тушунчаси 36
2. Асосий принципларни классификациялаш. 37
3. Тинч-тотув яшаш принципи 38
4. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга бевосита
тааллуқли принциплар 39
 - а) Куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик
принципи 39
 - б) Давлатларнинг ҳудудий бутунлиги принципи 43
 - в) Чегараларнинг бузилмаслиги принципи. 43
 - г) Қуролсизланиш принципи 44
5. Халқаро ҳамкорликнинг умумий принциплари. 46
 - а) Давлатларнинг суверен тенглиги принципи. 46
 - б) Қўшилмаслик принципи 48
 - в) Миллатлар ва халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз
тақдирини ўзи белгилаш принципи. 50
 - г) Давлатларнинг ҳамкорлик принципи 52
 - д) Инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш принципи 53
 - е) Халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш при-
нципи. 54

V- БОБ. ХАЛҚАРО ВА ИЧКИ ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ НИСБАТИ

1. Халқаро ва ички давлат ҳуқуқининг ўзаро таъсир
қилиш асослари 6

2. Халқаро ва ички давлат ҳуқуқлари муносабатининг ҳозирги замон назарияси.	57
3. Халқаро ҳуқуқ, унинг нормаларининг ички давлат ҳуқуқи нормалари билан муносабати тўғрисида. . .	58
4. Ички давлат ҳуқуқи нормаларининг халқаро ҳуқуқ нормалари билан муносабати тўғрисида. . .	59
5. Халқаро ташкилотларнинг қарорлари ва давлатларнинг ички ҳуқуқи.	62

II. МАХСУС ҚИСМ.

VI- БОБ. ХАЛҚАРО ШАРТНОМА ҲУҚУҚИ

1. Халқаро шартнома ҳуқуқи ва уни кодификациялаш.	64
2. Томонлар ва шартномаларда қатнашиш ҳуқуқи. . . .	64
3. Шартномаларни тузиш.	67
4. Шартномаларнинг шакли ва тузилиши.	72
5. Шартномаларнинг амал қилиши.	74
6. Шартномалар амал қилишининг ҳуқуқий эмаслигининг тугатилиши ва тўхтатиб қўйилиши	77

VII- БОБ. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ҲУДУД

1. Давлат ҳудудлари	80
2. Давлат чегаралари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати. . . .	83
3. Халқаро дарёларнинг ҳуқуқий ҳолати	85
4. Халқаро ер кенглиги.	87
5. Антарктиданинг ҳуқуқий мақоми.	88
6. Арктиканинг ҳуқуқий мақоми.	89
7. Космик фазо ва самовий массалар.	90

VIII- БОБ. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА АҲОЛИ

1. Аҳолининг ҳуқуқий масалаларини халқаро тартибга солиш.	90
2. Фуқаролик халқаро ҳуқуқий масалалари	92
3. Чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати	98
4. Қочоқлар	99
5. Бошпана ҳуқуқи	100
6. Ҳозирги халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш	101

IX- БОБ. ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

1. Халқаро конференциялар	106
2. Халқаро ташкилотлар.	112
3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти	123
4. БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилотлари.	134
5. Тинчлик ва хавфсизлик масалалари бўйича минтақавий ташкилотлар	138
а) Араб давлатлари Лигаси (АДЛ).	138
б) Африка Бирлиги Ташкилоти (АБТ).	140
в) Америка Давлатлари Ташкилоти (АДТ).	141
г) Жануби-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН)	142

Х-БОБ. ДИПЛОМАТИК ВА КОНСУЛЛИК ҲУҚУҚ

1. Ҳозирги замон дипломатик ва консуллик ҳуқуқининг умумий тавсияномаси	142
2. Ташқи муносабатлар органи	145
3. Дипломатик ваколатхоналар	146
4. Савдо ваколатхоналари	159
5. Халқаро ташкилотлар ҳузуридаги давлатларнинг доимий ваколатхоналари	160
6. БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхона ходимларининг имтиёз ҳамда иммунитетлари	161
7. Махсус миссиялар	163
8. Халқаро ташкилотларнинг имтиёзлари ва иммунитетлари	164
9. Консуллик ваколатхоналар	166

XI-БОБ. ХАЛҚАРО ДЕНГИЗ ҲУҚУҚИ

1. Халқаро денгиз ҳуқуқи тушунчаси	172
2. Ички денгиз сувлари	173
3. Ҳудудий денгиз	174
4. Очиқ денгиз	177
5. Халқаро кема қатнови учун фойдаланилаётган бўғозлар	180
6. Халқаро каналлар	181
7. Континенталь шельф	183
8. Халқаро денгиз ташкилотлари	184

XII-БОБ. ХАЛҚАРО ҲАВО ҲУҚУҚИ

1. Халқаро ҳаво ҳуқуқининг келиб чиқиши ва ривожланиши	186
2. Халқаро ҳаво ҳуқуқи тушунчаси	187
3. Давлатларнинг ўз ҳаво ҳудудида тўла суверенитетлик принципи	188
4. Халқаро ҳаво кенглигида учиб эркинлиги принципи	189
5. Халқаро фуқаро авиацияси хавфсизлигини таъминлаш принципи	190
6. Халқаро ҳаво қатновини тартибга солишнинг асослари	192
7. Халқаро фуқаролик авиацияси ташкилоти. (ИКАО)	193

XIII-БОБ. ХАЛҚАРО КОСМИК ҲУҚУҚ

1. Тушунчаси ва манбаълари	195
2. Космик фазо ва самовий jismlарнинг ҳуқуқий ҳолати	198
3. Қосмонавтлар ва космик объектларнинг ҳуқуқий ҳолати	201
4. Космик фаолият учун ҳуқуқий масъулият	203

XIV-БОБ. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚ

1. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ тушунчаси	205
--	-----

2. Қарама-қарши ғоялар кураши шароитида халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг шаклланиши.	207
3. Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида иш олиб боровчи халқаро ташкилотлар.	209
4. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ манбалари.	212
5. Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг мақсадлари ва принциплари.	213
6. Халқаро иқтисодий шартномалар.	221

XV-БОБ: ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚ

1. Халқаро экология ҳуқуқи тушунчаси.	224
2. Атроф-муҳитни халқаро ҳуқуқий муҳофазалаш принциплари	226
3. Атроф-муҳитни халқаро ҳуқуқий муҳофаза қилиш объеклари	228
4. Жаҳон уммони муҳити ва бойликларининг халқаро ҳуқуқий муҳофазаси	229
5. Кўп миллатли дарёларнинг халқаро ҳуқуқий муҳофазаси	233
6. Ер атмосферасининг халқаро ҳуқуқий муҳофазаси.	234
7. Ер атрофи космик фазонинг халқаро ҳуқуқий муҳофазаси.	235
8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ташкилотларнинг фаолияти.	236

XVI-БОБ. ХАЛҚАРО НИЗОЛАРНИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАДА ҲАЛ ЭТИШ

1. Халқаро низолар ва уларни ҳал этиш воситаларининг турлари	238
--	-----

XVII-БОБ. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК

1. Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси.	248
2. Давлатлар жавобгарлигининг асосланиши.	250
3. Давлат жавобгарлиги келиб чиқиши учун айбдорлик аҳамияти.	254
4. Ҳуқуқий фаолиятнинг зарарли оқибатлари учун давлат жавобгарлиги	255
5. Халқаро жиноятчиликнинг классификацияси.	256
6. Халқаро ҳуқуқий жавобгарликнинг турлари ва шакллари.	257
7. Халқаро ташкилотларнинг жавобгарлиги.	260
8. Шахсларнинг халқаро жиноий жавобгарлиги.	262

XVIII-БОБ. ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ДАВЛАТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИГИ (Халқаро жиноят ҳуқуқи)

1. Давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги ҳамкорлиги, вазифалари ва ҳуқуқий механизми.	264
---	-----

2. Давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги ҳам-корлигининг халқаро ҳуқуқий тартиби. 266
3. Халқаро ташкилотлар ва конференцияларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги роли. 267

II. ХАЛҚАРО ХАРАКТЕРДАГИ ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА ЖИНОЯТЧИЛАРНИ ЖАЗОЛАШ БУЙИЧА ДАВЛАТЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

1. Халқаро характердаги жиноятларнинг халқаро ҳуқуқий белгиланиши. 268
2. Ҳуқуқий судловни тайинлаш ва жазонинг барқарорлигини таъминлаш (жиноий жавобгарликни тартибга солиш). 270

III. ЖИНОИИ ИШЛАР БУЙИЧА ҲУҚУҚИЙ ЕРДАМ.

1. Умумий тавсиф 272
2. Жиноятчиларни тутиб бериш. 272
3. Озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг жазони ўташ учун улар фуқароси бўлган давлатга топширилиши. 274

XIX-БОБ. ҚУРОЛЛИ ЗИДДИЯТЛАР ДАВРИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

1. Уруш олиб боришнинг халқаро ҳуқуқий тартибга солинишининг мақсадлари ва вазифалари 275
2. Уруш ҳолати ва унинг ҳуқуқий оқибатлари. 276
3. Ҳарбий ҳаракатларнинг кенглик чегаралари (уруш театри) 277
4. Ҳарбий зиддиятларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар. 279
5. Ҳарбий ҳаракатларнинг қатнашчилари 281
6. Уруш қурбонларининг халқаро ҳуқуқий муҳофазаси. 282
7. Урушнинг тугаши ва унинг халқаро ҳуқуқий оқибатлари 283
8. Агрессор давлатлар ва шахсларнинг халқаро ҳуқуқий масъулияти 286

XX-БОБ. ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК ҲУҚУҚИ

1. Ҳозирги даврда жаҳон урушининг олдини олиш имконияти 286
2. Халқаро хавфсизликни таъминлашнинг умумий халқаро ҳуқуқий воситалари 288
3. Коллектив хавфсизлик. 289
4. Қуролсизланиш ва қурол-яроғни чеклаш. 294
5. Ядро урушининг олдини олиш ва давлатлар ўртасида ишончини мустаҳкамлаш чоралари. 304
6. Қўшилмаслик. 305
БМТга аъзо давлатлар 309

Махсус нашр

Ўзбек тилида

Асадулла МАМАТҚУЛОВ

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

Муҳаррир **Дилбар ДАДАЖОН қизи**

Рассом **А. БАҲРОМОВ**

Техник муҳаррир **М. САИДОВА**

Босмахонага 21.10.97 й. да берилди. Босишга 26.11.97 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108^{1/32}. Босма табағи 10,0 л. Шартли босма табағи 16,8 л. Нашриёт босма табағи 16,8 л. Адади 5000. Буюртма № 4043. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Адолат»
нашриёти, 700047. Тошкент, Сайилгоҳ кўчаси, 5.

Ўзбекистон Республикаси матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.